



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Ўрозбой Абдурахмонов	Абдуваҳоб Нурматов
Акрамжон Адизов	Баҳамдулло Нурабуллаев
Эркин Воҳидов	Абдулла Орипов
Туробжон Жўраев	Тўра Саидов
Наим Каримов	Сирожиддин Саййид
Тўра Мирзаев	Йўлдош Солижонов
Иқбол Мирзо	Хайриддин Султонов
Минҳожиддин Мирзо	Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод



МУНДАРИЖА

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Бобур Алимов. Энг азиз байрам арафаси 3

НАСР

Қамчибек Кенжа.

Палахмон тошлари. Роман. Бошланиши 8

Аҳмад Аъзам. Дутор билан танбур. Ҳикоя 64

Нилуфар. Беошён яралган аёл. Қисса 96

ШЕЪРИЯТ

Ҳалима Аҳмад. Ишқ тонгининг хошияси. Шеърлар 39

Икром Отамурод. Қуш. Достон 48

Ёқубжон Аҳмаджонов.

Бойчечакка боқиб завқинг зиёда. Шеърлар 76

Жаҳонгир Исмоилов.

Деразангни оламга очгин. Шеърлар 79

Абду Наби. “Беш наво”лар. Туркумдан 142

Озод Ҳушназарзода. Йиллар ўтди... Шеърлар 144

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Гуллаётган куртаклар. Ёшлар мушоираси 88

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Захро Ҳасанова. Оймома, ёнимга туш. Шеърлар 149

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ҳусниддин Шарипов. Ижод мактаби 45

Минҳожиддин Мирзо. Содиқ ҳамдам 46

НАВОИЙ САБОҒИ

Дилором Салоҳий.

“Дардингга Навоий ҳолин истишҳод бил” 42

МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

Зухриддин Исомиддинов. “Тарих унутмайди...” 82

ЁДНОМА

Фарида Ҳусаинова.

“Чархийдек бир дўстингиз оламга

камдан-кам келур” 146

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Муҳаммадjon Холбеков. Жаҳон адабиётида

умуминсонийтамойиллар 151

Ҳафиз Абдусаматов. Адиб драматургияси 156

Йўлдош Солижонов. Олим яратган мўъжизалар 159

Қўнақбай Турдибаев.

Лирикада руҳий ифоданинг ўзига хослиги 162

Сафарали Қурбонов. Изланиш сиралари 164

НОДИР САҲИФАЛАР

Султон Валад. Маърифатнома. 167

ГУЛҚАЙЧИ

Акбар Рустамов. Ҳажвиялар 174

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2011

1-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монетлик кўрсатилса Тошкент — 100000, Амир Темура тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.
Обуна индекси — 911, 932

Манзилимиз:
100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99
www.sharqyulduzi.uz
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
10.02.2011 йил.
Қоғоз бичими 70x108 1/16.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 2800 нусха.
Буюртма № 1014-11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган. «Ўқитувчи» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Янги шаҳар кўчаси, 1-уй.

Саҳифаловчи:
Акбарали Мамасолиев
Мусахҳих:
Дилфуза Маҳмудова

Сотувда: «Ўзбекистон почтаси»
бўлимларидан сўранг
Copyright © «Шарқ юлдузи»



Бобур АЛИМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ АРАФАСИ

Севимли ва мўътабар журналимиз – “Шарқ юлдузи”нинг бу йилги илк сони учун ушбу мақолани ёзиш асносида, аввало, янги бошлаганимиз 2011 йилда нишонланадиган қутлуғ саналар ва воқеалар хаёлимдан бир-бир ўтди.

Бу йил, аввало, тинчлик ва тотувлик, яратиш ва янгилашни иштиёқи билан яшаётган диёримизда барчамизни энг улуг, энг азий ва муқаддас байрамимиз – мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги тантана қилинади.

Йигирма йилда бир йигит улғайиб, вояга етади, оқу қорани танийди, ақли тўлишиб, элу юртининг қадр-қимматини жуда яхши англайдиган, дўсту қариндошларининг қадрини биладиган ва бир рўзғорга бош бўладиган навқирон даврга қадам қўяди. Атак-чечак қила бошлаган илк кунларидан то куч-қувватга тўлгунигача чекилган заҳматларни оқлайдиган паллага етиб келади.

Асрлар бўйи орзу қилинган, юракларда, дилларда ва ижод намуналарида яшаб келган бу қутлуғ воқеанинг йигирма йиллик тўйига ҳар ким ўз тўёниси билан келиши табиий, албатта. Юртимиз учун оғир йилларда халқимизнинг узоқ тарихидан тортиб, яқин-яқинларгача кўз қорачиғидай авайлаб-асраб келинган урф-одатлар, анъаналар, муқаддас қадамжолар, қадимий қўлёмалардан тортиб, то маросимларгача – ҳамма-ҳаммаси битта ягона мақсадга – ўзлигимизни сақлаб қолишга хизмат қилиб келган, менимча, бу жараёнда, энг катта вазифа ижод аҳлининг зиммасига тушган эди. Муҳтарам Президентимиз эътироф этганларидай, “...шунини айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида, ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган”.

Дарҳақиқат, ўша даврларда ёзилган энг кичик шеърдан ҳикоя, қисса ва романларгача бўлган турли жанрлардаги асарларда акс этган миллий руҳ авлодлар шуурига бадиият ва адабий образлар орқали кириб борди. Президентимиз таъкидлаганларидек, мустақилликкача бўлган даврдаги миллий адабиётимиз ана

шу хусусияти билан ҳам қадрли ва ҳам эъзозга лойиқдир. Ўтган юз йил мобайнида яратилган бадиий ижод намуналари миллий ўзлик, миллий ғурур, миллий онг ва дунёқарашни айнан урф-одатлар ва анъаналар кўринишида сақлаб, иқтисодий ва ижтимоий бўҳронлардан соғ-саломат олиб ўтди. Яъни, маҳдудлик даврида маданият ва санъат миллийликнинг халоскори ўлароқ халққа хизмат қилди. Бугунги шарафли кунларимизда эса, миллийлигимизнинг халоскори ва ҳимоячиси, ўз-ўзидан маълумки, мустақил ва улуғ давлатимиздир.

Йигирма йил мобайнида жамиятнинг барча соҳалари қатори, маънавий-маданий соҳаларда ҳам тенгсиз ўзгаришлар амалга оширилди. Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов **“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”** рисолаларида миллатнинг, халқнинг маънавий тараққиётида, комил инсонни тарбиялаш йўлида адабиётнинг ҳиссаси беназир эканини қуйидагича эътироф этадилар:

“Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдидан янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрларидан келиб чиққан ҳолда, мен маънавиятни ва унинг ажралмас қисми бўлган адабиётни, инсонни турли янглиш йўллардан, ёвузликдан, бадбинликдан асровчи қудратли куч, деб атаган бўлар эдим. Ватан ва халқ бир вужуд бўлса, маънавият унинг руҳидир. Кишиларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли ижод айнан ана шу руҳни юксалтиришга ва ҳимоялашга хизмат қилади. Зотан, инсонга инсонлигини кўрсатиб турадиган, уни жамият ва кишилар учун беназир қиладиган манба – маънавият ва адабиётдир. Шу боис ҳам улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий сўзга ва унинг маъноларига:

Жисм бўстониға шажар сўздур,

Руҳ ашжорига самар сўздур, – дея таъриф берган эдилар.

Йигирманчи асрнинг бошларидаги миллий уйғониш давридан то мустақилликкача бўлган вақт мобайнида яшаган жуда кўп зиёлилар халқнинг ўзлигини сақлаб қолишини энг муқаддас орзу, она тилимизни эса энг қутлуғ мерос, деб билган эдилар. Бошқача айтадиган бўлсак, оталар истибдод даврида яшаб, юракларининг туб-тубидаги орзуларини ижодлари саҳифаларига яширган бўлсалар, бугун фарзандлар ана ўша рўёбга чиққан орзуларнинг, мустақил элу юртнинг бунёдкорларидирлар.

Бугун, кишиларимизнинг ўз тақдирига ишончи собит бўлгани боис ҳам юрагимиз ғурур ва ифтихорга тўла, албатта. Чунки, ижтимоий, иқтисодий соҳада тубдан ўзгаришлар яшаш, саноатдан то таълимгача бўлган барча тизимларни қайтадан қуриш каби улкан вазифалар амалга оширилди. Озодлигимизнинг йигирма йиллик байрамига ҳам шон-шараф, фахру ғурур ила етиб келдик. Аслида, бу йигирма йил – аҳамияти юзлаб йилларга тенг бир муддат, ҳар бир кун бир йилга татигулик эмасми? Қишлоқ хўжалигидан то оғир саноатгача бўлган соҳаларда ҳар бир кун янги бир қадам босиш, янги ва энг асосийси – узоқни кўзлаган тўғри қарор қабул қилиш заҳмати билан кечмадимми? Ҳа, мустақиллик – бу, барча соҳаларни, яъни, иқтисоду сиёсатдан то руҳиятгача, саноатдан таълимгача қамраб олган тушунчадир. Мустақил миллий таълим, миллий саноат, миллий ишлаб чиқариш, миллий хавфсизлик, миллий армия, миллий ижтимоий ҳимоя... буларнинг бари “миллий”

деган ном замирида бирлашар экан, ҳар бири умуммиллий ва ғоят улкан вазифалар бўлиб олдимишга қўйилган эди. Юртбошимиз раҳнамоликларида халқимиз ана шу бунёдкорона одимларини шараф билан босиб ўтди. Бугунгача қўйилган ҳар бир қадам мана шу халқнинг, миллатнинг эртанги кунини ўйлаб, чуқур мулоҳаза қилиб қўйилган ғоят катта аҳамиятга эга қадамлар эди, десак муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам мамлакат миқёсидаги улкан ислохотлар муваффақиятли амалга оширилди, барча соҳалар тубдан янгиланди, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат бобида мамлакатимиз ўзининг ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини намоён қилиб қўйди!

Юртимиз бугун ўз миллийлигини сақлаган тараққиёт моделига эга. Аҳамияти улкан бўлгани боис ҳам дунёнинг кўпчилик ўлкалари мамлакатимиздан ўрнатилган бошлагани бежиз эмас. Халқ хўжалигининг турли соҳалари қаторида, маънавият ва адабиётга алоқадор чора-тадбирларнинг ўзи ҳам ўта салмоқли. Давлатимиз раҳбарининг **“Юксак маънавият – енгилмас куч”**, **“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”** рисоалари, **“Ижод”** фондиди ташкил этиш тўғрисидаги қарори, **“Дўрмон”** ижод уйини қайта таъмирлаш ва самарали фойдаланиш борасида берган қимматли йўл-йўриқлари фикримизнинг исботидир. Булар – келажакдаги бундан ҳам улкан ижодий ишларнинг, ёрқин истиқболнинг дебодаси экани, шубҳасиздир.

Изчиллик ҳақида сўз кетганида, яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**нинг алоҳида боби: **“Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш”**, деб номланган. Албатта, сиёсий тизимни такомиллаштириш, давлат бошқарувини, суд-ҳуқуқ тизимини, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ислоҳ қилиш жараёнлари жамиятнинг умумий ривожланиши билан, маънавиятнинг, шу билан бирга, адабиётнинг ҳам қай даражада ривожлангани билан чамбарчас боғлиқ.

Концепцияда юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жамиятни модернизация қилиш, маънавиятнинг, адабиётнинг демократик ислохотлар жараёнидаги аҳамиятини янада ошириш борасида бир қанча аниқ таклиф ва вазифалар қўйилган. Модернизация сўзи **“тубдан сифат ўзгариши”** маъносини билдирса-да, бизда янада кенгроқ моҳият касб этди. Бу юртимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда, янги босқичга қадам қўйилаётгани, жамиятда янги сифат ўзгаришларини амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланаётганидан далолатдир. Бугунги кунда, иқтисодиёт билан баббаравар маънавий модернизация ҳам зарур. Кишиларнинг онгги, дунёқараши ҳам ўзгариши керак. Миллий-маънавий кадрларни қалбида маҳкам тутган янги аср кишиси – дунё билан баббаравар одим отадиган, аммо, ўзлигини унутмаган, ватанпарвар, фидойи, ғурурли, ўзгаларнинг урф-одатларини ва анъаналарини ҳурмат қиладиган, ҳамжиҳатлик тамойилларига мос интеллектуал киши бўлиши керак, албатта. Бундай фазилатлар мана шу йигирма йил мобайнида тамал тоши қўйилган ва муттасил ривожланиб бораётган жамиятимизнинг келажак авлоди – ёшларимизда янада кўпроқ намоён бўлади, деган умид ёзувчи, шоирларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашдек олий вазифани ҳамиша ёдда сақлашимиз лозимлигини уқтиради.

Шунинг учун ҳам ҳукуватимиз томонидан юксак маънавиятли, ҳар жиҳатдан баркамол авлод тарбиясида оммавий ахборот воситаларига, адабиётимизга, ноширлик ва муҳаррирлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий ахборот воситалари жамият ҳаётини чуқур жой олаётган, ахборот алмашинув жараёнлари глобаллашиб бораётган бир шароитда, ўсиб келаётган ёш авлодни енгилелпи **“оммавий маданият”** намуналарининг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Табиийки, **«оммавий маданият»** деган

ниқоб остида ахлоқсизлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хат-тарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Давлатимиз раҳбари амалий дастур ҳисобланган “Концепция”да, жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга ошириладиган мазмунан янги босқичга ўтиш масаласига тўхталар эканлар, оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти, моҳияти ва улар фаолиятини эркинлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталганлар. Маънавият минбари ҳисобланмиш оммавий ахборот воситалари бетиним ўзгариб бораётган давр шиддатини акс эттиргани ҳолда, жамиятимиз кишини миллий-маънавий анъаналаримизга мос ва уйғун равишда олға қадам босишига кўмак бериши лозим. Мустақиллик даври адабиёти, бугунимизнинг ва эртанги кунимизнинг, минг йил аввалги аждодларимизнинг орзу-армонларидан яхши хабардор, маҳдудлик асоратларини унутмаган ва мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлнинг шиддатини, заҳматини ва кўламини жуда яхши англайдиган замонавий кишининг руҳий-маънавий қиёфасини тасвирлаши, жамиятдаги ўрнини кўрсатиши ва бугунги кун шиддати билан баббаравар қадам қўядиган, керак бўлса, бир қадам олдинда юрадиган замонамиз кишининг образини яратиши, фуқароларимиз, айниқса, ёшлар онги ва қалбига сингдириши зарурлиги англашилмоқда.

Жамиятимиз бу борада ҳам ижод аҳлига эҳтиром кўрсатиб, ардоқлаб келинаётгани Президентимизнинг рисоаларида ва нутқларида, қатор дастурларда ҳамда тадбирларда яққол кўриниб турибди. Яна шуни таъкидлашни истар эдикки, дунёнинг ҳеч бир мамлакатига адабиётга, маънавиятга бундай кенг кўламли эҳтиромни топиш қийин. Бу эҳтиром ва ғамхўрликлар ижод аҳлига жамиятнинг бошқа зарур соҳалари қаторида янада кўпроқ масъулият ва бурч юклайди, чунки, айнан, мана шу янгиланиш руҳини ифода этиш ижодкорларнинг зиммасидадир.

Атрофимизда ютуқлар ва муваффақиятлар билан бир қаторда, ҳали ечимини топмаган бир талай муаммолар ҳам бор. Эскича ва янгича тафаккур орасидаги зиддиятлар, маҳдудлик давридан қолган ва ҳали-ҳануз халос бўлолмаганимиз турли бидъатлар ва иллатлар шулар жумласидандир. Мана шулар ҳам адибларимизнинг асарларида, улар яратадиган замонавий қаҳрамонларнинг курашларида ўз аксини топмоғи керак.

Адабиётимизнинг бугунги вазифалари қаторида, билдирилган юксак ишончга мос равишда ҳақиқатан ғурурли, ўзлигини англаган, барча анъаналарини қадрлайдиган, эл-юртини севиб ардоқлайдиган интеллектуал қаҳрамон образини гавдалантириш вазифаси ҳам бор. Булар Ёзувчилар уюшмаимизнинг, ноширларимизнинг, муҳаррирларимизнинг ва барча қалам аҳлининг Ватан олдидаги муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришиш асосий мақсадимиздир.

Яна бир мулоҳаза. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, яна бир энг улуг анъанага – ёшларимизни миллий маънавий руҳда тарбиялашга, уларни ҳимоялашга ва келажак авлодни етиштиришга қаратилган изчил тадбирлар бир лаҳза бўлсин ҳукуватимиз эътиборидан четда қолгани йўқ. Ёшларимизнинг ҳар бир қадами – болалар боғчасидан мактабгача, коллеждан олий ўқув даргоҳигача бўлган йўли муттасил авайланиб-ардоқланиб келинмоқда, уларнинг орасидан бугунимиз ва эртанги кунимиз истеъдодларининг рўёбга чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Адабиёт борасида ҳам шуларни айтиш мумкин. Табиийки, ижодкорларимиз, дунёда содир бўлаётган турли ижтимоий ҳодисаларни, манфаатлар тўқнашувларини, шиддат ила ёпирилиб келаётган информацион таҳдидларни жуда яхши англаган ҳолда, келажак ниҳолларини она Ватанга садоқат ва ҳурмат руҳида тарбиялашдай улкан жараёнга ўз ҳиссаларини қўшадилар, албатта.

Муқаддас байрамимиз – мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги ҳақида сўз кетганида, яна шуни қўшимча қилардимки, адабиётимизнинг ва маънавиятимизнинг

кўзгуси бўлмиш мўътабар нашримиз – халқимиз севиб-ардоқлайдиган “Шарқ юлдузи” журнали саксон йилдан бери ўзбек адабиётининг кўзгуси бўлиб келмоқда. Унинг бугунги қиёфаси янаям тубдан ўзгармоқда. Адабиётимизнинг истиқлол давридаги камоли, шубҳасиз, қадрдон журналимизнинг ҳар бир сонида ўзининг ифодасини топади. Зеро, ҳозирдаёқ мамнуният билан айтиш мумкинки, адабий-бадиий ижод жараёнига янги-янги навқирон истеъдодлар қўшилмоқда. Уларни ҳам эл-юртга танитиш журналнинг асосий вазифаларидан.

Ўйлайманки, олдимизда турган муҳим ҳаётий вазифаларни бажаришга ҳар жиҳатдан тайёрмиз. Фақат юракдаги қўр янада оловланиб, ғайрату шижоатимиз авжланмоғи зарур. Шундагина истиқлолимиз одимларига ҳамнафас, ҳамқадам бўла оламиз.



Агар мақсад эзгу бўлмаса, билим иблисга айланади.

Платон

Идеал ҳаётнинг йўқлиги аниқ. Аммо бахтли ҳаёт кечирса бўлади.

Грег Эванс



НАСР



Қамчибек КЕНЖА

ПАЛАХМОН ТОШЛАРИ

Роман

*Истиқлолни орзулаб ўтганлар хотирасига ҳамда
мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланади*

Муаллиф

Ўлсам, юзимни Ватаним тарафга қаратиб кўминелар

Муҳожир васияти

Биринчи қисм

ҚОЧИШ. АНДИЖОН – ҚАШҚАР



I

Дастлабки кунданоқ Бекназарнинг ичи хотинига илимади.

Келинчакнинг ҳусни-малоҳати бинойидек эди: қош-кўзлари қора, юзлари нафармон рангли, бўйи ҳам Бекназарга мос, хуллас, четдан қараганда куёв-қайлиқ бир-бирларига жуда муносиб, узукка кўз кўйгандек эди. Аммо...

Бекназар Шоҳистанинг даккисидан кейин қизларга деярли тикилиб қарамас, ғурури поймол этилган ўша аламли дамларни эсласа, ҳануз юзи ўз-ўзидан қизариб, қизиби кетаверарди.

У синфдоши Шоҳистани ёқтириб қолганди...

Қизга зимдан тикилиб-тикилиб кўярди-ю, бет келиб гапиролмасди. Бир куни дилидагини қоғозга битди-да, холироқ жойда Шоҳистанинг камзули чўнтагига сездирмай солиб қўйди. Эртасигача қандай жавоб ёзаркин, деб ўйланиб, роса ҳаяжонланди. Юраги гупуриб, мактабга барвақт жўнади. Синфда ҳеч ким йўқ эди. Шиддат билан кириб келган Шоҳиста Бекназарнинг ёнида тўхтади-ю, чўнтагидан хатни чиқарди ва уни майда-майдалаб йиртиб «ошиқ»нинг партасига сочиб юборди, сўнг сумкасини ўз партасига зарда билан ташлади-да, яна тез-тез юриб чиқиб кетди. Бекназар ўша пайтда ер ёрилса кириб кетишга рози эди... Лекин қиз мардлик ҳам қилди – нома ҳақида бировга оғиз очмади, йигитнинг ўзига ҳам қайтиб ҳеч нима демади. Бекназар дарсларга муккасидан берилди-ю, қайтиб ҳеч қаёққа қинғаймади, қизларга яқин йўламади.

Акасидай бошини иккита қилиб, бўйнига олаҳуржунни олиб қўйишларидан чўчиган Бекназар Андижондаги ўқитувчилар тайёрлаш институтига ўқишга киришни мўлжаллади. Бироқ Дармонқул ака уни шаштидан қайтарди.

– Қамалаётганлар, таъқиб-тазйиққа, қувғинга учраётганларнинг ҳаммаси ўқиганлар, илму зиё эгалари бўляпти, ҳозирги замонда илм панд беряпти, холос. Аммо хунардан одам ҳеч қачон фириб емайди. Ота касбини эгаллаган эса иккала дунёдаям кам бўлмайди, – деди у.

Бекназар қиблагоҳнинг амри вожиб деб уққан солиҳ фарзандлар сирасидан эди, арра-тешани олиб, унинг ёнига кирди.

– Фақат, отамга айтинг, мени уйланишга шошилтирмасин, – деди у онасига.

Аслида падари бузруквор ҳам тўй қилишга ошиқаётгани йўқ, уларнинг қўллари юқароқ эди. Йигит йигирма бешга яқинлашганда қийин-қистов билан бўйин эгди. Кўнгли ҳамон чопмасди. Бежиз безилламаган экан...

Катта ўғилни хорижга кетган амакига қарашли, асосий қисми мусодара қилинган ҳовлининг бир четидаги қийтиқ ерга наридан-бери том солиб чиқаришган. Уйда бўйи етиб қолган бир сингил бор – онаизор отанинг пойтеша чопиб топган пулига кўз тикиб ўтирар, рўзғорга ажратилган маблағдан ҳам чегириб бир нималар олиб, қизининг сеп сандиғига ташлаб турарди.

Бекназар хос хонага уялиб-тортинибгина кирди. Гўшангадан кучли атир ҳидлари тараларди. Лампа чироқнинг хира шуъласида оҳорли кўрпалар шундоққина ерга тўшалган ва сирли туюлаётган ўринни кўриб ҳаяжонга, саросимага тушган куёв боланинг шуури эса ўзга ташвишлар билан банд эди.

Анъанага кўра, биринчи оқшом ўша ғаройиб, сеҳрли ўринга мослашиш, висол туни арафасидаги руҳан тайёргарлик кечаси бўлиши лозим. Лекин ташқарида ҳали ғала-ғовур батамом тинмаган. Даҳлзда келин-куёвларнинг ҳиссиётларини жунбишга келтириш мақсадида ўзларининг эрга узатилган куни бошидан ўтказган ҳолатлар хусусида баланд овозда валақлашиб ўтирган тафтишчи – янгаларнинг салобати босдимми, қоидага хилоф, ножўя ҳаракат содир этиб қўйишдан чўчидими, куёв бола жойнинг нариги четида тескари қараб, кўрпага бурканган ҳолда, нафаси қайтиб, пишиллаб ётган келинчак томон сурилишга журъат қилмади. Боз устига бир неча кундан бери тўй ташвишлари, ташкилий юмушлар билан у ёқдан бу-ёққа чопиб толиққан, вақт эса ҳам алламаҳал бўлиб қолган эди. Юраги гупиллаб-гупиллаб пасайди.

* * *

Эртасига кун бўйи ўртоқлари билан қўшниларникида дам олишди. (Бу ҳам бир таомил-да!). Тўйхонадан гўшт ва бошқа емишлар олиб чиқиб, маишат қилишди. Уйланганлар ўзларининг тўйлари, висол оқшомидаги ажаб, қизиқ кечмишлари тўғрисида гапириб, куёв боланинг кўнглига дам ғулғула, дам ҳаяжон солиб, жўяли ҳам қитмирона йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб ўтиришди. Кечга томон Бекназарнинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Бугун у ўз никоҳига қабул қилган, хотин деган бир умрлик маҳрам ва ҳамдамни бағрига, паноҳига олмоғи, шу билан эътиборан йигитлик имтиҳонидан ўтиб, ўзга бир дунёга қадам қўймоғи зарур... У кечагидан сал берироқда, яқинроғида юзини шифтга қаратган кўйи кўзларини юмиб, лабларини қимтиб ётган келинпошшага кўрпа остидан аста қўл чўзди. Қизнинг сесканиб-сапчиб кетиши, ўзини нари тортишини кутган эди, келинчак салгина титранди, худди бунақа гўшангаларни аввал ҳам кўрган-у,

баданига эркак панжасининг тегиши оддий ҳолдай, ваҳоланки, унинг учун ҳам бу илк синов ва умридаги илк ҳаяжонли, энг ҳадиқли, энг завқвор тун эди. Йигит келиндаги бу ҳолат унинг табиатан совуққонлигиданми ё бефарқлигиданми – тушунолмамай ҳайратда эди. Яна синамоқ учун қизнинг у ер-бу ерига гўё беихтиёр бармоқ теккизиб кўрди. Келинчак ўзини жиддий, сипо тутишга, куёв қўлининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатларига қаршилиқ кўрсатмаслик учун қитиғи, сезгиларини куч билан жиловлаб ётганга ўхшарди. Бекназар шундай хаёл қилди. Шу билан бирга унинг ичига илоннинг боласидай гумон ўрмалади. Наҳотки?.. Шароб ва масъулият туфайли кўзғалган эҳтирос оловига гўё сув сепилди. Иштиёқ отлиқ гижинглаган саманнинг шашти пасайди. Ширин, хушомадли сўзлар, мулойим силаб-сийпалашлар илинжида юраги ҳаприқаётган қиз эса, балки йигит ҳаракатларининг сустигидан, унинг мизождан хавотирлангандир, ахир келинчаклар ҳам эрта-индин дугоналари ва бошқалар назарига, муҳокамасига тушишини биладилар ва ўз қайлиқларининг дангаллиги, чапдастлиги, баҳодирлиги билан... ғурурланишни хоҳлайдилар-да... «Ёқмадиммикин?..» деган ҳадиқ юрагини наштардай тилиб ўтди, аъзои бадани қизиди, назарида юзлари ловуллаб кетаётгандек, иягигача тортилган кўрпани ёндириб юборадигандек туюлиб, кўрпани сал туширди. Лекин миқ этмасди, албатта куёв соқовдай жим бўлгач, келин нима ҳам дерди? Бири шифтга, иккинчиси деворга қараб, кўзларини юмганича, гўё бир-бировидан уялгандек, бир-бирига тегиб кетишдан авайлангандек, нафасларини ичига ютиб ётишарди.

Кечанинг қолган қисми, даҳлиздаги янгаларнинг шивир-шивирини ҳисобга олмаганда, деярли сокин, осойишта ўтди. Балки «сокин», «осойишта» сўзлари бу ўринда у қадар жоиз эмасдир, зеро, келинпошша ҳам, куёв тўра ҳам қарийб тонггача чала кўзғалган, қониқмаган ҳиссиётлар оламида беором, хаёлларнинг ҳар хил кўчаларида кезиб чиқишгандир.

Ниҳоят, узоққа чўзилган тун ҳам чекиниб, тонг ёриша бошлади. Қоидага кўра, куёв чимилдиқли хонадан эрта саҳар туриб чиқиб кетиши лозим, лекин у ўй суриб ёта-ёта азонга яқин ухлаб қолган эди, келинчак ҳам, янгалар ҳам уни уйғотишга истиҳола қилишарди. Бир пайт кўзини очди-ю, апил-тапил ўзини ташқарига урди. Уйлари орқасидаги ариқчада юз юваётган эди, ён қўшниникида том ёпаётган ҳазилкаш уста Боқи «Қуллуқ бўлсинми, куёв бола?» деб гап солди. Бекназарнинг қулоғи чимиллаб, бутун вужудидан аланга чиқиб кетгандай бўлди-ю, ўзини эшитмаганга олиб, дарвоза томон шитоб юрди. Кўчада дўстлари кутиб туришганди. Улардан бири «бўримми, тулкими?» деб сўради жилмайиб.

Бекназар асабий қўл силтади.

Бугун энди оғайнилардан бириникида ўтиришди.

«Қани, гапир-чи, нима бўлди ўзи?» – дея қийин-қистовга олишди, ҳар хил аскиялар қилишди.

Бекназар қандай сабаб, ваз кўрсатишга ҳайрон эди. Келинчакнинг миқ этмай, писмайиб ётиши борасида гапириб юборай-гапириб юборай деб оғиз жуфтлади-ю, «арпа ун баҳона...» дея баттар қулишларини ўйлаб, тилини тийди. Ҳаяжонланганини рўқач қилди.

– Бўпти, майли. Баъзан шунақаям бўлади. Қизлардан узоқ юрганингни оқибатида, – дейишди. Дадиллик учун ҳам иссиқлик... деб, коньяк ичиришди. Чиндан ҳам Бекназарнинг ичи қизиди, хаёлида унда тоғни урса толқон қилгудек шижоат, куч пайдо бўлди, нохуш таассуротлар чекинди, жаҳдга уйқаш майл уйғонди.

Чимилдиқда эса яна кечаги, ўтган кунгидек анвои ҳидлар анқирди, лекин ўз оғзидан май иси бурқсиб тургани боис, Бекназарга унча таъсир қилмади. Калласида устанинг эрталабки тағдор ва тигдор саволи айланарди. Аҳди қатъийлашди. Лекин... Кечагидан ҳам ғалати ҳолат юз берди. Куёвнинг ўз тахминларию «тажрибали» ўртоқларнинг башоратлари тасдиғини топмади: келинчак томонидан кўрқиш, чўчиш ниқобидаги ибю андиша мақомида кўрсатилажак қаршилиқларни енгиш, мудофаани даф этиш учун узоқ ва қизгин жанг олиб боришга, тавсия этилган ҳужум усулларини қўллашга ҳам ҳожат бўлмади. Таажжубу ҳайронлик гирдобиде қолган йигит тонггача

гумону иштибоҳлар дунёсида изғиб, унсиз тўлғониб чиқди. Сўнг эса ўзича мушоҳада юритиб бир фикрга келди: «хоним» тезроқ куёвнинг «хасмига айланиб олиш» ниятида монесизлик, таслимчилик йўлини маъқул кўрган, аввалдан шу чорага ўзини тайёрлаган бўлса керак...

Хуллас, кейинги куни янгилар тарқалишди, қудалар тарафга хушхабар кетди. Бекназарнинг кўнглига ҳам ёруғлик тушди, аммо... Майл, иштиёқ нимагадир қайта авжланмади, сустигича қолди. Ҳолбуки, қиз ўша кундаги ўз мусалламлигини кейинчалик гап орасида бошқача изоҳлаб ўтди. Яъни, келинпошшага ҳам турмуш кўрган дугоналари чимилдикда юз беражак воқеалар тўғрисида ҳазил-чин аралаш гапириб, уни пишиқтириб қўйишган, хусусан ортиқча таннозлигу уялиш билан куёв болани қийнамаслик, кўзда тутилган иш тезроқ амалга ошмаса, йигитнинг номус ўтида қовурилиб, ошна-оғайнилари ўртасида изза тортиши, натижада қиздан совиб қолиши мумкинлиги, куёвнинг қайлиғига қанчалик меҳр-муҳаббат қўйиши келинчакнинг айнан ўша илк висол чоғларида ўзини қандай тутишига, йигитга бахш этажак завқу сурурга боғлиқлигини уқтиришган, «қўйинга кириш кечаси кўнгилга ҳам кириш кечасидир», дея таъкидлашган экан. Шунингдек, масъул шахслар – янгилар ҳам «бу иш»нинг хамирдан қилни пичагина қаттиқроқ суғуришдай гаплиги, очиқ – чирой билан, хушлашиб қовушиш келгусидаги тотувликнинг асосий гарови эканлигини Рашиданинг қулоғига қайта-қайта қўйишган эди. Қолаверса, ёлғиз қиз тўрт ака-ука орасида, улар билан тортишиб-туртишиб, кўрпада, қорларда думалашиб улғайгани боис, қитиғи ҳам эрта кунда барҳам топган, бинобарин, эркак билан аёл танасининг илк бор бир-бирига тегишидан ҳосил бўладиган учқунлар аллақачон сезилмай чақнаб сўнган, бу борада билиб-билмай йигитнинг рағбатини қайтариб қўймаслик ёки унда шубҳа уйғотиш хусусида қайғуриш эсига ҳам келмаганди. Ўзининг эътирофича, висол тунида у аввалига ғаройиб бир оламга тушиб қолгандай ҳаяжонланиб ётган-у, сўнг юқоридаги панду ўғитлар қулоқлари остида қайта жаранглай бошлагач, ўзини қўлга олган ва майли, ризолигини сохта сапчишлару титроқларсиз, сукут билан изҳор айламоққа жазм этган. Зеро, ўзининг ҳам суйиб теккан ёрини ранжитиш, изза тортириш нияти йўқ эди. Шунингдек, у туни билан кўзлари эшик тирқишида бўлган янгилару қулоқларини динг қилиб кутишаётган маҳалла аёллари, қариндош-уруғлар, «улоқ»ни олдириб юбориб доғда қолган қизлар олдида юзи тезроқ ёруғ бўлишини истаганди.

Бу иқрорни ҳам келинчакнинг тилидан суғуриб олиш осон кечмади: у дамдуз эди. Ишларни индамай қилаверар, биров бир нима сўраса «ҳа» ё «йўқ» сўзи қимтилган лаблари орасидан аранг сирғалиб чиқар, ўзича минбаъд гап қўшмасди. Қайнона – қайнсингил – овсинлар билан суҳбатлашиб ўтиришни ҳам хуш кўрмасди. Овқат маҳалида-ку миқ этмайди. Мана шу феъли кўпчиликка унча сингмади. Бош хусусияти «булбулигўё»лик бўлган аёл зоти оламида бу камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса эди.

– «Ичимдан топ»ниям жа бўлакчасидан экан-а, – дерди Раҳима бош чайқаб.

– Ҳа-я, юраги димланиб, ёрилиб кетмайдимикин? – қўшимчиларди келиная.

«Висир-висир»ларнинг мазмунидан хабар топган қайнота: «Сизларга қулоғингизни қоқиб қўлингизга берадиган бўлса яхшимиди?!» деб танбеҳ берарди. Лекин у ўғлининг ҳам келинчак билан муносабати сустроқлигидан хавотирланиб қўярди. Бу борадаги ахборот ҳам ожизалар орқали етиб келди: Бекназар кўнгилсиз эмиш...

– Нима сабабдан, шу камгаплиги учунми?

Бу саволнинг жавоби аниқ эмас эди. Она елкаларини қисди.

– Менам ҳайронман. Сўрасам, ўғлингиз тузук гапирмайди.

– Ҳай, секин-аста илиб қолади.

Бироқ, Бекназарнинг илишидан дарак йўқ эди. Эски китоблар воқеаси дард устига чипқон бўлди.

II

Улар ўртаҳол яшашарди. Чунки, анча йиллар бурун юрт бойларининг мол-дунёлари тортиб олиниб, ўзлари Сибирь, Украина ва бошқа олис, совуқ юртларга бадарга этилиб, туғилиб ўсган гўшаларидан излари батамом қуритилгач, биров бойишни хавас қилмай қўйган. Ҳамма бир амаллаб кун ўтказиш нияти билангина яшар, ҳеч ким катта даромад

келтирадиган «ёғли» ишлар кетидан қувмас, ҳатто йирик-йирик раҳбар-амалдорлар ҳам маошдан ўзгасини деярли қўзлашмас, «порахўрлик» деган сўз аҳён-аҳёндагина қулоққа чалиниб қолса-да, кўпчилик унинг мазмунини ҳам дуруст англамасди. Кейинги, пора деса ўзини томдан ташлайдиган, халқ мулки бўлган савдо марказининг эскалаторини ҳеч тап тортмай данғиллама уйига ўрнатиб оладиган, уч-тўрт кишидангина иборат оиласи учун йигирма-ўттиз хонали, қават-қават қошоналардан иборат ҳовли-жойлар қуриш борасида ким ўзар ўйнайдиган мансабдору аҳли бизнеслар ҳали гўдак ёйинким оналарининг қорнида, оталарининг белида эдилар. Бинобарин, фаровонлик, ободонлик ҳам ўша сиёсатга яраша: аҳоли жўнгина, қишлоқларда ҳатто лойсувоқли, бўйра билан ёпилган кулбаларда умргузаронлик қилишарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинроқ, эллигинчи йиллар бошида катталарда фикр бир оз ўзгариб, сиёсат, бошқарув тизгини андак бўшашдимми, одамлар тетикланиб, қурби етганлар бошпаналарини сал-сал ростламоққа киришдилар.

Бекназарларнинг уйлари ҳам анча путурдан кетган эди. Дармонқул ака-ку шунисигаям шукр деб юрарди, илло, ўғиллар, хусусан ҳар хил хонадонларни кўриб юрган Бекназар Мулла Аҳмадали боболаридан мерос қолган девор – томларининг хароблигидан номус қилиб, ҳар замонда минғирлаб кўйишарди. Лекин улар ҳали оиланинг умумий даромадига беш танга кўшадиган бўлишгани йўқ, пойтеша билан топишгани кундалик рўзғор тебратишга аранг етарди. Дармонқул аканинг дилидан бўзчи белбоққа ёлчимас, деган мақол ўтарди. Устачиликка тўланадиган хизмат ҳақи чой, нон пулидан ошмасди. У маҳалларда савдолашиш деган гап ё ҳунарманднинг ё иш эгасининг хаёлига келмас, ҳар ким кўнглидан чиқарганини, атаганини берарди. Уста ҳам туз-намагингизга рози бўлинг, деб кетаверарди. Қолаверса, қишлоқда асосан майда-чуйда таъмирлов ишлари бўлиб турар, янги бино қурувчилар кам, бунга имкони борлар ҳам журъат қилишмай, эски дераза кўзларига газета ёпиштириб ўтиришаверарди.

– Ниятларинг яхши, аммо томни янгилашга пул керак-да, ўғилларим, – деди ота ахири мулоимлик билан. Унинг дилида ҳам орзу-ҳавас, меҳнату машаққат билан ўтаётган умрининг қолган қисмини кўркамроқ иморатларда фароғат билан кечириш умиди йўқ эмас эди. У ўғилларимга гапим таънадай туюлмадимикин, деган андишага бориб, кўшиб кўйди: – Майли, сабр қилиб турайлик-чи, Худо бир йўлга бошлар...

Эрта баҳорда яна Бекназардан фикр чиқди.

– Кўриқ очиб, кўпроқ шоли эксак... – деди у бир куни нонушта чоғида.

Дармонқул ака «Сен нима дейсан?» дегандай катта ўғлига қаради. Холназар инисининг таклифини қувватлади.

– Маъқул, – деди ота фарзандларининг аҳдидан, уларнинг яқдиллигидан қувониб.

Қишлоқнинг жануб томонида, Қорадарё бўйларида колхоз фойдаланмайдиган бир неча юз гектар баланд-паст ташландиқ ерлар бўлиб, одамлар чеккароқ, қулайроқ жойлардаги чимзор – дўнгликларни кучлари етганича ўзлаштириб шоли экишарди. Бекназарларнинг ҳам озроққина шолিপояси бор, аммо у ердан чиққан шолининг гуручи тирикчиликни зўрға қопларди. Одамлар чўчишганиданми, инсоф-андиша қилибми ё соддаликлариданми, каттароқ ер очишга уринишмасди. Сирасини айтганда, кўпроқ экин майдони яратиш ҳам осон иш эмас: чимзор – кўриқларнинг юзаси юпка тупроғу таги ғичирама тошлоқ бўлиб, кетмон ҳар гал албатта тошга жангиллаб тегар, ҳар қандай ўткир қурол, ҳатто метин – чўкичнинг тиғи ҳам ярим, бир соатга етмай тўмтоқ бўлиб ўтмаслашгач, марзага ўтирволиб, асбобни эгов ё қиррали тош билан узоқ териб, қайрашга тўғри келарди. Қисқаси, иш унмас, кетмончи икки-уч соатдаёқ безиллаб, қўллари қавариб, ишни бас қилиш пайига тушарди.

Ўша йили қиш чўзилиб кетганидан ҳадеганда кун исийвермади. Кенг тўқайзор – кўриқ тарафдан салқин шамол эсиб этни жунжиктирар, яланг оёқлар муздай тош, майса-чим ичида қақшаб, увушиб қоларди.

Ака-ука йигирма кунча кетмон чархлаб, чим кўпоришди. Кечгача иккаласининг ҳам силласи қуриб, товонлари қиррали тошларга тегавериб қонаб кетар, қўлтиқлари ости

зирқираб, елкаларини кўтаролмай қолишар, ҳар куни кечкурун пахта ёғини қиздириб тоvonлари ва қадоқли кафтларига чилпиллатиб суркаб ўрик ўтин чўғига тоблашгач, боғлаб ётишар, эрталабгача оғриқ хийла босиларди.

Заҳмат ва машаққатлар бесамар кетмади. Аллоҳ йигитларнинг ниятларига яраша хирмонга барака берди. Лекин кўкламнинг сурилиши эвазигами, куз инжиқ, серёғин келди – шолени куритиш қийин бўлди. Бунинг устига тўйга ҳозирлик бошлаб юборилди. Бекназарнинг жилла қурса, ёзга чиқайлик, олдин ҳовли-жойларни ўнглайлик, деган илтижоларига қулоқ осишмади. Онаизор: «Сен тенгилар иккитадан бола кўришди», деб йиғига тушди, шундан кейин ота: «Баҳор уйга уришиб кетсак, тўй яна сурилади. Шунча қўйиб бердик, менам маҳалла-қўйдан номус қиляпман», деб гапни кесди. Шолени қизимагудай сергитиб¹ қоплаб қўйишди. Тўйдан кейин кўп ўтмай қор ташлади. Шолени кунда-кунда бир қоп-икки қопдан сандал атрофида айлантириб-айлантириб куритишгунча қиш яримлади.

III

1951 йил, кўкламнинг илк палласи. Тақвим бўйича баҳор расман кирган бўлса-да, кексалар таъбирича, қишнинг яна бир ҳафта – ўн кунлик ҳақи бор. Кун йилтиллаб турганига қарамай пана-пастқамларда қорлар ҳали батамом эриб битмаган, совуқнинг захри кетмаган. Машриқ томондан эсаётган изғирин, хусусан, эрталабларда гоҳ пасайиб, гоҳ авжланиб, бўш-баёв, сушт кишиларни жунжиктиради. Лекин қаҳратондан омон-эсон чиқиб олганига шуқр келтирувчи халқнинг асосий қисми тирикчилик ташвишида ғимирлаб, қишлоқларда ҳам жонланиш бошланган. Бекназарлар қиши билан сичқон-каламушлардан, қуш-паррандалардан қўриб чиққан шолени қўшни қишлоқдаги обжувозда бир ҳафта ётиб оқлашди ва бир неча якшанба Андижондаги каппон бозорига (у маҳалларда шаҳарда ҳам савдо фақат якшанба кунлари бўларди) ташиб сотишди. Ўшанда яхши гуручнинг нархи нари борса юз сўм² бўларди, юз минг сўмдан ортиққа пулладилар. Кунлар ҳам илиди. Бекназарлар кўч-кўронларию ашқол-дашқолларини баланд сўрига ва унинг остидаги чорпоёга кўчириб, эски биноларни бузишга киришишди.

Синч билан тиклангани туфайли шувоқлари ёрилиб нурай бошлаган бўлса-да, йиқилмай турган уйнинг икки тоқчаси оралиғидаги гувалаларни чўкич билан кўчиришаётган пайтда бўйрага ўралган бир даста китоб чиқиб қолди. Улар жуда яхши сақланган, семиз-семиз, қорамтир, қизғиш, жигарранг сахтиён муқоваларига ҳам унча шикаст етмаган, сичқон ҳам тегмаган, фақат қалин чанг ўтирган ва сарғайиб, буришиб, четлари бир-бирига ёпишиб кетган эди.

Ҳашардагилар – маҳаллалик турли ёшдаги уч-тўрт эркак варақлаб кўришмоқчи бўлишганди, Дармонкул ака «ҳай-ҳай»лаб, «улар ичида Каломулло бўлиши мумкин. Муқаддас китобларга бетаҳорат қўл теккизиш мумкин эмас», деди ва ўзи таҳорат янгилаб келиб, топилмаларни ҳозиргина юз-қўлини артган нам дуррага ўраб чорпоёга олиб борди-да, сандиқ устига йиғилган кўрпалар қатига жойлаб қўйди.

Оқшом ота ва ўғиллар китобларни кўрпа орасидан чиқариб, ноёб ашё каби қўлма-қўл қилиб, кўзларига суртишди. Зарҳалли арабий ҳарфлар ниҳоятда зич, аммо кашта мисоли чиройли эди. Унга тикилиш, томоша айлаш ҳам завқли: кўнгилда тушунуксиз бир туйғулар уйғотар, бу туйғулар афсус-надомат ҳислари билан омихталашиб оғриқ берарди. Наҳотки уч бирдай одамдан биронтаси бу нодир битикларни таталаб ҳам ўқий олмаса? Наҳотки катта бир хонадон ота-боболарининг илми-маърифат булоғидан буткул бебаҳра, бенасиб бўлса?

Бекназар бобосидан араб имлосини ўрганиб олмаганини, бу борада ғирт оми эканини туюб, ичидан зил кетди.

Уй қурилганда Дармонкул ака тахминан ўттиз ёшларда бўлиб, девор урилаётганда отаси мулла Аҳмадали билан ёнма-ён турган, бошқа ҳашарчи-ёрдамчилар ҳам бор эди. Лекин китобларни гувалалар орасига ким, қандай уриб, суваб юборганини

¹ Сергитмоқ – селгитмоқ сўзининг синоними.

² Юз сўмга 6-10 дона нон ёки 0,5 кило гўшт келарди.

кўрмаганди. Бундай хавфли тадбирни кўпчилик кўз олдида, гувоҳлигида амалга ошириш ҳам мумкин эмас эди. Демак, ота ўғлига, ўзгаларга ҳам билинтирмай, бу иш билан тунда бир ўзи шуғулланган. Дармонкул ака отасининг сандалда мутолаа қилиб ўтиришини, ихчамгина, вассажуфтли шифти пастақкина хонанинг ўрта тоқчасида устма-уст тахлоғлик турадиган китобларнинг бирдан ғойиб бўлиб қолганини эслади. Ўттизинчи йилларда саллага ва эскича илмларга қарши ўт очилганда мамлакат бўйича қанчадан-қанча ноёб китоблар дарёларга оқизилиб, қабристонларга кўмиб юборилган. Агар бу эҳтиёт чораси эҳтиётсизликка айланиб, ўғли ва набирасига шунча ташвишу азият етказишини билганида, балки у ҳам бошқача чора қўллаган бўлармиди...

Шўронинг дастлабки кунларидан мамлакатда ислом ва бошқа динларга қарши бошланган тақиқ ва сиқув ўчиб-ёниб турадиган олов сингари вақти-вақти билан кучайиб аланга олар, бу тазйиқлар ҳам зиёлиларга, илмчиларга нисбатан эълон қилинмаган умумий ҳужумга қўшилиб кетарди. Тазйиқу таъқиблардан зада халқ ичида фақат кекса ёшдагилар, диний идора ва соҳа билан бевосита дахлдор кам сонли ҳудожўйларгина (улар ҳам ҳадик билан) намоз ўқишар, қолган тоифа, хусусан, ёшларнинг тўқсон тўққиз ярим фоизи намоз, рўза ва бошқа исломий фарзу суннатлардан тамомила йироқ эди. Ярим фоиз мойиллар пинҳона ибодат қилиб, яширинча (асосан қиз-жувонлар) рўза тутишарди. Бекназарга бобоси намозни ўргатган эди, лекин у ҳам ўқимасди. Ота ўғилларини саждага бош қўйишга ундамасди... Халқда эътиқод пароканда, виждон эркинлиги деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Наврўзни байрам сифатида нишонлаш ва бошқа миллий қадриятлар эскилик сарқити сифатида қораланарди. «Коммунизм» аталмиш хаёлий келажакни одамлар аниқ кўз олдида келтиролмас, аммо, ҳар қалай, унга ихтиёрий-мажбурий тарзда ишонувчилар, хусусан, раҳбар-амалдорлар ичида анча топиларди. Воқеа юз берган паллада қатағоннинг навбатдаги қуюни кўтарилиб, сиёсат шамшири маданият ва маърифат кишилари – миллат гулларини яна чилпий бошлаган эди.

– Энди нима қилсак экан бу китобларни? – ўйчан савол ташлади ота.

– Эртага қишлоқ советидаги кутубхонага олиб борсам, эҳтимол илмий асарлардир, – деди Бекназар.

– Аввал имом-домлага ўқитиб кўриш керакмикин?..

Холназар ҳам отасининг фикрига қўшилди.

Абдужалил домла бўйчан, қовун шакл қуюқ соқоли кумушранг, энгашиб кўп китоб ўқиб, кўп тоат-ибодат қилганиданми, бир оз энкайиб юрадиган анча сипо киши эди. У Бекназарнинг сўзларини хушламайгина тинглади.

– Мени маслаҳатим, – деди у совуққонлик билан, – йўқотиш керак, вассалом. Балодан ҳазар, бўтам. Агар улуғ китоблар бўлса, Худонинг ўзи кечирсин. Сиёсат дегани ўта раҳм-шафқатсиз нарса, сиёсатчи эса юзсиз – ҳеч кимни – шоҳниям, гадониям, олимниям, оминиям аяб ўтирмайди. Сиёсат – бамисоли ўт, ўт билан ўйнашиб бўлмайди деб қўли, тили куйганлар айтган. Аввалги талатўпларда қанча-қанча мулла кишилар урилиб-сурилиб, йўқ бўлиб кетди. Мениям, ўзларингниям бир фалокатга гирифторм қилиб ўтирманглар. Мени афв этинг, бўтам, дадангизга узримни етказинг. Бу гапни менга айтдингиз, бошқа бировга зинҳор оғиз оча кўрманг. Мени олдимга қай вайдан келганингизниям ҳеч кас билмасин...

Ота-болалар бир тўхтамаг келишгунча икки кун ўтди. Учинчи оқшом, намозгар арафасида дарвоза тақиллади. Эшикни очгани Бекназар чиқди. Дарвозахонада ўрта бўйли, ўттиз ёшлардаги қизил галстук таққан кимса билан андак қорин қўйган, қошлари сарғиш, қарашлари маъносиздек кўринадиган қишлоқ милисаси турарди.

Бекназар хушламайгина қўл узатди. Меҳмонлар мезбон билан наридан-бери такаллуфсиз қўл олишиб, унинг кўзларига тикилишди. Бекназар икки қанотли тахта дарвозанинг очиқ томонини гавдаси билан деярли тўсиб қўйганди. Албатта, шарқ одобига кўра, ҳар қандай меҳмон ҳеч қандай савол-жавобсиз, суриштирувсиз, аксинча, тавозе билан кутиб олинмоғи ва сидқидилдан ҳовлига бошланмоғи лозим. Лекин келувчиларнинг тунд қиёфаси, совуқ муомаласидан, хусусан, милиция кийимидан Бекназарнинг кўнгли алланечук хижил торганди.

– Хизмат, акалар? – сўради у бир унисига, бир бунисига синовчан юзланиб.

– Ичкарида гаплашсак, – деди ўрта бўйли.

Бекназарнинг қошлари чимирилди.

– Нима масалада?

Шу аснода остонада ота кўринди, у меҳмонлар билан хушҳол кўришиб, уларни уйга таклиф этди. Бекназар «Нима қияпсиз, ота?» дегандай томоқ қирди. Лекин Дармонкул ака унга эътибор бермагач, ноилож ўзини четга олди.

Чақирилмаган «меҳмонлар» ташрифининг сабаби аён, масала равшан эди. Дармонкул ака китобларнинг қаердан, қандай топилганини яширмай, бўямай сўзлаб берди, ўзимиз олиб бориб бермоқчи бўлиб турувдик, деб вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди.

– Унда нимага икки кундан бери сақлаб ўтирибсизлар? – сўради ўрта бўйли ўдағайлаган оҳангда.

– Қаерга элтишни, кимга топширишни билмадик, – деди Бекназар. Унинг ғазабини яшириб, ўзини аранг тутишга ҳаракат қилаётгани овозининг дағаллигидан англашилиб турарди.

– Нимага билмайсизлар?! Бизга – райкомга олиб бориб топшириш керак. Билишга-ку, биласизлар, лекин хоҳламагансизлар, ким сезиб ўтирибди, деб ўйлагансизлар. Эшитгандик: сизлар асли авлод-аждодингиз билан диндор-тақводор кишилар экансиз!

Бекназар бобосини жуда яхши кўрарди. Ёши етмишга қараб бораётган қария мелисахона қамоғида кўрганларининг бир учини чиқарган, қолганини ундан-бундан эшитганлари, ўқиганлари билан тўлдириб тасаввур қилгач, нафратини кимга, қаёққа қаратишни билмай юрар, бобосини оппоқ соқоли билан кун тушмайдиган ер остида – зах хонада сақлаганларда кеки бор эди. Бегуноҳдан бегуноҳ-а... Айби – унинг илми борлиги эди.

«Уйдан эскича китоб чиқибди» деган чақув билан дарҳол ҳид олувчи иккита «лайча»нинг етиб келиши ва ўзларини сурбетларча тутиши, ота-болани катта жиноят устида тутиб олишгандай ўдағайлашлари дард устига чипқон бўлиб, қонини кўпиртирди.

– Тухмат бу. Бир бобом саводли одам бўлган, холос! – Бекназарнинг вужуди ҳам, товуши ҳам қалтираб кетди.

– Тухмат? Ҳали мен сенга тухматчи бўлдимми?! – гезарди райком ходими. – Сен ўзи нима иш билан шуғулланасан?

Ота «ҳай-ҳайла»ди:

– Майли, буларни олиб кета қолинглар. – У китобларни райком ходимига яқинроқ сурди. – Узр, энди, ўғилларим, ақлимиз ноқислик қипти. Уйимиз тўкилай деб қолувди, шуни бузиш билан овора бўлиб...

– Пулинглар кўпайиб кетдимми? – деди яна райком ходими дағдаға билан.

– Деворнинг орасидан тилла-пилляям чиққандир, – гап қўшди участкавой. – Буларнинг боболари бой ўтган.

– Унақа деманг, ўғлим, – деди Дармонкул ака ёшинқираган, четларини ажин қоплаган жигаранг кўзларини мўлтиратиб. – Кимлигимизни сиз яхши биласизу. Бойлар авлоди бўлсак, шу алфозда ўтирармидик... – У қўлларини ёзиб, бошини силкиб, ҳовлига ишора қилди.

Райком ходими атрофга бирров назар ташлади. Дарҳақиқат, томорқада диққатга арзигулик нарсая йўқ эди. Ўша йиллардаги қишлоқ хонадонларига хос манзара: бир тарафда остида икки-уч қучоқ хас-хашак уюлган, томига беш-ўн боғ ғўзапоя босилган, тол хода устунларини қурт еган икки ёни ва олди очиқ бостирма, бошқа томонда – шохлари тарвақайлаган, танаси эшилиб, пўстлари арчилик кетган қари беҳи ёнида бир оёғи калта одамдай қийшайиб, тагидаги катакда олачипор макиён ғилмайиб ётган ғариб тандир кўзга ташланарди, холос. Уйлар бузилаётгани сабабли, кўчишга тайёрланаётган хонадон каби ҳаммаёқ бесаранжом, ивирсиқ эди.

Райком ходими китобларнинг у ёқ-бу ёғини ағдариб, ичларини очиб кўрган бўлди-да (Дармонкул ака бу бетаҳоратнинг беписандлиги, беадаблигидан ижирганиб ўтирди), санай бошлади.

– Бир, икки..., етти... Нечтасини яшириб қўйдинглар?

Ота каловланиб қолди. Зуғумчилар хатти-ҳаракатини қовоғини уйганча жимгина кузатиб, гапга аралашидан ўзини зўрға тутиб ўтирган Бекназар чидамади.

– Нима, бизга ишонмаяпсизларми? – У овозини боягидан ҳам кўтариб, райком ходимига тикилди.

Дармонқул ака ўғлининг биқинига секин нуқиди.

– Хабар ол-чи, чой дамлашдимикин?

Бекназар ўрнидан туриб, баланд сўри томон жилди. Райком ходими унинг ортидан бир қараб қўйиб, яна отага юзланди.

– Тўғрисини айтинг.

Дармонқул ака соқолини тутамлади.

– Оппоқ соқолим ҳурмати...

– Соқолингизни пеш қилманг бизга, соқол эчкидаям бор.

Отанинг дили оғриди.

– Дастурхонда ўтирибмиз. Яширганимиз йўқ, яшириш ниятимиз ҳам йўқ, бори шу, ўғилларим.

– Капитан, китобларни рўйхатга олинг.

Капитан йилтиллаб кетган қора чарм сумкасидан қоғоз, ручка олиб, ёзишга шайланди.

– Қанақа китоблар ўзи булар, Дармон ака?

– Билмаймиз, болам, мен ҳам, ўғилларим ҳам арабчани ўқиёлмаймиз.

– Ўқишни билмасанглр нимага ушлаб турасизлар?.. Нима деб ёзаман? – Милиционер шеригига қаради.

– Сонини, ранги-тусини ёзинг. Акт тузинг. Отага қўл қўйдирамыз.

– Мен қўл қўйиб бераман, – деди чой кўтариб келган Бекназар капитанга ёндошиб.

– Иккалангиз ҳам имзо чекасиз, – деди райком ходими. Ажабо, дийдаси совуқ, қарашлари ҳиссиз, сўзлаш оҳанги ҳам ўзгармас – бирдай эди. – Сиз, йигитча, – давом этди у кўрсатгич бармоғини Бекназарга бигиз қилиб, – эртага тушдан кейин менинг ҳузуримга борасиз. Китоблар диний бўлмаса, қайтариб берамиз.

IV

Китобларнинг хатлаб кетилиши-ю, бу воқеанинг оқибатлари Дармонқул акани ҳам, Бекназарни ҳам жиддий ташвишга солганича йўқ эди. Балки, ҳар бири ўзича ҳар хил хаёлларга борган бўлса-да, бир-бирини чўчитмаслик андишаси билан, гап гапга қовушмаган нонуштадан сўнг ҳеч нарса юз бермагандай, яна ишга тушиш тараддудида туришувди, кўча эшик шиддат билан очилиб, дарвозахонада Бекназарнинг амакиси, яъни отасининг кичик оғаси Халил ака (каттаси ўттизинчи йилларда ўзига тўқроқ, қўлида сал жири бор ўрта ҳол қулоқ сифатида хатга тушиб қолгач, хорижга чиқиб кетган, айни вақтда Саудия Арабистонида яшарди) кўринди, у эшикни эҳтиёткорлик билан зич ёпди-да, худди изидан биров тушгандай, шипиллаб кела бошлади. Ота-ўғил унга пешвоз чиқишди.

Халил аканинг безовталиги, нимадандир ҳадиксираётгани қарашларидан ҳам аён эди.

– Келинг, ака, – деди Дармонқул ака сўрига омонат ўтиришгач, тинчликми, деган маънода.

– Кеча уйинглрарга райкомдан, мелисадан одам келдимиз? – сўради пастроқ товушда Халил ака бир укасига, бир жиянига ҳайрат ва таъна нигоҳини тикиб.

Дармонқул аканинг ранги-қути ўзгарди – кутилмаган, хижолатли хабар эшитган ё кўнглига бир ғулғула тушган маҳалда унинг қорамағиз юзи кўкимтир тусга кирарди.

– Қаердан эшитдингиз? – саволга савол билан жавоб берди у.

– Кечқурун Турди терипурушнинг чойхонасига чиқувдим. Ўша ерда қулоғимга чалинди. Нима бўлувди?

Дармонқул ака юз берган ҳодисани батафсил айтиб берди ва шундайми, кўшимчанг йўқми, дегандай Бекназарга қаради. У отасининг сўзларини тасдиқлагандай, бош тебратиб қўйди.

– Ўғлинг райком вакилини ёқасидан олибдидмиш?, – Халил аканинг юзида яна киноя ва ачиниш акс этди. Бекназарнинг қорачиқлари ғазаб билан чақнади, тишлари ғичирлади, кейин худди қорни бирдан қаттиқ мижиб қолгандай, афти буришди.

«Ё, аллоҳ!» – хитоб қилди Дармонқул ака, ахир кечаги воқеа устида ўзларидан бошқа ҳеч ким йўғидию...

– Йўқ, мен биргайдим, буниси ғирт бўҳтон, ака. – Дармонқул ака «озгина айтишиб қолди» демоқчи бўлиб, фикридан қайтди. – Қайси уйинг куйгур вайсади сизга?

– Ҳамманинг оғзида шу гап. Ҳовлига кирмайсизлар, деб дарвозани ёпволганиям ёлғонми?

Бекназар чўк тушиб ўтирган жойида яна бир кўзғалиб қўйди, ғижинди, изоҳ беришга оғиз жуфтлади-ю, катталар олдида ўзини туттишни лозим кўрди. Миш-мишларда озгина бўлса-да асос борлиги учун ичида ўзини яниб, секин уҳ тортди.

– Ана холос, – деди ота ҳам суюкли фарзандига қайрилиб. Унинг бу қаршидан «Ана, кўрдингми, нима қилиб қўйдинг?!» деган мазмунни англаш мумкин эди. Сўнг у яна акасига юзланди.

– Ёлғон, ака, ёлғон. Бекназар шу даражада... – Дармонқул ака жоҳил ё нодон эмас-ку, демоқчи бўлди. Бироқ бу иборалар жигаргўшасига оғир ботишидан чўчиди, – одамовимас-ку.

– Билмадим, ростми, ёлғонми, кўчада шу гап юрибди. Хўш, энди нима қилмоқчисизлар?

– Ҳеч нарса. Ҳали, тушдан кейин Бекназар айтган жойларига бориб кўрсин-чи.

– Ўз ихтиёри билан аждаҳонинг комига бошини тиқиб берадими? Отамизни нима кўйга солишгани эсиндан чиқдими? Сал бўлмаса ҳаммамиз қақшаб қолай девдигу!..

– Менам бирга бориб кечирим сўрасаммикин? – деди хавотирланган Дармонқул ака.

– Тутаб ётган ўтинга кирасин сепиб-а?

Ота бўшашиб, кўзларини аянчли жавдиратди.

– Нима маслаҳат берасиз бўлмаса, ака?

– Маслаҳат? – Халил ака ҳам бу ёғини ўйламаган эканми, ё миясида бир йўл-йўриқ режасини пишириб келсаям, айтишга иккиландими, тўхталиб қолди. – Менам дабдурустдан бир нарса деёлмайман. Сизларни огоҳлантириб қўйяпман, холос, яна ўзинглар биласизлар. Ҳар қалай, яхши бир чора топиш керак. Аммо ишни пухта битиринглар. – Халил ака шошиб турган одамдай пиёладаги чойни катта бир хўпладида, – хўп, мен кетдим бўлмаса, – деб, юзига наридан-бери фотиҳа тортиди-ю, сўридан тушди.

Амакини кузатишгач, ота-бола яна сўзсиз чорпоя четига ўтиришди. Энди иккаласининг ҳам кўз олдида кечаги вакилларнинг тунд башаралари, хаёлларида «Китоблар диний бўлмаса, қайтариб берамиз» деган қуруққина сўзлари айлана бошлаганди. Диний бўлмаса, уларни девор орасига уриб беркитиб ташлашармиди? Албатта, вакиллар ҳам китобларнинг қанақалигини фаҳмлашган. Демак, уларнинг «қайтариб берамиз» дегани шунчаки ваҳима қилмаслик ниятида айтилган гап.

* * *

Дармонқул аканинг боши қотди. Шу кеча тонггача мижажа қоқмади. Ким чақувдийкин ўзи? Буларни ёмонотлиқ қилиш кимга, нимага зарил бўлдийкин? Ахир бу китоблардан икки-учта қўшни хабардор эди, холос. Ё, Абдужалил домла... Йўғ-эй, ўлибдими... Балки... Эшқул агентнинг ишидир бу... Ростдан, энди нима қилиш керак? Акаси бежиз куюкмаяпти. Икки бирдай одам хатга тиркаб кетишди-да. Бунинг устига Бекназар кўрслик қилиб, уларнинг ғашига тегиб қўйди. Ҳақиқатда чакки гапирди. Бир айблари икки бўлди. Ўғли тушмагурнинг ўжарлиги қолмади – қолмади-да. Мабодо, мабодо... Унга бирон қор-қол бўлса, шўри қурийди-ку. Суянган ўғли шу-я. Йўқ, бир кўнгилсизлик юз берса, бу аламга чидаши қийин, қийин... Ундан кўра...

Ниҳоят бир тўхтамага келди. Бекназар қишлоқдан, юртдан ҳам чиқиб кетиши керак, вассалом.

– Ростданам муомаланг анови шапка кийганларга хуш келмади, ўғлим, – деди у салмоқлаб. – Фақат «қуллуқ», «хўп бўлади»га ўрганган катталар гап қайтарганини

ёқтиришмай, қўполликни кўтаришмайди. Амакингнинг жон койитганича бор. Қисқаси, бу ишнинг яхшилик билан тугашига мениям кўзим етмай қолди. Бунақа савдолар элимизда янгиликмас. Биз шуни ўйламабмиз, болам, энди бирдан-бир чорамиз шу.

Амакию отанинг гаплари шунчаки ваҳима эмаслигига Бекназарнинг ҳам ақли етиб турарди. Бундай ғавғони бобоси мулла Аҳмадали бошидан кечирган. НКВД деган жойда олти кун ётган. Олчоқлар дилига худо инсоф, шафқат солганми, «Масжидга қадам босмайман, намоз ўқимайман» мазмунида тилхат ёздириб, ҳартугул қўйиб юборишган. Барваста, бақувват одам бир ҳафта ичида озиб, ранг-рўйи бир аҳволга тушиб қолган эди. Тузук-куруқ емиш беришмас, уйдан олиб борилган овқатларни ҳам ўзлари тинчитиб қўя қолишаркан шекилли, ичкарига киритишмас экан. Унда Бекназар ёш эди. Бобо милиса ҳибсхонасининг ранжу ғурбати «мазасини» тотиб кўргач, Дармонқулга намозни жамоат деб ўтирмай, уйда, иложи борича пинҳона ўқийвер. Аллоҳнинг ўзи шоҳид, замон билан ҳисоблашмасликнинг, ҳукумат йўриғига юрмасликнинг иложи йўқ, деб тайинлай бошлади. Ўзи ҳам намозларни уйни ичидан беркитиб ўқийдиган бўлган эди. Ҳолбуки, у ўшангача набираларини ҳам беш вақт ибодатга, исломнинг беш фарзи ва бошқа вазифаларини адо этмоққа ундарди. «Даҳрийлар давлатининг сиёсати кўчада, идораларда ҳукмрондир, илло, уйда, қалбда ибодати исломия бўлмоғи зарур», дея таъкидларди. «Бу риёга, иккиюзламачиликка кирмайди. Парвардигор эътиқодни сақлаш учун чора ахтаргани хуш кўради», дерди. Милисахонадан зах, қўланса ҳидлардан димоғи ачишиб, юрагини моғор босганларнинг ҳиссизлиги, бераҳмлигидан озурда бўлиб, популдириғи пасайиб чиқувди. Унинг шаҳдини батамом қайириб ташлашган эди. Шундан сўнг оқсоқол ўғлига араб тили, алифбосидан сабоқ бериш фикридан ҳам қайтган, ҳатто уни Дармонқори ўрнига Дармонқул деб атай бошлаган, бошқаларни ҳам шунга ўргатган, уни аввалгидай маърака-маросимларга етакламай, Қуръон тиловат ҳам қилдирмай қўйган. Дармонқул ака ҳам болаларига намоз, рўза тўғрисида умуман гапирмасди, ўзи ими-жимиди саждага бош қўйиб, рўза тутиб юрарди. Мана, энди бу фалокатга йўлиқиб ўтиришибди. Бобоси «Арбоблар билан ўйнашиш – оч йиртқичнинг ғашига тегиш билан тенг», дер эди-я. Бекназар бу гапни энди эслади. Эслаб мағзини чақа бошлади. Лекин бир ўзининг жонини қутқариб, бошқаларга этак силтиб жўнавориш инсофдан эмас-ку...

– Сизларсиз қаяққа кетаман, ота? Қочсак, ҳаммамиз бирга қочайлик.

– Йўқ, ўғлим, – бош чайқади Дармонқул ака. – Онанг билан биз ошимизни ошаб, ёшимизни яшаган, тўримиздан гўримиз яқин одамлармиз. Аканг – ройиш. Сен дангалроқ, шитоброқсан. Биз қочиб қаергача борардик, қайта сенга тушов бўламиз.

– Унда менам ҳеч қаяққа бормайман. Мен кетсам, сизни қийнашлари мумкин.

– Жа бунчаликка боришмас. Сени сўраб келишса, ёлғонни худо кечирсин, сизларнинг идорангизга кетган бўйича дараги йўқ, бизам хавотирланиб ўтирибмиз деймиз.

– Шу гапга ишонишади деб ўйлайсизми, ота?

– Кекса одамнинг гапига ишонишади, ўғлим. Биздан хавотирланма. Акангни ҳовлига кўчириб келамиз. Сен кўп қийинчилик билан катта бўлгансан, худога шукр, ҳамма ҳавас қиладиган йигит бўлиб етишдинг. Қўлимдан келганича сени элга қўшдим. Оғзингда ўрисча бўлсаям илминг, қўлингда хунаринг бор. Фақат сени уйлашда онанг иккимиз бир оз адашдик шекилли...

– Опам³ нима дерикин? – деди Бекназар отасининг сўзини бўлиб.

– Унга ўзим ётиғи билан тушунтириб айтаман.

Хўп, ота-ку масаланинг жиддийлигини англагани учун айрилиққа дош берар, лекин ўғилгинаси, нуридийдасининг кечалари кўчадан, гузардан қайтишини кутиб, овқат, чойини иссиқ ўраб, дарвоза зулфинининг шиқирлашига кулоқ тутиб ўтирадиган кўнгилчан онаизорнинг жудоликка сабри, бардоши етармикин? Ўзи-чи, нима гапи, истаги бўлса тортинмай айта оладиган ғамгузори дийдорини кўрмай, унинг ёқимли, тасаллибахш сўзларини эшитмай қандай чидайди?..

– Йўқ, сизларни барибир ташлаб кетмайман, кетолмайман! Қамашса, қамашар...

Дармонқул аканинг кўз олдига хизматчи-ходимлари кўрс, бадқовоқ, аллақандай ёқимсиз ҳидлар анқийдиган, бўёқлари ўнгсиз, совуқ, тор хона деворидаги қора панжара ва

³ Она маъносида

унинг ортида озиб-тўзиб сўррайган, юзлари ичига ботган, соқоллари ўскин Бекназарнинг тирқишдан мўлтираб қараб турган сиёқи келди-ю, аъзои бадани титраб кетди...

Ҳа, ота-бобосининг бир вагон мол-дунёсининг эътибори билан мансабдорларга-ю, умрини, бутун куч-қувватини халқ ишига тиккан олиму уламолар, фозилу фузалоларга заррача раҳм-шафқатни раво кўрмаган юзсиз ҳукумат оддий бир камбағалнинг содда-баёв, тўпориғина фарзандини аяб ўтирармиди. Йўқ, улардан рўшнолик, марҳамат кутмоқ – бориб турган нодонлик, гумроҳликнинг ўзгинаси.

– Тавба де, жон болам. Булар шунчаки қамаб қўйишмайди, тепкилаб ё оч қолдириб қийнашади, майиб қилишади. Қанчадан-қанча илмли, сал-пал саводи бор одамлар бегуноҳдан-бегуноҳ отиб ташланди, қанчаси сургунга жўнатилди. Биттаси қайтиб келдими? Жувонмарг бўлиб кетишингни истамайман, ўғлим. Қаерда юрсанг ҳам, соғ-омон бўлсанг, бас. Аллоҳнинг мусулмонларга раҳми келиб, замонлар чархи айланар, иншолло... Подшолар янгиланса, давлатнинг тузуми, сиёсатиям ўзгариб қолар, унда қайтиб келоврасан. Юртдан бош олиб кетганлар кўп, уларам дилида бир куни қайтамыз, деган умид билан жўнашган. Уларнинг айримлари билан топишволсанг ажабмас. Азим ҳожи, Норалибойларни Қашқарда деб эшитаман, ўшалар сенга йўл-йўриқ кўрсатишиб, ёрдам беришар. Уларни чойхоналардан, устахоналардан⁴ суриштирасан. Аллоҳ йўлингни очиб, Макатиллога етиб борсанг, биласан, Рўзмат амакинг ўша шаҳарда, қўваротдан келган хабарларга қараганда ўзига хийла дурустмиш. Унда, бизниям кўнглимиз хотиржам тартади. Тақдир насиб қилиб, ҳожи бўлиб қайтсанг, нур устига нур. Ишқилиб, қайси бир тарзда тинчлигингни билиб турсак, бас. Пешонамизга битилган бўлса, бизни аканг билан тепалаб-тепалаб кўмарсизлар. Сендан бошқа тилагимиз, тамамиз йўқ, зинҳор хижолат чекмагин.

Бекназар яна анча оёқ тираб турди, акамни айтиб келай, кенгашайлик, деб кўрди. Дармонқул ака кўнмади, у тўнғичи фикридан қайтаришга ҳаракат қилиб, бошқа йўл кўрсатиб, ишни бузиб қўйишидан ҳадиксирарди. Ота учун ҳамма фарзанд бирдай азиз, лекин нимагадир кенжа ўғил бўлакчароқ, юракка яқинроқ бўлади чоғи. Ўзбекларда айнан ана шуниси ота-она билан бирга яшайди, падари бузруквор унга суянч сифатида қарайди – бу туғма бир туйғудир. Дармонқул ака ҳам Бекназарни жони-дилида кўрар, унга бир тикан санчилганчалик озор етишини сира-сира хоҳламасди, ундан кўра айрилиққа сабр қилиш осонроқ, маъқулроқ. Ҳар қалай, ўғлим озод, саломат юрибди деган ўй одамга таскин беради-ку. Бекназар ҳам ўзига ҳаёт бағишлаган меҳрибонининг иззат-икромини жойига қўйишга уринар, устачилиқда юришган пайтларда унга иложи борича ёғочнинг енгил томонини, ишнинг қулай жойини рўпара қилиш, оғирроқ, қийинроқ юмушларни ўзига олиш пайида бўларди. Қиблагохини шу қадар эъзозлаб, авайлайдиган, қобил, солиҳ ўғлонга ҳаваси келган кишилар Дармонқул акага «Биз ҳам ўғил ўстирдик, деб юрган эканмиз-да, фарзанд тарбиясини сиздан ўрганиш керак экан, уста», дейишарди.

– Яратганнинг бизга кўрсатган карами бу, минг қатла шукр, ҳаммамизникигаям инсоф берсин, – деб кўярди ота ҳам ғурурини яширмай ва зимдан ифтихор билан дилбандига бир нигоҳ ташлаб кўярди. – Ҳа, ишқилиб кўз тегмасин...

Ўз қишлоғию бир шаҳарни биладиган, бир кеча ҳам хонадонидан ўзга жойда тунамаган Бекназарнинг бирданига манзилию муддати ноаён дарбадарликка «маҳкум» этилиши унинг кўнглига фақат оила аъзолари, ёру дўстларидан, бошқа яқинларидан айро яшаш, уларни соғиниб зориқиб ташвишинигина эмас, қандай юрту элларда тентираб, тили ўзга қандай кимсаларга жавдираб, кўмак ўтиниб юраманикин, деган ҳадикни, саросимани ҳам солмоқда эди. Ахир, одам боласининг ўз туғилган гўшасидан оёқ узиб кетавериши осон эмас-да.

– Агар бу ерда қолиб, – юзига тунд авзо бериб гапирди ота, – дангалчилигинга бориб яна бир иш кўрсатсанг, уларни баттар ўчаштириб⁵ қўйишинг мумкин. Унда ҳаммамизга қийин бўлади, яра пасодга айланади. Қочсанг, сени йўқ десак, «ана келади – мана келади» билан кунлар ўтади, ёмон ниятлилар ҳовуридан тушади. Болта тушгунча кунда дам олади, ўғлим. Мени, онангни ўйласанг, айтганимга кир, кегин⁶ пушаймон ейишининг фойдаси йўқ.

⁴ Сартарошхона назарда тутилган.

⁵ Ўчаштириб – ўчакиштириб сўзининг синоними.

⁶ Кегин – кейин.

Бекназар ҳамон иккиланар, бир тўхтамга келолмай изтироб чекарди. Таваккал деса, виждони қийналади – ахир қилғиликни қилиб, жуфтакни ростлаб юборса, худо билади, отаси билан акасининг бошига қандай кунларни солишади? Хўп демаса, ота хоҳиши. Қолаверса, падари бузрукворининг куйиниб тушунтиришларидан сўнг унинг юрагида ҳам ғимирлаётган ғулғула кучайди. Бобосининг гаплари қулоқлари остида жаранглаб, ота илтижосини қувватлагандай бўларди: «Ҳибсхонаси шу бўлса, қамоқхонаси қанақа бўларкин? Қаримисан, ёшмисан, одаммисан, итмисан, очликдан ўляпсанми дийишмасакан. Худди сен уларнинг арпасини хом ўриб қўйгандай, ўқрайиб, туртиб ўтишоврадийкан. Одамни жа хор қилиб, хўрлигини келтиришворадийкан...» Ҳа, на илож, ота амри – худо амри, уч-тўрт ой кўздан ғойиб бўлиб туриб, қайтиб келаман, деб ўйлади Бекназар ичида. Ота-бола вақтинча Ўшдаги, Бекназарнинг ҳатна тўйида пичма қўй етаклаб келишган ва совриннинг «идишқайтди»си – латта-сарпо важдан ранжиб, аразлаб кетишган, ўша бўйи ўлим-йитимдан ўзга маҳалларда деярли борди-келди қилмай қўйишган ўғай амма ва поччаникидан паноҳ топишни маслаҳатлашишди.

– Агар ўнг келиб қолса, Қашқарга жўнавороврасан, – деди Дармонқул ака ўғлининг елкасига қўл ташлаб. – Шундай қилганинг маъқул. Ўш – бир қадам, ишониб бўлмайдими... Келинни олиб кетасанми?

Саволнинг бефойдалиги маълум эди. Лекин ота ҳар эҳтимолга қарши сўраб қўйишни лозим топганди.

Бекназар индамай бошини қуйи солди.

– Майли, ўғлим, агар истаса, бизминан яшаб туроврар, – деди Дармонқул ака мужмалгина.

– Сизларни диққат қилмасмикин, ота? Яхшиси, бошини очиб қўйиш керакмикин? – деди Бекназар паст овозда, падарининг норозилик аломати акс этиши мумкин бўлган нигоҳига кўзи тушиб қолишдан чўчигандай, бўйинини янада эгиб.

Дармонқул ака тараддудланди. Қандай бўларкин? Яхши ният билан келин қилишувди. Қиз бечораям буларнинг остонасига умид билан, юрагида бир дунё орзу-хаваслар билан қадам босган. Қудалар нима дейишаркин?..

– Сафардан қачон қайтишим маълуммас, шунийчун сиз оталарингизникига кетовринг, – деди Бекназар келинчакка дийдасини қаттиқ қилиб. Жувоннинг қорачиқлари ҳайронликдан, хавотирдан кенгайиб кетди, оғзи ҳам ланг очилганича қолди. Куёв нигоҳини ёш, янги, лекин бағридан илиқлик қочган қайлиқнинг юзи, кўзидан четга қаратди. У гарчи бегуноҳ Рашидага ачинса-да, ўз хулосасидан афсусланмади, «тўғри қиляпман», деган фикр кечди хаёлидан. Эрнинг умр йўлдошига «уйингга кетавер» демоқлиги шариат, исломий нуқтаи назардан талоқ ҳукмидадир. Ислом таълимотида оила мустаҳкамлиги олий, муқаддас ҳисобланган ва у «талоқ» деган жуда кучли, кескин қонун билан ҳимояланган. Ана шунинг учун ҳам илгарилари мусулмонлар хонадонларида қўйди-чиқди, ажралишлар ниҳоятда кам бўлган, бу чора, яъни талоқ ҳукми ўзга тадбир қолмаган пайтлардагина, боз устига, даражаси билан қўлланган. Ҳозир ҳам айнаи ўша иложсиз пайт эди.

Сирасини айтганда, замона зайлига мувофиқ, бошқа аксарият ёшлар каби диний ақидаларга Бекназар ҳам иккиланиброқ қарар ва уларга амал қилавермасди. Лекин ҳозирги масалада отаси кўрсатган йўл-йўриқ унга жўялидай туюлди. Табиийки, ўша маҳалда Бекназарнинг завжаи ожизаси кўнглига «Пушти паноҳим мени қўйиб юборди, жавобимни берди» деган хаёл келмаганди, у фақат совуқ янгиликдан – сафар муддатининг ноаниқлигидан эсанкираб қолган эди (куёвининг хомуш ва ўйчан юришлари сабабини шунга йўйиб андак таскин ҳам топди). Аммо, жувоннинг чақалоқлигида Журавой сўфи томонидан азон айтилган қулоқлари билан эшитган нохуш жумлалар мағзи-моҳиятини унинг ота-оналари чақиб англамоқлари керак. Лекин қудалар ҳам мўмин, ройиш одамлар. Рашида уларга бўлган гапни айнан етказолмадимми ё умидли дунё дебми, қизларини кеч кузгача – қарийб беш ой қўйиб беришди. Роҳила опа келинининг шаҳди паст, ғамгинлигини кўриб, раҳми келганидан унинг сиқилган юрагини ёзиш чораларини сидқидилдан излар – маҳалладаги тўй-маъракаларга (одатда

Рашида бунақа издиҳомларга юришни ҳам унча хуш кўрмасди) Раҳимани қўшиб, зўрлаб чиқарар, «Отангизникига бориб, бемалол яйраб келаверинг» деб жўнатарди. Бироқ қизнинг ўз ҳовлиларида ҳам чехраси очилмас, бир-икки кун тургач, безовта бўла бошлар, назарида Бекназар келиб, унинг йўқлигидан астойдил хафа бўладигандай туюлар ва зудлик билан бу ёққа чопарди. Уйга келгач, тарвузи қўлтигидан тушиб, қаллиғининг жавондаги кўйлак ва бошқа ички кийимларига юзини босар, у билан бирга бош қўйган ёстиқларни кучоқлаб, баданининг излари қолган чойшабларни пайпаслаб – силаб, чарос кўзларидан ёш тўкиб узоқ-узоқ ўтирарди. У Бекназарни яхши кўрар, унга тегиб, кўп қизларни армонда қўйганидан боши осмонда эди. Шунинг учун куёвининг унга нисбатан бепарволиги, эркалатиб – суявермаслигини унинг сал одамовироқлиги, тили қаттиқлигидан, қизларга бефарқлигидан кўрар, яқин бўлиб кетишларига жуда-жуда ишонарди. Бекназарнинг ундан ўзини тортиброқ юришини сезиб-сезмаганга олар, илло унинг раъйини асло қайтармас, садоқатли посбон, содиқ хизматкордай мудом кўзига қараб, амрига мунтазир турарди. Зеро, у хотин зоти эрининг ҳар қандай хоҳишига ҳаммиша ҳозир нозир бўлиши керак деган ҳадисга амал қилишга, шу йўл билан унинг кўнглига киришга уринарди. Бекназар эса қайлиғининг вафоли, итбатли ёстиқдошга хос фазилатларини қадрлаган ҳолда, унга илимагани, илий олмаётганидан ўзи ҳам қайғурарди. Юқоридаги ҳодиса шу жиҳатдан унинг ишини «ўнглагандай» бўлди.

* * *

Бекназарнинг туйқис «сафари»га онанинг муносабати, ҳайрати келинникидан кам бўлмади. Эркакларнинг ўзаро висир-висиридан, алланечук безовта алфозларидан Роҳила опа хавотирга тушувди. У ҳам ҳаракатчан, тиришқоқ Бекназарини жон-дилида кўрар, унга меҳри баланд эди, нуридийдасининг ундан икки синф юқори, ҳаммаҳалла ошнаси Шаҳобиддин билан кечалари айвон томида ой ёруғида китоб ўқиб ётишларини ўзича баҳолаб, «Ҳай, Холназар (эр-хотиннинг бир-бировини тўнғич фарзандларининг исми билан аташ одати яқин-яқингача ҳам бор эди), бу боладан бир каттакон чиқади-ёв, шунисидан кўрамиз шекилли» дерди қувончини, ғурурини ичига сиғдирилмай. «Иншоолло, айтганинг келсин», деб дуо қиларди Дармонқул ака. Бекназарнинг катта ўқишга кирмаганига она қанчалар куйинган, ота эса: «Қўёвур, ўғлинг ўрис илмида (боёқиш дунёвий илмларни шундай англари) олим бўлмаса устачиликни қўлимдан олар», деб зўрға овулган эди. Томдан тараша тушгандай, «Бекназар сафарга жўнаяпти» деган гапдан у ҳам Рашидага ўхшаб гангиб, саросималаниб, овози ҳам чиқмай қолди. «Қанақа сафар, қаёққа?» – сўради у бир оздан кейин нафасини ростлаб. Китоблар машмашаси, райондан келувчилар ташрифининг сабаби аёлларга мумкин қадар юмшатиб айтилган, Бекназар «Менинг узоқ йўлга отланаётганимни онамизга зинҳор айта кўрманг», деб келинни пишиқтирган эди. Заифа зотининг кўнглиям, тилиям бўш бўлади-ку, бир пасда маҳалладаги хотинларга ҳасрат халтасини тўкиб, ҳамма ёққа овоза қилиб юбориши ҳеч гап эмас-да.

– Подадан олдин чанг кўтарма, қўшнилари югуриб чиқишмасин, – уқдирди Дармонқул ака мулойимлик билан. – Ўғлинг дунёнинг нариги томонига кетаётгани йўқ, Бусора опамизнинг тоби қочиб, айттирворипти. Хабар олиб, беш-ўн кун қарашиб келади. Бечораларнинг боласи йўқ, поччаям қариб қолган. Шунийчун сал узоқроқ туришиям эҳтимол.

Бу хонадонда ҳам ўша пайтлардаги аксарият мусулмон оилаларидаги каби отанинг сўзи – сўз, амри вожиб эди. Бинобарин, Роҳила опа ортиқча дийдиёнинг фойдасизлигини яхши биларди. Унсиз ноласи, хўрсиниғи пасайиб, кўз ёшлари тингунча юзини Бекназарнинг кенг кифтига босиб турди. У эрининг тасалли сўзлари йўлига, уни овутиш учун айтилганини, ота-ўғилнинг хуфиёна тадбир-тадорикларида ғайри бир тараддуд, режа яширинлигини оналик ҳиссиётлари билан туярди. Қолаверса, Раҳима кўчадан анча-мунча миш-мишлар топиб келиб онасига бир учини чиқарувди. Бекназар суюкли сингилгинасига оналарига билдирмаслик шарти билан олисроққа кетаётганини шипшиб қўйган эди.

* * *

Рашида қайнсинглиси билан тайёрлашган уст-бош, нон, туршак ва бошқа майда-чуйдалар солинган иккита тугунни эрининг құлига тутди. Худди шу пайтда Бекназар унга отаси шама қилган гапларни ўзини совуққонликка солиб айтди. Одамнинг юзи иссиқ, бир кўрпада ётган танмахрамига кўнгилсиз хабарни, жудолик дарагини, айниқса «жавоб» маъносидаги ишорани етказиш нақадар оғир! Келинчак бундан ярим соатча аввал тўсатдан йўл анжомларини ҳозирлашни буюргунча ҳам жуфти ҳалолининг сафарга айнан бугун жўнаши ва бошқа ниятидан воқиф эмас эди. У одатдагидай, шу оқшом ҳам уйларига барвақт кириб, бор кўрпа-якандозни тўшаб, қалин жой солиб қўювди. Файри шуурий равишда ўринга бир қараб қўйган Бекназар гапини тугатар-тугатмас, боядан бери анқайиб турган Рашида шартта орқасига ўгирилди-да, жой четига чўккалаб, кафтларини юзига босганича йиглаб юборди. Унинг кўз ёшлари айрилиқ кўрқуви, изтиробининг ифодасими ё ўзи тутилиб-тутилиб тилига чиқарган сўзларнинг алам – аччиғими – йигит англамасди. Эркак оғушининг нақадар ҳузурбахшлигини туйиб, қайлиғига қаттиқ кўнгил боғлаган ҳамда ёшлиғига бориб, ҳаётнинг, яшашнинг нашъу намоси, аёллик роҳати, бахти бахтиёр ёстикдошлиқдан иборат экан, деган хулосага келиб улгурган жувон ўша қимматли бойлиқдан, тақдир ато этган бемисл неъматдан ажралиб қолаётганидан таҳликага тушиб, бирдан ўзини йўқотиб қўйган, ғам ўтида қовуриларди. У чаён чаққандай сапчиб ўрнидан турди-да, эрининг бўйнига осилиб, юзини унинг томоғи остига ишқай кетди. Бир оздан кейин эса яна баралла хўнграй бошлади. Бекназар унинг чангак каби маҳкам қисиб олган қўлларини елкаларидан бўшатмоққа уринди.

* * *

Бекназар ҳовлига чиққанида оила аъзолари чорпоя ёнида тик турганча аста-аста гаплашишарди. Фақат Раҳима чорпоядан нарироқдаги лойсувоқли ерўчоққа ғўзапоя қаларди. Атроф қоронғи бўлса-да, йигит гулхан ёруғида синглисининг юзлари чўғдай қизариб, бўғриқиб кетганини кўрди. Акасига кўзи тушган қиз ўчоқдаги қумғонни қоп-қора дастмол билан кўтариб олди-да, биқинидаги алюмин тоғорага ағдарди. Идишга буғ орасидан қайноқ сув билан бирга бир нечта тухум шалопплаб тушди. Раҳима тоғорачани ёнбошлашиб қайноқ сувни тўкиб юборгач, тухум устига совуқ сув қўйди, кейин тухумларни бир қийиққа туғиб шошиб келди-да, бўхчалардан бирига жойлаштирди. Бекназар бу пайтда акаси Холназарнинг кучоғидан ажралиб, отаси билан бағирлашмоқда эди. Новчалиги учун унинг боши падари бузрукворидан тепада турарди – у амакиларига тортган эди. Қиблагоҳининг иссиқ оғушидан чиқар экан, унинг кўзларида ёш ғилтиллаётганини илғаб, кўнгли бузилди, хўрсиниқ томоғида ғилқиллаб туриб олди. У онасига ёпишди. Ўғлининг кенг қўйнига сингиб кетган ушоққина жуссали Роҳила опа ошқора, фақат товушини баланд кўтармасдан йиғларди, шу ҳолатда у жигарпорасини қўйиб юборишни хаёлига ҳам келтирмаётганга ўхшарди. Унинг ёнида эса Раҳима Бекназарнинг забардаст елкасига бошини қўйганича обидийда қилар, гавдаси билинар-билинемас силкинарди. Тортинчоққина сингилжон қизларнинг ҳаваси келадиган шу акаси билан фахрланар, унга эркаланарди. Шу акасидан чўчиб, анча-мунча йигитлар унга тегажўқлик қилишга ботинишолмасди. Бекназар ҳам эсли-хушли маъсума қизалоқни халқ дostonлари қаҳрамонларига ўхшатиб, «Мени Паризод синглим» деб суяр, «Сени ҳеч ким хафа қилмаяптими, биронтаси жиғинга тегса, менга айтгин, а», дея рағбатлантириб қўярди. Суянчи, ҳимоячисининг шундоқ зўр йигит бўлишига қарамай, қайлиқдан омади чопмаганига у ҳам ачинар, орзулагани – апоқ-чапоқ, сирдош бўлиб юришга лойиқ очиқ чирой келиноийи учрамаганидан яна афсусланарди. Бу борада ўзини ҳам айбдор ҳисобларди. Рашидалар қўшни қишлоқда яшашгани, бирда-иккида яқин ҳамсуҳбат бўлишмагани сабаб, унинг қанақалигидан, тўғриси, беҳабар эди. Шунинг учун иккиланувди, лекин ўша томонлик қизлардан тузукроқ суриштириб кўриш эсига келмаган экан. Баъзида хафа бўлиб, онасига: «Сизга айтувдим-а, у қиз акажонимга муносиб бўлмаса керак деб, қулоқ солмадингиз», деб таъна қилиб қолар, Роҳила опа эса: «Лекин манақа феъли бор демагансан-да, болам, унисини сенам билмагансан-да, тўғримми? Умас, бумас, тақдир. Эси-хуши жойида,

саранжом-сараштайкан, шунисига шукур, кейин-кейин очилиб, дамлиги ёзилиб ҳам кетар...», деб қизининг кўнгил хижиллигини тарқатиш пайида бўларди. Бекназар бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаган, оғиз очмоқчи ҳам эмас эди. Ҳар нечук, ҳамдиллиги, ҳамдардлиги учун сезгир, зийрак синглисига нисбатан Бекназарда ихлос, меҳр янада ортган эди. Ҳозир у шуларни кўнгилдан ўтказар экан, шундай меҳрибон, ғамхўрларимни ташлаб кетаманми, деган надомат, уларсиз куним қандай ўтади-ю, ҳолим нима кечади, қаерларда, қанча вақт изғиб юраркинман, ишқилиб тезроқ қайтиб келиш насиб этармикан, деган ташвиш ва хавотир қалбини кемира бошлади. Ўша бадбахтларга дарвозани ланг очиб, келинлар, келинлар, акажонлар, деб, қўлини кўксига қўйиб турса бўлмасмиди? Лекин, барибир ит итлигини, тўнғиз тўнғизлигини қилаверарди. Қолаверса, Бекназар муросою мадора, мулозамату илтифот бораларида нўноқроқ, ўжарроқ эди, дангалчиликни ёқтирарди, дилидаги бир зумда юзига ва тилига лоп этиб чиқадиганлар тоифасидан эди. Агар шу феъли панд бермаганида балки жони-жаҳонлари – волидаи азизи ва синглиси ҳозир оху фиғон чекиб, ўзининг ҳам ичини ит таталаб турмаган бўлармиди...

Бекназар нима қилай дегандай, отасига илтижоли боқди, лекин Дармонқул ака бу қарашнинг маъносини ўзича тушунди.

– Бас энди, йўлдан қоляпти, – деди у ва ҳаммани нохуш ҳолатдан чалғитиш учунми, «Пичоғингни олдингми, Бек» (ота ўғлини кўпинча, хусусан унга меҳри товланган пайтларда шундай атарди), деб сўради.

«Босмачилик» деб аталган даврлардан кейин совуқ аслаҳа сифатида пичоқ олиб юриш ёзилмаган қонунлар асосида бир мунча тақиқланган бўлса-да, иккинчи жаҳон урушидан сўнг катта ёшдаги эркакларнинг уни чорси билан белига тақиши, йигитларнинг эса камарига боғлаб, шимининг чўнтагига солиб ёки этик қўнжига тиқиб юришлари қайта таомилга кирган эди. Анча-мунча пичоқбозликлар юз бериб туришига қарамай, ота-боболардан давом этиб келаётган удум бўлгани учунми, ҳар қалай, бу яроғни бутунлай ман этишни, афтидан катталар адолатдан деб билишмасди.

Кейинчалик мана шу матоҳ бўлмаганда бошимга шунча шўришу ғавғолар тушмасмидийкин, деган гап Бекназарнинг кўп бора хаёлидан ўтди. Аммо ўшанда у энг керакли ашёсини ёдига солгани учун падари бузрукворидан миннатдор бўлган эди. Аслида унинг ўзи ҳам пичоқ тақишни йигитлик мартабаси мезонида кўрарди. Ёнбошида – камарида ярқираб, юрганида сонига тегиб турадиган бу қурол эркак кишига қандайдир салобат, мардона сиёқ берарди гўё. Дарвоқе, шарқ халқлари, жумладан, ўзбеклар орасида хотин, бош кийим, от ва пичоқ азалдан ғурур, ор-номус мақомида юксак қадрланиб, эъзозлаб келинган ва бу нарсалар ҳеч кимга, ҳатто энг яқин одамга ҳам бир жиддий сабабсиз берилмаган. Замоннинг, инсон дунёқарашининг шу қадар тез эврилишини қарангки, деярли ярим аср ичида дўппи, пичоқ, от ҳам урфдан – ифтихор, ҳамият тимсоллигидан чиқди... Аёл эса хорижма-хориж тижоратда...

Бекназар отасининг сўроғидан кейин «ий-й-и» дедию уйга қайтиб кирди. Рашида йиғидан тинган, бироқ ҳамон болиш қучоқлаб ётган эди, эрини кўрдию ирғиб туриб яна бўйнидан қучоқлади. Йигит гарчи бир неча дақиқа бурун талоқ мазмунидаги гапни айтиб қўйган, шарият қондаси бўйича энди улар номаҳрамларга айланишган эса-да, унда меҳр-шафқат туйғуси уйғонди, жиғибийрон бечора, бегуноҳ келинчакни ўзидан итариб ташлашга журъати етмади, тўғрироғи кўнгли чопмади, уни аста бағридан ажратиб, икки кифтидан омонатгина тутди, унда бирров келинчакнинг ёш изи қолган юзларидан енгилгина ўпиб қўйиш фикри туғилди, аммо шу заҳоти бу аҳдидан қайтди, жувонни ўзига хиёл тортиб, бошига иягини қўйганича бир лаҳза турди. «Чакки қилиясан, бу ишинг ножоиз энди», дерди ичида бир овоз. Ростдан, балки оддий инсоний далда, юпатиш маъносидаги мана шу аяш, раҳмдиллик изҳори кейин Рашидага умид бериб, уни шу хонадонда бир неча ой тутиб тургандир. Албатта, у ҳам кўп қатори ожизаи бенаво бир банда, унинг ҳам қалби, хоҳиш-истаклари, ҳиссиёт ва туйғулари бор, бинобарин, у ҳам бошқалардай севиб-севилишга, оила қуриб яшашга, ўзини кимгадир бахш этишга, бахтли бўлишга ҳақли... Ночор, номукаммал мардумларнинг сахву хатоларини тўғрилаб, дунё ишларини мувозанатга солиб турувчи Парвардигор уни ҳам ташлаб қўймас...

Бекназар уй бурчагида, девордаги миҳда илиғлик мугуз сопли, амиркон қинли пичоқни олди-да, йўл-йўлакай уни ўша пайтда расм бўлган пахталик фуфайкаси остидан камарига боғлашга тутинган чоғда, фикри ўзгариб, сарғимтир хром этигининг кўнжига тиқиб, ҳовлига чиқди.

– Яроғ – эркак кишининг ҳамроҳи, – деди ота, – фақат уни жойида, яхшиликка ишлатиш керак.

Холназар она билан сингилни укасидан авайлабгина ажратди. Икки муштипар ожиза ўз жигаргўшаларидан умрбод айрилишаётгандай, бир-бирларини қучиб қикиллашарди.

– Қани, қўлингни оч, дуо қилайлик, – овозини кўтариб аёлини ундади Дармонқул ака ва Бекназарга юзланиб йирик, қадоқли кафтларини ёзди: – Аллоҳ паноҳига топширдик. Парвардигор сени фақат яхши одамларга йўлиқтирсин, ўзидан бошқага муҳтож қилмасин. Эсон-омон дийдор кўришгунча... – Ота бир нима ёдига тушгандай хотини тарафга бир кўз ташлади-да, қўшиб қўйди: – Амманг, поччангларга биздан қаттиқ дуо дегин, ой бориб, омон кел...

– «Қулхуоллоаҳад»ни, «Қулаувзу»ни ўқиб юриш эсингдан чиқмасин, болам, – тайинлади йиғидан тийилмаган она.

– Биз сизни соғиниб қоламиз, тезроқ қайтинг, акажон, – ўтиниб илтижо қилди Раҳима.

– Омон бўлинглар... – Бекназар қанча ҳаракат қилмасин, онаси олдида ўзини шунчаки қисқа фурсатли сафарга кетаётгандай қилиб кўрсатишнинг уддасидан чиқолмаётганди. У яна Холназарни қучоқлади. – Ака!.. – Шу биргина калом талаффузида бир дунё мазмун мужассам эди. Икки туғишган биродар айрим оға-иниларга нисбатан аҳил эди. Албатта, улар орасида ҳам келишмовчилик, зиддият чиқиб турарди – Холназарга отаси Бекназарни авайлаб, оғир юмушларни кўпроқ бунга буюрадигандай туюлиб, гоҳида тумрайиб олар, эрка укасига ғашланиб, бир-икки кун аразлагандай юрарди. Кейин у сингиллари Раҳиманинг ҳам ўзидан кўра Бекназарга ҳурмати бўлакчароқлиги, бунга айтмайдиган сирларини укаси билан ўртоқлашишини пайқаб ичида андак куяётганга ўхшарди. Шунга қарамай, ундан ажралиш ҳам Бекназарнинг юрагини симиллатмоқда эди. Ҳозирги «Ака!..» деган илтижоли хитобда эса ўкинч, узр оҳанги, ота-онамиз ҳам, синглимиз ҳам сизга қоляпти, уларни эҳтиёт қилинг, менинг йўқлигимни билантирманг, бу нотавон инингизни эслаб туринг, деган ўтинчлар бор эди. У киприкларига сизиб чиқаётган ёшини кўрсатмаслик учун юзига фотиҳа тортиш баҳонасида бармоқларининг учи билан миждаларини сийпалади.

V

Иккита тугунни елкасига хуржундай осган Бекназар яримта ой атрофидаги юлдузлар кечқурунгида нисбатан сийраклашган, тонг ёришган-ёришмаганини фарқлаш қийин бўлган, одатда отаси кўпинча анор сотгани бозорга жўнайдиган паллада дарвозадан чиқди, шу пайтда у ўзини беихтиёр қаландарларга менгзади. Тор кўчалари шаҳарга элтувчи асосий йўл билан туташган жойгача – бир чақиримча масофага пиёда юриш керак. Атроф сокин, ҳатто қўшниларининг «оғзи очиқ» совлиғи ҳам маърамасди. Баҳорнинг беқарор, салқин шабадаси йигитнинг ёлдор кўкрагига хуш ёқар ва бир оз жунжиттирарди. Ёз нафаси келиб қолган бўлса-да, ҳали тунлар унча исиб кетмаган эди.

Бугун якшанба – бозор. Тўрткўчада киракаш машиналар бўлиши керак. Чорраҳа – қишлоқ маркази, асосий гузаргоҳ, бозорчиларнинг бекат – паккаси ҳам эди. Қишлоқ одамлари томорқаларига асосан анор, беҳи, узум экишади ва кўпчилик меваларни қиши билан сақлаб, кўкламда – илик узилди, пул узилди маҳалда сотишга ўрганишган. Гўшт-ёғ, сабзи-пиёз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини шаҳардан олиб келишади. Бекназарларнинг ҳовлисида ҳам ўттиз тупча анор бўлиб, улардан беш-олти юз кило ҳосил олишади. Асосий улгуржи даромадлари шу. Бир қисмини анор пишиғида, қолганини баҳорда пуллашади. Мавсумда арзон, баракасиз бўлади-да. Ота боёқиш саҳарга яқин туриб, оқшом хамир қорадиган тоғорага гумбаз шаклида териб, катта этакка ё дастурхонга тугиб-ростлаб қўйган анорни орқасига – худди болани опичлагандай

чопони этакларини қайириб, кўтариб чиқиб кетади. Дармонқул ака бозорга хуши, сабри йўқ, ҳам тажрибасиз ўғилларининг анорни кўтарасига, арзон бериб юборишларидан безиллаб, ҳам айнаи уйқуга тўймайдиган даврларида уларни ижиргантирмаслик учун бозорга ўзи қатнади. Доимий кира қиладиган, шу қишлоққа ўрганган тепаси брезент билан ёпилган, орқаси очиқ битта юк машинаси (уни “капалик” машина дейишарди) бўлиб, у ҳам бошқа жойдан келарди.

Бекназар ўнқир-чўнқир йўлдан хаёл суриб бораркан, хўп, Андижонга-ку етиб оларман, кейин Ўшга қаердан, қандай кетаркинман? Ишқилиб, ҳозир капалик машина бўлсин-да, деб ғудунларди. Негаки, гоҳида ўша биттаю-битта киракаш улов ҳам келмай қоларди. Бекназар ёруғ тушмасдан қишлоқдан чиқиб, иложи борица тезроқ шаҳарга етиб олиши зарур эди.

Тўрткўчада, шохлари тарвақайлаган қари тут остида саккиз-ўн чоғлик, асосан катта ёшдаги кишилар чўнқайганча давра қуриб гаплашиб ўтиришар, яна икки-учтаси тош ётқизилган йўлда у ёқдан бу ёққа оҳиста юришарди.

– Ҳа, Бекназар, бозоргами, оқсоқол дам олдими? – сўради юриб турганлардан бири, маҳалладош Эркинбой ака.

– Ҳа, – қисқа жавоб берди Бекназар ва бошқалар ҳам гапга тутиб қолмасин, деб тугунларини бир четга қўйди-да, чўнқайиб ўтириб олди.

Нихоят, “капалик” машина келди, одамлар, тоғора, қоплар ўрнашди. Йўлга тушдилар. Бекназарнинг кўнглида ҳадик, ҳаяжон, шуурида Ўшга етиб олиш ташвиши, аразлаб юришган ўгай амма ва поччалар қандай муносабатда бўлишаркин, қаерда кўним топаркинман, қочишим тўғри бўлдимми ўзи, анови худобеҳабарлар отамни каттам сингари тергов қилиб, у ёқ-бу ёққа судраб қийнашса-чи?.. деган, кейин ҳам юз марталаб тақорланган саволлар айланар, улар жавобсизлиги боис, юрагига ғашлик соларди.

* * *

Қариндошлар Бекназарни бошда илиқ қаршилашди, бироқ икки-уч кун ўтиб, меҳмоннинг беҳос ташрифи сабабидан воқиф бўлишгач, уни тезроқ жўнатиб юбориш пайига тушиб қолишди. Почча безовталаниб, Қашқар томонга кетадиганларни суриштира бошлаган, бу саъй-ҳаракатларни жиянга меҳрибончилик, ғамхўрлик никобига ўраб кўрсатишга уринарди. Бекназар хонадоннинг ҳаловатини бузганини англаб, «Мен Қашқарга ўтишдан аинидим, ўйлаб кўрсам, уйдагиларни ташвишга қўйиб кетишим тўғри эмас экан, шунинг учун Анжанга қайтаман», деб чиқиб кетди. Ўш сойи бўйидаги чойхонага тушди. Ўзи каби бўйдор, ёши бир жойга борган, юз терилари, бақбақаси бир оз осилган, лекин гап-сўзи, қарашларидан анча хушёр ва дадил чойхоначига таваккал деб дил ёрди. Поччаси Ўшда Бекназарга ўхшаган қочоқларни Қашқар томонларга яширин йўллар билан олиб ўтиб қўядиган ёвқур, девкор йигитлар борлигига шама қилувди.

– Ҳа, шунақалар бор, – деди чойхоначи, Бекназарнинг рост, самимий гапираётганига шубҳаланмай ва улардан бирининг манзилени тушунтириб қўйди.

Бегмат сор лақабли овчининг ҳовлиси шаҳарнинг мағриб қисмида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тошдан хужра солдирган Сулаймон тоғи пойидаги маҳаллада эди. Бекназарнинг бахтига у уйда экан. Муддаони билдириш асносида кўргилигини бўймай-бежамай гапириб берди, чунки нажоткорга ёлғон сўзлаши ўзига нисбатан ишонч, ҳурмат илдизига болта уриш демак-да.

Ўша маҳалда навбатдаги қатагон уюрмаси яна бутун иттифоқ бўйлаб ғувуллаб, ҳар томонга учар, йўлида дуч келган эзгулик, зиё дарахтларини кўпориб, чирпирак қилиб, тубсиз жарларга итқитиб ташламоқда эди. Бекназарнинг бошига тушган савдо биргина унинг қисмати эмас, Бегмат сор буни яхши англади. Буни нафақат унга ўхшаган халоскорлар, балки бутун халқ биларди, лекин ким «гирдибод»дан нолиб ҳасрат қилса, ёзғирса, ҳолига вой эди – тўзон уни ҳам омон қўймасди. Зеро, тўзон «ташкilotчилари»га зид бир сўз демоқ – куйиккан урғочи шернинг жиғига тегиш билан баробар эди. Бегмат сор ҳам аламзадалардан эди. Шахсий кутубхонасида Ленин, Сталин тўмлари тўла эмаслиги, аксинча, коммунистик тарбияга хизмат қилмайдиган кўплаб китоблар сақлагани учун китобдор тоғаси, бутун маънавий бойлиги мусодара қилиниб, ўзи ўн йилга кесиби юборилган эди.

Чегара сиёсати қаттиқ, Қашқар билан борди-келдига рухсат тугул, ҳеч қандай имтиёз ҳам йўқ, яширинча ўтишга уринганларга жазо шафқатсиз эди. Шунга қарамай, тирик жон илож қидираверади. Таваккалчилик, яшаш учун қулай шарт-шароит яратишга интилиш, некбинлик қон-қонига сингиб кетган инсон, эртага ё бошқа жойда беш баттар машаққату риёзатларга дуч келиши муқаррарлигини нотинч кўнгли сезиб турса-да, илинж билан талпинаверади.

Бегмат сор Бекназарга унинг ёлғиз эмаслигини, икки-уч кун ичида йўлга чиқишларини айтиб, кўнглини тинчитди, кутилмаган меҳмонни ўрдак гўшти билан сийлаб, унга қатор тушган пастак уйлари чеккасидаги бир хонани ажратиб берди. Бекназарнинг дилига ёруғлик иниб, ўзини эркинроқ, дадилроқ тутта бошлади, унда Қашқарга ўтиб, у ерда отаси айтган кишиларни учратишга ишонч уйғонди. Қишлоғидан чиққандан бери уйқуси чала-ярим, беҳаловат эди, катта бир довонни забт этган, йўлининг бу ёғи ойдинлигига шубҳаси қолмаган кимсадек мириқиб керишди. Рашида қават-қават қилиб тўшайдиган ўриндан ҳам ҳузурлироқ, юмшоқроқ туюлган юпқагина кўрпачага чўзилиб, чуқур нафас олди. Кун ботишга қараган дарчадан кираётган анча салқин, аммо юракка ором берувчи ёқимли шабададан бадани ҳам яйради.

VI

Ўш – Эргаштом довон йўлида қарийб уч кеча-кундуз юришди. Адирлар, довон, даралар, чангалзорлар оралаб ўтган, асрлар давомида остки қатламлари тошдай қотиб қолган, аммо юзаси ёгингарчиликда сирпанчиқ лойга айланадиган энсиз йўл гоҳо нариги бошигача кўриниб тургандай тўғри, тик, гоҳо иланг-биланг арғамчини эслатарди. Улар Бегмат сор, унинг шериги Осман, Бекназарга тақдирдош Дадамат ва Тоштанбой ака билан унинг нимжон ва касалванд ўспирин ўғли Алишер – жами олти киши эдилар. Сафарга чиқишган ўзаро яқин одамлар сингари гурунглашиб кетишди. Осман новча, қотма, аммо жуссасига нисбатан калласи каттароқ ўттиз ёшлардаги қирғиз башара йигит эди. Уни таништираркан, Бегмат овчи «Бунинг асли оти Усмон, аммо метрика берадиганлар осмонларга етиб юрсин, деб ўзгартириб қўйишган», деб ҳазиллашди. Дарҳақиқат, Османнинг боши ҳамманикидан баланд, оёқларининг узунлигидан тиззасини тепага кўтариб, букиб от қорнига ниқтарди. Бегматнинг айғири гавдали, кўркам бўлгани сабаблими, Османнинг кулрангга мойил йўрғаси хачирга ўхшаб кўринарди. Бегмат сор, афтидан, жўрасининг қаҳқаҳасига ишқибозу, ҳозир вазият тақозосига кўра, ўринсиз жарангли кулишларнинг даммини кесишга, эҳтиётланишга ҳаракат қилаётгандай тасаввур уйғотарди, бошқаларни ҳам ҳазил-чин аралаш оғоҳлантирарди. «Қизиқ гап, афанди айтиш йўқ. Осман бир хандон урса, нақ ҳаммамиз қўлга тушамиз». Шунга қарамай, диққинафас бўлиб кетганида ё қадрдон кулгини қўмсаб қолганида, беҳадикроқ жойда ажиброқ гап билан биродарини бир хахолатиб хуморбосди қилиб оларди.

– Бошқа маҳал майлию, гезада⁷ совуқдан титраб-қақшаб ўтирамыз, энди чуррак хўракка тушганда қаҳқаҳа уриб ўлжани учирворгани чатоқ.

– Ўзингам тек турмайсан-да, – деди Осман мийиғида жилмайиб. – Қўлим тепкига бориши билан, кетига отма, чуррасини мўлжаллама, деб одамни кулгисини қистатасан. Ўлгандан кейин барибирмасми?

– Йўқ, барибирмас, чурракчи, – эътироз билдиради Бегмат жиддийлик билан. – Эркак зоти учун бунақа қисмат билан ўлиш жуда аламли-да, тўғрими, биродарлар?

Бироқ бошқаларнинг кўнглига кулгу сиғмас, улар ўз ҳадик ва ташвишлари билан банд эди. Бақалоқроқ, элликни қоралаган Тоштанбой кўринишдан ўн икки-ўн учлар орасидаги (аслида мурти сабза уриб қолган) ўғли Алишер билан анча йиллар муқаддам Қашқарга ўтиб кетган отасини йўқлаб боришаётганди. Бундан уч ҳафтача илгари падари бузрукворининг оғир бетоблиги тўғрисида хабар келган, Бегматга қараб, ҳаяллашган эди. Унинг фикри-ёдини отам тирикмикин, ишқилиб дийдор кўришиш насиб этармикин, деган хавотир чулғаб олганди.

Ўрта бўйли, қорамағиз, ўттиз саккиз-қирқ ёшлар чамасидаги Дадамат, унинг ҳам азон айтилган исми Дадамуҳаммад бўлиши керак, оғир –вазминлигиданми, бир оз

⁷ Геза – овчиларнинг махсус пистирмаси.

суст кўринар, қарашлари ҳам сокин эди. Емаган сомсага пул тўлаган, яъни вилоят тафтишчилар бошқармасида ишлайдиган бир хешига енгил машина олиш учун исми-фамилиясини «бериб туриши»⁸ ўз бошига бало бўлган эди. Туман ички ишлар бўлимига чақиришиб, шунча сармояни қаердан топгансан, демак, бирор кулоқ қариндошингдан тилла-пилла мерос қолган, яна машинани катта фойдага пуллагансан, яъни чайқовчилик билан шуғуллангансан, деб роса тинкасини қуритишган. Дадамат жигарини сотгиси келмаган, тафтишчи унга «Пулни қариндошлардан қарз кўтарувдим, ўқиб, ҳужжат олгунимча миниб туриш учун бўламга берганман деяверинг», деб гап ўргатган. Лекин мелисадагилар анойи эмас-да, тергашда давом этишган, якка ҳолда дўппослатишган, бир натижа чиқишига кўзлари етмай, охири ишини судга ошириб юборишган. Воқеанинг бунақа тус олишидан ваҳимага тушган Дадамат қочворган ва Ўшга келиб, у ҳам Бегмат сорга йўлиққан эди.

Улар ўша куни ярим тунда йўлга отланишди.

– Тонг отгунча аҳоли қалин яшайдиган овуллардан, Олойдан ўтиб, доvon йўлига етволишимиз керак, – деди Бегмат сор.

* * *

Кифтига қалин, оппоқ кўрпа ёпилган тоғ яқинлашган сайин изғириқ авжга минар, айниқса, субҳи содиқда кун чиқишга – қор заҳри келаётган тарафга қараб юриш уқубатли эди. Қулоқлар чимиллаб, қароғлар ёшланар, бурун туклари қиров боғлаб тортишар ва ачиштирарди. Йўловчилар бошларини ёнбошга буриб ё бадавийлардай юзларининг кўздан ташқари қисмини қийиқ билан ўраб-чирмаб олишади. Нам тортган киприкларини, бир-бирига ёпишиб қолишидан кўрқиб, тез-тез пирпиратиб юришга ҳаракат қилишарди. Дахан сал очилса совуқ танглайни, кичик тилни ҳам чимиллатар, шунинг учун ҳамма лабларини қимтиб, миқ этмай кетарди. Изғирин устки кийимларнинг пешини шиддат билан қайириб, болдир, сонларга уриб дириллатади. Пешларни куч билан тортиб, оёқларини ёпиб, қимтиб, маҳкам босиб олишади, лекин уловни ниқташ зарур бўлганда тиззалар кўтарилиб, этаклар яна орқага қараб учади.

Аҳволи анча оғирлашган Алишер орқаси билан деярли отасига суялиб, инқиллаб-синқиллаб борарди, ота унинг ёнларини ўраб, енгил билан оғзи-бурнини ҳам шамолдан тўсишга уринарди. Унинг қийналаётганини сезган ҳамроҳлар ўсмирни навбатма-навбат ўз олдиларига ўтиргизиб олишарди. Ҳамон гап гапга қовушмас, барчанинг фикри-ёди бетоб бола ва чегарадан ўтиш гамида. Ўсмир ҳануз ўзини дадил тутолмас, мингаштириб бораётган киши уни бўш қўли билан қучоқлаб, эҳтиётлаб кетишга мажбур бўларди. Албатта, юзаси юпқа музлаган ботқоқли йўлда бир уловга икковлон миниш ўнғайсизлик туғдирарди. Оғир юк билан тобора юқорига ўрлаётган доvonдан юриш эшагу отга ҳам қийин – қаттиқ ҳансирай бошлаган жониворларнинг тумшуклари ерга тегай-тегай дер, оғиз-бурунларидан, ёллари орасидан куюқ ҳовур кўтариларди. Ҳайвон тер ҳиди билан уйқаш ҳовур улов устидагиларнинг димоғларига урилиб, нафасларини қайтарар, хусусан, Алишернинг кўнглини оздирарди. Уловларгина эмас, одамлар ҳам ҳаддан зиёд толиқишганди. Тоштанбой ака боз устига ўғли билан ҳаммани ташвишга, азиятга қўйишаётганидан изтироб чекар, Алишерни кўпроқ ўзи мингаштириб олиш пайида бўлар, аммо шерикларнинг оғринишаётгани сезилмас (Бекназар билан Дадамат ҳам энди уларга шафқат ва хавотир назари билан қарашарди), аксинча, улар «Боланинг аҳволи хатарлимас, худо хоҳласа, ҳадемай тузалиб қолади», дея отахоннинг кўнглини кўтаришиб, унга кўпроқ дам беришга ҳаракат қилишарди.

Ростдан ҳам ўсмирнинг дарди у қадар оғирга ўхшамасди, ҳар қалай, кўмакда бўлса ҳам уловда тикка кетяпти-ку, бутунлай ётиб қолгани йўқ-ку. Лекин ташқаридаги буюқ билан ичидаги ҳароратнинг ўзаро зиддияти, мувозанат бузилиши охир-оқибат нимжон ва янада заифлашган вужудга салбий таъсир ўтказди шекилли, кечга яқин боланинг афти оғриқдан бот-бот тириша бошлади. Энди уни ичбуруғ ҳам исканжага олган эди. «Шуниси камиди», – ўйладилар. Дам-бадам тўхташга тўғри келар, ота боёқиш

⁸ У маҳаллардаги сиёсатга кўра, мансабдорлару оддий хизматчиларнинг ҳам ҳуқуқ, имкониятлари чекланган, уй-жойлар, машиналар ҳам колхозчи ё оддий ишчи танишлар номига хуфёна расмийлаштириб олинарди.

ўғлини бир четга бошлаб ўтарди-да, чакмони этакларини капалак қанотидай ёзиб, уни назардан, шамолдан ихоталаб турарди.

Бекназарнинг, балки ўзгаларнинг ҳам наздида энди Тоштанбой ака ҳам бўшашиб, сўлишиб борарди, ахир кечадан бери туз тотгани йўқ. Бошқалар ҳам хижолат бўлишиб наридан-бери, енгил-елпигина тамаддиланишар, ҳатто улов устида қаттиқ нонни қусирлатмаслик учун оғизларида оҳиста айлантириб, шимиб, хийла юмшатишгач, Бегмат ва Османнинг белбоғидаги сувдонлардан етган жойигача музлатиб кетадиган сув хўплаб, луқмани бир амаллаб ичкарига суриб юборишарди. Улар ҳам уч кундан бери иссиқ таом кўришгани йўқ, аммо Тоштанбой акага янада қийин – унинг ёши ўтиб, овқатга суяниб қолган даври.

– Мўлжалдаги манзилга келдик, тоғнинг энг ўнғай жойи шу ер, – деди ниҳоят Бегмат сор отини тўхтатиб, қамчи билан тепага ишора қиларкан. – Эҳтиёт бўлиб, секин кўтариласизлар, тоғдан тушиб, яна этакка – келган томонимизга қараб юрасизлар, беш-олти чақиримлардан кейин чапга – кун чиқиш тарафга кетасизлар. Икки чақиримча борасизлар, томлар кўринади. Қишлоқ билан ёнбағирлик ўртасида сим тўсиқ борми, йўқми, билмайман, мабодо бўлса, ҳушёрлик билан ўтасизлар.

Османнинг таклифи билан тамаддига ўтиришди. Тошфонарни ёқишиб, қотган кулча, туршак, майиз, хуллас, ҳамма бор бисотини белбоғ – дастурхонга тўқди. Бегмат билан Осман ҳам хуржунларидан яхна гўштлар олиб кўйишди.

– Қоринни яхшилаб тўйдириш керак, – деди Бегмат сор, – тоғдан ошишга кўп куч керак. Бирор соат дам олинглар, кейин тепага қараб монтийсизлар⁹. Юқоридаги қор бети музлаган, ҳазир бўласизлар. Бекмирза, Дадамат, ота-болага ёрдам берасизлар.

– Албатта, албатта. Раҳмат сизга. – Бекназар нима қиламиз, дегандай Тоштанбой акага маъноли қаради. У бошда хизмат ҳақи борасида гап очганда Бегмат: «Аввал ишни битирайлик, ўша ёқда гаплашамиз», деб гапни қисқа қилувди. Йўл-йўлакай эсига тушса, қанча сўраркин деб, Бекназарнинг ичи бир ғимирлаб кўярди. Ўша савол каттакон илмоқдай яна кўз олдида ликиллай бошлади. Икки йўл бошловчи, ҳимоячи бу ёққа уч кундан ортиқ юришди, қайтишда яна шунча йўл босишади... Ёнидаги маблағ ҳисобли, Қашқарга ўтиб, отаси айтган кишиларни топиб, улардан қарз сўраши ё уларнинг маслаҳати, ёрдами билан мардикор ишлаб бўлса-да, пул жамғариши мумкин, ҳозир эса... Отаси берган пулнинг ҳаммасини олиб келавермабди-да. Йўқ, уларга асқотиш ўрнига бор-будларини йиғиштириб жўнаши инсофдан эмас эди. Етмаса, шериклардан олиб турар...

– Хизматларингиздан жуда миннатдормиз, кўп улуғ иш қилдларинг, сизларсиз бу жойларни топиб келишимиз гумон эди. Бежавотир келволдик, – гап бошлади Тоштанбой ака Бекназарнинг имосидан кейин. – Энди сизларни рози қилиб қўйсақ, – у бўҳчасини ковлай бошлади. Бекназар билан Дадамат ҳам Бегмат сорнинг оғзига тикилганча чўнтакка қўл солишга шайланиб туришарди. Осман, унга бу «савдо»нинг дахли йўқдек, хас-хазонларни шитирлатиб, шундоқ ерга бепарвогина ёнбошлади.

Бегмат сор ўтирган ерида қаддини ростлаб, бошидаги қулоқлари икки ёнга осилиб тушган тулки телпагини қамчиси билан тепароққа суриб, чаккасини қашиди.

– Оқсоқол, қани, бир дуо қилинг-чи, – деди у кенг кафтларини очиб. Қоронғида унинг кўзлари худди бургутникидек чақнар ва кайфияти чоғлигидан далолат берарди.

Тоштанбой ака аввал дастурхонга фотиҳа ўқиди, еган-ичганлари савобини даврадагиларнинг ўтганлари руҳига бағишлади, кейин Бегмат билан Османнинг умрию ризқларига баракаи-азим ва ҳеч қачон доғ кўрмасликлари, ҳамиша Яратганнинг паноҳида, Хизр бува мададида бўлишларини тилади, ўзларига эса аллоҳдан эсон-омон Қашқар тупроғига етказишини, норасидасига шифо, қувват ато этишини сўради.

– Мана шу дуоларингизнинг ўзи бизга катта тўлов. Борлиқ истак-тилақларингиз ижобат бўлиб, ҳаммаларингизга ўз юртимизга тўрт мучангиз соғ қайтиб келиш насиб қилсин. Эшакларни берардигу, барибир уларминан манави баланд тоққа чиқолмайсизлар...

Тили калимага келмай қолган Тоштанбой ака тараддулланиб, ёнидагиларга юзланди. Этакчининг гапи фақат ота-болага тегишли деб ўйлашган Бекназар билан Дадамат кўйинларидан бир сиқимдан пул чиқариб узатишди.

⁹ Монтимоқ – ўрламоқ, юрмоқ.

– Раҳмат сизларга, кетган вақтларингизга рози бўлинглар, – деди бири.
 – Оз бўлса, кўп ўрнида кўрасизлар, яхшиликларингизни ҳеч эздан чиқармаймиз,
 – деди униси.

Бегмат энди чўккалаб ўтирган ҳамкорининг елкасига туртди.

– Қирғизча сўйладим шекиллиг-ов, Осман, манави жўлдасларга ўгириб бер...

Отахон ҳам, бошқалар ҳам йўл бошловчилардан хизматларига яраша ҳақ олишларини астойдил ўтинишди, акс ҳолда, мол-мулклари учун закот бермагандай, кўнгиллари хижил бўлиб, ишлари юришмай қолиши мумкинлигини бири қўйиб, бири таъкидлашарди. Айниқса, ўз жигарлариникига икки кун сиғмаган ва бояги ўйларидан мулзам тортган Бекназар баландроқ овозда, бир Бегматга, бир Османга қараб жонланиб гапирарди. Зиммистонда юз-кўзлардаги ифодани илғаш қийин эса-да, товушлар жаранги ва қўл, бош ҳаракатлари шиддатидан ўтинч, илтижолар юракдан чиқаётганини пайқаш мумкин эди.

Камгап, боқибеғам Осман чурқ этмасди, афтидан чурракчи Бегмат сорнинг чизигидан юрарди. У ўқтин-ўқтин кифт қоқиб қўярди холос.

– Қайтишда бизникига тушиш эсларингдан чиқмасин, Осман икковимиз чуррак билан меҳмон қиламиз, – кулди Бегмат ва уларга тасалли бергандай қўшимчалади: – Йўл-йўлакай ов қилиб кетамиз. Беш-олтита тулки, бўрсиқ-мўрсиқни ўлжа олармиз. Хўп, энди биз кетдик. Сизларниям, бизниям йўлимизни берсин, омин, – у даст тикланиб, оталардай кучоқ очди.

Эски қадрдонлар каби, кўкрак қафаслари бир-бирига ботгудай бағирлашиб хайрлашдилар. Кузатувчилар отлари бошини келган изларига буришди, эшаклар эргашди. Бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар, шатир-шутир шарпалар ҳам тинди. Атрофни сирли зулмат чулғади, бир ёқда маҳобатли тоғ, иккинчи ёнда этагини кўз илғамас яланг чўл қорайиб кўринарди.

VII

Қашқарда айрилишди. Йўллари, боражак манзиллари ҳар хил, нотаниш шаҳарда бир-бирларига кўмак беришдан ожиз эдилар. Тоштанбой ака қиблагоҳининг Ёрбоғ деган жойда яшашини айтиб, манзират ўзасидан ҳамроҳларини таклиф этди. Бекназар тезроқ отаси тайинлаган одамларни излаб топиши зарурлигини билдирди. Дадамат сафардан давом эттириш ниятида, Исломободга ўтишни мўлжаллаётганди. Ҳиндистондан ажралиб чиққанига бир неча йил бўлган Покистон мусулмонлар диёри ва паноҳгоҳи сифатида аҳли сунна муҳожирлар эътибори ва кўнглини торта бошлаганди.

Ҳамсафарларни бир неча кунлик йўл азоблари бир-бирларига меҳрли оға-инилар каби яқин қилиб қўювди. Аллоҳдан яхши кунларда боз дийдор кўриштиришни тилаб, йиғлаб хайрлашишди. Хийла ўзига келиб қолган Алишер дам Бекназарга, дам Дадаматга кўзларини жовдиратиб тикилар, унинг болаларча беғубор нигоҳларида уялиш, хижолат ҳисси билан бирга миннатдорлик туйғусининг ҳам ифодаси мужассамдай эди.

Эрта қисмат қандай кечишини, яна қаерларда, қай ҳолатда умргузаронлик қилишни ҳеч ким билмасди. Тоштанбой ака падари бузруквори ҳузурда унинг тузалиши ё бошқа... муносабат билан маълум муддат тургач юртга қайтмоқчи эди, лекин ўша маҳалларда бу аҳдни комил ишонч билан айтиб бўлармиди?

* * *

Бекназарнинг тасаввурига жуда катта шаҳар сифатида кириб қолган Қашқар анча кичик кўринди, аҳолиси ҳам сийракка ўхшади. Ҳар қалай, торроқ ва тартибсизроқ бозорни унча қийналмасдан топди. Андижонликлар растасида қидирганларидан бирини учратди, бошқалари савдо ишлари билан ҳар ёққа кетишган экан. Бекназар мусофирликда кишилар ўзаро аҳил ва иноқ, меҳрибон ва оқибатли, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш туйғуси кучли бўлишини дастлаб ўшанда билди. Ҳар хил сабаблар билан Қашқарга ўтиб ўрнашиб қолган андижонликлар кўп, аммо улар орасида камбағали кам эди. Бекназар қашқарликларнинг Ўзбекистондан, асосан водийдан борганларга (уларнинг ҳаммасини «анжонликлар» дейишарди) илиқ муносабатдалигидан жуда суюнди. Улар мусофир биродарларига меҳмонхона ёки ижара уй деса, уни топиб

беришар ва жойлашиб, ўзларини ўнглаб олгунча андижонлик бойлар қатори моддий жиҳатдан кўмаклашиб туришарди.

Андижонликлар кундузлари расталарида, кечқурунлари чойхоналарда, кўпроқ бир-бирлариникида тўпланиб гурунг қилишар, суҳбатни савдо-сотикдан бошлашиб, Хўжа Аҳмад Яссавий, Юсуф хос Ҳожиб ҳикматлари, Бедил рубоийлари, Навоий, Машраб ғазаллари мутолааси ва муҳокамасига ўтишар, ниҳоясида гап шўро давлатида, хусусан, Ўзбекистонда, шунингдек, Андижонда юз бераётган ҳодисалар, «қама-қама»ларга бориб тақаларди.

– Шўро дегани ёмон қаттол чиқди-да, бу кетишда халқ қочиб, камалиб, қирилиб битади-ёв. Бу балои азимни худонинг ўзи даф қилсин, – дея мулоқотга яқун ясашарди.

Бекназар бир неча кун юртдошлари хонадонида файзли, латиф суҳбатлардан баҳраманд бўлди. Ҳамма эҳтиром билан уни тўрга ўтқизар, бундай сийловлардан у ийманиб, эсанкирарди. Умида бунақа иззат-икром кўрмагани, чарчоқлару машаққатлар ҳам деярли унутилди. (Ўзининг «қўлма-қўл» бўлиши Азим ҳожининг мулла Аҳмадали бобосига ҳурматидан эканлигини кейин англади у). Аммо негадир бу шаҳарда қолишга ўзида кучли иштиёқ сезмасди. Ота танишлари... барибир жигармас-да, улар бунга қачонгача ғамхўрлик кўрсатишарди? Арабистонда эса туғишган буваси¹⁰ бор... Азим ҳожига падари бузрукворининг хоҳишига кўра Саудияга бормоқчи экани, ҳаж амалларини ўташ орзусидалигини, шунга пул жамғариши лозимлигини, мардикорликка ҳам розилигини айтиб, йўл-йўриқ сўради.

– Биз бобонгизни, отангизни яхши биламиз, улар имони бут, ҳалол одамлар. Хусусан, каттангиз элга мурувватли, саховатли инсон эди. – Ҳожи тоға қўйнидан семизгина ҳамён чиқариб Бекназарга узатди. – Бу сизга ҳамюртларингиздан тухфа, улар, агар шу ерда қолмоқчи бўлсангиз, ҳовли-жой масаласида ҳам ёрдам қўлини чўзишмоқчи эди.

«Демак андижонликлар мени тўғримда қайғуришиб, шунақа фикр қилишибди-да», дея ўйлади Бекназар ва эти дириллаб кетди, юраги тўлиқиб, кўзларига ёш келди. Аммо бу ажойиб инсонларнинг тортиқларини шундоқ олиш ўнғайсизлигини юзлари қизариб-бўзариб айтди.

– Худога шукр, тўрт мучам соғ, билакда қувватим бор, ишлаб пул топсам... Ахир, ҳажга ҳар ким ўз меҳнати, ҳалол йўл билан топган сармоясини харжлаши лозим дейишади.

Ҳожи тоға Бекназарга бобосининг юзи – ҳурматидан, отаси ва ўзининг табарруқ аҳди-нияти ҳаққи, ажру савобларга дохиллик умидида кўнгилдан чиқариб ҳадя этишаётганини таъкидлади, агар уларнинг қўлини қайтарса, ранжишлари мумкинлигига шама қилди.

– Сизлардан ўла-ўлгунча миннатдорман, ҳожи тоға, – деди Бекназар қалбидан тошиб чиқаётган ҳаяжонини мумкин қадар босишга тиришиб, – менга иссиқ қўйнинглардан жой бердинглар, бундан ортиқ, бундан қимматли ҳадя бўладими? Арабистонга шошилиб боришимнинг ҳожати йўқ. Муҳими, таҳликали йўллардан эсон-омон ўтиб, беҳавотир ерга келволдим... Аввали худо, ризқим қайга, қанча сочилган бўлса, териб ерман. Қўлимдан сал-пал ёғоч-ранда иши келади, енгил-елпи, калта-култа иш топилса, шу орада сизларга озгина хизмат қилсам, ақалли қўлларингизга сув куйсам, каттамнинг¹¹ руҳи шодланиб, отам олдида юзим ёруғ бўлармикин?..

Азим ҳожи унча тўла эмас, лекин қандайдир салобатли, сочлари кумушранг, қуюқ ўскин қоши, соқол-мўйловига ҳам оқ оралаган, кўзлари катта-катта, қизил юзли, оғир-вазмин, мулоҳазали киши эди. У меҳмоннинг хийла эс-хушли, ота-боболарига ўхшаб ҳамиятли, қатъиятли эканини ҳис этиб, хаёлан уни алқаб, учлари текис кузалган соқолини қашлаган каби силаб ўтирарди.

– Оббў сиз-ей, анча ўжар йигит бўпсиз, – деди у кулимсираб. Лекин сўзлаш оҳангидан, табассумининг самимийлигидан у қадар ранжимаганини, билакс, бир мунча

¹⁰ Бува – амаки маъносида.

¹¹ Каттам – бобом.

юмшаганини, юзларида меҳр аломати зоҳир бўлганини туйган Бекназар енгил тортди, ичида чиरोқ ёнгандек бўлди.

Ҳожи тоғани Бекназардаги диёнат, унинг мардона ўтинчи ҳам ром қилган эди. Аслида, арғамчига қил қувват дегандай, андижонликлар сонининг яна биттага ортгани афзал эди, зеро арқоннинг янада чийралиши учун Бекназар каби пишиқ толалар айни муддаодир. Илло, масаланинг бошқа нозик, номатлуброқ жиҳати эҳтиёткорликни тақозо этарди. Асли Қўқон хонлигига қараган, атиги бир неча йил бурун шўро ими-жимиди Хитойга ошириб юборган бу ўлкада ҳар бир қочоқ, муҳожир, ҳар бир нотаниш кимса душман хуфияси гумонланмоғи, кузатувчилар, айғоқчилар назоратига тушмоғи шаксиз, шунингдек, ўзларидан ҳам кимнингдир дилида ҳар бир янги қўшилган киши тўғрисида то у синовлардан ўтиб, ишонч қозонгунча «Унинг келиш сабаблари, асил мақсади ростмикин, юрагининг тубида ўзга нияти, зиммасида ғайри вазифалари йўқмикин?», деган иштибоҳ туғилиши мумкин, бунга далиллар ҳам йўқ эмас эди. Лекин дини ва тили ғорат қилинган бир аламдийда юртдан ўт ичидаги иккинчи мамлакатга паноҳ, суянч излаб, не-не хавфу хатарларда аранг жон асраб келган жабрдийда ватангадонинг ҳилвираб турган кўксидан итариб: «Бу шаҳардан ҳам тезроқ гумдон бўлганингиз маъқул, тўрт томонингиз – қибла!» дейишга қай бир ватандош, қисматдошнинг бети чидарди?

Азим ҳожи Бекназарнинг ота-боболарини яхши танигани боис, улар авлодига ғаламислик, мунофиқлик ётлигига кафиллик беришга ҳозир, аммо буни феълию дунёқараши, мақсад-маслаги турлича кишиларнинг ҳаммасига англашиб, исботлаб чиқиш имконсиз-да. Қолаверса, ораларида ҳам махсус маҳкамаларнинг ҳар ерда изгиб юрадиган, ўз касбининг пирига айланган, отасини танимайдиган, таниса ҳам аямайдиган хуфиячи – исковучлари тузоғи, макри тўрига илиниб қолганлар, нафс ё бошқа бир тама кўйида ҳар қандай тубанлик, разилликдан қайтмайдиганларнинг мутлақо йўқлигига имони буткул комил эмас эди. Дуруст, шаҳарда Азим бойнинг нуфузи баланд, унинг қаноти остидагилар ҳақида биров ноҳўя гап айтишга ботинолмас, аммо билиб бўлмайдими-да.

* * *

Кечга яқин ҳожи тоға эртагаёқ ўз ҳовлисида бир бостирма ва омборхона қуришни бошлаши мумкинлигини айтганида Бекназар ҳам суюнди, ҳам бир оз таажубланди. Ўн тўрт ёшли Ҳиммат ёрдамчиликка тайинланди: «Ажабмас, бунгаям озроқ юкса, ҳунар ўрганса...»

Бекназарнинг дурадгорликда кўзи анча пишиб қолган бўлса-да, шу пайтгача мустақил теша ушламаганди. Эплай олармикинман деган ҳадик кўнглига ғулғула солди, лекин устачилик кўлидан келишини айтиб хоббонилик¹² қилиб қўйган, энди тайсаллаш ноқулай. Ҳар ҳолда уймас, бостирма-ку, деган хаёл унга далда берди. Лекин, бойларнинг бостирмаси, омбори ҳам оддий бино бўлмайдими.

Қурилиш бир ойга яқин давом этди. Иморатларнинг девори урилмади. «Синчи тикланиб, томи ёпилиб қолса бас, гувала – кессагини кейин бир ҳашар билан урдириб кўямиз», деди хонадон хожаси. Бекназар жадалроқ ҳаракат қилиш лозимлигини англади, тамадди, нафас ростлаш онларини қисқартирди. Бир қўллиги учун иш унча унмаётгандай эди. Орада бир кун Тошмиликқа бориб келганини ҳисобга олмаганда деярли ҳовлидан ташқарига, тўғрироғи шаҳарга чиқмади, бунга ҳожат ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ эди: ёғоч-ашё, асбоб-анжом – ҳамма нарса муҳайё этиларди. Қўрғон этагидаги мўъжазгина ҳужра Бекназарга ётоқхона сифатида ажратилган, шу хонада «шогирд» билан томоқланишарди.

Ҳожи тоға барвақт растага чиқиб кетар, тушлиқдан аввал ё кейинроқ келиб, ишнинг боришини кузатар, бинокорга таҳсин айтарди. Баъзи-баъзида кечки овқатда Бекназар билан бирга бўлиб, Шарқий Туркистонда ҳам ҳар хил тоифадаги банди норасо, нотавонлар йўқ эмаслиги, алғов-далғовли бу замонда давлатлараро низою нифоқлар авж олиб бораётгани, шунга қарамай, Қашқар билан Андижон ўртасида ўзаро муносабатлар яхшилиги, уйғур халқининг ўзбекларга ихлоси ва меҳри бўлакчалиги ва бошқа мавзуларда гапириб ўтиради.

¹² Хоббонилик – мақтанмоқ, катта гапирмоқ.

Бекназар ундан кўп нарсаларни сўрамоқчи бўлар, бироқ тортинарди. Бир куни Тоштанбой ака ва унинг шу шаҳарда яшайдиган отаси ҳақида ўсмоқчиловди, ҳожи тоға негадир: «Ҳа, шунақа одам бор, лекин аввалроқ ножўя бир ишларга аралашиб, юзи юртдошлар олдидан шувит бўлиб қолган», деди-ю, тафсилотини очиқ айтмади. Бекназар шаҳарга чиқиб, Шоҳи Машраб кезган кўчаларни, бозорларни кўриб, машхур Опоқ хожа қабрини, китобларда кўп тилга олинадиган Ийдгоҳ деган сайлгоҳни, миноралари кўкка бўй чўзиб турган қадимий бино-обидаларни зиёрат қилмоқни, андижонликларни ўз оға-иниларидай ардоқлайдиган миллат кишилари билан суҳбат қурмоқни, қўли гул уйғур – тунгони ошпазларининг таърифи Андижонгача етиб борган тотли лағмону бўлуғ монтиларига ошхонада бемалол ўтириб, бир тўймоқни кўнгиллар, аммо бу истакни ҳам ошкор айламоққа тортинар, ишни битиргач, бафуржа айланарман, дея ўзига тасалли берарди. Галдаги режаларини хаёлидан ўтказар экан, ҳожи тоғанинг қўллаб, йўллаб юборишидан умидвор эди.

Бекназар кундузлари иш билан бўлиб, қандай кеч кирганини пайқамас, чарчаганидан кечки овқатдан кейин кўпинча тезгина пинакка кетар, баъзи-баъзида йўл қўйган номаъқулчилигию, ёт ерларда бостирма ёпиб, қиз боланинг саволидан ҳам ҳадиксираб юргани эсига тушса, уйқуси қочиб, анчагача хаёл суриб ётарди. Шунақа пайтларда Азим ҳожининг сўзларини ўйлаб, ўзича хулосалар ясарди. Назарида тоға унга нималарнидир очиқ айтишдан ийманаётгандай, нималарнидир яшираётгандай туюларди. Бекназар, жумладан бир нарсага – келган кунларидаги каби уни меҳмондорчилик ва издиҳомларга таклиф этмай қўйишганига, бундай маъракамаросимлар тўғрисида ҳожи тоғанинг ҳам индамаётганига ажабланар, ҳовли эгасининг уйга қарийб ҳар куни барвақт қайтаётганидан, ундай йиғинлар бўлмаяти чоғи, наҳотки ўша зиёфатлар мен учун уюштирилган бўлса, деган мулоҳазага бориб, ҳам қувонар, ҳам хижолат чекарди. Лекин гап бундагина эмас эди.

Доим ҳаворанг рўмол ўраб юрадиган хипчагина Пошша опа эрига нисбатан анча ёш кўринар, миллати уйғурга ўхшарди. Бекназарда ҳожи тоға шу юртга келиб уйланганмикин, аввалги оиласи Андижонда қолганмикин, деган савол туғилганди. Лекин аёлнинг анча-мунча уйғурча лаҳжани кўшишини ҳисобга олмаганда, соф ўзбекча гапириши уни янада ҳайратга соларди. «Шогирд»дан илмоқлашга чоғланди-ю, отасига айтиб қўйса, нимага суриштириб қолдийкин, деган хаёлга бормасин деб, фикридан қайтди. Ҳа-да, унга барибир эмасми, ҳар кимнинг ўз иши, ўз хоҳиши. Йигитнинг кўнглида тақдиримизда ўхшашлик йўқмикин, деган фараз туғилган, шунингдек, оила ҳаётининг осойишталиги ҳам унда қизиқиш, ҳавас уйғотган – хонадонда қовоқғирлик, қаттиқ-қуруқ гап умуман йўқ эди.

Шу йил мактабни битирган, ўн олти-ўн етти ёшлардаги бодом қовоқ Хонгул тантиқроқ, эрқароқ эди, у чойни янгилаш баҳонасида ҳадеганда келиб Бекназарни гапга тутар, «Андижон қизлари чиройли бўладими? Сизларда келин тушди тўйи қандай ўтади? Сепига нималар беришади?» каби сўроқларни қалаштириб ташлар, Бекназар жавоб беришга улгурмай қолар ҳамда ишдан чалғирди. Хонгул онасининг акси ўлароқ бўлагина, оппоқ, аксарият бўйи етган қизлар сингари ҳиссиётчан эди, фақат, йигит унинг тап тортмаслигидан инжир, ўзини ноқулай сезар, «шогирд» ва бека олдидан хижолат чекарди. Ҳиммат унинг фикрини уққандай, «Устани ишдан қўйяпсан, ҳозир отам келиб қолади» дея, гўё опасига танбеҳ бермоқчи бўлар, аммо Хонгул укасининг эътирози, огоҳлантиришларига қўл силтар ва лабини буриб, «Нима, билгим келяпти-да» деб, яна Бекназарга ижикилаб¹³ савол ёғдиришда давом этарди. Ҳатто «Уйланганмисиз ё энди уйланасизми? Сизга қанақа қизлар ёқади?» деб сўрашдан ҳам тоймас, боёқиш йигит терлаб кетар, нима дейишни билмай, ўзини эшитмаганга оларди. Яхшики, қизни онаси чақириб қолиб, жонига ора кирарди. Гоҳида унинг яхши кийинган ва ўзига оро берган ҳолда пайдо бўлиши Бекназарни янада эсанкиратиб, хавотирга соларди. Эрталаб ва кечқурунлари у ётган хона деразаси ёнидан у ёқ-бу ёққа ўтаётганини пайқаб, кириб қолмаса гўргайди, дея саросимага тушади. Лекин нафсиламрини айтганда ҳовли

¹³ Ижикилаб – эзмаланиб, майдалаб.

Хонгул билан гавжум ва файзли эди, усиз Бекназар ўзидек камгап ва ҳали бола бўлган Ҳиммат билан зерикиб, юраги тоза зикланиши мумкинлигини ўйлаб, ичида «Яхшиям шунинг борлиги...» деб кўярди. Фақат, қизнинг кулчадек думалоқ, оппоқ юзи ва қисикроқ кўзларига, дуркун қадди-қоматига тикилиб қарашдан тийилар, хуллас, у билан хушнохуш мулоқотларда ўзини сипо, бепарво тутишга тиришарди. Қалбидаги ногаҳоний ҳиссиётларни совуққонлик билан жиловлай олганидан ўзича мамнун эди.

Бир куни Хонгул анор рангли юпка, торгина кўйлак кийиб, белига аллақандай ялтироқ тасма боғлаб чиқди. Балоғат нишонлари кўзга яққол ташланиб турарди. Бекназар бир қаради-ю, ишдан бошини кўтармай кўйди. Қиз одатдагидай, пайраҳаларни йиғиштириб, ўзича иш қилаётган киши бўлиб, йигитнинг атрофида айлана бошлади. Шунақа маҳалда Бекназар: «Ҳожи тоға кириб қолмаса-да», деб безилларди. Балки қизнинг хатти-ҳаракатларида ғайрича аломат – маъно йўқдир, унинг феъли ўзи шундайдир, эҳтимол, буни ота-оналари ҳам билишар, аксинча, Бекназарнинг ўзи у ҳақда чакки хаёлларга бориб, беҳуда ташвишланаётгандир? Нима бўлса-да, йигит унга бошпана, нон-туз бераётган хонадондаги ёлғиз қизнинг болаларча содда муомалаларига нисбатан шундай муносабатда бўлишни виждоний бурчи деб биларди. Ана шу бурч, масъулият туйғуси уни қиздан мудом нигоҳини олиб қочишга ва иморатларни тезроқ поёнига етказишга ундарди.

* * *

Бекназар хизмати эвазига Азим ҳожидан зинҳор-базинҳор ҳақ олмоқчи эмас, иложи бўлса тоға унга бошқа буюртмачилар топиб берса қанча иш бўлса бажариб, мўлроқ сармоя йиққач, бу илтифотли, саховатли одамлардан изн сўраб йўлга чиқмоқчи эди. Ишни яқунлайман деб турган куни эрталаб хонага нонуштани Хонгул олиб кирди (одатда бундай вазифаларни Ҳиммат бажарарди), у Бекназарнинг кўзига паришонроқ кўринди, балки энди тургани учун уйқуси яхши ёзилмагандир, деб ўйлади, лекин қиз синчиклагандай тикилаётганини сезиб ўнғайсизланди. Хонгул пойгаҳда тиззалаганича, тўрида чордона қуриб, кенг ўмгани хонтахтанинг ярмини эгаллаб ўтирган Бекназарга чой узатаркан, пиёла хиёл титраётгандай туюлди-ю, йигит беихтиёр қаради – кўзлар бир сония учрашди.

– Кетиб қоласиз экан-да, яна келасизми? – Хонгулнинг овозида одатий жаранг ва шиддат йўқ, аксинча, анча юмшоқ ва қатъиятсиз эди. Бекназар пиёлани индамай, ғўраша панжалари қизнинг латиф бармоқларига тегиб кетишидан авайланиб олди. У Хонгул иш охирлаб қолгани учун шундай деяётган бўлса керак, деб ўйлади. – Қачон кетяпсиз? – сўради яна қиз.

– Ҳожи тоғам нима деса, шу, – деди меҳмон иссиқ чойдан аста хўплаб.

– Отам менга қолса, бутунлай олиб қолардим, эҳтимол бир айланиб қайтар деяпти.

– Ҳмм... – Бекназар гапнинг тагига етгандай бўлди, хаёлида Азим ҳожининг жумбоқли жумлалари такрорланди: «Ҳамма жойнинг қозисию тарозиси бор-да. Сизлардагига ўхшаб, бу ердаям ҳукумат қимирлаган жонга шубҳаланиб қарайди...»

Сталиннинг қўллари бошқаларникидан фарқли ўлароқ эртақлардаги ажда-ҳоларники каби бир нечта, балки сон-саноксиз эди: қонсираган иккитаси мудом ўз қаламравидаги халқларнинг зиёли, илмли, ақлли, истеъдодли вакиллари гирибонида бўлса, яна икки-учтасининг Япония, Шимолий Кореяда, Хитойда ўлжа излаган илон каби пайпасланишини, яна бирининг эса аввалдан Шарқий Туркистонда ҳали у тешиқдан, ҳали бу тирқишдан ажал таёғи каби чўзилиб, Ватан озодлигини орзу қилишда гумон этилганларни мавҳум бир зулумот қаърига тортиб кетишларини Азим ҳожи Бекназарга айтишни лозим кўрмасди.

– Энди қаёққа борасиз? – таъкидлаб сўради яна қиз тантиқланиб.

– Қисматим мени шу ерга судраб келди, яна қаёққа тортқиласа, пешонамга яна қандай кунлар ёзилган бўлса кўравераман-да, Хонгул, сизларникида худди ўз уйимдагидай меҳр-мурувват кўрдим, сизам ўз синглимдай бўп қолдингиз...

* * *

Бекназар жаҳд билан ишга киришди, аммо салдан кейин қўлидаги тешанинг суст ҳаракатланаётганини, хаёли ҳадеганда эрталабки суҳбатга боғланиб қолаётганини пайқаб ғашланди. У нима гаплигини ҳожи тоға айтар, деб кутган эди, лекин Азим ҳожи кўринмади, ундан ҳол-аҳвол сўрашга, қолган ишларни маслаҳатлашишга ҳам келмади. Унинг барвақт шошилиб чиқиб кетганини Ҳимматдан билгач, юрагидаги ғулғула кучайди. Тўғри, барибир бу шаҳардан бир куни жўнаши аниқ эди, фақат бундай тарзда эмас... Наҳотки Андижондан қочиб келганини кимдир айғоқчилар идорасига етказган бўлса?.. Унда ҳожи тоғаниям диққат қилишлари мумкин, демак, бир ишқал чикмай туриб, жўнаш керак...

У шомга яқин сўнгги миҳни қоқиб, асбоб-ускуналарни Ҳимматга топширди, хонадон эгалари берган иш кийимларини ечди.

Оқшом ҳужрага Азим ҳожи кирди. У ёқдан-бу ёқдан сўзлашиб, ошни ейишди. Бекназарнинг қўли лаганда-ю, кўзи, қулоғи ҳожи тоғанинг оғзида эди. Ниҳоят, қўллар артилгач, мезбон овоз қилган эди, Ҳиммат кириб, тагида анчагина палов ошиб қолган ҳаворанг гулли хитойи чинни товоқни олиб кетди, дам ўтмай, бир патнис кўтариб келди-да, отасига берди, ҳожи тоға уни Бекназарнинг олдига қўйди. Патнисда тахлоғлиқ юпқа сабзиш¹⁴ тўн, устида қарға шойи чорси ва тўрт гулли, Андижонникига ўхшашроқ дўппи бор эди.

– Манави ишни чиройли яқунлаганингизга уйдагиларнинг атагани, – деди ҳожи тоға. – Анча пишиб қопсиз, менинг мўлжалим тўрт-беш кун ошиғроқ эди, чаққон иш қиларкансиз, худо хоҳласа, ҳар жойда нонингиз бутун.

Бекназар бошини кўтарди.

– Буларнинг ҳожати йўқ, ҳожи тоға, – деди у хижолат чекиб. – Қўлимдан шугина иш кептию...

– Бу ўзи арзимаган нарса, ватандош, аслида иш қилмасангизам беришимиз керак эди, уйимизга биринчи келишингиз, қолавурса, эски удумимиз, олмасангиз келинаянгиз ранжийди. – Хонадон соҳиби қўйнидан бир даста пул чиқариб, сал чўзилиб, сарполар ёнига оҳиста қўйди. – Буниси бизнинг кўнгилдан чиқарганимиз.

Кўз косалари кенгайиб кетган Бекназар, ўзини оловдан тортгандай, гавдасини орқага ташлади.

– Уйингиздан жой бердингиз, нон-тузингизни ичдим, мени изза қилманг, ҳожи тоға. Бусизам сиздан миннатдорман.

– Мен сизга эҳсон бераётганим йўқ, мулла Бекназар, бу – она сутидай ҳалол меҳнат ҳақингиз.

Бекназар пулни қўлига олди-да, озроқ бир қисмини қайириб қолиб, ошиғини мезбоннинг олдига қўйди.

– Шу ёғи етади, ҳожи тоға, буниям таварик деб, ирим қилиб оламан.

Азим ҳожи бош бармоғи билан калта соқолини титиб, иягини қаширкан, Бекназарга жилмайиб тикилди.

– Мусулмончиликда катта бир нарса деганда кичикнинг хўп дейиши вожиб, мулла. Мен сизга от билан туя бераётганим йўқ, – у пулни яна йигитнинг олдига сурди.

Бекназар тагин эътироз билдирсам кибрга йўймасин деган андишада сукут сақлади. Сирасини айтганда, йўлга чиқадиган бўлса, пул унга сув ва ҳаводек зарур, аммо...

– Қани, дастурхонга фотиҳа қилайлик, – дуога қўл очди ҳожи тоға. – Айтгандай, янги шогирд қалай, боқса одам бўладими? – сўради у қулимсираб.

– Албатта, уқуви яхши, ишга ёпишиб келишиям маъқул.

– Ундай бўлса, эртага шогирд бола устозига Қашқарни бир томоша қилдирсин, кейин яна кенгашамиз.

Гап мавриди келди. Бекназар аста томоқ қириб, «Ҳожи ака...» деди. Туришга чоғланаётган мезбон қайта чўкди.

– Менга бир дунё пул бердингиз, энди ишлашним ҳожати қолмади шекилли. Яхшиси, эртага шаҳар айланаман-у, кейин менга жавоб берсангиз...

¹⁴ Сабзиш тўн – яшил рангли, юпқа, қавима тўн.

– Мунча тез? – ажабланди хонадон эгаси.

– Қашқар ҳам нотинчроққа ўхшайди. Сизга ташвиш ошириб ўтирмай...

Азим ҳожи сергакланди.

– Биров сизга бир нима дедими? – сўради у ранжиган оҳангда.

– Йўқ-йўқ, ҳожи тоға, – деди изза тортган Бекназар шоша-пиша.

Азим ҳожининг кўзлари ва сўзларидаги таранглик юмшади.

– Ҳозир нотинч бўлмаган юрт борми, ўғлим. Манфаат, нафс деган нарсалар мавжуд экан, мансаб-мавқе, мулк талашиш йўқолмайди. Мол-дунёси бисёр одамга ҳамма ўғри, кўрқоқ подшога ҳамма ғайир кўринаверади. Фалокат оёқ остида. Бало ёпишаман деса, жойининг фарқи йўқ. Шунинг учун сиз ҳар хил ўйларга борманг. Ўзимизга қарашли яна бир-икки хонадондан иш дараклаб қўйганман. – Ҳожи тоға сўздан тўхтаб, Бекназарга тикилди.

– Бошда айтганимдай, отам Арабистонга боришимни тайинловди... – деди Бекназар гапни ўнглаб. – Хаёлим ўша ёқда...

– Шундай денг, – бош ирғади Азим ҳожи, – тўғри, бу ёруғ оламда ҳар бандога аллоҳнинг фарзларидан сўнг, биринчи галдаги муҳим вазифа, бу – ота ризолигини, дуосини олмоқ, бунийчун албатта, падари бузруквор тайинлаган юмушларни сўзсиз, кечиктирмай, беками-кўст адо этмоқ лозим. Аҳдингиз қатъийми?

Бекназар иш бошлаган дастлабки кунларнинг бирида шуларникида Андижонга қайтаётган бир савдогар билан учрашган, Азим ҳожи воситачилигида ундан агар малол келмаса, қишлоғимизга ўтиб, отамга Қашқарга эсон-омон етиб келиб, танишларни тоганимни, хавотир олмасликларини айтгач, уйдагиларнинг саломатлигини билиб, бирон келувчи орқали икки энлик хат битиб юборсангиз, бошим кўкка етарди, деб илтимос қилувди. Куни кеча қисқа ва эҳтиёткорлик билан ёзилган, манзили, кимдан ва кимгалиги ҳам кўрсатилмаган мактуб олган, унда отасининг бир оз бетобланиб, андак оворагарчиликлар юз бергани (демак, ғаламислар уни уринтириб қийнашган), ҳозир саломатлиги дурустлиги, қишлоқдаги шамол-довуллар пасайгани маълум қилинган, аммо Бекназарнинг иккиланмай йўлда давом этиши кераклиги таъкидланган эди. Йигитнинг кўнгли хийла жойига тушган эса-да, уйдагилар мени хотиржам қилиш учун ҳаммаси жойида деб хат битишни тайинлашмадимикин, деган иштибоҳ қалбининг бир чеккасида ғимирлаб-ғимирлаб қўярди. Лекин ҳамюртидан бор ҳақиқатни маълум қилишини қайта-қайта ўтингани боис, тўғриси ёзгандир, ахир оворагарчиликлар, отамнинг бетоблангани ва шамол-қуюнлар пасайгани аниқ айтилибди-ку, дея ўзига таскин берарди. Унда нимага сафарни давом эттиравеши тайинлашдийкин?..

– Ҳа, ҳожи тоға, шундай қилганим маъқулдир.

– Ундай бўлса, бугун-эрта мен сўраб-суриштирай, сизга ҳамроҳ қўшмоғимиз зарур. Ҳа, бир гап: олис, носинашта мамлакатларга кетяпсиз, киши мусофирликда ўз бўйидан бир калла пастроқ юргани дуруст. Оғир-вазминлик одатингизни маҳкам тутинг. Бошидан анча иссиқ-совуқлар, муҳожирлик савдоларини кечирган бир фақир сифатида, азбаройи сизни туғишганимдай кўрганимдан, омади гапни айтиб қўйяпман, оғир олмайсиз. Уйғур биродарларимиз тезлик, жангарилик хулқларидан ўз юртларида ҳам кўпда азият чекишади, лекин бу феъл уларнинг қонида бор...

Бекназарнинг дилидан «Бу одамга нисбатан саркашлик ё димоғдорлик қилмовдим шекилли...» деган хаёл кечди. Фақат бир куни томга тахта қоқишаётганда у Ҳимматга ишониб, бир тахтанинг ўзи томонидаги четини босиб, оёғи осмондан бўлиб йиқилаёзди. Эпчиллик қилиб тўсинга осилиб қолди. «Шогирд» болалигига бориб, кулгисини яширолмади. Шунда Бекназар ҳансираб туриб, «Бу куладиган ишмас, ука» деди ва дарҳол лаб тишлади, лекин сўз ўқ каби учиб улгурган, уни қайтаришнинг иложи йўқ эди. Шу воқеани болакай отасига ошириб айтувдимикин? Ҳа, яна бир куни ҳожи тоғани сўраб кирган бир киши (ўзини таништиради, устанинг кимлиги билан ҳам қизиқмади) худди бинони қабул қилиб оладиган ташкилот раҳбаридай, э йўқ, бе йўқ, бостирманинг у ёғига ўтиб қаради, бу ёғига ўтиб қаради-да, «Томнинг шийпони тикка бўлиб кетибди, ёғин-сочин ичкарига уриб юборади», қабилида танбеҳ берганида Бекназар «Мен ўграмчик устаман, ҳожи тоғанинг кўрсатмаси билан билганимча қиялпман», деб жавоб айтган, шунда овози сал дағалроқ чиққанга ўхшовди. Эҳтимол «шогирд» тушмагур

ёшлик қилиб шуниям отасига етказгандир ё ўша кимсанинг ўзи ҳожи тоғага бир нарса девдимикин? Ё, билиб-билмай, манманликка, қўрсликка йўйилгувчи бошқа бир ҳаракатлар содир этдимикин?..

Албатта, Бекназар изоҳ бериш фикридан йироқ эди.

– Тушундим, ҳожи тоға, сиз отам қатори яқин бўлиб қолдингиз, ўғитларингиз бош устига...

Кўп ўтмай уни худди ўз оила аъзосини ҳарбий хизматга ё узоқ сафарга жўнатаётгандек кузатиб қолишди.

– Худо хоҳласа, орзу-ниятларингизни рўёбга чиқаргач, қачондир албатта қайтасиз, иншолло, тагин учрашамиз, – ҳожи тоға шундай дея Бекназарни бағрига босди.

– Бошингиз тошдан бўлсин, иним, – алқади уй бекаси.

– Қашқарни янаги сафар келганингизда яхшилаб томоша қилдираман, уста, – дея кўзларини жовдиратиб қўл чўзди Ҳиммат.

– Укам чала шогирд бўп қолди-да... – тортинибгина гап ташлади онаси биқинида турган Хонгул.

VIII

Азим ҳожи топиб берган савдогар-ҳамроҳлар билан кўҳна Тошқўрғон шаҳрида юанларини саррофлардан рупийга¹⁵ алмаштириб, Покистонга йўл олишди. Шу жойгача ҳожи тоғанинг маслаҳатига кўра пана-пастқам жойлардан юриб, одамлар кўзига ташланмасликка ҳаракат қилишди. Гарчи ҳожи ака Бекназарга рухсатнома ёздириб берган бўлса-да, айғоқчилар шубҳаланиб, тутиб қолишлари мумкин эди. Нисбатан осойишта ҳудудга қадам қўйишгач, у енгил нафас олди, уни деб пою пиёда, машаққатли кеча-кундузларни ўтказишгани учун шериклардан узр сўради. Наридега дуч келган уловда – гоҳ хачир аравада, гоҳ ҳар турли тепаси очик юк машиналарида давом этишди. Чатрал тоғидаги Қорақурум довони жуда баланд, кўча ниҳоятда тор: бир ён омонат осилиб тургандай, мана ҳозир босиб қоладигандай кўринадиган бургут қанот қоялар, иккинчи тараф юрак орқага тортиб, сесканиб кетадиган даражада туби йўқ жарлик. Баъзи жойларда кўзларини чирт юмиб олишар, тиллари «Ла илаҳа иллаллаҳ» калимасига аранг айланарди.

Гилгет ва яна бир қанча шаҳру қасабалар ортда қолди. Дастлаб тўрт киши эдилар, йўл-йўлакай гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб боришарди. Ҳамсафарлар орасида савдогарлардан ташқари ҳаж қилиш ниятида Маккаю Мадинага йўл олганлар ё бошқа юмушлар билан бир шаҳардан иккинчи кентга кетаётганлар бор эди. Кветтага ниҳоятда қийинчилик билан етишди. Йўллар жуда нобоп, нотинч бўлиб, аксарият қисми қуюқ дарахтзорлар орасидан ё юлғинзор чўллардан ўтарди. Ҳар қадамда қайси дара ёки тоғ ортидан қароқчилар чиқиб қолишаркин, деган саросима, ваҳима. Бир манзилдан иккинчисига соғ-омон, бешикаст етиб олишганидан кейин елкаларидан тоғ ағдарилгандай ё пулсиротдан ўтишгандай, ўзларини қушдай енгил ва бахтиёр сезишарди. Асли Карочидан Туркиянинг Марсин шаҳрига ё Бомбейдан Саудияга пароходга ўтириб кетиш ҳам мумкин эди, лекин «Денгиз қутуриб, кемалар тез-тез ҳалокатга учраб туради» деган совуқ гаплар қулоққа чалинар, қолаверса, Бомбей узоқ, айримларнинг ҳужжатлари ҳам чатоқ эди. Шу сабабдан Бекназарнинг ҳамроҳлари, айланиш эса-да, бехитроқ¹⁶ деб шу йўналишни маъқул кўришди. Бекназарга эса, барибир – қайси йўлдан бўлса ҳам ишончли, синаштароқ йўлдошлар билан кўзлаган манзилига етиб олса бас. Фақат бу олис масофада калта-култа улов ва бошқа кутилмаган ҳаражатларга пул кўп кетарди. У Азим ҳожидан ич-ичидан миннатдор эди. У кўпни кўрган одам-да.

Икки марта қўлга тушишди. Бир – Гилгетдан берироқда, иккинчи гал Кветта билан Эрон чегараси ўрталлигида – қалин, ўскин юлғинзорли йўл яссироқ тоғ билан тутатиб кетган ҳудудда. Иккаласидаям кўнгилдан чиқариб пул тўплаб беришди. Қароқчиларнинг ашаддийларини кўрган айрим йўловчилар омадимиз бор экан, «ҳаваскор» босқин-

¹⁵ Юан – Хитой пул бирлиги, сарроф – пул алмашловчи, рупий – Ҳиндистон, Покистон ва яна бир неча шарқ мамлакатада пул бирлиги.

¹⁶ Бехит – хархашаси камроқ.

чиларга учрадик, деб кулишарди. Чегара посбонларига, қароқчиларга «ҳажга кетяпмиз» дейишар, шу дастак уларга қалқон бўлиб, кўп бало-қазолардан асрарди.

Одам кейин-кейин хатарли йўлларда юришга ҳам ўрганиб, йиртқич ҳайвон ҳавфидан, туновчилар ваҳимасидан ҳам унча чўчимай қўяркан. Баъзи жойларда аллоҳга таваккал қилишдан ўзга илож ҳам қолмас эди. Балки, инсон онги, юрагида кўрқинчли нарсаларга, таҳдидларга ҳам қаршилик ҳисси вужудга келар.

Ўш – Қашқар доволарида анча «пишгани» боис, Бекназар бу ёқдаги машаққатларга чидам ва сабот билан дош берарди. Куни бўйи арава, қаттиқ машина ўнқир-чўнқир, тош йўлларда селпиб-қоқиб силлани қуритарди. Шунақа маҳалда Бекназар ўз аҳмоқгарчилиги, калта ўйлигидан минг бора афсусланиб, юраги баттар эзиларди. Лекин бу дарбадарлик кўнгил қўёлмаган хотини билан яшаш, иккиланиш азобидан, ота-она олдидаги хижолатчилик уқубатидан халос этгани учун озгина таскин топар, аммо Рашидага нисбатан ачиниш туйғуси қалбини яна тимдаларди. Бироқ барибир турмушлари яхши бўлмаслигига имони комил эди. Руҳий қийноқлар олдида жисмоний толиқиш, сафар азоблари ҳеч экан, деган хулосага келган эди ўшанда у.

Жазирама кунларда, аёзли тунларда, ёмғир ёғиб, жала куйиб турганда тугунларию энгиллари шилпиллаб, аччиқ совуқ ё гармсел кучайиб нафасни бўғадиган ҳолларда ҳам тўхтамай йўл босишарди. Бир шаҳардан иккинчисига борганда янги уловга ўтиришарди. Улов топиш ҳам осон эмас, баъзида хачир арава, кўпроқ олти гилдиракли, ён тўсиғи пастроқ юк машинасига йўлиқишарди. Ҳайдовчилар ҳар хил: бири кўрамас¹⁷, иккинчиси тажанг... Юртдан юртга ўтишганда иқлим ўзгарар, гоҳида эрталаб бир хил, тушдан кейин бошқа хил кийинишарди. Лекин аксарият ҳамроҳларда, шу жумладан, Бекназарда ҳам либос кўп эмас, борларидан тер ҳиди келадиган бўлиб кетганди. Йўл-йўлакай ювиб қуритишнинг иложи йўқ – вақтдан қизғанишар, кўнгилларига ҳам сиғмасди. Фақат бет-кўл артадиган дурра, дастрўмол каби енгил-елпи нарсаларни сув дуч келган ерда пишиб-пишиб, машинада ғужанак бўлиб ўтирган жойларида бош ё тиззаларига ёйиб селгитиб олишарди. Эгнига икки ё бир кун аввал ечилган, ёқалари моғор яқтакни илишдан ўзга чора йўқ эди. Пайпоқ, пайтава тўғрисида гапирилмасаям бўлади. Тердан қотиб кетган уст-бош ҳиди айниқса кун қизиган маҳалларда баралла кўтарилар, кечалари, кўйлакнинг баттар тарашаси чиқиб, қовурғаларга ботар, ёмғир ёққанида эса баданга чилпиллаб ёпишган ёғдай ижирғантирарди. Бемалолроқ тўхташлари тайин бўлган кўноқхона ё карвонсаройда ҳамма апил-тапил кир чайишга тushарди.

Кўпинча қишлоқ, шаҳардаги мусофирхона ё масжидда уч-тўрт соатгина мизғиб олишарди. Баъзан эса, вақт тақозосига кўра ёки машина бузилиб, шундоқ чўлу биёбонда, юлғинларни остларига тўшаб, ё дарахт паналарида ит ётиш, мирза туриш қабилида омонат ёнбошлаб тонг оттиришарди. Айни шундай дамларнинг гаштли томони ҳам йўқ эмас эди. Болалиқдан қадрдон юлдузлар новдалар, япроқлар орасидан Бекназарга мўралаб қарашар, гўё «Ана шунақа, биз сени ҳамма жойдан топиб оламиз, сен бир юртдан бошқасига қочиб борарсан, аммо биздан яшириниб юролмайсан», дея дашном беришар, гоҳида эса унинг ҳол-аҳволига ачиниб, руҳлар каби «Биз сенга ҳеч қачон хиёнат қилмаймиз, бошинг узра паноҳимиз, кўрқма, бизга ишон, бизга суян...» дейишаётгандай туюларди. Мана шундай лаҳзаларда ҳаёт унга жилмайиб боққандай, дилхиралик узоклашиб, қалбида илиқ ҳислар жўш урарди. Бироқ, ярим тунда жонга теккан дўқиллаб юриш бошланарди.

Қашқардан бирга чиққанлар Равалпиндида ҳар ёққа тарқаб кетишган, Бекназар бошқа йўловчиларга қўшилиб олганди. Янги ҳамсафарлар орасидан ўзидан бир-икки ёш катта Сарикул билан чиқишиб қолди, уловда ёнма-ён ўтириб, ўз бошларидан кечирган воқеаларни бир-бирига сўзлаб беришарди. Лекин одам гапдан ҳам зерикаркан. Кўпчилик оғзига тош солгандай жим, мудраганча хаёл суриб кетишни хуш кўрарди. Энди тамадди пайтларида ё янги улов кутиладиган бекатларда уч-тўрт оғиз сўзлашишар, бу қисқа, тўмтоқ мулоқотлар мавзуи эса йўл азобидан нолишу майда-чуйда ҳасратдан нарига ўтмасди. Боз устига, ўз хоҳиши билан, бир олам орзу-ҳавасни дилига тугиб дунё кезишга чиқмаган Бекназар учун кўча ва овуллар кўркисиз-бефазилят, «саёҳат»

¹⁷ Кўрамас – боқибеғам.

мароқсиз туюларди. Бир-биридан узоқ-узоқ масофада жойлашган шаҳарларнинг кўчалари, хиёбонларидагина хурмо, пальма япроқлари уни тузсиз ўй-хаёллардан чалғитиб, мудроқ, ҳафсаласиз кўзларига озгина ҳузур бағишларди. Аммо бу шаҳарлар ҳудуди тезгина тугаб, яна ўт-ўланлари қовжираб ётган, янтоғу бургандан иборат тил-забонсиз дашт, саҳро бошланади. Майса-гиёҳ унмайдиган яланғоч, қақроқернинг нариги томонига ўтиб кетгандай кўринадиган адоқсиз тўқ жигарранг тоғу тошлар, оқмай турган кўл сувидай, киши баҳри-дилини очадиган манзара касб этмайди. Ичадиган тоза оқар сувнинг камлиги дард устига чипқон эди. Аҳён-аҳёнда тоғ ёнбағирларида, қир сифат дараларда яккам-дуккам бўй кўрсатиб қоладиган, терак ё қарағайга, pista ё бодомга ҳам ўхшамайдиган сийрак баргли сўппайган дарахтлар таровату латофатдан холи. Кўкда ҳам бир зоғ учмас, табиат жонсиз жисмлар мажмуидай таассурот уйғотарди. Ғарбда чўғдай қизил, тандирнинг оғзидай офтобнинг гўё бир ёни билан заминни ёриб кириб кетиши, борлиқнинг зимзиёликка ва ваҳимали сукунатга чулғаниши маҳзун ўйлар гирдобига тортади.

Марра эса ҳали олис эди. Юк машиналари носоз йўлларда аравадан салгина тезроқ юрарди холос. Туғилиб ўсган гўшасидан қанча йироқлашган сари Бекназарнинг юраги баттарроқ эзилиб, уни орқага тортар, ана шу сустгина улов ғилдирагининг ҳар айланиши эса уни азиз диёридан бир эмас, бир неча чақирим узоқлаштираётгандай туюлар, олдиндаги довону манзилларни, келгуси кун, ойлари мутлақо тасаввур этолмасди.

Эрон замини сарҳадида, Миржова божхонасида бир кеча-кундуз тутиб туришди. Тужжорларнинг халта-хуржунларини тит-пит қилиб юборишди. Бекназарда бир неча кийим-бош солинган тугунча, Азим ҳожи ҳадя этган пуччайиб қолган чарм ҳамёндан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Лекин уни ҳам қаёқдан келяпсан, қаёққа кетяпсан, паспортингдаги муҳр хира босилган, шўравий, деб анча энсасини қотиришди. Ўтказмай қўйишса-я, унда қайга боради, қандай қайтиб кетади? Бирон нимага шама қилишмаяптимикин?.. Эпчил, муомалаликкина Сарикул жонига ора кирди, божгирларга ҳажга боришаётганини айтиб, уларнинг қўйнига қўл солиб... рухсат олди. У анчагина иш кўрганга ўхшарди, айтишича, Афғонистондан Эронга ўтиш учун анча уринган, эвини қиллолмагач, Покистонга жўнаган. Қисмат экан, энди бу томонларда айланиб юрибди. Бекназар у билан учрашувни тақдирнинг инояти деб билди. Зеро, ҳар қандай сафарда яхши ҳамроҳ нон-сувга баробар.

Эрон ҳудуди ҳам ниҳоятда бепоён бўлиб, унинг шаҳарлари ораси ҳам Покистон каби саҳрою ёбондан иборат эди. Зоҳидону Машҳад, Техрону Қазвин, Занжону Табриз оша Туркия жумҳуриятига ўтиб (бу чегарада ҳам Сарикулнинг чораси иш берди), ниҳоят, унинг эски пойтахти Истанбулга етиб боришди.

Ўша куни кечқурун Бекназар оёғини чўзиб, тугунига бош қўйганича, қадимий шарқона усулда тўсин терилган баланд шифтга термилиб чуқур-чуқур нафас оларкан, тили ўз-ўзидан пичирлади: «Девор ичидан чиққан уч-тўрт дона китоб сабаб, шунча саргардон бўлдим, Ватандан, ота-онадан ажралиб, дунёнинг бир чекасига келиб қолдим-а...»

(Давоми бор)

ШЕЪРИЯТ



Ҳалима АҲМАД



*Ишқ понинини
ҲОШИЯСИ*

* * *

*Куннинг томирига қонини қуйиб,
Қуёш пайпаслайди кўнглимни аста.
Қўшни аёл каби чақирар мени
Богдаги райҳонлар хушбўй нафасда.*

*Деразамни нозик бармоқларида
Оҳиста чертади нозиктаъб насим.
Само ойнасидан тушган шуълада
Саробдек ўйнайди бахтиёр аксим.*

*Юрак қафасини синдириб шартта
Озод нурлар каби яйрагим келар.
Ариқлар кўнглини тўлдириб оққан
Ошиқ сувлар каби сайрагим келар.*

*Бегона кунларга афсунлаб мени,
Тилингнинг учида тутасан новвот.
Энди сенга қандай ишонай, ахир,
Кунимни кўрсатиб бўлгансан, ҳаёт.*

* * *

*Қўшни аёл жуда моҳир каштадўз,
Учиб юрган қушдан нусха олади.
Каштасига гуллар кулгусинию
Шабнамларнинг титроғини солади.*

*У олам ҳуснидан андоза олар
Нурлар эшиб берган рангин ипакда.*

*Каитаси орзунинг нафаси билан
Бахтни тирилтирар ҳатто юракда.*

*Мен ундан тинглайман, йиллар ортида
Қолиб кетган ёшлик таронасини.
Рангин ипакларга қамаб қўйгандай
Дунёнинг энг гўзал афсонасини.*

*Ҳаётни ҳаётга севдирар чунон,
Бир сўз тополмайсан ҳеч қиёсига.
Тикиб қўйса эди кўнглимни, кошки,
Ишқ тонгининг нафис ҳошиясига.*

* * *

*Туним, қаро тун сайин
Қамарни келтир менга,
Ишқ париси йўқотган
Гавҳарни келтир менга.*

*Жонимга келди малол
Таъна гули тутган бол,
Бахтим лаблари теккан
Армонни келтир менга.*

*Бунча бўм-бўи нигоҳлар,
Дилни ранжга никоҳлар,
Тўққиз фалак ортидан,
Назарни келтир менга.*

*Келдим, кетдим, шуми йўл,
Шодлигим оз, гамим мўл?!
Ҳаёт хазинасидан
Самарни келтир менга.*

*Яшадимми ёки йўқ,
Кўнгил тўла ўжар чўғ?!
У бор эди, деган хуш
Хабарни келтир менга.*

*Эй дўст, жуда чарчадим,
Кунларим гижим-гижим,
Булбул кўзидан томган
Саҳарни келтир менга.*

* * *

Атир сениб чиққан танноз боғларнинг
 Димоғим тўлдирар муаттар бўйи.
 Ёмғирлар чилдирма чалар гўёки,
 Бошланар замини осмоннинг тўйи.

Ялпизнинг мастона хаёли билан
 Қулогимни ўпар сув таронаси
 Ва сочим тарайди тонг тароғида
 Шаббода – гулларнинг дилкаш онаси.

Шафақ атласидан кўйлак тикади,
 Энг сўнгги услубда, мен учун ҳавво,
 Билқис сурмасидан ўғирлаб менинг
 Кўзларимга суртар нури ҳувайдо.

Уфқлар ортида, Семург паида
 Гўзал кунлар мени кўриб ётар туш,
 Барча йилим равон, ҳамма нарсам бор,
 Фақат кўнглим бўм-бўш,
 о, кўнглим бўм-бўш!

* * *

Кўзимда тинди дарёлар,
 Дилим-ловуллаган саҳро.
 Ўзга дард бирладир Мажнун,
 Жонимда йиғлагай Лайло.

Бу тун ишқимни ўлдирдим,
 Менга термулма парвона.
 Вужудимдан чиқиб кетган
 Кўнгил бегона-бегона.

Гуноҳим гулда барқ урди,
 Юз ўғирди худо мандан.
 Бу олам танидаману
 Нечун олам жудо мандан?

Хазондан бахт изин излаб,
 Кетиб қолдим сабрлардан.
 Нажот топгаймикин руҳим
 Бу саргардон абрлардан?

Юракни бунча тортгайдир,
 Ҳаёт-сувсиз, синиқ коса?
 Рубобингни чал-ей ёмғир
 Юрак – раққоса – раққоса.



Дилором САЛОҲИЙ,
филология фанлари доктори

“... ДАРДИНГҒА НАВОИЙ ҲОЛИН ИСТИШҲОД БИЛ”

Навоийнинг ошиқона, орифона, риндона дея, нисбий жиҳатдан тасниф этилган лирикасида соф маънодаги илмий-маърифий ёки таълимий-ирфоний асарлар ҳам мавжуд. Бунга унинг ғазалларидан ва кичик лирик жанрлардаги асарларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳазратнинг ушбу тарздаги асарларида маърифат тушунчаси изчил мазмун-моҳиятга эга бўлган ҳолда, баъзан тадрижли тарзда баён этилади.

Бизни чуқур мушоҳадага чорлаган бир ғазалда шоир ҳақиқат асроридан сўз юри тар экан, мажозий маънода қўлланиладиган май, маъшуқа, сокий каби бадиий тим-солларга мурожаат этмайди. “Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган мазкур ғазалда ҳаёт ҳақиқатини изловчи, истовчи билан (кўнгул, солиқ, дўст, пири дайр) маърифий суҳбат курилади. Ғазал чуқур мушоҳадавий, ирфон асрори сабоқларидан иборат.

*Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни суда кўр, бу саҳфани барбод бил.*

“Ул кесак” – ер курраси, “бу саҳфа” – кўк, осмон. Демак, баъзан абадийга ўхшаб кўринган ҳаёт ниҳоятда омонат, сувда эриб, йўқ бўлиб кетадиган кесакдан ҳам, йиғиб олиниб, ғижимлаб ташланадиган қоғоздан ҳам хор, субутсиз экан.

Ғазалда ўз даври ижтимоий масалаларига, муаммоларига муносабат тўғридан-тўғри баён этилмаганлиги боис, уни соф ирфоний мазмунга эга, дедик. Аммо, ислом шариати ва тасаввуф таълимоти шоир яшаган даврнинг етакчи мафкураси бўлганлиги аён-ку. Шундай экан, жамиятнинг энг чуқур фикрловчи аъзолари – сўфийлар тарбия-сига киришган шоир, аввало, ўз илми, ижоди ва пирлик фаолияти билан жамият пок-лиги ва барқарорлиги учун хизмат қилади. Ушбу ғазалида Навоий пир сифатида на-моён бўлади.

Навоийнинг ўз даври ижтимоий ҳаёти масалаларига сўфиёна нигоҳ билан қай тариқа муносабат билдирганлиги диққатга сазовор. Маълумки, шоир илмий ва бади-ий ижодида, давлат арбоби сифатидаги ижтимоий фаолиятида ислом сарчашмалари бўлмиш Куръони карим ва Ҳадиси шарифлардаги умумбашарий илғор ғояларга тая-нади, тасаввуф назарияси, унинг илмий-ғоявий асоси бўлмиш вужудуюн таълимоти-ни чуқур ўрганади ва тарғиб этади. Унинг фалсафий-бадиий тафаккури тараққиёти ислом маънавиятини кенг идрок қилиш ва уни ўз ижодий ҳамда ижтимоий фаолияти-да тарғиб этиш ғоялари билан бевосита боғлиқдир.

Ғазалнинг дастлабки уч байтида шоир калом олими сифатида намоён бўлади. У Қуръони карим оятларига асосланиб ер киёмат кунда титроққа тушиб, текис ёйилиб қолиши, тоғлар майдаланиб кетиши, осмон ер устидан сидириб олинди, ғижимланиши ҳодисаларига ишора қилади. Албатта, инсон жисми ҳам худди шундай бебаҳо:

*Жисм уйи чунким, эрур фоний, тафовут йўқ ани
Гар фано сайлобидин вайрону гар обод бил.*

Жисм уйини йўқлик сели вайрон қилса ҳам, обод қилса ҳам фарқ йўқ. Тўрт ун-сур – ҳаво, сув, тупроқ, оловдан яратилган вужуд ўзидаги нафс юкидан кутулмас экан, ҳатто, тўрт илоҳий китоб – Таврот, Забур, Инжил, Қуръони каримни ёд билса ҳам ҳеч қандай фойда кўрмайди:

*Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсен, нафъ эмас,
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.*

Ғазалнинг бундан кейинги байтларида, Навоийни, энди, тасаввуф олими сифатида кўрамыз.

Лирик қаҳрамон навбатдаги байтда сўфиёна мушоҳадага берилиб, тангри таоло-ни таъриф ва сф билан идрок этмоқчи бўлади. Аммо, бунинг ҳам имкони йўқ. Оддий кўз билан куёш синоатини кўриб бўлмаганидек, оддий тил яратгучи сифатларини муносиб тарзда ва сф этишдан ожиз:

*Эйки дебсан, ҳақни не таъриф ва сф ила билай,
Васфдин мустағнию, таърифдин озод бил.*

Дунё неъматларига майл этмайдиган покиза хилқатлар – фаришталарнинг руҳий озиғи тангри таоло зикридир. Ҳақ йўлига қадам қўйган эл поклар сафига кўшилмоқ учун худди шундай озиққа рағбат этмоғи даркор:

*Тенгри зикриким, малоийкка гизои руҳ эрур,
Бу гизони ҳақ йўлига кирган элга зод бил.*

Ҳар қандай тариқат тарбиясининг асосларидан бири зикридир. Тариқатларни бири-биридан фарқловчи унсур ҳам зикр. Пир эътиқодига кўра дил покизалиғи зикр биландир. Зикр – ботин сабоғи бўлиб, зоҳирий сабоқлардан кўра муҳимроқдир. Зикр меваси эса маърифатдир. “Маърифат лаззати дилда бўлади, – дейилади Шайх Муҳйиддин Ургутийнинг “Мактубот”идан жой олган бир мактубда. – Маърифат лаззати ҳамма лаззатлардан яхшироқ ва хушроқдир. Маърифат самараси эса муҳаббатдир”. (Шайх Муҳйиддин Ургутий. Мактубот. Тошкент. Мовароуннаҳр нашриёти. 2006 йил, 73-бет).

*Гар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,
Исоий Марямни ул дам гунги модарзод бил.*

Фард бўлмоқ – нафс юкидан, ўзлигидан ажралмоқ демек. Нафс кетгач, руҳ қолади. “Билсинларким, – дейди яна Шайх Муҳйиддин Ургутий ўша “Мактубот”ида, – илм руҳнинг таъсиридан ҳосил бўлади. Аммо, ҳақ субҳонаху ва таоло оинадай пок қалбга назар қилади”. (79-бет). Ҳақ таоло юзи зухур этган қалб эса чин ошиқ қалбидир:

*Мантиқи ишиқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлганларни бу йўлда анга афрод бил.*

Май кўханпири – тавҳид асроридан солиқни огоҳ этгувчи пири тариқат, муршид. У солиқни бу дунёда эл оёғи остида тупроқ каби ястаниб ётишидан авлиёуллоҳ даражасига етиб олгунига қадар тарбиялаб, сўнгра рухсатнома беради:

*Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ рамини
Май кўханпиринин ушбу дайр аро иршод бил.*

*Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдир десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган қуни мийғод бил.*

Худодан бошқа барча борлиқ йўқ бўлиб кетган муддатда солиқ мақсадига етади, яъни, ваҳдат ҳосил бўлади. У вужудан ҳақ вужудида сингиб кетади. Аммо, солиқ илм истовчи эмасми, тавҳид асрорини идрок этишга интилади:

*Эйки дебсенким, билай тавҳид сирин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.*

Тавҳид масаласида шоирнинг дунёқараши қандай? Тасаввуф таълимотининг назарий масалаларидан бўлмиш “тавҳид” тушунчаси Навоий шеърлятида анча чуқур ифодасини топган...

Ғазал мақтаъсида шоир ўзининг камолот йўлида ҳамон йўлчи эканлигини таъкидлайди. Унга кўра, «эй дунё ва жаннатдан кечиб ягона беҳамто дўст васлини топа олмаган толиб, бу дардинга бир далил, исбот келтирмоқчи бўлсанг, Навоий ҳолига боқ, у тасдиқлаб беради».

*Дўст васлин топмаган дунёву уқбодин кечиб,
Ушбу дардинга Навоий ҳолин истишҳод бил.*

Бу ғазал “ёшлик даври шеърляти” деб номланган девондан ўрин олган бўлса-да, аслида, шоирнинг ўрта ёшлик даври ижоди маҳсулидир. Чунки, Навоий ғазалларида маърифий мавзу шоир ҳаётининг турли даврларида ўша давр мазмуни билан ҳамоҳанг равишда намоён бўлади. Чунончи, ёшлик даврида анъанага эргашиш («Илк девон» мисолида), йигитлик даврида ҳаётсевар фалсафий моҳият касб этади («Бадоеъ ул-бидоя» мисолида). Ўрта ёшлиқда шоир сўфиянинг назарий масалаларига мурожаат этиб, таълимий-дидактик асарларга майл кўрсатади. Бу ҳодисани унинг таржебанд, таркиббанд, соқийнома ва қитъа жанрларида яратган асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Қариллик лирикасида эса, ғазалларда мавзу-ғоя ифодаси, тасвирланмиш ва тасвирий имкониятлар турлича бўлса-да, пировард натижада, якуний фикр, хулоса бир маънода, яъни, ўзликдан кечиб, фанога юз тутиш мақсади ифодаси билан интиҳо топади.

Юқорида қайд этган мулоҳазаларимиздан келиб чиқадиган хулоса шуки, Навоийнинг ҳар бир ғазали чуқур маънолар хазинасидир. Биз бу хазинанинг бир кичик нуктасига эътибор қаратдик. Аммо, шуни ҳам тўлиқ тушундик, дея олмаймиз. Бу ҳақда унинг ўзи ҳам таъкидлаб, «менинг нукталарим жуда нозикдир, улардаги рамзий маънолардан бир заррасини изҳор этиш учун мени тушунадиган бир киши бўлса эди, қошки», дея умид қилади:

*Нукта нозук бўлди асру бўлғай эрди, қошки,
Шаммае бу рамздин зоҳир этарга маҳраме...*



Хусниддин ШАРИПОВ

ИЖОД МАКТАБИ

Боғнинг меваси инсонни тўйдиради, тилига бол қўндиради, айти вақтда мағизи янги боғлар яратиш учун замин бўлади. “Шарқ юлдузи”ни ҳам бемалол серҳосил боққа такқослаш мумкин.

Кунларнинг бирида бош муҳарриримиз Ҳамид Ғулом мен ўлтирган хона эшигидан бош сукиб, “Хусниддин, навбатдаги журнални сизнинг бўлимнинг очади” деди-ю, ғойиб бўлди. Босмахонага топшириладиган материалларни ўз вақтида тайёрлаб берган эдик. Лекин журналчиликда... Ўша кунлари Ёзувчилар уюшмаси ҳам, “Шарқ юлдузи” ҳам Навоий кўчасидаги 30-уйда истикомат қиларди. Мен бир оз хомчўт қилдим-у, учинчи қаватдан тўртинчисига кўтарилиб, Ғафур Ғулом нашриётида муҳаррир бўлиб ишлаётган дўстим Эркин Воҳидовни топдим ва четрокка тортиб, биринчи бетбоп шеър зарурлигини айтдим.

Орадан бир неча кун ўтгач, Эркинбой столимга бир даста, аниқроғи, олтига бўлик-бўлик шеър қўйиб, чиқиб кетди. Ундок айлангириб кўрдим, бундок... Ниҳоят, ҳар бири ўз жойини топиб, қандайдир сюжетнинг изи сезила бошлади. Шундай кўтарганимча, яна тўртинчи қаватга равона бўлдим. Эркин шоҳмот билан банд экан, шеърларини олдига ташлаб, “Табриклайман, давлатингиз қайтди” деган эдим, бир оқариб-кўқариб олди. Мен илжайиб: “Мана шу тартибда бир ўқиб чиқинг, дostonнинг ҳиди келиб қопти, фақат тез битсин”, деганимдан сўнг, шоҳмотни қўйиб, қўлига қалам оладиган бўлди. Қисқа муддатда бояги олти шеър барака топиб, 1966 йил апрелидаги Тошкент зилзиласи ҳақида оташин “Палаткада ёзилган дoston” бўлиб қайтди. “Шарқ юлдузи”да ўз вақтида чиқиб, ўқувчилари қўлига етиб борди.

Бу фақат бир асар ҳақида.

Сал аввалроқ, 1965 йил ўрталарида эса истеъдодли бир шоирнинг дастлабки дадил қадами билан танишган эдик.

Бир кун адабий ходимим қўлимга, узун-қисқа ёзишмалар билан бирга, каттакон конверт ҳам тутқазди. Қўлёмани ўқиганим сари кайфиятим равшанлашиб, ҳаяжонлана бошладим. Ниҳоят, ҳисларимни ичга сиғдиролмай, ҳамхоналарим Ойдин Ҳожиева, Сами Абдуқаҳҳор ва Йўлдош Шамшаровни ишларидан айириб, шеър тинглашга таклиф қилдим: Омон Матжон – нотаниш ном. Бунақа чертиб-чертиб ёзилган сатрларни илгари учратишмаган экан, дарҳол элакдан ўтказиб, бетўхтов

журналга беришни маслаҳат қилишди. Қўлёзма тайёр бўлгач, бирор устоздан оқ йўл олишни ўйлай бошладик. Кутилмаганда ҳамхоналарим “оқ йўлни ўзингиз ёза қолинг” деб таклиф қилишди. Хуллас, шеърлар журнал саҳифасининг четига қистирилган қисқагина ширин сўзим билан босилди.

Ўша кунлари республика ёш ёзувчиларининг навбатдаги семинар-кенгаши тайёрланаётган эди. Омон Матжонни конвертдаги рақамлар орқали таклиф этдик. Германияда хизмат қилаётган экан. Анжуман ниҳоясига етган куни хонамизга ўрта бўйликкина, хушрўй йигит шахдам қадамлар билан кириб келди. Ўзини таништирди: Омон Матжон! Кучоқ очиб қаршиладик. Табрикладик. Қўмондонлик рухсатидан фойдаланиб Хоразмга – ота-онасини кўришга бормоқчи экан, масъул котибимиз шоир Шухратга илтимос қилиб, қалам ҳақини олиб бердик. Мен эса, семинар-кенгашга қатнашолмаган бўлса-да, ижодий об-ҳаво билан танишсин деб, университетдан ёш шоир ва талаба Абдулла Ориповни чақиртирдим ва улар дўстлашиб олишди.

“Шарқ юлдузи”да ишлаган кунларим ҳаётимнинг энг мазмунли кунлари эканини алоҳида эътироф этгим келади.

Минҳожиддин МИРЗО

СОДИҚ ҲАМДАМ

“Шарқ юлдузи” журнали, нафақат ижод аҳли, балки ҳар бир ватандошимиз учун кадрли деб ўйлайман. Чунки, ҳар биримиз бу журнал саҳифаларида ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг нодир намуналарини, адабиёт ва санъатнинг муҳим соҳаларига бағишланган адабий-танқидий, публицистик мақолалар, аждодларимиздан қолган маънавий мероснинг ўлмас намуналарини ўқиб вояга етганмиз.

Устозлар таъкидлаб ўтганларидек, адабиёт масаласи маънавият масаласидир. Зеро, адабиётнинг бош мавзуси ҳам инсондир. Инсонларни баркамоллик сари етаклашдир. Ана шу маънода, таъбир жоиз бўлса, мен севимли журналимизни маънавият булоғига қиёслагим келади. Бу булок юксак маънавият соҳиби бўлган адибларимиз қалбидан сизиб чиқади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари сифатида ишлаб юрган кезларим устозлар, юксак ишонч билдириб, менга журнал бош муҳаррирлигини ҳам топширдилар. Бу мен учун жуда катта шараф эди. Қатор йиллар давомида бу журналга Ойбек, Воҳид Зоҳидов, Уйғун, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин каби бир қанча таниқли зотлар муҳаррирлик қилганларини яхши билардим. Биз ана шу устозлар яратиб кетган анъаналарни, нафақат сақлаб қолиш, балки янада бойитишга ҳаракат қилдик.

Мен турли йилларда чоп этилган таҳламлар билан танишиб чиқар эканман, бугунги кунда ўзбек адабиётининг энг сара намуналари сифатида нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда эътироф этилган

қанчадан-қанча бадиий асарлар, аждодлар меросига оид бадиалар илк бор мана шу журнал саҳифаларида чоп этилганига гувоҳ бўлдим.

Истиклол йилларида адабиётимиз ривож, адабий нашрлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилиши, “Шарқ юлдузи”, “Звезда востока”, “Амударё”, “Ёшлик”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” каби адабий журнал ва газеталаримиз чинакам маънода катта маънавият минбарига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан “Ижод” фондининг ташкил этилиши, “Дўрмон” ижод боғининг энг замонавий талаблар асосида таъмирланиб, ижодкорлар ихтиёрига топширилиши халқимиз маънавияти, миллий тафаккуримизнинг ажралмас қисми бўлган, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимиз, тарихий анъаналаримиз, бой тарих ва қадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган заҳматқаш адибларимизга, адабиётимизга бўлган юксак эътиборнинг яна бир кўриниши бўлди.

Бугун ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга энг долзарб масала сифатида қарамокдамиз. Чунки, бугунги кунда инсоннинг маънавий-руҳий дунёсини издан чиқарадиган, унинг миллий ва диний томирларини узиб ташлашга интиладиган, миллатнинг ахлоқ-одоб, оила борасидаги асрий кадриятларига жиддий хавф солиб турган маънавий таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда.

Албатта, бундай таҳдидларга қарши тура оладиган энг катта куч – бу бизнинг миллий ва умуминсоний ғоялар, кадриятлар ила суғорилган адабиётимиз, юксак маънавиятимиздир. Ана шу муҳим вазифаларни ҳал этишда “Шарқ юлдузи” журналининг ўз ўрни бор деб ўйлайман.

Журнал таҳририяти аъзолари, муаллифлар ва мухлислар номидан бир эзгу дуо сифатида Ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги байтларини дилдан такрор этаман:

*Деганимни улусга марғуб эт,
Ёзганимни кунгилга маҳбуб эт.
Халққа зеби торак айла ани,
Ўқуганга муборак айла ани.*

Истагим, ушбу журналда ҳамиша халқимиз, адабиётимизга манзур бўладиган бадиий бетакрор асарлар чоп этилаверсин.






Икром ОТАМУРОД

ҚУШ

Достон



*Қуш менинг бошимда
ўтади
кечадан кечага
бедор.*

Яннис РИЦОС,
грек шоири

*Қуш.
Дарча.
Мудом бир-бирига ёрон,
бир-бирига дўст,
бир-бирига халил.
Мадад бўлиб келар
ҳар лаҳза,
ҳар он,
қайсигаки,
ногоҳ,
кўз тикса залил.*

*Айланиб,
айланиб келаверар қуш
эски уйда очиқ турган дарчага.
Олисми,
ёвуқми шунга тоблар хуш,
меҳр шевалари шунда ёлчиган.*

*Шовқинлар орасидан сукут қидириб,
қуш
синиққан дарча рахига қўнар.*

*Шовқинлар измидан
шовқинлар ундириб,
шовқинлар
шовқинларга
шавқ-ла талтинар.*

*Сукутга ин қўймоқ қушининг муроди,
танига сукутни сингдирмоқ аён,
нетсинким,
сукутни силтаб суроди,
субутсиз шовқинлар хоҳласа,
қаён?!.*

*Қуш малул.
Сукут ичинда,
излайди
ненидир,
негадир
интиқ,
соғиниб?!
Кўксида ингроқлар
инграб –
бўзлайди,
борлиққа ташлар шовқинлар сиртмоғини.*

*Борлиқнинг,
нимаики,
дами ичида
шундан,
саси сувиллаб
борган сари
асабни эговлар дуч келган кўчада
мошинларнинг ноҳуш қичқириқлари.*

*Тўлади қушининг жисмига доғлар,
буталган дарахтлар эзар юрагин.
Бинолар фалакка бўйини чоғлаб,
томига қуббалар қадаб туради.*

*Сукутни тинглар қуш,
сукутга кетиб,
бойлар сукут зимни
сукут оҳига.
Кўзларига сукут рангларин битиб,
сукут довушларин тугар руҳига.*

Кундузи эш этиб
 юҳ ҳилларини,
 ёнлар
 ой,
 юлдузлар нурига туни.
 Қўтарар
 қушининг
 бор маҳмилларини
 дарча –
 сабот,
 дарча –
 тоқат устуни...

* * *

..... Қуш,
 олисдан келаётган сўқмоққа менгзар,
 менгзар олисдан келаётган хотирга,
 қуш

..... Қуш,
 олисдан келаётган сахрога менгзар,
 менгзар олисдан келаётган дайрога,
 қуш

..... Қуш,
 менгзар олисдан келаётган довушга,
 олисдан келаётган номага менгзар,
 қуш.....

.....Қуш,
 менгзар олисдан келаётган тушига,
 олисдан келаётган гайбга менгзар,
 қуш.....

.....Қуш,
 олисдан келаётган жўёнга менгзар,
 менгзар олисдан келаётган оҳга,
 қуш.....

.....Қуш,
 олисдан келаётган сабрга менгзар,
 менгзар олисдан келаётган руҳга,
 қуш.....

.....Қу-уш-иши.....

* * *

...Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...
 ... Осмони кенг эди қушининг,
 бепоён,

бесарҳад,
 беканор само
 нигоҳин тортарди,
 керганча тўшни
 чарх урарди
 ўзин
 унутиб –
 тамом...

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...

... Осмони баланд

ва

юксак,
 қурбатли,
 қувватли,
 қудратли эди.

Қуш

қўкка учарди хаёли тўқсаб,
 ерга энарди
 қуш
 мўл-мўл умиди...

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...

... Осмони мовий,

зангори,
 зуборсиз,
 гардсиз эди –
 тип-тиниқ.

Уфқлар бош қўйган бўлуғ ангори
 қуш дилига
 гайблар соларди –
 ёниқ...

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...

... Осмони анвор хилосин
 камалак монанди товларди дам-дам.

Ёғду,

партав,
 шуъла,
 фуруғ жилосин
 таратиб гиёҳларга тақарди шабнам...

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр....

... Осмони синоатга кон:

чулгарди не ҳайрат,
 чулгарди не сир?

Қушни
эркаларди тилсимот –
осмон,
айланарди ҳаво ифори гир-гир...

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...
... Осмони ялакат,
бутун
ёриғу
дарзлари
билинмасди
ҳеч,
Осмон
қушга доим бағрини тутиб,
бағрига оларди
фарқсиз:
эрта,
кеч...

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...
... Осмони меҳрини ёйиб,
чорларди
яқинлаб келарди йироқ.
Кундузи қуёши,
оқшоми ҳилол –
осмон меҳварига осилган чироқ...

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...
... Осмони сокин,
осуда,
хотиржам учарди
вужудида барқ.
Бир-бирига пайваст,
интиқ хосида
туташиган тўрт ён:
Жануб,
Ғарб,
Шимол,
Шарқ...
... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр...
.....Ос-мо-они-и.....

* * *

.....Қуш – уч – аввал
.....Қуш – уч – кунж.....
.....Қуш – уч – рақам.....

.....Қуш – уч – имдод.....
Қуш – уч – ҳаракат.....
Қуш – уч – манзил.....

... Аввал –
 уқданинг ечими –
 даҳрнинг
 муқаддар кечими.
 Ёвушади,
 қовушади кунж,
 бир нуқтада
 занжир тахлит –
 гуж.
 Рақам гумида сирли ёзув
 яшар –
 маъно имдодин чизиб.
 Ҳаракат риштаси зил-зил
 одимлайди
 ахтариб манзил...

* * *

.....Қуш чирқирайди
 изосин йўниб,
 канглум зирқирайди
 решига дўниб.....

* * *

... Ердан тополмай зигирча осойиш,
 зигирча осойиш тополмай кўкдан,
 бежавотирлик-ку
 бермагач ройиш:
 недир кутади,
 кутади недир
 йўқдан?!.

Сал учгандай бўлар:
 ночор,
 ноилож,
 қўнгандай бўлар сал –
 бардош ярайди.
 Қарайди,
 ер хў-ўп-пп талон-тарож,
 темир қанотлар гувлар кўкда,
 қарайди.

Ноиложлик –
ҳаддини йитирган ҳад
ноиложлик –
кўнган чексиз кўникма.
Қуш,
кўкка ростланар –
армони беҳад,
қуш,
ерга термулар –
умид йўлиқмас.

Қуш,
кўкдан мосуво,
мосуво ердан:
маъюс,
музтар,
маҳзун зирқирар ўйи.
Жиккак жуссани ўкинчлар йўрган,
гамлар жонига тиг қадар –
суйиб.

Қуш,
бардошга таянар фақат,
бардош бергай қушга қайюм қурб.
Бардош –
ботинида ўсган машаққат –
қаноат илдизин
сўлини сўриб.

Қуш,
бардошга келтирур эктивор,
бардош айлаюр мубарро тақам.
Бардош бўлур
бегумон
мададкор –
қуш шиквасига рақам.

Панд еб,
кўксида маддаласа доғлар,
бобурдликдан озорланса чун,
ҳайҳот,
хўрсиниб,
умид боғлар,
ки,
бардошга,
бул кўҳна очун.
Зотан,

ҳаёт шикалин тўқлаб,
бирлашур:
не сеҳру
сирмонлар.

Қуш
бардошга ғамларин юклаб,
бардош
қушга ортар армонлар...

.....Қуш
макон ахтарар:
учиш,
қўнишига.
Оҳи –
дилида макон...
Қаергадир
учишига...
Нимагадир
қўнишига...
Оҳи –
дилида макон.....

... Макон
қидирмас қушни базинҳор,
қуш
қидириб топар маконни.
Дарахтларга муштоқ,
заминга интизор,
ларзондир қучолмай сатҳин осмонни...

.....Қадди букилгай,
ҳумум юкилгай.
Рўпарасида ишшайиб ҳойил,
ғаддор ҳинга узанар –
мойил.....

... Қуш вужудин тирнайди ситам,
ҳаросат занг бойлар кўксида.

Қўнмоқ бўлар –
синади чидам,
учмоқ истар –
истак ўксиган...

... Мен –
нодармон,
тураман қараб,
андуҳин канглумга
жойлаб –
жобажо.

*Зорларига зорим қўшилар яраб,
қиламан қушига илтижо:*

*сен – малулсан,
мен-да,
малул,
сен менга,
мен сенга
кангул;*

*сен – ёлғизсан,
мен-да,
ёлғиз,
сен менга,
мен сенга
ҳолғиз;*

*сен – мискинсан,
мен-да,
мискин,
сен менга,
мен сенга
таскин;*

*сен – рабонсан,
мен-да,
рабон,
сен менга,
мен сенга
тобон;*

*сен – ноласан,
мен-да,
нола,
сен менга,
мен сенга
тола;*

*сен – залилсан,
мен-да,
залил,
сен менга,
мен сенга
халил;*

*сен – бардошсан,
мен-да,*



*бардош,
сен менга,
мен сенга
оддош.....
... Сен менга...
... Мен сенга...*

*... Қуш –
канглумга битилган ифода,
қуш –
канглумга чизилган шакл.
Кел,
кангул дейилмиш
жовид маъвода,
бир муддат
бўлса-да,
эмин яйра,
кел!..*

** * **

..... Биёбон
*... Қовжираб
тўкилар қўзигул.
Чанглов.
Чангни кийиб
лўкилар ялиғ.
Тили осилган
чакачандир йўл:
ҳалиқиб,
толиқиб,
чайнайди сўлуғ...
..... Самумлар учирар
гиёҳларни тўзгитиб,
еру кўкни кўчирар
қурсоғини ўзгитиб.....*
*... Илондай судралиб,
тўлғонар қумлар,
офтобнинг бетига шаппотлар шаппот.
Тегрик
янтоқларни
силкилаб зумлар,
юлгинлар пўстлогин шилади таппот.*
*Туфроқ
тани қақраб,*

ёрилар лаби,
олд,
ортига боқмай
ирғишлар гирдоб.
Биёбон,
зоҳири –
галвирак каби,
ботини –
чакма-чак томғиган зардоб.

Самумлар йўртар:
гоҳ ёнлаб,
гоҳ тикка,
биёбонни ялаб,
юлқалаб
тиллашар.
Шип-шийдом.
Тап-тақир.
Қуп-қуруқ чўвакка
муштағрақ қуш илашар...

* * *

..... Қуш кўкда.....
... Туманлар қўр тўкиб,
кўз-кўз қилиб ўзларин бир дам,
кўк тоқига хаймолар тикиб,
кезар масрур,
шайланиб бўлдам.

Қуш танига чўқар хавотир,
ботинига ўрмалар оғриқ.
Қандай қилиб,
эх,
хушлик татир
туманлар силаса кўк сағрин?

Кўк майдони
борар торайиб,
кўк майдони
зарра-заррадир.
Чигалига топмай чорайи –
бағри ҳумумлардан ярадир.

Қуш тикилди.
Қаради.

Негадир,
туманлар тиқилди кўзларига!
Хаёллари
сочилиб,
тегадир
ҳолининг забун бўзларига...

..... Куш кўкда
... Муаллақ.
Титрайди.
Не бўлсин,
ёнлаб,
тутмайди кўҳан.
Қанотлари қисиниб,
питрайди –
туманлар чирмаган ҳавога тўҳан.

Кўк –
туманлар қўлмаги,
туманлар бот-бот урар тўш.
Хаёлларининг чок-чок бўлаги –
хаёлларга уланади қуш...
..... Куш кўкда.....

* * *

... Тўлқинлар
сапчиб-сапчиб қирғоқларга
чағилларни ювиб,
четга итқитиб,
ўту
ўланларнинг узиб томирин
қўпиклар домига
чирмаб кетади.
Балиқлар рақс тушар
шоналарида,
бўлиниб кетар
бўлақларга осмон
гайбурига йўлиқиб тўлқинларнинг.
Қалқиниб-қалқиниб
авж
мавжларида
шунғийди
уммон
канорига қуёш.
Реза-реза

қуёш парчаларидан
қўзлари қамашар,
ризқини излаб
уммон узра
илҳақ
учаётган қушининг...

* * *

..... Қуш сезар

... Гирд –
қандай бўлса ҳам
бир-бирига қалашган излик
сирасига чоғланиб ҳар дам
минг хил тусга кирар оғизлик.

Пешаси –
ўзин этмаслик аён,
жисмида палахса-палахса
қатланиб:
қўрқув,
шубҳа,
гумон,
дигиллар,
чўчир,
гангир,
алахсир.

Суқба борки,
қилмайин канда
мўралар –
эсдан чиқмаслик учун.
Кўриниш
кор келар экан-да,
бўлиб
залолатга мос ечим.

Топилса,
гар,
имкон хонаси,
гапга йўрар
зайлини,
эх-ҳа...
Билмагай,
дунёнинг маъноси
битта сўзда жам:

ё йўқ,
ё ҳа!

Чалғитмоқ йўсини
заифтан
мазаллатга ройланар
лик-лик.
Қанча
пинҳон тутилса,
зотан,
шунча
ошкор бўлар
ожизлик...

* * *

.....Теварак.....
... Қуш таишлайди назар,
теварак –
ғала-говур,
бефарқ.
Сукут ичра андуҳлари кезар,
андуҳлари сукут ичра зарқ.

Тинкаси қуриган доғига,
қақраган азобига бот-бот,
нелар
келдийкин
чоғига,
сабрларин
сўлдириб,
ҳайҳот?..

... Ҳавонинг авзойи бузилди,
айниди,
тусланди
надами бошқача,
гардли.
Қушининг чўти келмас.
Зайлида
ёмғир томчилари
тўкилар,
дардли.

Тарновлардан оқар шариллаб
сувлар,

жиққа ивир жуссаси.
 Ёмгир шатир-шутир
 зариллар
 санчиб
 дарча рахига сасин.

Чекка девор.
 Пахса –
 лой девор
 нам тортиб ёпишар танига.
 Нигоҳини
 қоплайди хавор,
 огир ўйлар
 ботар жонига.

Дағ-дағ титрар,
 қақшар,
 қалтирар
 томчиларнинг қамчиларидан.
 Тош деворлар,
 борҳо,
 ялтирар
 ёмгирларнинг шўх томчиларидан.

Дарча рахида
 турар
 қуш,
 сойим,
 қурб истаб
 лат еган дилига.
 Ҳақ битиги
 ўсади доим
 нажот бўлиб
 дардин зилига...

... Дарча –
 бор-йўғи
 бир нарча,
 сукутга вобаста ёлқинар.
 Меҳрин тутиб
 сукутга
 борча,
 қуш
 сукутга
 энар,
 талпинар.

Сукут
қанчаким,
мушилот бўлсин,
қуш дилига индирар шуъла.
Нур рақамию
нур имлоси
йироғлатар кўксидан нула.

Сукутнинг гаврига яқинлаб,
югурар
вужудига зуҳур.
Қуш руҳида
порлайди,
ё раб,
сукут тубида йилтираган нур.





НАСР

*Аҳмад АЪЗАМ*

ДУТОР БИЛАН ТАНБУР

Ҳикоя

Собир телевидениега ишга келди. У бундан олдинлари «зангори экран»да беш-олти марта чиққан, ҳатто бир «жонли» кўрсатувнинг битта «саҳифа»сига бошловчилик ҳам қилган, шундан бу ердаги ишдан оз-моз хабари бор, ходимларнинг бир қанчаси билан кўз таниш, тўрт-бештаси билан қуюқ салом-алиги ҳам бор эди. Лекин келган куни ўшанақа ўзига яқин деб юрганларидан бири Бекпўлат унинг ўзларига раҳбар этиб тайинланганини эшитиб, дабдурустдан:

– Сизга ачинаман, – деб қолди. – Аччиғингиз чиқмасин-у, лекин сиз ишлайдиган жой эмас. Йўқ, яхши жой, ўзимизда ҳам кўз тикиб юрганлар бор эди, ўн беш-йигирма йиллаб ишлаб қўйган одамлар, кўтарилиш шуларнинг ҳаққи. Лекин гап бунда эмас.

Собир бу гапга сал оғринди-ю, синини бермади, лекин ичида сергакланди.

– Нимада бўлмаса? – деди у Бекпўлатнинг гапини ерда қолдиргиси келмагандек. – Яшаш керак-ку, дўстим. Яшаш учун ишлаш.

– Керак, керак. – деб синиқ илжайди Бекпўлат. – Ойлиги яхши, қалам ҳақи бор, яна... майли. Лекин бу ерга отдан тушиб кирасиз, шу билан қайтиб отга минолмай-сиз. Бош муҳаррир, қўйса, ҳамма бўлади, лекин ёзувчи бўлиш... Сизга муносиб эмас. Ютқизасиз. Ка-атта! Йў-ўқ, мени норози экан деб ўйламанг, келганингиз шахсан менга яхши, фақат сизга ичим ацияпти.

– Кейин гаплашамиз, – деб Собир Бекпўлатнинг гапини кесди – ҳамманинг тилига эрк бердирмаслик керак, ҳатто у яқин одамнинг бўлса ҳам. – Ўтириб ёзувчилик қиладиган ишни тайёрлаб турган отамиз йўқ. Сиз айтган толлар кесилиб кетган.

Бекпўлат қўлини банд қилиш учун стол устидаги қоғозларни тахлашга тушди.

– Майлингиз. Табрикла десангиз, табриклайман. Бу ҳам чин юракдан, беҳазил.

– Гапингизни қаранг, – деди Собир сулҳга чорлаб. – Ундан кўра билишим керак нарсаларни айтинг, менга янги...

Бекпўлатнинг лабидан яна ип қочди:

– Ҳамма жойдаги иш, ўргатадиган жойи йўқ. Студиялар, монтажхоналар қаерда, қанақа камераю қанақа кассеталар ишлатамиз – шуларни билиб олсангиз бўлди. Бунга Порсохон акамиз борлар, ҳали миянғизни қоқиб қўлингизга беради... Кеча сизни кўрган экан, эшитиб юрардим, раҳбарга ёлчийдиганга ўхшаймиз дейди...

- Сиздан ҳам яхши гап чиқар экан, – деди Собир.
- Мен эмас, Порсохон ака айтди... – деб жўрттага анқовсиради Бекпўлат.

– Эй-й, ўйламанг, – деб Порсохон ака қўл силкиди – гўё галалашиб учиб келган хавотир кушларини кишт-киштлагандек. – Сиз мен кўраётган ўн еттинчи раҳбарсиз. Улар сиздан ортиқ эмас эди, сизнинг улардан кам жойингиз йўқ. Тортиб кетасиз. Интизомни қаттиқ ушланг, ютқизмайсиз. Чунки, – Порсохон ака ориққина, сал букик бармоғи билан тепани нуқиди, – интизом – нонимиз, эфир эса – фақат интизом! – Кейин Порсохон ака икки қулочи билан бурчақдаги телевизорга талпинди. – Мана бу доим ёқиқ турсин, ўчмасин, доим! Чиройли хонимларни ўпаётганингизда ҳам бир кўзингизни бундан узманг. Шуни мажбурият қилинг, одатга айлантириб олинг. Бизларни қоқ ярим кеча уйғотиб, нима кетяпти, деб сўранг, ўлай агар, бир гап топиб айтамин. Тушимизда ҳам шу ҳаёт-да.

Бу ердаги иш икки тахлит экан, бу томони – телевидение, муҳарририятлар, у томони – телемарказ; бу, телевидение томондаги ишнинг бошқа ишхоналардан унча фарқи йўқ, кўрсатувига сценарий ё диктор матни ёзиб, «папка тўлдириб» ўтирган битта-яримтани айтмаса, ҳувиллаб ҳам ётар, («Иши бўлмаса нима қилади ҳавони исроф қилиб? Лекин ойда икки кун ҳамма келади: ойлик, қалам ҳақи кунлари», деб изоҳ берди Бекпўлат) ҳамма гап нариги, телемарказ томонда, ўша ёқда оддий одам боласи тушунмайдиган бир нималар бўлиб, қайнаб-тошиб ётар экан. Порсохон ака Собирни айлантириб чиқди, уч қаватли бинонинг ичи катта-кичик хоналар, баҳайбат студиялар, ҳаммасида аппаратлар қизил-кўк-сарик чироқлари милтиллаб, сезилар-сезилмас ғивиллаб ишлаб ётади, кучоқ-кучоқ кассета кўтарган одамлар, долонларда устининг у ер-бу ери очиқ қолган ариқчалар чилвирдай, бармоқдай юмшоқ симларга тўла, лимиллаб оқаётгандек, ҳаммаси бориб-бориб бир керакли жойларга уланар, керакли жойлар эфир каналларига, эфир каналлари минорага, минорадан ҳаво орқали томошабин фуқароларнинг уйларига... Собир пастдан келиб, пастдан кетиб юрган экан, Порсохон ака бўлмаса, иланг-биланг бу долонлардан қайтишга йўлини топиши ҳам маҳол эди.

– Ай-й, кўрқманг, – Порсохон ака иложи бор ҳамма нарсага қўл силтаб гапирар экан. – Шунча нарсани билиш сизга шарт эмас. Керагини билинг, етади шу. Ҳаммасининг ўз одами бор. Мана, шу кетган минг-минг қулоч симларнинг ҳам ҳар бири белгили бир ишни бажаради, аниқ бир жойдан чиқиб, аниқ бир жойга уланади. Чалкашмайди, ҳар бири алоҳида рақамланган...

Нима бўлмасин, Собир анча янгилик қилар экан, Порсохон аканинг «Одам қилган ишни одам қилади, амалдорга эса амали билан бирга ақл ҳам берилади», деган ярим ҳазил, ярим таскин гапларига қарамай, ишни ўрганишга астойдил киришди. Эфирдан бошлади. Кечқурун ҳам уйига келиши билан кўрпачани узун ташлаб, чўзилиб ёнбошлади-да, лўлаболишни қўлтиққа босди. Ора-сира бирон бадий фильм ё кўзи тушиб қолган шов-шувроқ кўрсатувни кўрмаса, «зангори экран»ни унча суймайдиган одам, қадалиб ўтиришга анча қийналди, телевизорга тикилгани сайин хаёли ҳар қаёқларга қочиб, фикрини тизгинлаши мушкул бўлди, лекин энди ҳаёти шу, аравасига тушгандан кейин қўшиғини айтиши керак...

Соат тўққиз яримлар, «Тор сирлари» деган кўрсатувда бир бастакор билан суҳбат кетаётган эди, Собир кўзи қисилиб, мулгиб кетган экан, ошхонада Комиланинг ниманидир тикирлатганидан хушёр тортиб, яна экранга тикилди. Бастакорнинг ўзи ҳам соз чалар, куйларини мусиқа асбобларида ўзи басталар экан, бошловчи йигит «Шу куйни ижро этиб берсангиз», деди. Бастакор шундоқ деворда илиғли турган танбурни олди-да, бармоғига нохун тақиб, чалиб бошлади. Экрандан эса... дутор куйи таралди. Аввалига Собирнинг диққати илмади, худди шунақа – танбур чертилса дутор куйи чиқаётгани тўғридек туюлди унга. Калласига етиб боргандан кейин эса ўзига ишонмай:

– Комила, чоп! – деб бақирди.

Комила елкасида сочиқ, қўлида ликопча билан югуриб кирди.

– Қара, қара!

Комила экранга кўз тикди, кейин ёқасига туфлаган бўлди-да:

– Юрагимни ёрдингиз-ку, – деди. – Бир гап бўлди, устингизга чойнак ағнадими деб...

– Сен бу ёқдаги гап-га қара-да. Қулоқ сол...

Комила бошини сал қийшайтириб, экранга қаради, аввал ҳеч балони тушунмади, кейин ҳайрон бўлди:

– Танбурни дутор қилиб чаляптими?

– Қанақа дутор қилиб? Қара, ана, нохун тақиб олган.

Комила баттар ажабланди.

– Ҳа-ей, лекин нимага дутор куйи? – У қўлидаги ликопчани артишга тушган эди, дарров ҳайронлиги босилди. – Бирон-бир усулдир-да.

– Қанақа усул? Бошидан кўряпман-ку. Адашди булар.

– Адашмайди. Шунча одамнинг адашиши мумкин эмас. – деб билағонлик қилди Комила. – Эҳ-ҳе, қанча одам ишлайди!

– Ҳаммаси ҳам одам-да шу, тирик, – деди Собир. – Билсанг, мен тирик одамларнинг адашиш ҳуқуқини қонунга киритар эдим.

Комила ярим кечаси эри билан тортишишдан ўзини олиб қочди:

– Энди ўзингиз ҳам ишлайсиз-ку, эртага сўраб биларсиз. Лекин, қизиқ...

Собир эртаси куни сўраб олай деса, муҳарририятида ҳали ҳеч ким йўқ, ўзи мажлисга кириши керак, ходимлар бемалолроқ келар экан.

Кичик раҳбарлар ҳар куни роппа-роса тўққизда бош директор хонасида тўпланиб, кеча эфирнинг қандай ўтгани, бугунги дастурнинг узатилишини «беш дақиқалик» қилиб олар эканлар.

Жуда яхши, эрталабдан ҳамма очиқ юз билан саломлашиб, сўрашади, ора-сира ҳазил-хузул бўлади, кичкина ҳангомачалар айтилади. «Аҳил одамлар экан, иноқлик шундоқ юзларидан балқиб турибди», деб ўйлади Собир. Кеча танишганларида ҳам уни шундай хуш қарши олган эдилар...

Бош директор Маъмур шиддат билан отилиб кирди, лекин тўрдаги жойига ўтишдан аввал ўтирганлар билан бир-бир қўл олишиб чиқди, унинг юзида ҳам хушфёъл табасум ярқиллар, бу тасассум у кўришаётган ҳар бир юзда шуълаланар эди.

Маъмур жойига ўтиб ўтирди, чақноқ кўзлари билан ҳаммага бир сидра қараб чиқиб, ким бор-ким йўқлигини назардан ўтказди-да:

– Бошладик, Мирзақул, бугун сенми? – деб мўндидай қора йигитчага им қоқди.

Йигитча ўрнидан қапчиб турди.

– Ҳаммаси жойида кетди, ўзгариш бўлмади, чепе йўқ, – деди.

– Телефонлар? – деб сўради Маъмур.

– Телефон бўлмади, тинчлик, Маъмур Султонович.

– Яхши, – деб Маъмур юмшоқ курсисига ясланди-да, яна ҳаммага бир-бир мамнун кўз юборди. – Кимда нима масала бор? Йўқ? Жуда яхши. Хўш, бўлмаса...

Собир шу билан «беш дақиқалик» тамом, бош директор ҳозир ҳаммага жавоб беради, деган хаёлга борди, кечаги танбур куйи ўрнига дутор куйи берилгани ҳам, нега бундай бўлганини сўраш ҳам эриш туюлиб, умуман бунақа нарсани гапиришнинг ўзи бу машваратга ярашмаслигини ҳис қилди. Гўё кеча телевизорда кўргани жуда арзимас бир нарса, ўтирганларга сира алоқаси йўқ, шунақа майда-чуйдалар билан бу ердагиларнинг бошини қотириш ёш боланинг ишидек бўлиб қолди.

Шу вақт эшик очилди ва бир-бир босиб Жавҳар ака кирди, индамай тўрдаги, Маъмурга яқин жойдаги бўш курсига чўқди, йиғилишни усиз бошлаб юборишганигами, ўтирганларга оғир-оғир қараб чиқди-да, бошини тўлғаб қўйди. Бир зумда ҳамма ёқда қандайдир ўзгариш содир бўлди, барча жиддий тортиди, Маъмур ҳам ўтирган жойида қимирчилаб, Жавҳар акага кўзларини пирпиратиб қўйди-да, қўлига газета олди. Бошқалар қўлларидagi ён дафтарларни очдилар. Собир шунда ўзидан бошқа ҳеч ким қўли бўш келмагани, ҳаммининг тиззада ён дафтар, қўлда ручка билан айтилган нарсани ёзиб олишга шай турганига эътибор қилди.

– Хўш, бугун, – деди Маъмур овози сал титраб. – Кетдик! «Билағон бола».

– Жойида, – деб жавоб берди Камол.

– «Деҳқон сурури», – деди Маъмур ва пайсаллаган Мирзараҳим акага жавоб кутиб қаради. – Иқтисод.

- Тайёр, – деди Собирнинг ёнида ўтирган Мирзараҳим ака бошини кўтармай.
- «Олинг, кам бўлмайсиз».
- Топширилган, – деди Аввалбой.
- «Куйга ошuftаман». Мусиқа.
- Кечаси қайта монтаждан чиққан, – деди Ўлжабой ака нимагадир араз билан.
- Мажлис тугаши билан беринг. – деди Жавҳар ака тўрсайиб. – Кўриб оламинг.
- Ўлжабой ака Жавҳар акага пешонасини тириштириб қаради:
- Кеча кўрдингиз, айтганингизни кўшдим. Яна нимага?
- Барибир, кўнгил хотиржам бўлсин, – деб гапни кесди Жавҳар ака.
- Ўлжабой ака? – деб Аввалбой умидвор қаради.

Ўлжабой ака икки кўзини ҳам юмиб, «бўлади» деган имо қилди. Аввалбойнинг юзи ёришди.

Маъмур шунақа қилиб, кечаси соат биргача бериладиган кўрсатувларни бир-бир суриштирди, бугун тайёрланиб, соат йигирма иккида кетадиган кўрсатув бор экан, Мирзараҳим акага: «Кўриб олишимиз, соат олтидан кечикмасин», деб қаттиқ тайинлади.

Ишланиб-ишқаланиб, бир изга тушган иш, кўпинча изоҳ ҳам керак эмас, масала бир луқма ё имо билан ҳал бўлар, ҳатто муҳарририятларнинг номи ҳам тўлиғича айтиб ўтирилмас, «Адабиёт» ё «Мусиқа», «Иқтисод» ё «Субҳидам» дейилса ҳам кифоя экан.

Маъмур «хўш», деб столни шап этиб урди, ўтирганларда кўзғалишга бошланган ҳаракат яна унинг гапи билан тўхтаб қолди:

– Хўп, Собир ака, кеча эфирни кўрдингизми?

– Кўрдим, – деди Собир унча англамай.

– Нима фикрлар бор? Биз кўравериб ўрганиб кетганмиз, сиз янги одам. Тоза қарашларингиз бўлса керак, – деди Маъмур.

Собир қарамаёқ ўтирганларнинг унинг нима дейишига қизиқсиниб, ишонқирамай, синашта тикилганини, лекин гапириши ҳеч кимга керак ҳам эмаслигини сизди, шунинг учун ўзини хомроқ гап айтишдан эҳтиётлаб қўя қолди:

– Менга бир-икки кун индамасангиз, ҳали пасту баландини ўрганай.

Маъмур жилмайиб, яна юмшоқ курсига ясланди.

– Маъқул, қийнамайми. Мослашиб олинг. Лекин ўрганиш чўзилмасин. Хўш, савол йўқми, тушунмовчилик? – деб у Собирдан, кейин бошқалардан кўзи билан сўраб чиқди, «Шу билан мажлис тамом» дегандек яна столни шапатилди.

Шу вақт Собир ўзига нимадир бир нарса ёқмаётганини туйди, гапирган пайти Жавҳар аканинг ўсиқ қошлари тагидан беписанд кўз қадашларими, Маъмурнинг уни ҳали ҳеч нарсани билмайди деб, ҳаддан ортиқ аяшими, янги ҳамкасбларининг ошкор илтифот кўрсатишларими, ишқилиб, алланечик ҳамма уни жуда содда деб ўйлаётгандек туюлди. «Ҳали шунча ҳам ёрманми? Булардан кечаги нарса қандай ўтиб кетган? Мумкин эмас-э», деб ўйлади у ва ўзи кутмаганда шу савол тилига чиқиб кетди:

– Кечирасизлар, – деди у товушидаги хижолатли қалтироқни босиб. – Кеча бир кўрсатув берилди, суҳбат, мусиқа билан. «Тор сирлари» деган. – Йиғилиш тугади, турамиз деб шайланганларга Собирнинг гапи ҳали унча етиб борганича йўқ эди, лекин Ўлжабой ака унга ялт этиб қараган кўйи, кўзини узмай турарди. – Шу... бастакор экранда танбур чалди, лекин эфирда дутор куйи кетди.

Ўлжабой ака хавотирли, беўхшов иржайди-да, Маъмурга қаради, Маъмур кўкрагини кериб, хушнуд яйради, Ўлжабой ака энди Жавҳар акага ўгирилди-да, у билан кўз уриштирди, Жавҳар аканинг энсаси қотиб, лаби йирилганини кўрди-да, яна Собирга бурилиб, ҳи-ҳилади. Камол Аввалбойга им қоқди, Аввалбой бир Собирга, бир Маъмурга қаради-да, кўзи билан кулди. Мирзараҳим ака очилиб, бошини эгиб олди. Қолганларнинг юзида ҳам Маъмурнинг яйраб илжайиши акс этаётган эди. Ўлжабой аканинг юзи кулиб турган бўлса-да, кўзлари бежолигидан Собир бари бир ўринсиз гапирганини англади.

Маъмур столини дўмбира қилди.

– Хўш, дутор билан танбур денг, Собир ака? Бўлади. Мен ҳам, мана, янги келганимда Жавҳар акам, кўрсатув «жонли»ми ё монтаж оласизми» десалар, «Жонли, жонли, ўзим кўриб олдим», деганман...

Ҳамма гуриллаб кулди. Фақат Жавҳар ака Маъмурга бир нарса деб тўнғиллади, Маъмур табассум аралаш, кўзини юмиб, «қўяверасиз энди», деган имо қилди. Булар имо-ишора, кўз уриштиришларнинг роса ҳавосини олган кўринади.

– Собиржон, Собир-а отингиз? Дуторнинг қорни катта, танбурники кичкина. Танбур мана бундай, дутор эса мана бундай чалинади, – деб Ўлжабой ака танбурни тиззасига, дуторни биқинига тираган бўлиб, уларнинг чалинишини ҳам кўрсатди. – Танбурни бармоққа кесилган ангишвона, йўқ, учбурчак узукка ўхшаган нарсани тақиб, «нохун» дейилади, манувнақа чаламиз, дуторни бармоқ билан, мунақа, тирноқ уриб... Ҳозир кабинетга борсак... столнинг устида битта нохун бор эди, кўрсатаман.

– Одам ҳамма нарсани билавермайди, – деди Мирзараҳим ака. – Мен ҳам қонун билан уднинг фарқига бормайман. Бу киши ҳам танбур чертиб юрмаган-ку.

– Мусиқада созлардан намуна бўлиши керак, – деди Жавҳар ака. – Минг марта айтганман. Хонада биттадан турсин деб. Ҳам чиройли, ҳам кўргазмали қурол.

Ўлжабой ака ўзини оқлади:

– Ҳамма созанда ўзиникини кўтариб келади-ку. Хонада турса, қўли қичиган тинғирлатавериб, ишлагани қўядими? Бир ҳафтага қолмай, моховга ошна қилишади.

Жавҳар ака гап қайтаргани ёқтирмайди шекилли, ҳовуллаб берди:

– Майли тинғирлатишса, лекин мана бунақа дутор билан танбурнинг фарқига бормаслик бўлмайди.

Ярим одам жойидан турган, Маъмурда иши борлар ҳали ўтирган эди, Жавҳар аканинг гапи ҳаммининг устида гумбурлаб кетди. Мирзараҳим ака Собирнинг оёғига тепиб-тепиб қўйди, Аввалбой «индаманг» деган маънода кўзини қисди. Камол унга қараб ҳамдард илжайди. Бошқалар хижолат билан кўзини олиб қочди. Ўлжабой аканинг ияги қалтиради:

– Биров дутор билан танбурни ажратолмаса, унга ҳам мусиқа айбдор, – деб аччиқ қилди у. – Ишга олган сизлар.

– Ҳай, ҳай, Ўлжабой, – деб Мирзараҳим ака уни тартибга чақирди.

– Нима ҳай-ҳай, нима ҳай-ҳай? – деб тишланди Ўлжабой ака. – Мусиқадан бошқа ишларинг ҳам борми? Бу кишим ҳам биздан бошляпти. Танбур ўрнига дутор кетди эмиш!

– Эй инсон, – деди Жавҳар ака. – Ишга кимни оламиз, деб мендан сўрамай қўйишганига анча бўлган. Мана, оқибати!

– Бўлди, – деди Маъмур муросага чорлаб. – Ўлжабой ака, гапириб бўлмайдимизми сизга? Ёзувчи одам, асбобингизни қайдан билсин. Бир оғиз сўрадилар.

– Менга найнинг нечта тешиги бор денг, – деб гап қўшди Аввалбой.

– Шуни ҳам билмайсизми? – деб унга қувват бўлди Камол. – Олтита.

– Ҳеҳ, – деб кулди Аввалбой. – Саводдан уриб кетган экан-да. Пуфлайдигани тешик эмасми? Еттита!

– Мен ҳеч тушунмайман, манавинақа шақилдоғи бор-ку, нима керак шу? Ҳар замонда шақ этиб кафтига уриб қолади, шунга ҳам бир одам овора, – деди Камол.

Бу гаплар албатта Собирни чалғитиш учун айтиляпти. Собир гапининг қандайдир ноўрин чиққанини англаб турса-да, лекин бунақа таъсиротни кутмаган эди, устига устак, ҳозир бир нарса демаса, бу ҳангома ўзининг зарарига бутун атрофга тарқалиб, бундан беш баттар гап-сўзга қолишини ҳам ўйлаб қолди.

– Кечирасизлар, мен чалишни билмайман-у, лекин дутор билан танбурнинг фарқига яхши бораман, – деб у атай овозини кўтариб, дона-дона таъкидлади. – Кеча ростдан ҳам танбур чалинганига дутор куйи берилди.

Ўлжабой аканинг кўзлари ола-кула бўлиб, ранги қум ўчди.

– Туринг-э! Яна шу гапми? – деди.

Собир куч билан ўзини босди:

– Оғизнинг жиягини сал йиғиштирасиз, ака, – деди.

Ўлжабой ака бирдан безанглаб кетди:

– Нима деяй бўлмаса? Эй, шу мусиқанинг ҳам падарига лаънат! Келган бало мусиқага ёпишади, келган бало мусиқага ёпишади. – Ўлжабой ака балонинг ёпишишини такрорлаб, икки қўли билан кўрсатиб ҳам берди. – Янги одам деб индамаса, бошга чиқиб, бўйинга миниб олади шекилли...

Собир бу одамнинг бирон нарсасини билмай ўлдириб қўйгандек, жуда бетайин аҳволга тушди, гапирса унинг баттар гувиллашини ўйлаб, индамай қараб тураверди.

Маъмур ўрнидан ирғиб турди-да:

– Қани, ҳамма ўтирсин-чи! Ўтиринглар, – деди. – Хўш, Мирзакул, кеча эфирни кўрдингми?

Мирзакул жойидан сапчиди:

– Кўрдим, Маъмур Султонович!

– «Тор сирлари»ни-чи?

– Кўрдим, Маъмур Султонович, – деб Мирзакул кўзини олиб қочди.

– Бу киши нима деяптилар? – деди Маъмур унга тикилиб. – Айт, бу киши нима дедилар? Ҳа, сурма еганмисан, овозинг чиқмайди?

Мирзакул индамай деразага аланглади, кейин ерга тикилиб олди.

– Кўрмагансан, эшшак! Яна менга «вич»лайсан. «Вич»ингни пишириб ейманми? – деди Маъмур. – Нима кўргансан, айтими, а? Тўртинчи каналдаги «Ўлим бўса»сини! Ҳе, кино кўрмай ўл!

Ҳамма жойига қайтиб ўтирган, кўпчиликнинг боши ҳам эди. Фақат Жавҳар ака калласини тўлғаб-тўлғаб қўяр, тунд юзидан бирон нарсани англаш қийин, лекин йилтираётган кўзларидан бир нарсага тайёрланаётганини тахминлаш мумкин эди.

– Хўш, ўртоқ раҳбарлар, – деди Маъмур. – Кечаги эфирни ўзи ким кўрди? Қани?.. Мирзараҳим ака?

Мирзараҳим ака секин бошини кўтарди-да, Маъмурга тик қараб, мулойимгина:

– Кеча қудам келган эди, – деди.

– Сиз қудангиз билан, обзорчингизнинг эса аҳволи бу, – деди Маъмур зарда билан. – Аввалбой?

Аввалбой бардам кўзғалди-да:

– Монтажда эдим, – деб бурро жавоб қилди.

Маъмур унга истеҳзоли қаради, лекин ҳеч нарса демай, Камолдан сўради:

– Сиз ҳам кўрмагандирсиз?

Камол беозор кулимсираб:

– Йўқ, мен кўрдим. – деди. – Фарҳод Узайр Бегижонов билан суҳбат қилди, Узайр Бегижонов ўз уйида яп-янги костюм-шим кийиб, галстук тақиб ўтирибди, шимининг тахи бузилмаган. Жуда сунъий-да.

Жавҳар ака вағирлаб берди:

– Сиздан Бегижоновнинг шими сўралмаяпти. Узайр танбур чалдими ё дуторми?

Камол кифтини қисиб:

– Танбур чалди, – деди, кейин астойдил лабини бурди. – Нима куй чалгани қулоққа кирмабди-эй. Фалати бўлгандай бўлди лекин... балки дутор куйи берилганигадир...

Ўлжабой аканинг фиғони ошди:

– Ўй ука, талмовсирамай, аниқ қилиб гапиринг: дуторми, танбурми?

Камолнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлди:

– Эътибор қилмабман. Нимадир қовушмади ишқилиб. Кўзим Узайр Бегижоновнинг костюмида эди, «Танбурни шляпада чалганида жуда тўқис бўларди-да», деб ҳам қўйдим. Одам баъзан шунақа, бир нарсани кўриб туриб, бошқа нарсани хаёл сурасан.

Маъмур ҳатто хуноби ошганда ҳам яйраб гапирар экан.

– Хўш? Нега индамайсизлар? Эфирни кўрган бошқа мард ҳам борми? – У даврага бир қур кўз югуртирди, ҳамма жим эди. – Акалар, укалар, қаерда ишляппиз, қаердан нон еяпмиз? Тешиб чиқмайдими! Шундай нарса ўтиб кетсаю ҳеч ким билмаса! Менинг кўнглим сезяпти. Бошда Собир ака адашган дедим, энди ўйлаб кўрсам, адашмаган. Янги одам нимадан адашиши ҳам мумкин?

Ўлжабой аканинг захраси заъфарон бўлиб қолди.

– Ўв, мени мияси суйилган деяпсизларми? Эсимни еганим йўқ. Кимнинг деворини тескари урган эдим? Бундай эмас-да энди.

Қандайдир бир кўринмас болтами, ойболтами, ишқилиб, жуда ўткир-оғир бир нарса Ўлжабой ака билан бошқаларнинг ўртасини чопиб қўйган, Ўлжабой ака қанча шовқинласа, шунча ожизланиб борар, ҳаммага кўз югуртириб, ўзига ҳамдард излар, одамлар эса ун-

дан нигоҳини олиб қочар эди. Унинг аҳволига қараб туриб, Собирнинг ичи эзилиб кетди, боя ҳамманинг ўзига илтифот кўрсатгани қандай сунъий бўлса, энди шу одамларнинг Ўлжабой акани ёлғизлатиб қўйгани шундай бир тошбағирлик бўлиб кўринди.

Маъмурнинг гапини Жавҳар ака илиб кетди:

– Мана оқибати! Жағим чарчайди – папкани топширинглар деб. Қарға қағиллайдим, туя бўкирадими – фарқи йўқ. Мукофотдан кес, ҳайфсан бер – бефойда. Маъмуржон, ўзингиз билгандек, бугунги кўрсатувларнинг ҳам ҳали ярим папкаси йўқ. Бу, ярим эфир ҳужжатсиз – қонундан ташқари кетяпти дегани! Эртага, эфир ўтгандан кейин кўтариб келишади, қийшайи-иб! Қалам ҳақи керак-да.

– Папкаси бўлмаса, қабул қилманг дейман-ку, – деди Маъмур.

Жавҳар аканинг жағ мушаклари ўйнаб кетди. «Ҳозир оғзига биронтанинг билаги тўғри келса, ғарч узиб олса керак», деб сесканди Собир.

– Қандай қабул қилмайман? – деб вағирлади Жавҳар ака. – Кўзининг сийдигини оқишиб сизнинг олдингизга киради, сиз йўқ демасангиз...

– Нима, папкаси йўқ деб эфирни тўхтатайми? – деб зорланди Маъмур. – Томошабин папкангизни кўрмайди-ку. Хўп, ана, «Тор сирлари»нинг папкаси бормиди?

– Бор эди, бор эди, – деди мулойим бўлиб қолган Ўлжабой ака.

Маъмур Жавҳар акага ботиниб қаради:

– Кўрувдингизми?

Жавҳар аканинг ҳам попуги пасайгандек бўлди.

– Ҳа, – деди ерга қараб. – Мен кўрмасам ўтказмайман-ку.

– Кўрган бўлсангиз?... – деди Маъмур жавоб кутиб.

Жавҳар ака бу ишга ўтирганлар айбдордек, ҳаммага жаҳл билан кўз югуртириб:

– Куйни эшитишим шарт эмас, ғоясини текширмайман-ку, – деди. – Телевизоримнинг товуши ўчирилган эди. Ким чиққанини папкадагига солиштириб кўрдим.

Бу орада Маъмур телефон рақамини тераётган эди.

– Марказийми? Салом-алайкум! Раҳмат! Раҳмат! Ҳа, ака, айтганман, бўлади, бўлади... Хурсандман... Ҳа, жуда яхши... Бемалол, бемалол!

Маъмур ким биландир жуда очилиб-сочилиб гаплашди, бу орада Ўлжабой ака ўтирганларга такрор-такрор мўлтиради, Жавҳар ака қовоқлари остидан босим қараб олди, жағ мушаклари бориб-бориб келди, боши неча марта тўлғанди, «Калла жонивор ҳам бор экан-да», деб ўйлади Собир. Бошқалар жим кутиб қолди...

– Ака, кечаги назорат ёзувларини укалардан зингиллатиб, а... Йўқ, тинчлик... Ака, сиз бор-ку, нотинчлик бўладими? Ҳа, секингина, дўстлар билмасин...

Маъмур гўшакни қўйиб, ҳаммага амирона назар солди. У ҳозир одамларнинг устидан катта раҳбарга айланган, кўпларнинг ранги ўзгарган, «назорат ёзувларини» эшитган Ўлжабой ака бечора гезариб қолган эди.

– Жавоб! – деди Маъмур кескин оҳангда, кейин товушини пасайтириб: – Собир ака, сизга раҳмат, – деди.

Мирзараҳим ака пастроқ товушда чўзиқ қилиб:

– Э-э, – деб ўрнидан турди.

Маъмурнинг нигоҳини тутаман деб кўзи умидсиз овчилик қилаётган Ўлжабой акадан бошқа ҳамма кўзғалди...

Собир носинашта даврада бунақа мужмал аҳволга ҳеч тушмаган, ўзини нимагадир айбдор сезар, айбининг аниғини билолмаганидан баттар хуноби ошар эди. Кабинетда у ёқдан-бу ёққа юрди, чеқди, ўтириб ўйлади, калласига бир маънили ўй ҳам келмади, телевизорни ёқиб, қараб ўтирди, кўнглига сиғмади. Охири «Э-э, нима бўлса ҳам ўтиб кетди-ку, бундан бу ёғига устароқ бўлиш керак шекилли», деб қўл силтади...

Бу орада долон жонланиб, саломлашиш – сўрашишлар кўпайди, эркакларнинг гурс-гурс, аёлларнинг тақ-туқ қадам товушлари кучайди, бир жувоннинг жаранглама кулгиси бор экан, икки марта кимгадир қичиқ ҳазил қилди, кимдир «Ҳа, сан ўлмагин-да», деб кўйди.

Собир папкаларни паришон варақлаб ўтирган эди, дермантин қопланган эшик гурсиллаб урилди-да:

– Мумкинми? – деб Бекпўлат кирди.

– Тўғри кираверсангиз бўлмайдими? – деди Собир. – Эшикни гумбурлатиб теп, яна рухсат сўра.

Бекпўлат беозор кулиб:

– Тепганим йўғ-э, матоси қалин, муштламаса бўлмайди, – деди. – Янги раҳбар келгани билинибди, бугун ходим кўп. Бу, тинчликми «беш дақиқалик»да? Мусиқада ўрдак сузаяпти, нима гап десам, янги шефингдан сўра дейишди. Бир нима ўтиб кетган шекилли?

Собир гап тарқалганига ҳайрон бўлди.

– Кеча танбур чалиниб, овозига дутор куйи кетди. Шунга сўраган эдим. Дарров...

Бекпўлатнинг қоши пешонасига кўтарилиб кетди:

– Нима? Нима деяпсиз!?

Энди Собир танбурни чалган бўлиб кўрсатди:

– Бегижонов, бастакор, танбур чалди. Лекин дутор куйи берилди.

Бекпўлат унга оғзини очиб қараб турди-да, икки кўли билан бошини чангаллади:

– Вай-й! Ростданми? Худо урибди-ку!

– Нега худо уради? Шунга шунчами? Мажлисда гаплашиб олинди-ку, – деди Собир юраги ивишиб.

Бекпўлат асабий кулди:

– Мажлисдаги гап-гап. Энди бошлансин-да.

– Ўзи ҳеч ким кўрмай ҳам қолган экан. Бекор айтибманми? – деди Собир астойдил куйиниб.

Бекпўлат Собирга тикилиб турди-да:

– Бекор. – деди. – Сизга нима, янги одамсиз, ўзлари билан ўзлари ейишсин эди. Саккизта эчкига саксонга така ўтиради, нега ўтказиб юборади? Лекин чатоқ бўпти.

– Айтмасам, ҳеч ким билмай қолармиди? – деди Собир.

– Мумкин, – деди Бекпўлат. – Сиз тўғри қилибсиз, кўрган нарсангизни қандай айтмайсиз? Лекин айтмасангиз яхши бўларди. Ўлжабой ака сиздан хафа бўлади-да.

– Мендан, нега? – деб ҳайрон бўлди Собир.

– Айтяпман-ку, ака, бошланади деб. Бошлангандир ҳам. Тушунтириш хати, ҳайфсан, ҳайда-ҳайда. Худо берди Жавҳар акага. Ўлжабой аканинг устига миниб олиб ириллайди, йўқ, бўкиради, ў-ў, яна панжамга илиндинг-ку, деб...

Шу вақти эшик товушсиз очилиб, Порсоҳон ака кирди, тўғри келиб кўлини Собирга чўзди:

– Табрик! Жанговар чўқинтирилишингиз билан! Яхши! Бизда гапидан латта иси келадиганлар ишлай олмайди. Талашиб, тортишиб, ҳақини ажратиб олиши керак одам. Айниқса, раҳбар. Нима, оғзингизнинг жиягини йиғиштиринг, дедингизми? Оригинал! – Порсоҳон ака Собирнинг ҳайрон қараб қолганига изоҳ берди. – Эй-й, Собиржон, бизда гап ётмайди, оғзингизни очмасингиздан олдин ҳамма эшитиб бўлган бўлади. – Порсоҳон ака одати бўйича кўл силтади. – Ўзидан кўрсин, монтажни ассистентга ҳам ташлаб кетадими! Лекин бу бир фалокат.

– Ким бўлган? – деб сўради Бекпўлат.

– Эгамназар, – деди Порсоҳон ака. – Ошни сузмасимиздан етиб бор, деб кетишган яна.

– Буларнинг таҳорати йўқ-да, – деди Бекпўлат, – доим бир нарсаси чиқиб туради...

Собирнинг кўк телефони жиринглади.

– Собир акамисиз? – Гўшақдан бир қизнинг чиройли овози келди. – Маъмур Султоновичга! Бир келиб кетар экансиз.

Собир долонда бораётиб, ходимларининг сал ҳадик билан саломлашиши, синовчан қараб кўйишларидан билдики, ростдан ҳам «беш дақиқалик»даги гап тарқалган, тарқалганда ҳам маҳовати билан, ўзи ҳақида ҳам анча-мунча гап кўшилган шекилли, бугунги муносабат кечагидан бошқачароқ.

Қизиқ экан, бир пасда. Бу ерда одам зерикмайди шекилли.

Маъмур ҳам уни сакраб туриб кутиб олди, бошқатдан қўл бериб кўришди.

– Келинг, ака, – деди янада очик жилмайиб. – Ўрганяспизми? Бизники шу-да, ака. Энди ичимизга кирдингиз, кўраверасиз.

Собир нима дейишини билмаганидан индамади.

– Қойил сизга, тўғри айтган экансиз.

– Эй, бунинг нимасига қойил? – деди Собир.

– А шунча одамдан ўтиб кетибди-да! Битта сиз кўргансиз. Ўтириб кўрдик, айтганингиздай! Ҳозир «разбор» қиляпмиз. Ҳақиқатан ҳам кўлинг сингур Бегижонов танбур чалапти, эфирдан дутор кетяпти! Кўриб туриб, одам ишонмайди-я!

– Бегижоновда нима айб? – деди Собир.

– Наҳс-да, ака, наҳс босган, – деди Маъмур бурнини жийириб. – Ёмон кўраман шу одамни. Доим қари қиз овга чиқди, кетидан ғовға чиқди. Яна бизни танқид қилади, мусиқани тушунмайдиган одамлар ўтирибди деб. Ўзи бўлса уйида янги костюм-шим кийиб, экранга чиқади. Фаросат! Ҳа, майли, бу – ўзимизнинг гаплар. Сизни чақиртирганим – яна бир марта раҳмат айтиш. Бу ердаги аччиқ-тизиқ гапларни кўнгилга олмайсиз. Ўлжабой ака ўзи ёмон одам эмас, ҳали қаймоқлашиб кетасиз, керак одам, лекин гап эшитавериб, ҳалиги, ёзувчилар нима дейди, қашқатаёқми, калтакзадами бўлиб қолган.

– Ёзувчилар эмас, кампирлар айтади, – деди Собир.

Маъмур бошини орқага ташлаб кулди.

– Халқ тили-да... Шу, Собир ака, энди ўзимизникисиз, эрталабки гап шу ерда қолсин.

Собир кифтини қисди.

– Тарқаб бўпти-ю.

– Тарқалади! Минг эҳтиётини қилинг, даврада айтилган гапнинг қирқта қулоғи, йигирмата оғзи бор. Ичимизда ўрмалайди. Масала – Маъмур кўрсатгич бармоғи билан тепага ишора қилди, – юқорига чиқиб кетмасин. Йўқ, яширмаймиз. Лекин... раис ўзимиздан, аниқроғи мендан эшитсинлар-да. Ўзим лаб-пунжини тўғрилаб тушунтираман. Бошқалар қайси кўнгилда нима деб етказида – ким билади? – Маъмур ўзининг пиёласига чой қуйиб, Собирга узатди. – Битта ичинг, дил кетди. Бундан кейин, худо хоҳласа, кўп ишларни бирга қиламиз, шунақа пайтлари, акажон, аввал секин ўзимга айтсангиз, ёзувчилар нима дейди, нуран аъло нурми...

Бош директорнинг чойи, ичига алламбалолар солинганми, ҳам тахир, ҳам зиғирмойнинг мазаси келар экан. Собир қаёққа тупурсам экан деб ижирғаниб чиқса, долонда Жавҳар ака турган экан.

– Сизга қараб турибман, – деди Жавҳар ака меҳр кўргазган бўлиб. – Чақиртирсам, кабинетингиздан бу ёққа келгунингизгача битта роман битилади. Бизга кирайлик.

Жавҳар ака оғир гавдасини чаққон буриб, кабинетни эшигини очди-да, Собирга манзират қилди. Собир индамай эргашди.

Жавҳар ака жойига ўтиргандан кейин тортмасидан бир даста оқ қоғоз олиб, таптап уриб тахлади, Собирга қаради, унда ҳеч нарса йўқлигини кўргандан кейин, даста қоғоз устига ручка қўйди-да:

– Яхши бўлди, Собиржон, – деди, – жуда яхши, худо ол, кулим, дегани шу-да, ўзи тўғрилайди! Келганингиздан бир кундаёқ кўзга ташланиб турибсиз. Лекин эҳтиёт бўлинг: орқангиздан пичоқ урадиганлар бор бизда. И-и, чоғга итарадиганлардан эҳтиёт бўлинг деб, ўзлари итариб юборади! Ана биттаси! Нохунни кўрсатармиш! Ҳавасакка иккита нағма машқи борми-йўқми, бу эррайим ҳам созанда! Мутахассис! Пешонасига туфлаб бир сўм ёпиштиринг, қийпиллаб ўйнайди. Отарчи! Бутун бошли муҳарририятни шунақа одамга топшириб қўйганмиз. Ёзувчининг қадами бехосият келди эмиш. Савияни қаранг! Мия моғорлаб, бетни тасқара бойлаган-да бир қарич. Сиз ўйланманг, ўзим борман. Бамаслаҳат иш қилсангиз, кам бўлмайсиз...

Собир шу бир-икки кун ичида одамларнинг гапини бўлмайд эшитишга ўрганиб қолди, лекин Жавҳар акани жим тинглашга қийналди, аммо унинг гапини бўлишнинг ҳам звини қилолмади. Ноилож тишини тишига босиб ўтираверди.

Бу Ўлжабой дегани чўқимай қарға бўлган, ўқимаган бир муллои беамал экан. Унга Жавҳар ака айтибди: «Ўзинг ишни чатоқ қилиб, яна нимага ёзувчидан хафа бўласан, бола-чақасини ўйнатиб, хотинининг кўнглини олиш ўрнига эфирингни кўриб берса» деб, лекин у тўқим табиат, пайтавақулоқ, хуллас, тўйиб қутуриб кетган экан-да-э, энди қанча тез кетига тепилса, шунча барака топар экан тепган одам. Гап нима устида кетяпти экан? Виждон устида, масъулият устида! Жавҳар аканинг даврларида бунақа эмас, ҳамма қилган ишига жавоб берар экан, ҳозир интизом тушиб кетибди.

Жавҳар ака жуда кўпчиликдан шекилли, биз, бизнинг давримизда, бизлар ундоқ қилганмиз, деб гапирди, кейин бу киши ҳамма нарсани олдиндан билар экан, биз билар эдик, айтиб қўяй, мени айтди дейсиз, биз олдиндан айтган эдик-ку, дейди, шунданми, у киши раҳбар пайтлари бунақаси бўлмаган, бўлса ҳам Ўлжабойга ўхшаганларнинг шохи «момент» синдирилган, ҳозирги бу эркинчиликнинг охири яхши эмас экан.

Жавҳар ака Собирга қараб гапиргани билан уни кўрмаётган, ҳисобга ҳам олмаётган, у Собирнинг орқасидаги теранликларгами, пучмоқларгами кўзини тиккан эди. Тинглагани сайин Собирнинг кўнглига мубҳам бир хавотир оралади, Жавҳар ака кўзига одамзод уммони ичида не-не замонлар оралаб, олдида кўндаланг чиққан жонзот борки, ҳаммасини катта боши, йирик-йирик жағлари билан босиб-ғажиб-янчиб ўтиб келаётган баҳайбат бир наҳангнинг ўзи бўлиб кўринди, уни тўхтатадиган ё орқага қайтарадиган куч йўқ, Собир бунга шунчаки, кўрганини бошқаларга етказиб, қудратига шохидлик берадиган бир гувоҳ эди, холос.

Жавҳар ака даста қоғозни Собирга суриб, катта жағи билан им қоқди.

– Энди қоидамиз шунақа – ҳаммасини ёзиб беришимиз керак. Сиз ҳали янги, ўзим қарашиб юбораман. Хўш, бундай. Компания раисига. Кечаги сана, кечкурун соат тўққизу ўттиз бешда берилган кўрсатувни кўрдим, унда бошловчи Фарҳод Олимжоновнинг таклифи билан бастакор Узайр Бегижонов танбурда «Ўрик гуллари» куйини ижро этди, лекин эфирда дутор ижросидаги «Сой соҳили» берилди.

– «Ўрик гуллари»ми ё бошқасими, қайдан биламан, – деди Собир ғижиниб. – Танбурнинг товуши чиқмади-ку, парда босилишига қараб айтадиган даражада эмасман.

Жавҳар ака бир муддат илжайиб тикилди.

– Ҳа майли, бунга ёзмаймиз... Хўш, эртаси куни бош директор ЭМ.ЭС.Қориевнинг кабинетидеда соат тўққизда бошланган эрталабки оператив йиғилишда мажлис ахлига мазкур гоёвий-сиёсий хато ҳақида маълумот етказдим. Аммо мажлисда «Муסיқа» муҳаррирининг бош муҳаррири Ў. Нуралиев хатодан тегшли хулоса чиқариш ўрнига каминани ҳақорат қилди, тартибга чақирган бош директор ўринбосари Же.Қурбонбоевга қўполлик кўрсатди.

– Ҳақорат қилмади. – деди Собир.

– Ия, бало тикилди деса, бехосият келди, деб гап тарқатиб юрса, ҳақорат эмасми шу, Собиржон? – Жавҳар ака жуда-жуда ҳайрон тикилди Собирга. – «Тур!», Тур-э», деб итга айтилади, а бу ҳақорат бўлмай, нима? Эрталаб шарт-шурт гапирганингизга, манна-э, ниҳоят ғурури баланд, тишлик-тирноқлик бош муҳаррирга эга бўлдик, деб хурсанд бўлувдим. Бу ёғи қанчадан тушди энди? Ўлжабойнинг ўзи ҳажи қабул бўлиб қолган, битта туртки етади. Кўпчиликнинг дуосига қоласиз. Эчкининг ўлгиси келиб, қассоб билан ўйнашиб турибди-ку.

Собир ўрнидан турди.

– Собиржо-он, – деди Жавҳар ака чўзиб, – бу сизга керак, ҳа, сизга. Мансаб пил-папоясида неча кўтарилишингиз бор. Таржимаи ҳолингизда яна бир ижобий факт-да бу. Зўр бўлади. Шунақа фактлар йиғилаверса, келажагингизга яхши. Мен сизга бир яхшилиқ қилай деяпман.

– Ўлжабой ака яна ҳам сасиб юрган бўлса, ўзим гаплашиб қўяман.

Жавҳар ака ҳам ўрнидан туриб кетди:

– Ўв, ука! Сизнинг тенгингиз эмас у одам. Бошни дорга тикманг. Бир мушт ураман деб... Ўлжабойнинг гаплари сизга эмас, менинг мана шу юрагимга санчилди. Қонуний йўл билан таъзирини едириш керак, вассалом!

Жавҳар ака ўтирган жойида бостириб келаётгандек, Собирни оғир бир рутубат босди. У бурилиб эшикнинг дастасини ушлади.

– Э тўхтанг-да, мўҳ-мўҳ деса қўй ҳам тушунади, сиз бўлса, – деди Жавҳар ака сир билан. – Айтмаганимга қўймайсиз шекилли. – Жавҳар ака шу гавдаси билан чаққон келиб, Собирга бошини эгди, жилмайиб, кўзи билан имлаб, қаттиқ шивирлади: – Қўшамиз! Тушунапсизми? Мусиқанинг ҳам бошига офтоб чиқсин.

Собир ҳеч нарсани тушунмади, лекин Жавҳар аканинг мамнун қараб туришидан хурсанд бўлиши керакдек эди. Тили сур калтак бўлса ҳам, шундай гавдали одам эшилиб-буралар экан.

– Мусиқани сизга қўшамиз. Етди етдими энди бу доно каллага? Ҳа? Энди ўтириб ёзинг айтганларимни.

Собир эшикнинг дастасини қўйди. Жавҳар акага тик қаради.

– Мени бунақа нарсаларга аралаштирманг.

Жавҳар ака нодон болани биринчи марта қўраётгандек ажабланди:

– Ука, укажон! Мен ёзувчиларни бошимга кўтараман. Носир Нозим акамларга мен чойлар дамлаганман, хизматларида бўлганман. Сизни ҳам ўзимиздан деб...

Собир унинг гапини бўлди:

– Кечирасиз, мен ҳеч кимга чой дамламаганман. Сиз билан фарқимиз шу.

Собир Жавҳар ака тутиб қоладигандек, ўзини эшикка урди, Жавҳар ака «Тил ҳам бор экан, заҳаргина», деб қолди, лекин уни тўхтатишга улгурмади, орқасидан ҳам чиқмади.

Собир кабинетига кириши билан телефондан Бекпўлатни излаттирди.

Бекпўлат Порсохон ака билан бирга кирди. Иккаласи ҳам индамай, Собирнинг оғзига қаради. «Эшитдимикин булар?» деб ўйлади Собир ва ўйини ўзи рад қилди, ҳар қалай, Жавҳар ака чақириб айтмайди-ку. У Бекпўлатнинг битта ўзи билан гаплашмоқчи эди, лекин Порсохон акани чиқариб юбориш жуда ноқулай, ҳам гапини Порсохон ака ҳам эшитиши керакдек туюлди.

– Бекпўлат, кеча гапингизни олмай, бекор қилган эканман.

Бекпўлат кечагидек лабидан ип қочиб қаради, индамади. Собир Порсохон акага тушунтирди.

– Бекпўлат кеча бу ер сиз ишлайдиган жой эмас, деганда, ҳа, бир олифта гап-да, деб ўйлаган эдим. Ҳозир бош қотди, қандай бўшасам деб.

Собир уларнинг ҳай-ҳайлаб беришини кутган эди, лекин улар худди шундай бўлиши табиийдек тутдилар ўзларини. Бекпўлат ўша-ўша синиқ табассум қилди, Порсохон ака завқланиб тиззасига шапатилади.

– Мен гапни кеча айтдим, бугун эмас. Бир кунда кўп нарса ўзгаради, – деди Бекпўлат.

– Нима ўзгарди? – деди Собир.

– Ишни бошламаганингизда бошқа гап эди. Энди кетаман, дейиш номардлик бўлади.

– Ҳай, қани, Жавҳар акамиз нима деб ўқидилар? – деди Порсохон ака айёр қулиб.

Собир Жавҳар ака билан бўлган гапларни айтгиси келмади:

– Қўяверинг, – деди.

– Сизга бир гап айтайми? – деди Порсохон ака. – Тухмат бўлса, худонинг ўзи кечирсин. Жавҳар аканингизнинг шу кўрсатувни кўрмаганига сира ишонмайман.

– Кўришга кўрган, лекин телевизорининг товуши ўчган экан, – деди Собир.

– Жавҳар аканинг телевизори? Ўчиқ бўлади-я?! Ҳаётда!

– Порсохон ака, мумкин эмас, – деди Бекпўлат. – Кўриб-билиб туриб? Ўзига ҳам гап тегади-ку.

– Эй-й, соддалар, – деб кулди Порсохон ака. – Нима бўпти танбур ўрнига дутор кетса? Гоявий-сиёсий хато эмас бу. Биров сўрамайди ҳам. Кимнинг нима иши бор? Лекин бу ерда... Маъмур бор, Ўлжабойнинг кавушини тўғрилаб қўйиш керак. Маъмур кўрсатувларни олдиндан кўрмайди. Жавҳар акага ташлаб қўйган, бир гап бўлса, Жавҳар ака жавобгар, у эмас. Жавҳар ака эса мусиқа билан бизни кўшса-да, ўзи бош муҳаррир бўлса. Режа шу. Шу учун мусиқа атрофида қанча гап кўпайса, шунча яхши.

Бу киши кейин келиб тартибга солиб берадилар. Битта мусиқанинг ўзига интилсалар, шубҳа туғилади. Лекин Маъмурнинг ҳамма гапдан хабари бор. Жазолашни ҳам Жавҳар аканинг қўли билан қилади. Ҳаммаси ҳисобга олинган, Бекпўлатвой.

Собирга бу гаплар жуда қизиқ эди...

– Аҳ-ҳа, тўғри, – деди Бекпўлат. – Лекин бош директор ўринбосарлиги ҳам ёмон эмас-ку?

Порсохон ака қўл силтади:

– Бе-е, акам кеча ўзларига бўйсунган Маъмурга бугун бўйсунгилари йўқ. Минг интилгани билан, Маъмур ҳам жойини бериб қўядиганлардан эмас, кейин ёш ҳам кетяпти. Ҳа-эй, Собиржон, ишларимизнинг кети очилиб ётган сири кўп. Ўлмаган қул кўраверар экан. Во-оҳ, бутун умрни шу ерда ўтказиб юборибмиз-эй, қирқ уч йил шу битта эшикдан кириб, битта эшикдан чиқиб юрибмиз. Балиқчадан балиқ бўлдик, лекин тилла бўлмадик, наҳанг ҳам, ҳовуз ўша-ўша, ўзгаргани йўқ. Лекин шукр, шукр қилишимиз керак. Жонимизга тўзим берсин, шунча йилдан бери Жавҳар ака билан ҳам олишиб келяпмиз, сиз бўлсангиз... бир кунга...

– Ёзувчилар худбин бўлади-да, яхши маънода, ўзини, ижодини ўйлайди, – деб фалсафа сўқди Бекпўлат. – Бу ердаги одамлар-чи? Ҳаммасини кўриб, сезиб турибди-ку. Нечтаси кирмоқчи олдингизга, янги иш, ёлғизланиб қолмасин, кўнгилларига тиргак бўлармиз деб. Сиз бўлса, бошингиз қотиб кетмоқчисиз. Кеча мен бу ерда ишламанг деган маънода айтмадим, ишласангиз сизга ачинаман дедим. Ҳали...

– Бўлди, бўлди, – деди Собир таъсирланиб. – Бошқа бу мавзуда гапирмайман...

Эшик очилиб, Ўлжабой ака, доим кириб юрадиган жойи, лекин сал тортиниброк кирди. Ўтириб, қўлларини очди-да:

– Қани, Порсохон ака, бир дуо беринг, – деди.

Порсохон ака:

– Омин! – деб фотиҳа тортиб қўя қолди.

Ҳаммалари фотиҳа тортгач, Порсохон ака Ўлжабой акага қуш боқиш қилди:

– Келинг, Ўлжабой.

– Ҳай, – деди Ўлжабой ака, кейин Собирга тўғри қаради. – Собиржон, сизга ҳайфсиниб келдим. Қаранг-эй, ўтиб кетибди-я! Яна танбур чалса, дутор куйи чиқаётгани тўғридай. Шунақа бўлиши мумкинлиги сира калламга келмабди...

«Бехосият деб айтдим, йўқми? – деб ўйлади Собир, лекин Ўлжабой аканинг танқайган бурни, қовжираган кўзларига қараб, фикридан қайтди. – Йўқ, Жавҳар ака тўқиган. Бу одам пов этиб ёниб, кейин қандай ўчишни билмай юради шекилли».

– Хўш. Ўлжабой, бўлади-да. Нимага келишдинглар, шундан гапиринг, – деди Порсохон ака.

– Жавҳар акам нимани сўраса, ёзиб бердик. Илож қанча? Энди гўштимизни сизга тортиб, чўққа тоблаб оладими ё хомлай ейдими, ўзи билади. Пешонадан кўрамиз-да, – деб Ўлжабой ака мумсик илжайди. – Бизники шу – гадоё аразласа тўрвасига зиён.

– Ҳали айтмоқчи эдим, – деди Бекпўлат. – Собир ака, тушликда ҳеч қаёққа кетмай-сиз. Хотинларимиз бир тадбир ташкил қилган. Ҳамма бўлади. Утирамиз. Сиз билан яқиндан танишув. Бу ҳам ҳаммага қилинавермайди, ака, обрўйингиз... Ўлжабой ака, сиз ҳам кириб. Э-э, кўп ичга олаверманг, отнинг оёғи тўртта бўлса ҳам қоқинади.

1995 – 2006



Ёқубжон АҲМАДЖОНОВ

Бойгечақка боқиб завқинг зиёда



* * *

Шукрим, яхшилик замони қайтди,
Қиш кетиб, турналар карвони қайтди.
Созингандик Темур ҳазратларини,
Юртга юртнинг соҳибқирони қайтди.

Этиқод тўлдирар дунё агар кам,
Шуни ўйларканман, кўнглим хотиржам,
Имом Бухорийни танир набирам,
Сўфи Оллоёрнинг девони қайтди.

Агар ҳур бўлмасанг, қайда саодат,
Ҳаттоки, ўз кулбанг сенга омонат,
Тутқунлик қафаси синди, ниҳоят,
Элнинг Қодирийу Чўлпони қайтди.

* * *

Дарди йўқ соз чалиб, оқин бўлолмас,
Ўксиган дилларга яқин бўлолмас.
Ҳар ким ҳам беморга беролмас шифо,
Ҳар ким ҳам Луқмони Ҳаким бўлолмас.

Дунёда қувончу ташвишлар бисёр,
Вужуд йўқ бир дарддан чекмаган озор.
Одамзод омонда юрмоғи учун,
Авалло, мурувват малҳами даркор.

*Эй табиб, холислар холисидурсан,
Хаста таннинг умид юлдузидурсан.
Битта ҳақиқатни унутма зинҳор:
Сен Ибн Синонинг ворисидурсан.*

* * *

*Биз ҳам эл қатори омон юрибмиз,
Кўриб неча-неча замон юрибмиз,
Аммо, бир ҳолатга ҳайрон юрибмиз,
Умр ўтиб борар, кўнгил қаримас.*

*Гарчи ёшлик энди олисда қолди,
Сочлари қирқ ўрим бир қизда қолди,
Кўзимиз сўнмаган юлдузда қолди,
Умр ўтиб борар, кўнгил қаримас.*

*Гоҳо ғамлар бошда оғир тош бўлар,
Одамнинг суюнчи сабр-бардош бўлар,
Юз йил яшаса ҳам кўнгил ёш бўлар,
Умр ўтиб борар, кўнгил қаримас.*

*Баҳор келса музлар эрир дарёда,
Қалдирғочлар учар мовий самода,
Бойчечакка боқиб завқинг зиёда,
Умр ўтиб борар, кўнгил қаримас.*

*Мусофир, ортингда наст-баланд йўллар,
Ҳаттоки тоғни ҳам емирар йиллар,
Бу ҳикмат сирини яратган билар,
Умр ўтиб борар, кўнгил қаримас.*

* * *

1

*Дил бекатдир, хотиралар учун карвон,
Карвон юки гоҳо шодлик, гоҳо армон.
Ёвгонингиз ичмай сизни йиғлатганим
Ёдга тушса, онажоним ҳолим ёмон.
Йўқчиликни азобларин кўрган онам,
Ўзин эмас, мени ўйлаб юрган онам.*

2

*У пайт, рўзгор гор эканин билмас эдим,
Бола эдим, гул тиканин билмас эдим.
Бир кам икки бу дунёда мунис онам
Кўп нарсага зор эканин билмас эдим.
Дардларини ёлғиз ўзи ютган онам,
Ташишларин мендан йироқ тутган онам.*

3

Йиллар ўтиб, хирмон бўлди ўрганларим,
 Насиб этди тилаганим, сўрганларим.
 Фақат энди пойи жаннат онам йўқдир,
 Вайронадек бу кошонам, қурганларим.
 Хаёлларим, ширин тушим – мушфиқ онам,
 Учиб кетган Хумо қушим – мушфиқ онам.

4

Гарчанд тулпор отдай чопди омадларим,
 Ич-ичимда ўкинчларим, фарёдларим.
 Онам қўли теккан ўша ёвгон учун
 Берар эдим бугун бари давлатларим.
 Осмонларга руҳи пинҳон бўлган онам,
 Ёвгони ҳам энди армон бўлган онам.

* * *

Мажнундирман Лайлосига етолмаган,
 Вомиқдирман Узросига етолмаган.

Фарибдирман Шоҳсанамдан айро тушган,
 Тоҳирдурман Зухросига етолмаган.

Агёрларим йўлларимга босдилар чим,
 Ирмоқдирман дарёсига етолмаган.


Боязиддек ўзни солдим бозорларга,
 Мен хокдурман баҳосига етолмаган.

Мен – Мансурман, Насимийман, мен – бир сирман,
 Ишқи йўқлар маъносига етолмаган.

Бедил каслар қанотимни қайирдилар,
 Бир қушдирман самосига етолмаган.

Намангон

ШЕЪРИЯТ



Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Деразангни оламга очгин

* * *

Қуёш бош кўтарди тоғлар ортидан,
Ҳаво очиқ,
Йўқдир заррача губор.
Мажнунтол роз айтар бошин қилиб хам,
Жилга қўшиқ куйлар,
Қушчалар – ашъор.

Бу дам чор атрофга ташласанг нигоҳ,
Ажиб руҳ, ҳаловат ҳис этади жон.
Табиат терс кийди тўнини ногоҳ,
Бирдан кўтарилди кучли чанг, тўзон.

Бир зумда борлиқнинг тинчи бузилди,
Дов-дарахтлар ҳар ён тебранди ночор.
Япроқлар бандидан “чирс-чирс” узилди,
Тиниқ сув сатҳини қоплади губор.

Қушчалар жонҳалак пана жой излаб,
Қўкдан шаррос ёмғир қуя бошлади.
Ўзи яратган зўр чиройни, ажаб,
Табиатнинг ўзи бузиб ташлади.

* * *

Олисдаги гўзал қишлоқда,
Юрагимга айланган қиз бор.
Чиройидан ой қолар доғда,
Нусха олар кўнглидан баҳор.

*Банда йўқдир тўкис, бенуқсон,
Лекин бир у фариштага хос.
Асли, унинг сочидан пинҳон,
Сим-сиёҳ тун ранг олиши рост.*

*Унинг муштдек қалбида, ажаб,
Олам қадар меҳр мужассам.
Бир бор нигоҳ ташлагани вақт,
Қордай эрир тоғдай чарчоқ ҳам.*

*Тотли эрур хаёли ҳатто,
Дилга илҳом,
Руҳий куч берур.
У мен учун этилган ато,
У биргина меники эрур.*

*Унга толе тилаб покдомон,
Тонгда қишлоқ силкиб қолар қўл.
Адо бўлиб боради ҳижрон,
Адо бўлар ўртадаги йўл.*

*Олисдаги гўзал қишлоқда,
Юрагимга айланган қиз бор.
Бир кун овмин айтиб фироққа,
Босар бизни бағрига дийдор.*

* * *

*Ташқарида эсар мусаффо экин,
Унга юз тутган дил яйрайди роса.
Бўлмас деразасин очмаса лекин,
Диққинафас уйнинг ҳавоси тоза.*

*Қуёш само узра порласа ҳарчанд,
Оламни мунаввар этса ҳам, ёҳу,
Пардани тортмаса деразасидан,
Қоронғу хонага тушмайди ёғду.*

*Кўзинг оч, сўкилсин мудроқнинг чоки,
Деразангни бедор оламга очгин.
Димиққан, қоронғу хонанга, токи –
Тоза ҳаво кирсин,
Қуёш нур сочсин!*

* * *

*Ҳар ким ўтади ўз умрини яшаб,
Ҳаёт катта оқим, бир томчидай гап.
Баъзида томчидай бўлган қай бир кас,
Дарёликни даъво қилади, ажаб.*

*Гардун ўз измидан тонмаслиги рост,
Яратганга тандир бу қадим маъво.
Таажжуб, саҳарлаб қичқирган хўроз,
Тонгни оттирдим, деб қилади даъво.*

* * *

*Кўкни қора булут қоплади бирдан,
Нимадир ёгади,
Турди зўр шамол.
Рўй кўрсатиб қолди бир зум қуёш ҳам,
Хафаҳол тортгандай юзига рўмол.*

*Совуқдан асабий дийдирар само,
Дов-дарахтлар кийган қировдан пўстин.
Ўзгариб тургувчи ҳаводан, асло,
Мўътадиллик кутиб бўлмайди, дўстим.*

* * *

*Тирналган юрагим баттар тирналар,
Нетасан, синиққан руҳим сўндириб.
Томчи-томчи бўлиб араз, гиналар,
Сабрим косасини борар тўлдириб.*

*Ахир, бардошнинг ҳам йўқ эмас чеки,
Муносабат агар шу йўсин борса:
Нохосдан бир куни тўкилар ёки,
“Чил-чил” синиб кетар лиқ тўла коса.*

* * *

*Баъзилар корингга яраса бир зум,
Кўнглингни ёритса бир лаҳзагина,
Дуч келсанг осмонда тутади ўзин,
Токи, тирик экан қилади таъна.*

*Дўстим, инсон учун яхшилик – зийнат,
Агар қўлдан келса яхшилик – фарздир.
Биров яхшилигин қиларкан миннат,
Қуёшга ҳар қанча сизинсанг арзир.*

*Қуёш сахийликда тенгсиздир бешак,
Борлиққа беминнат таратар ёғду.
Наздимда, шу сабаб ҳаммадан юксак,
Шу сабабдан қуёш наздимда мангу.*

Бухоро



МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди

«ТАРИХ УНУТМАЙДИ...»

Адабиётнинг даргоҳи кенг. Ҳаммага жой етади. Аммо шундай пайтлар ҳам бўладики, ана шу кенг майдонда туриш қандайдир укубатларга йўлиқтиради.

Шўро адабиётшунослигида ўтмишдаги бирон адибнинг ижодини ўрганиш, ом-малаштириш учун уни ўша замонда яшаган бошқа бир ижодкорга қарши қўйиш урф бўлган эди; буниси – прогрессив, униси – қорағуруҳчи, сарой шоири... Душмани йўқ одам унчалик мақбул кўрилмас эди. Борди-ю, прогрессив тарихий шахснинг ёви топилмай қолса, бирон бадий асардаги тўқима образ унга қарши қўйиларди. Шу зайилда, Мирзо Улуғбек Хўжа Аҳрорга қарши, Навоий Мажидиддинга ёв, Ҳамза Чўлпонга кекли қилиб кўрсатилди. Аслида, улар реал ҳаётда ўзаро рақиб эмасди. Нима бўлганда ҳам, оқибат, улуғ шахсларнинг руҳи кўп бор чирқираб қолган.

Ижтимоий ҳаёт тасвири-ку, тамом якранг эди: универсал схемага кўра, ижобий қаҳрамон, албатта, камбағал, аммо ҳақгўй ва ақлли, бойларга қарши, бой-бийлар эса, шубҳасиз, золим, ахлоқсиз ва нодон қилиб тасвирланарди...

...Дарикки, ўзаро яқин – касб-кори, фикр-эътиқоди ва эътимодлари уйқаш бўлган кишилар орасида низо кўпроқ юз бераркан. Айнан бир йўлдаги одамлар орасида келишмовчилик юзага келса, рақиблардан бири иккинчисини йўқотишга ҳаракат қилади. Оташнафас шоир Машраб билан диёнати пок Сўфи Оллоёр орасидаги муноқаша ва унинг оқибатлари бунга мисол бўлса, ажаб эмас...

....Машраб Сўфи Оллоёрга учрашиб суҳбатлашиш учун Каттақўрғонга икки марта келган, аммо қай сабабдандир, кўришиш насиб бўлмаган. Ғафур Ғулом ҳам Самарқанд олимлари билан Обираҳмат бўйидаги бир суҳбатда: “Сўфи Оллоёр ҳақида бир нарса ёзиб кўринглар, – деган экан. – У зўр бўлмаса, Машраб Сўфи Оллоёрни уч марта излаб, унинг ёнига келармиди?” (Иноятулла Сувонқулов. Машраб ва Сўфи Оллоёр. “Шарқ юлдузи” журнали, 2007, 1-сон, 129-бет.)

Сўфи Оллоёр билан кўришиш орзусидаги Машраб учинчи маротаба келганида, унинг Ҳисор томонга кўчиб кетганини эшитилади (ва дейдики):

*Топмасак Сўфи изин Каттақўрғона юриб,
Хўш Оллоҳ ёр деб, аزمи Ҳисор истар кўнгул...*

Ниҳоят Машраб Сўфи Оллоёр билан Қабодиёнда юз кўришади... (Баъзи муаллифлар Машраб билан Сўфи Оллоёр уч бора кўришиб суҳбатлашган, деган фикрни айтишади. Бизнингча, улар фақат бир марта кўришган.)

Хўш, бунга қадар Машраб учрашиш учун уни қидириб икки бор Каттақўрғонга борганини Сўфи Оллоёр билмаганмикин? Шубҳасиз, хабардор бўлган, аммо мулоқотга негадир рағбат қилмаган. Хўш, нима учун?

Ўтмиш ўзбек адабиётининг икки улуғ намоёндаси Машраб билан Сўфи Оллоёр учрашуви тафсилоти хусусида Исҳоқ Боғистоний ўзининг “Тазкираи қаландарон” асарида шундай ёзади: **“Вақтиқи Шоҳ Машраб бирла ҳамкорликда Қабодиёнга дохил ўлдик... Шоҳ ва яна етти қаландар ва фақир Қабодиённинг такяхонасига кўндик. Шоҳ Машрабнинг Қабодиёнга дохил ўлмишлари оз фурсатда эл орасида машҳур бўлмиш. Андак фурсатдан сўнг маълум ўлдик, эшони Сўфи Оллоёр мунда эрканлар, орадан бир муддат ўтиб эрдик, эшони Сўфининг муридларидан икки нафари келиб, Шоҳга қуллуқ адосидин сўнг дедиларки, ё шоҳ қаландар, пиримиз эшони Сўфи сиз азизни ўз қулбаларига чорлайдурлар. Шоҳ Машраб алар жавобида дедиларки, маъқул, эрта намози жумъадин сўнг эшон Сўфи ҳазратларига қуллуқ адосин қилгаймиз”.**

Алғараз, эрта намози жумъа адосидин сўнг шоҳ Машраб фақир ва қаландарлар ҳамроҳлигинда эшони Сўфи кўноқлариға ҳозир ўлинди. Анда катта жамоат ўлубтур. Қабодиён қозиси, оқсоқол ва бисёр кадҳудолар анда жамъ бўлмишлар эрди.

Салом-алик адосидин сўнг Сўфи Оллоёр Шоҳ Машрабга юзланиб демишларки: “Ё Машраби девона, шоирлик шухратингиз оламни тутадур. Сизни бирла мулоқот орзусида эрдим, эрса тангри таоло бу орзумни етказди. Хуш келибсиз, сафо келибсиз!”

Эътибор қилсак, Машраб уни йўқлаб Қабодиёнга ҳам келганини эшитган Сўфи Оллоёр, мезбон мақомида бўлатуриб, Машраб қўнган такяхонага ўзи бормай, одам жўнатади. “Қуллуқ адосини қилиш” учун келган улуғ шоирни... “Ё Машраби девона...” деган хитоб билан кутиб олиб, “Сизни бирла мулоқот орзусида эрдим, эрса тангри таоло бу орзумни етказди”, деб айтади. Аммо Машраб Сўфи Оллоёрдан илтифот ва манзират тилаб келмаган эди, у тасаввуфий мавзуда баҳс очиб, Сўфи Оллоёрнинг маслагини аниқлашга интилади: **“Андин сўнг Шоҳ ва эшони Сўфи ораларинда ажиб суҳбат бўлиб ўтмиш, – деб давом этади Исҳоқ Боғистоний. – Гап орасинда Шоҳ Машраб дедиларки: “Ё Сўфим, сиз бутун умрингиз мобайнида пулусиротга хушомад қилмишсиз. Ҳузурий дегани эса дўзахга хушомад этмиш. Ё Сўфим, инсоф бирла тафаккур қилинса, дўзах ва пулусирот шу ёруғ дунёнинг ўзида мавжуд эмасму? Фарзанди одам умрининг ибтидосидин то интиҳосига қадар босиб ўтмиш йўлининг ўзи – қил устида турмоқлик; гардун ва золимлар анинг бошиға ёғдирмиш азобу уқубатлар, сонсиз фалокатлар дўзах азобидин камму? Ё Сўфим, оёқларингиз остиға бир назар ташланг – пулусирот ва дўзах анда мавжуддир”.**

Машраб Сўфи Оллоёрга юзланиб, бу ғазални ўқидилар:

*Англа бу сўзни эй санам, ошиқи муддао ўзум,
Асло юракда бағри йўқ, дунёда бедаво ўзум.*

*Кошки юзингни шамъига бўлмағай эрдим интизор,
Раҳм эта кўр бу ҳолима, ошиқи беқарор ўзум.*

*Қатраи май тотурмасанг, ол бу жонимни қийнамай,
Сенсиз агар бу дуняда, ўлмакима ризо ўзум.*

*Ул аросат, дўзахига якка ўзум бир кирай,
Юрдиму кўрдум ҳамани – дунёда пургуноҳ ўзум...*

*Парда кўратгил эй санам, рози дилимни айтайин,
Барча паямбар олдида илғари дохоҳ ўзум.*

*Ошиқ эрурсан эй рафиқ, қўрқма бу жонни ваҳмидин,
Қилса мадад ўзи, вале, журмима ҳам шифо ўзум.*

*Куйди юрогим ўртаниб, жаври ситам ҳам этмагил,
Оҳима жовидон куяр, оташи тобдор ўзум.*

Эшони Сўфи ва аҳли уламо Шоҳ Машраб жавобларидин тағйир тортиб, истиғфор келтурмишлар. Эшони Сўфи Шоҳ Машрабга юзланиб дедиларки: “Ё Машраби мажзуб, гуноҳга ботманг. Аллоҳ таоло беҳишт ва дўзахни солиҳ ва кофир бандалари учун яратмиш. Ғофил бандаларни бу ҳақиқатдан огоҳ қилмоқ сиз ва биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир”. Анда Шоҳ Машраб дедиларки: “Ё Сўфим, агар ҳақиқат қилинғуси бўлса, дўзах аро барча гуноҳкорлар тўлиб-тошуб, анда оёқ босарга жой қолмас, азоб малоикалари эрса ўз юмушларининг уҳдасидан чиқолмағайлар. Беҳишт эрса бўш қолур. Келинг, то танда жон маевжуд экан, шу ёруғ дунё ташвишлари борасинда жустижў қилмоғимиз маъқулроқдир...”

Чамаси, ана шу гаплардан сўнг ирфоний суҳбатнинг кўри совуған кўринади. Сўфи Оллоёр гап ўзанини бошқа ёққа буриб, Машрабни ўз уйида меҳмон бўлишга чорлайди: **“Ё Машраби мажзуб, такяхонада истиқомат этмишсиз. Анда халойиқ авомдир. Дилинғиз озор топғусидир. Фақирнинг кулбаси ихтиёринғизда, муридлар эрса хизматинғизда бўлғай”.**

“Шоҳ Машраб эшони Сўфи жавобларинда дедиларки: “Ё Сўфим, илтифотинғизга арзимасмен. Такяхона мен учун боёнлар қасридан ортуғдир. Анда жоним роҳатда, фисқу фужурдин холи бўлғай”.

“...Шу тариқа Қабодиёнда бир ойдин ортиқроқ муддат истиқомат қилинди, – деб ёзади Исҳоқ Боғистоний. – Авому аннос Шоҳ Машрабга бағоят иззату эҳтиром кўрсатмиш”.

Эътибор қилсак, “Қайдасан, Сўфим?” деб шунча қидирган ва, ниҳоят, топган Машрабда Сўфи Оллоёр билан суҳбат қуришга ортиқ иштиёқ қолмагани аён бўлади. Унинг уйини эса боёнлар уйига менгзаб, бу ерда фисқу фужур бор деб очиқ айтади ва такяхонадаги ҳамроҳлари ёнига қайтиб кетади. Шу “бир ойдан ортиқроқ муддат” мобайнида Машраб билан Сўфи Оллоёр иккови бир жой – Қабодиёнда яшаб туриб, бошқа юз кўришмайди. Сўфи Оллоёр ҳам уни қайтиб сурамаган (йўқлаганида Исҳоқ Боғистоний буни қайд қилган бўларди). Аммо “авому аннос”нинг Машрабни “бағоят иззату эҳтиром” қилаётганидан ҳам беҳабар қолмаган, албатта.

Бу учрашув айнан Исҳоқ Боғистоний баён қилган равишда кечганини бошқа бир манба – “Қиссаи Машраб” китоби ҳам тасдиқлайди. Унда ҳам Машрабнинг Сўфи Оллоёрни қидириб Қабодиёнга келгани, дарҳол баҳсга киришгани, Ҳузурийнинг қиёмат ва Сўфи Оллоёрнинг пулисирот ҳақидаги ваҳшатанғиз абёти, Аллоҳни топган бандалар учун дўзахнинг ваҳми ҳеч эканини айтгани бу китобда ҳам тафсиллаб кўрсатилган.

Бу воқеаларга ҳозир уч юз йилдан ошди. Исҳоқ Боғистоний уни шарҳламайди, муносабатини билдирмайди, хабар бериб ўтади, холос. Аммо бизга тазкирада икки улуғ шоирнинг суҳбати тафсилоти, унинг шиддати бир оз сусайтириб баён қилингандай (кимсан Сўфи Оллоёр, ахир), кўлэзма асарни ўқиб, хотирасига жойлаган Муҳсин Зокиров ҳам 1990 йилда асарни қайта тиклашда айрим ўринларини юмшатгандай туйилади.

Қадимда фозилларнинг муноқашалари оддий ҳол эди ва баҳс ўрни – уламолар мажлиси бўлган. Бинобарин, Машрабнинг Сўфи Оллоёр билан баҳсу мунозараси ҳам мутлақо табиий, ҳатто кутилган ҳол эди. Ёдинғизда бўлса, Жалолиддин Румий билан Шамс Табризийнинг учрашувлари ҳам савол-жавоб, баҳс асносида бошланган.

Румий билан Табризий учрашуви... Ўша узоқ ўтмишдаги бу дийдорлашувни юлдузларнинг бахтли қиронига қиёслаш мумкин. Табризий бамисоли булоқ кўзини босиб ётган харсангни олиб ташлагани, Румий ижоди шу учрашувдан кейин барқ уриб яшнаб кетгани маълум.

Машраб Румий ижодидан яхши хабардор эди. Бошқа тафсилотларни қўятуриб, биргина фактни келтирайлик: Фитратнинг шаҳодат беришича, у “Мабдаи нур” асарини

Румийнинг “Маснавийи маънавий”сидан таъсирланиб, матнида Румий асаридан кўп парчалар келтириб ёзган. (Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўтабар ўзум. 3-китоб. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2008, 87-89-бетлар.) Кузатсак, Машраб ижоди бир қанча жиҳатлари билан, жумладан, бадеҳа йўсинида ижод қилиши ҳам Румий ижодиёти руҳига мувофиқ эканини кўрамиз. Румийнинг Шарқда нақлларга айланиб кетган ҳаёти, айниқса, Табризий билан учрашуви тафсилотидан Машрабнинг айрича таъсирлангани табиий. Ҳатто уни ўзига улги қилиб олмоқ, тарихни такрорлатмоқ орзусида бўлгани, Сўфи Оллоёр билан учрашувдан Румий билан Табризий учрашуви натижаси каби хайрли бир оқибатни, шу каби натижани кутгани эҳтимол. Афсус, Машраб ва Сўфи Оллоёр билан орасида бу рўй бермади.

Машрабнинг ҳам, Сўфи Оллоёрнинг ҳам туғилган ва ўлган санаси аниқ эмас, бири бири билан қачон кўришгани ҳам номаълум, манбаларда бу тўғрида ҳар хил рақамлар келтирилади. Чунончи, “Маслакул муттақин” китоби сўзбошисида Сўфи Оллоёр “1630-1650 йилларда туғилиб, 1721 йилда ўлган” деб кўрсатилса, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да у 1644 йилда Каттакўрғонда туғилиб, 1724 йилда Деновда ўлган, дейилади. Шу манбада Машраб 1640 йилда Намангонда туғилиб, 1711 йилда Балхда дорга осилган дейилса, ундан аввал чоп этилган “ЎзСЭ”да Машраб ҳаёти саналари 1657-1711 қилиб кўрсатилган. “ЎзСЭ”нинг 10-жилдидаги “Сўфи Оллоёр” мақоласида шоир “17-асрда яшаб ўтган”, дейилади.

Кўрамизки, кўп рақамлар баҳсли. Аммо улар шу билан барҳам топмайди. Машраб ҳақида тадқиқот яратган Мўмин Ҳошимхонов юқорида қайд этилган “Машраби мўтабар ўзум” китобида Сўфи Оллоёрни 1634 йилда Каттакўрғонда туғилиб, 1724 йилда Мисрнинг *Искандария* шаҳрида тўқсон ёшида ўлган, дейди. Боз, бу асарда Машраб 1653 йилда Намангонда туғилиб, 1711 йилда Балхда эмас, Қундузда дорга тортилгани айтилади. Кўрамизки, Машраб гоҳо 57 ёшда, гоҳо 58, гоҳо эса 71 ёшда қатл этилган, деб кўрсатилса, Сўфи Оллоёр эса ҳали 90 ёшида, ҳали эса 71 ёшда ўлганига шоҳидлик берилади. Бир манбада Сўфи Оллоёр Машрабдан ёши улуг, бошқасида эса кичик қилиб кўрсатилади.

Улуг ижодкорлар ҳаётига оид саналарни аниқлаш фақат илмий саришталик учунгина зарур эмас, шу орқали бир талай муаммолар ҳам ойдинлашади. Ҳозир бу чалкашликларни кўрсатишдан мақсадимиз Сўфи Оллоёр “Маслакул муттақин”ни қачон ёзганини аниқлашдир. Аслида, бу асарнинг санаси жуда аниқ – шоирнинг ўзи уни 1112 ҳижрий йили, (1700-1701 мелодий) муҳаррамнинг йигирма тўртинчисида, душанба кунни тамомлаганини қайд этган.

Бироқ гап шундаки, манбаларда Машраб Сўфи Оллоёр билан Қабодиёнда 1710 йилда учрашган деб кўрсатилади ва Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон”ини бунга асос қилиб келтирилади. Аммо тазкира матнида учрашув қачон бўлганига оид маълумот йўқ.

Биз эса, Машраб билан Сўфи Оллоёр 1710 йилда эмас, балки ундан камида ўн йил олдин – “Маслакул муттақин” ёзилмасидан аввал, яъни, 1700 йил теварагида учрашган, деб биламиз. Бунга шу асардаги мана бу парчалар асос бўлгудек: **“Яна бир тоифалар лавандлик (ишёқмаслик) бирла ишлар қилурлар, отларин “девона” қўйуб, ўзларини мастлардек қилурлар,** – деб ёзади Сўфи Оллоёр. – **Шариат бирла парволари бўлмас. Ва яна айтурларки: “Бизлар ошиқдурмиз, бизларга намоз ва рўза даркор эмас”. Аларнинг улфати Шайтондур. Бу сўзларга бовар қилиб, андоғ гумроҳга эътиқод қилса, ул Худони(нг) душманидур. На учунким, улар Худони(нг) оятига мункирдур. Ҳар киши оятга мункир бўлса, бешак кофир бўлур”.**

Ана энди бир ўйлаб кўрайлик: Сўфи Оллоёрга замондош, отини “девона” қўйган, ўзини ошиқ деб атаган, Сўфи Оллоёрнинг қаҳрини кўзгаб, унингча, “шариат бирла парвоси бўлмаган” одам ким бўлиши мумкин эди?

Бундай одам... биргина Бобораҳим Машраб эди.

Машрабни шариат билан парвоси бўлмаган, деб айблаш асоссиз, илло, у тариқат йўлида эди, тариқатнинг ҳам алланечук бир мақомларига етишган эдики, бу мақомда ҳар дам шариатдан дам уриш шарт эмас эди. Аммо X асрда Мансур Халложни қатл

эттирган, XV асрда Имоиддин Насимий терисини шилдирган жаҳолат ҳамма замонда ғоят катта кучга эга бўлади. Ана шу жаҳолатпарастлик XVII асрда Машрабни дорга тортди. Нега? Негаки, Машрабдан қутулиш замона зўрлари учун керак эди. Машраб замонга сиғмас, золимлар билан муроса қила олмас эди. Машрабни нима қилиб бўлса ҳам даф этиш йўлини топиш даврнинг социал заказига айланган эди ва буни Сўфи Оллоёр бажарди: Машраб асарларидаги ўта сўл сўфиёна руҳ, феъл-атворидаги қизиққонлик, чўрткесарлик, риё ва риёкорона тақвонинг йўқлиги ғоят қўл келди ва Машраб ва машрабтабиат қаландарлар “кофир” деб эълон қилинди.

Шу билан бирга, шахсий муносабатлар ҳеч қачон иккинчи даражали бўлиб қолган эмас. Машрабнинг жуда юксак сўфиёна даражада эканлиги ҳам бунда муайян роль ўйнаган бўлса, ажаб эмас. Чунончи, Мажзуб Намангоний “Тазкиратул авлиё” асари муқаддимасида Машрабнинг Қаршидаги ҳаётига боғлиқ қуйидаги маълумотни келтиради: **“Девонаи Машраб сулук таҳсилани Офоқхожадан олди. Кичик халифалардан эди. Аммо Қаршига келиб тўрт йил турди. Ғолибо, унинг сулуки Хўжам Пошшо суҳбатидан батафсил бўлди. Бир кун Хўжам Пошшодан сўрашди: “Илми Сўфи Оллоёр афзалми ё илми Девонаи Машраб?” Хўжам Пошшо айтдики: “Илми Сўфи Оллоёр шундай илми, уни мадрасаларда толибларга ўргатса бўлур. Илми Девонаи Машраб – асрор илмидирки, гоҳ-гоҳида авлиёуллоҳ суҳбатидан баъзиларигагина муяссар бўлур”.** Машрабнинг тасаввуфий мақоми даражасига оид бу таърифни тавсифлаш шарт эмасдир, деб уйлаймиз.

“Шоҳ Машраб Қабодиён фуқароси аҳволи борасинда ушбу абётни битмишлар эрди”, деб ёзади Исҳоқ Боғистоний “Тазкираи қаландарон”да:

*Қадди меҳнат тоғидин ҳам бўлган эй бечоралар,
Бағри ваҳшат тиғидин юз пора ҳам юз ёралар.*

*Кўрмаган умри ичинда бир дами бир яхши кун,
Тийра ғамдин дилда доғ, ҳам кўзлари гирёналар.*

*Бул Қабодиён аро кўрдим неча ғамхорани,
Ранги захил, кўнгли синиғ, бир жон учун кўп зоралар.*

*Ғар шикоят қилса золим зулмидин мискин ғариб,
Кўфр қилдинг деб уриб, тақдир қалам деб ёзалар.*

*Қозидин сўрдим эса: “Бу на учун бедодлиғ?”
Қози дер: “Амри худодур, бўлмағил кўффоралар”*

*Машрабо, амри худо нечун бу янғлиғдур қаро,
Ё магар амри худони бад қаламла ёзалар?!*

Яъни, зулмдан дод деганлар ҳам, бунча бедодлиғ (адолатсизлик) нима учун деб савол берганлар ҳам Қабодиёнда кофир саналган. Кофир эса, шубҳасиз, жазога мустаҳиқ. Бу ғазал ёзилган пайтда, Қабодиёнда шариатнинг пешвоси, хосу омнинг пири муршиди – Сўфи Оллоёр эди.

Боз, Машраб ҳақида битилган барча асарларга кўра, у феъл-атвори очиқ, самимий бўлган, ҳаётнинг сўфиёна маъносини инкишоф этган кишилар билан танишиш, улар илмини эгаллашга жон-жаҳди билан интилган. Аммо... гарчи тазкира ва манқабаларда бу тўғрида равшан кўрсатилган бўлмаса-да (у давр услубига ҳозиргидай очиқ ёзиш анъанаси хос эмас эди), ҳеч бир пир ё уламо, ҳеч бир амалдор оташнафас Машрабнинг талабига жавоб бера олмаган, яъни, у ҳеч кимда ўзи қидирган шахсни топа олган эмас. Бу гап унинг илк пири Мулла Бозор охундга ҳам, Офоқхожага ҳам, Сўфи Оллоёрга ҳам тааллуқли. Гарчи ҳозирги тадқиқотчилар унинг Офоқхожа билан ўзаро муносабатини анча илиқлаштириб талқин этишларига қарамай, Машраб у билан ҳам, қай ўлкага борса, ўша ердаги уламою амалдорлар билан ҳам чиқиша олмаган, буни

уларнинг юзига очиқ айтган ва бирон-бир қилмиши юзасидан ҳеч кимдан – Сўфи Оллоёрдан ҳам, Офоқхожадан ҳам, уни қатл этишга ҳукм қилган Балх подшоҳи Маҳмуд қатағондан ҳам – узр сўрашни хаёлига келтирмаган, тавба қилишни талаб этганларида қатъий рад қилган.

Бунинг устига, Сўфи Оллоёр анча қаттиққўл шахс эди. Солиқчилик қилиб юрган пайтида бир аёл “золим кўриб қолмасин”, дея қўрққанидан кўприк остига кириб беркиниб, ваҳима ичида ҳомиласини чала ташлагани, бундан хабардор бўлган Сўфи Оллоёр тавба қилиб тариқат йўлига ўтгани, ёки шайх Ҳабибуллонинг бож тўламай Бухорога мол олиб келаётган бир муриддини Сўфи Оллоёр қаттиқ калтаклагани маноқабалардан маълум.

Шахсий характер ва дунёқарашни қўятуриб, сўфиёна мақомларига тўхталадиган бўлсак, ҳар қандай ижтимоий воқелик сингари тасаввуф ҳам ўзига хос ўнг ва сўл жиҳатларга эга эдики, ўзи яшаган давр шариат аҳкомларини маҳкам тутган, ундан бир қарич ҳам четлашмаган ўнг оқимнинг энг қатъиятли вакили Сўфи Оллоёр эди. **“Аршининг кунгурасин устига қўйдум оёғим, Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?”** деб бонг уриб, ҳаққа етишиш истагида дунёни чарх уриб кезган, жунунвашликка қадар бориб етган сўл оқимнинг энг номдор намояндаси Машраб бўлган.

Тўғри, давр ўтиб, ё бирон ҳодиса туфайли кишининг дунёқарашини ўзгариши мумкин, бироқ фитрати, феъли ўзгармайди. Гарчи кейин амалдорликдан воз кечиб, ирфоний ҳаёт йўлига кирган бўлса ҳам, қатъийлик, шафқатсизлик Сўфи Оллоёрда доим сақланиб қолган кўринади.

“Маслакул муттақин”да ҳам ана шу шиддат сезилиб туради. Ҳар бир ҳолни синчиклаб ўрганиб, хулоса чиқариш ўрнига: “Ҳар ким андоғ гумроҳни этагин ушласа, расули худонинг динидан ташқаридадур”, “...андоғ гумроҳга эътиқод қилса, ул худони душманидур”, “...кофир бўлур”, каби кескин таърифлар анча. “Саботул ожизин”даги иборалар ҳам шунга монанд.

1711 йилда Балх шайхулисломии ва бошқа уламолар: **“Машраб ва ҳамроҳлари халойиқни гумроҳликка ундар, шариат ва тариқатдин оздирур, ашъоридин куфр иси келур...”**, деб, дорга тортишга фатво бергани “Тазкираи қаландарон”да битилган. Аммо ёдингизда бўлса, ундан хийла аввал, исмини келтирмаган ҳолда, Машраб ва унинг муридларини айнан Сўфи Оллоёр куфрда айблаган эди. Машрабни кофир деб эълон қилиш, яъни, уни маҳв этишга ҳукм аслида Қабодиёнда чиқарилган эди...

...Эҳтимол, адабиётимиз тарихидаги бундай лавҳаларнинг ёритилиши унча мақбул эмасдир. Машраб билан Сўфи Оллоёрнинг диний-илоҳий қарашлари ўртасидаги фарқ ва шу негизда юзага келган ихтилофни ҳам тадқиқ этиш жоиз эмасдир... Аммо ўтмишдаги ҳамма нарса “ёпиғлик қозон” бўлиб қолаверса ёхуд ўзимиз билиттифоқ ёпиб қўя қолсак, унда **қачон, нимадан ибрат** оламиз? Шу борада, Ғафур Ғулом мақолаларидан бирида ёзилган мазкур фикр ёдга тушади: “Тарих унутмайди ҳам, кечирмайди ҳам”.

Шоирнинг бу сўзларига эътибор қаратмай бўладими?





бу бўстон саҳнида

Тулмаётган куртаклар

Сарвиноз МУСАТДИНОВА

Карвон йўллари

*Бу ҳаётнинг оғир юкини ортиб,
Карвон бораётир сарбон изиндан.
Тақдир йўлларининг жабрини тортиб,
Орзу бораётир армон изиндан.*

*Карвондек чўзилиб ўтади йиллар,
Ортада қолар неча довон, манзиллар,
Қайтадан очилар гунчалар, гуллар,
Карвон бораётир даврон изиндан.*

*Олисларга элтар хаёл шамоли,
Ўтмишни эслатар орзу камоли,
Бир бор кўрмоқ учун ёрнинг жамолин,
Карвон кутган ошиқ карвон изиндан.*

*Хаёл – бир йўл экан, чексиз, бепоён,
Ҳаёт – денгиз экан, бамисли осмон,
Дуч келар оролми, саҳроми, бўстон,
Довонлар учрайди довон изиндан.*

Ўтган йилнинг 23-27 ноябрь кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ёш ижодкорларнинг “Истеъдод мактаби” сирасида биринчи семинари ташкил этилди. Ўзларининг илк ёзувлари билан адабиёт майдонига қадам қўяётган янги авлод вакиллари мазкур ижодий семинар мобайнида, устозларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, тенгдошларининг битикларидан ҳам воқиф бўлдилар. Бу ижодий мулоқот ёш ижодкорларнинг қалбига сўзнинг масъулиятини сингдиргани, табиий. Журнал саҳифасида семинар қатнашчиларининг шеърый битикларидан намуналарни журналхонларга ҳавола этаётирмиз.

Тахририят

*Ўтарсан гоҳ шаҳар, гоҳо овулдан,
Кечасан гоҳ селдан, гоҳо довулдан,
Бенасиб қолмайсан қордан, ёвундан,
Булутлар ёприлар тўфон изиндан.*

*Ташишсиз кун борми ҳеч бир замонда,
Дард-қайғусиз манзил борми жаҳонда,
Оллоҳ омонатин олса инсондан,
Яхши-ёмон борар нарвон изиндан.*

*Қари дейди: “Эсиз йигитлик вақтим,
Куч-қудратли шердек шиддатим, шахдим,
Умр савдосига бой бердим нақдим,
Вақту соат деган полвон изиндан”.*

*Вақт тингламас сенинг оҳу зорингни,
Ортга қайтмас, бахш этсанг ҳам борингни,
Сотилмайди сарф этсанг ҳам зарингни,
Қочолмайди оҳу қоплон изиндан.*

*Эҳ, аттанг, ёшлигим, ёшлик чоғларим,
Беғам болалигим, шўх ўртоғларим,
Ёр суйиб ўйнаган гўзал боғларим,
Кузга асир бўлди хазон изиндан.*

*Вақт тўхтамас, илган билан соатни,
Вақт билмас кутишини, сабру тоқатни,
Соғинчда сезасан вақтни – фурқатни,
Юзни саргайтирар ҳижрон изиндан.*

*“Умр ўтар, вақт ўтар” – дейди кекса чол,
Унинг ҳасратини тинглар қари тол,
Қари тол ҳам бўлган бир вақтлар ниҳол,
Кун ўтар, тонг отар ҳуфтон изиндан.*

*Ҳар тоғнинг чўққиси, довони бордир,
Ҳар кимнинг ўз даври, замони бордир,
Элимнинг, юртимнинг камоли бордир,
Карвонлар бормоқда сарбон изиндан.*

*Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси
Қорақалпоғистон*

Садоқат НЕЪМАТОВА**Ёруғ туши**

Тушимда узун йўл, жуда узун йўл,
 Мен чопиб бораман, ҳаллослаб.
 Зулмат чангалида зиё турарди,
 Эй қизча, кет, дерди, ақлдан озмай.

Мен чопиб борардим, қурқувдан дағ-дағ
 Титрарди лабларим, танда мадор йўқ.
 Алланималарнинг шивир-шивири,
 Сўнгсиз йўллардаман, асло, поён йўқ.

Чопиб бораётиб йиқилдим беҳол,
 Чуқур ўй босди-ю, хаёлга толдим.
 Ҳар нени борида қилмабман қадр,
 Зиёнинг қадрини анча кеч билдим.

Сўнгра, астагина турдим ўрнимдан,
 Қалбимда на қўрқув, на бир ҳаяжон.
 Туннинг қучогида тўлғонардим жим,
 У ҳам сирдош бўлди менга жонажон.

Ишониб қўлимга нурни тутқазди,
 Кафтимда кўзларин очарди қуёш.
 Қаршимда турарди юзимни силаб,
 Қувончдан кўтардим ёстигимдан бош.

Андижон

Ирода ЖАЪФАРОВА**Сой**

Ёзнинг нафасидан ҳолсиздир шаҳар,
 Қувноқлик авжиде фақат бир жойда.
 У шундайин жойки, ҳаммага ёқар,
 Болалик чўмилар шу жўшиқин сойда.

Кўнгиллар шодланар бўлиб ҳамоҳанг,
 Дилларга тетиклик этади инъом.
 Сойнинг шўх овози тошларда жаранг,
 Завқидан юракка оқади илҳом.

Жиззах

Олимжон ЖЎРАЕВ**Баҳор кечаси**

Файзли оқишом чўкар. Тун бешигига
 Жажжи гўдакларин белаиди фалак.
 Ой – кеча ҳофизин куй-қўшигига
 Аҳли коинотнинг жонлари илҳақ

Авзойи бузилар сирли кечанинг,
 Оқ булут – кўк қизин кўзи ёшланар.
 Шаффоф томчиларга тўлган кўчанинг
 Теракзори аро базм бошланар.

Шитир-шитир... Қандай сеҳрли садо,
 Туйғуларга ажиб гулгула солар.
 Тонг қадар бу айём бўлмайин адо,
 Ялт-юлт... Чақин самовотни расмга олар.

Бухоро

Зулфия БОБОЕВА**Бахт**

Мангу кулиб боқмагай омад,
 Мангу яшаб қолмассан, ахир.
 Бу дунёда куймагин фақат —
 Сийму зарга қўймагин меҳр.

Ночор дема, далада ҳориб,
 Кетмон олиб ер чопганларни.
 Ҳалолликни қонига қориб,
 Бурда нонни пок топганларни.

Сен анграйган, қаварган қўллар
 Ҳалолликка, покликка интиқ.
 Сен билмаган инжа кўнгиллар
 Гўзалликка, софликка интиқ.

Ортга қайтмас – бепарво ўтар,
 Сочларингни сийпалайди вақт.
 Кенг далада бекиниб ётар,
 Сен қувгану етолмаган бахт.

Навоий

Меҳриноз АББОСОВА

Ёмғир

*Оқиом суқунати чўккан шаҳарга
Ёз ёмғири ёғар жимликни бузиб.
Яна қайтгинг келар гўзал баҳорга,
Яна кетолмайсан кўнглингни узиб.*

*Майда-майда томчи сачрар ҳар ёққа,
Кўнглимга ёғилар завқи шу оннинг.
Йиғлоқи булутнинг ёқаси лойқа,
Этаги шалаббо бўлар осмоннинг...*

Намангон

Гўзалхон ЭРГАШЕВА

Яхши кўрасан

*Тонгни қучоқлайди ярқираб қуёш,
Бағримга тўлишиб сингиб кетар ой.
Улкан дарахтларни нишонга олиб,
Шамол қўлларида ўйнайди ўқ-ёй.*

*Оҳ, онамни қучган саболар майин,
Тандирни куйдирган энг иссиқ кулча.
Жонимдек асраган кўнгил яроғим
Сарғайиб кетмоқда, ёрим келгунча.*

*Кўз каби хаёли паришон, ўйчан,
Келақол, бўронга кўринмай тезроқ.
Дарахтлар йўлингга сочар олтин зар,
Энди тўй қилмоқчи момақалди роқ.*

*Орзуларим оппоқ булутдай бўлиб,
Турнадай баландлаб кетгани каби.
Иккимизни жуда соғиниб, э воҳ,
Қизариб кетяпти соҳилнинг лаби.*

*Келмайсан, йиғлайман, кўчам бўлар лой,
Шунда остонамда ҳозир бўласан.
Узун кипригимнинг ҳўллигинию
Сен шу ёмғирларни яхши кўрасан.*

Фарғона

Дилбар РУСТАМОВА**Умид**

Қалбимни тўлдирар бунчалар умид,
 Бунчалар мунаввар унинг чехраси?
 Бугун ялтизларни ўнгим келаёттир,
 Нурафшон кўринар туннинг эртаси.

Бугун кўзларимдан томмайди армон,
 Энди қаҳратондай эзилмайман ҳеч.
 Кўнглимни дарёга қўйиб юборгум,
 Кулақолгин энди, армонлардан кеч.

Боқаман дераза ортига секин,
 Ташқарида қувонч бўралаб ёғар.
 Мени ишонтириб орзуларига,
 Яп-янги омадлар жавдираб боқар.

Самарқанд

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ**Сир**

Сир, билсанг, дунёда энг оғир юкдир,
 Танглайда чўғ сақлаш жуда мушкул иш.
 Бунни уддалаган киши буюкдир,
 Фош этган бошига орттирар ташвиш.

Қалб сандиқдир, унда сирлар мужассам,
 Оғиз – сандиқ қулфи, калит эрур тил.
 Забонинг тийиб юр, қутсанг мужда сан,
 Йўқса, ўзингдирсан ўзингга қотил.

Сенга сир айтганга инонма сиринг,
 У ўзга сирини очар атайин.
 Бугун ўзини дўст тутган бу фириб,
 Эртага сени фош этмоғи тайин.

Бировга очилсанг, тортса у чоҳга,
 Айб унда эмасдир, гуноҳкор ўзинг.
 Ўзинг сир сақлолмай ногора қоқсанг,
 Биров қандай сақлар, сир тутган сўзинг?!

Сирдарё

Фарида ТОШПЎЛАТОВА**Тонг**

*Эрта тонгнинг шаббодасида
Япроқчалар жонланар секин.
Қушчаларнинг шўх ялласига
Ғунча гуллар рақс тушар сокин.*

*Чучмомалар ювишиб юзин,
Соч тарашар анвойи гуллар.
Бир-бирига кўрсатиб чирой,
Бирлашади айланма йўллар.*

*Бизга салом бергандай бўлар,
Дон чўқишиб жажжжи қушчалар.
Тонгнинг хушбўй ҳидин таратар
Онажоним ёнган кулчалар...*

Сурхондарё

Наима АБДУРАҲМОНОВА**Қиз хаёли**

*Қулаб тушиди елкамга осмон,
Чўкиб кетди қуёш кўзимга.
Ой энгашиб лабимдан ўпиб,
Юзини босади юзимга.*

*Дайдиб-дайдиб кетар согинчим
Туннинг ойдин йўллари аро.
Оймомога узатар қўлин
Дил ўзига бергандек оро.*

*Очилмай тур, меҳрнинг гули
Эрта уриб кетади довул.
Сенга меҳрим беролмам, нетай,
Кўзларимга кўнгул қоровул?!*

*Осилиб япроқнинг этакларига
Мендан ўксиб йиглабди кўнгул.
Дил мени йўлатмас этакларига,
Мен шунчалар ёмонманми, гул?!*

Тошкент

Малика ИБОДУЛЛАЕВА**Куз севгиси**

Гулнинг ёстигига ўранар шудринг,
 Ёмғир ерни ўпиб умрин этар тарк.
 Ёз бўйи ўзлигин унутиб қўйиб,
 Қуёшга айланиб эсон берар ҳар барг.

Майсалар – дилидан умид деб унган
 Замину фалакнинг боласи.
 Шамоллар – тангрини излаган
 Тоғларнинг мунгли бир ноласи.

Чақмоқ – ноҳақликка чидолмай,
 Бағри тилкаланган кўк саси.
 Шеърят – бу ҳаққа элтгувчи
 Қогоз ва қаламнинг овози.

Хоразм

Маърифат ТЕМИРОВА**Толемдаги инсон**

Қорларни ёндириб бўлмайди,
 Оловлар гайрати тошса ҳам.
 Мен сени кутаман ҳар куни
 Толем вақтлари шошса ҳам.

Яшашга маҳкум пианинода
 Оқ-қора клавиш ёнма-ён.
 Яхшилик, ёмонлик дунёда
 Абадий фуқаро ҳар қачон.

Қора клавишни оқ ранга
 Бўясам, бастакор йиғлайди.
 Сен келмоқ кунингни эртага
 Қанийди, кўчириб бўлсайди.

Барчани рад этиб, кимнидир
 Кутмоқлик қанчалик қийин-а?
 Ўзинг-ла сиёҳранг гул келтир,
 Ўнта ёки ўнбештагина.

Мен сенга ҳаммасин берарман:
 Севгини, орзуну, вафони.
 Тушларимни айлаган маскан,
 Келақол, эй азиз инсоним!

Қашиқадарё



наср

НИЛУФАР

БЕОШЁН ЯРАЛГАН АЁЛ



Қисса

1. ТАСОДИФМИ Ё ТАҚДИР?

Олтин кузнинг сафари қаримокда.

Дарахт шохларидан узилган барглар жажжи варраклар каби айланиб учиб, йўлаклар, майдонлар узра ястанган уюм-уюм хазонбарглар устига тушиб, қуёш нурида олтиндек товланади. Ҳали ҳаво илиқ. Қиш кеч келадиганга ўхшайди.

Машинасини йўл четида тўхтатган Рустам тўп-тўп айланиб юрган талабаларни кузата туриб, соатига қаради, вақт бўб қопти, кириш керак, лекин сира оёғи тортмаяпти. «Ким билан чиқиши маълум, барибир шу ердан ўтади, яхшиси, машина ичида пойлаб, кўриб кета қоламан», деган қарорга келди ва машинанинг ярақлаётган оппоқ деразасидан узилиб тушаётган баргларга тикилганча қолди. Сарғайган барглар тақдирга тан бергандай шохдан узилади-ю, атрофни кеза-кеза ўзига аталган жойга бориб кўнади. Шохдан узилишни ҳечам хоҳламаса керак.

Қарши томондан майда-майда, лекин тез-тез қадам ташлаб, ердан кўз узмай келатган қизга кўзи тушиб, хаёли бўлинди. Этаги тиззасидан юқори, чиройли тим кўк кўйлак кийган, оёғида оқиш туфли, қўлида оппоқ сумка, оқимтир тасмаси елкасига осилган. Қопқора сочлари бўйнини ўраб турибди. Оёқлари чиройли экан, юзи оппоқ, ҳеч қанақа бўёқ сурилмаган. Ортиқча безак тақинчоқлариям йўқ. Фақат бўйнида ингичка занжири бор, уям кўйлакка кўрк бериб ҳуснини янада очган. Жудаям бежирим, чиройли малак, қараган кўзни ўйнатади.

Рустам жойида бир қўзғалиб, хўрсиниб қўйди. Гўзал қиз машина ёнидан ўтиб, сал нарида тўхтади ва кимнидир интиқ қидирди, тополмади шекилли, бир чеккада туриб кута бошлади. Машина ойначасидан Рустам кузатувни давом эттирди. «Жиддийлиги билиниб турибди, ликиллаганлардан эмас экан». Қиз бир жойда турганча атрофга аланглади, кўзини пирпиратиб, бурнини секин-секин тортиб қўйди. «Алламбало қиз, таннозлигиям йўқ, юз-кўзи ғуборсиз, юриш-туришида, қарашларида нозланиш йўқ, лекин қараган йигитни ўзига тартади, тушиб гаплашиб кўрсаммикан?! Зебо кўриб қолса гап кўпаяди. Лекин... шунақаям чиройли қиз бўларкан-да!»

Қиз кимгадир қараб жилмайди.

Рустам унга томон чопқиллаб келаётган тоғасининг қизини кўрди-ю, «Айтганлари шу қиз эканми?!» – деганча жойида анграйиб қолди. Гоҳида ўзинг кутмаган, сира хаёлингга келмаган воқеалар рўй беради. Тасодифми бу ё тақдир?!

2. ИККИ ЎТ ОРАСИДА

– Бола дегани умрингни заволи экан, худди менга керакдек, замбарак билан кўзгатиб бўлмайти. Наҳотки, уч кундан бери битта қизни кўриб келиш қийин, болани ўзида бўлмагандан кейин, қанча ҳаракат қил бир тийин, мен сени сўқимга боқдимми ўзи, нима қил дейди, дарди бўлса айтмайди, бу уйни уй қилгунча адо бўлудим, сени уйлантиргунча гўрга кираман шекилли, бу аҳволда нима бўлади, а? Эрта-индин ўттизга чиқасан, юраверасанми, итнинг кейинги оёғи бўлиб, оғайнилари қиз узатади, сен қараб туравергин, эртага аммаларинг гап чиқарсин, акам бўлмаса, кеннойим бир ўзи, ҳеч балони эпполмайди, битта ўғилни уйлантиролмаёпти десин, сенга ўзи шу керак. Пешонамга ўқ тегса бўлмасмиди? Ўз болам ўзимга душман!

Иштаҳаси аллақачон бўғилиб бўлган Рустам, қошиқни айлантириб-айлантириб охири тўхтатди, косани нари суришга юраги бетламай кўз қири билан онасига қаради. Рўмолини жаҳл билан ечиб, қайта ўраган онаси:

– Ўзи асли пешонам шўр, худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртади! – деди ҳасратли овозда.

Нодира онасининг елкасини силади.

– Ойи? Ҳадеб нолиманг, худога хуш келмайди.

– Ўчир! Энди сен қолувдинг менга ақл ўргатмаган!

Дами ичига тушиб кетган Нодира укасига бир нима десангчи, дегандай қаради.

Рустам бошланажак жанжалнинг олдини олишга шайланиб:

– Ойи, бугун навбатчиман! – дея баҳона қилди.

– Ана, ана бошланди, қачон мен гапирсам бу ё навбатчи бўлади, ё тuzатган касали ўлиб қолади. Қайси гуноҳларимга худо менга бу кунларни раво кўрди! – Онаси пешонасига шапатилади. – Ичимдан тушган боламга сўзим ўтмаса-я! Ё астафирилло!

Рустам онасининг дардини енгиллатишни истаб:

– Ойи, бўлди, кўриб келдим, ҳозир ўша ердан келиб турибман! – деди.

Шусиз ҳам жазавага тушиб турган Дилорхонни алам тўғони бостириб, додга келди:

– Кўрдингми, кўрдингми! Йўқ, бу мени ўлдириб қутулади, менда қасди бор! – кўрпачага узала тушиб, додлай бошлади.

Бу ҳолни кўп бора кўравериб, кўникиб қолган Рустам ўрнидан туриб, доим тайёр турадиган шприцга папаверин, димедрол тортиб, онасининг биллак томирига юборди. Ҳовлига чиқиб пиёлада сув олиб кирган Нодира валерианка томизиб ичирди ва онасининг курагини ишқай бошлади.

Уйни юрак дорисининг ўткир ҳиди тутди. Хонага чўккан оғир жимликни аввал ўнг кўзини, сўнг чап кўзини очиб, Рустамга ғалати қараган онасининг бўғиқ товуши бузди:

– Кўрган бўлсанг, энди нима дейсан?! Нима баҳона топиб келдинг яна? Кар эканми ё ғилай? Ё гапирганда тупуги оқарканми? Гапир!.. Баҳоналарингни эшитавериб, худо ҳамма қизларни шунақа совуқ яратган экан, деб ўйлаб қолдим.

– Ойи бирпас дам олинг, ҳозир яна юрагингиз...

– Э, қуруқ меҳрибончилик қилма менга.

Нодира нимага ҳам гапира қолдим деб, тилини тишлаб, ўзи ўтирган кўрпачанингни четини асабий ғижимлашга тушди.

– Шундоқ жой а, шундоқ жой, кимдан кам! Ҳали берса жон дегин, қуруқ савлатига осмондаги ой керакми, боламас бало бўлди, қандоқ кунда туққан эканман ўзи!

Сабр косаси тўлган Рустам:

– Бўлди, хўп билганингизни қилинг! Бўлдими, қутулдимми энди?! – дея олдидаги косани тўқ этиб нари суриб қўйди.

Дилорхон унга чақчайиб қаради:

– Дўқ қилма менга!

Нодира жим туrolмай яна гапга аралашди:

– Ойи-и?... Хўп деди-ку, яна нимага уришасиз?!

– Эй, мен бугун кўряпманми буни, кўчага чиқиб айнаб келади, нечтасини шунақа қилди, эртага йўқ деб, икки оёғини бир этikka тиқиб туриб олади.

Нодира астойдил ўртанди:

– Йўқ демайди энди, демайсан-а? Рустам, бир нарса дегин! Айнаб келмайсан-а?

Рустам хаёлга чўмди: институт ҳовлиси, оппоқ сумкасини ушлаганча, ёлғондан бурнини тортиб, кўзини пирпиратаётган чиройли Нигора; оппоқ бўйни, думалоқ юзи, чиройли елкаси, кейин... лаблари... Дилорхон тагин жазавага тушди:

– Оғзига талқон солган бу! Одамни эзишдан бошқа нарсани билмайди!

– Хўп энди айнамайман! – хаёли бўлинган Рустам паст овозда жавоб берди. Тагин кўз олдида Нигора жонланаверди... кейин яна биров... Айни пайтда Рустам ўзини ожиз сезди. У иккиланарди. Хаёлида жонланаётган қиёфаларни бир-бири билан солиштириш тўғри бўлмас. Бугун кўриб келган қизнинг гўзаллиги олдида ҳамма нарса икки пул. Бунақа чиройли қизни бировга бериб бўладими? Аммо иккинчи қиёфа-чи? Унда нима бор? Унда на хусн, на муомала бор. Аммо энг катта ютуғи – хаётига сингиган, кўнглига ўтирган: кўз ўнгида жилмайган ёқимтой Нигора қилт этмай турар, унинг гўзаллиги борган сари йигитнинг юрагини ўз забтига олмоқда эди. Ўша заҳоти Нигоранинг ёнида иккинчи қиёфа: « – Мен-чи, мен борман-ку», деяётгандек ўзини эслатиб турарди.

Ўғлига тикилиб қолган Дилорхон рост айтяптими ё шунчакими деб кўнглидан ўтказди, ростлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, секин ўрнидан туриб:

– Гапинг рост бўлса, бахтли бўлгин, кўша қаригин, мен унда ҳаракатимни қилай, ким билан борсам экан, сени қайнонанг бирга борармикан? – деб Нодирага юзланди.

– Билмасам ойи, мен ҳам бора қолай, боғчага кеч қоламан, ойим билан ўзингиз телефонлашинг.

– Сени қайнонангдан ёруғлик чиққанми ўзи ҳеч, фақат олишни билади. Ўзи учта куда қилиб ёлчимадим, зора бунисидан роҳат кўрсам. Жуда бақувват жой экан, орзу-ҳавасли дейишади. Бўпти, сен борақол, болага кеч қолма. Мен бир амалларман.

Қайнонасидан беркитиб, бирров хабар олишга кирганига минг пушаймон бўлган Нодира ичида ўзини-ўзи қарғаб-қарғаб кўчага чиқди.

3. ДУГОНАЛАР БОР БЎЛСИН

Сентябрнинг мўътадил ҳавоси ёзнинг жазирама кунларидан кейин танни яйратиб, кишига хуш ёқади: иссиқни ҳам, совуқни ҳам писанд қилмайдиган ёшларнинг ғовуруғуви институт ҳовлисини тутиб кетган.

Охирги сабоқдан дугоналаридан орқада қолиб чиққан Зебо чопқиллаганча олдинда кетаётган Нигора билан Лазизага етиб олиб:

– Сартарошхонага кирамизми, йўқми? – деб сўради ҳансираб.

– Бугун кеч бўлди, кўп ўқидик, эртага кирақолайлик, – Лазиза қошини чимириб энсаси қотганини яширмай жавоб қилди.

– Бугун киришим керак, – Зебо ялинганнамо Лазизага қаради.

– Нуқул ой эшикка, арава тешикка қадалганда айтасан, шуни вақтлироқ айтсанг, манқа домлани дарсига кирмасдик. Шу бугун шартми?

– Шарт!

– Учрашувинг борга ўхшайди, биздан беркитяпсанми? Бўлди, энди биз ҳам сенга ҳеч нарса айтмаймиз! – деди Лазиза ва жаҳл билан бежирим сумкасини елкасига осдида, терс ўгирилиб тўмшайди.

– Қўйсанг-чи Лази, ҳали нима гап, нима сўз, олдиндан дўмбира қилиб чалгим келмади, ўзи шуларга бўлмасаям керак, аммаларимга ёқмай турибди, адаси ишдан кетган экан, кеча адамга роса гапириб кетишди. Опамга онаси ёққан эди, миқ этолмай қолдилар.

– Аммаларингни бир қайнови ичида-а, адаси ишласа – хўп, ишламаса – алвидо экан-да?!

Боядан бери жимгина кетаётган Нигора, Зебонинг аммалари ҳақида сўз очилиши билан юраги ҳапқирди. Тилига чиқаришга кўрқиб, бир оз тараддудланди, кейин секингина сўради:

– Аммангни ўғли кўринмайди?

– Ибратми?! Касал-ку у! Ўқишга кечроқ тушади... Барибир сочимни тўғрилатиб кетишим керак, бу аҳволда чиқолмайман. Опам уришиб берадилар. Бирпасгина мени кутсанглар, нима қипти?! Қани, олдимга тушинглар-чи, ялқовлар!

Ўқиш бошлангандан бери дилидагини сездириб қўйишдан қўрқиб, сўраёлмай юрган Нигора хабар топганидан суюниб, итоаткорлик билан Зебога эргашди. Лекин яна бир савол кўндаланг туриб олди: қанақа касал экан? Сўрасаммикан? Билиб қолишса, Зебо-ку бўйи баланд, етиб бориши қийин, Лазиза дарров айлантиради. «Нега терговчидай тергаб колдинг? Бир балойинг борми?» Сири ошкор бўлишидан қўрққан Нигора миқ этмай қизларга эргашиб кетаверди.

– Мана шу кишини ўзимиз билан олиб кетсак бўларди! – Лазиза қоровул амакига ишора қилди.

– Уни нима қиласан? – Зебо Лазизага «ростдан ҳам бирга олиб кетасанми?» дегандай ажабланиб қаради.

– Соч-соқолини олиб, мўйловини калталатамиз, савоб бўлади, нуқул ғашимга тегади, эрталаб уйдан ҳар куни хурсанд бўлиб чиқаман, ўқишга келиб шу амакимни кўришим билан ҳаётдан хафа бўлиб кетаман.

Зебо:

– Ўзинг ҳам текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган бўлиб қолибсан, амакинг билан нима ишинг бор? Мени ўйласанг-чи? – деди тутқиқиб.

– Сени ўйласам юрагим баттар қисилади.

– Нега энди?!

– Бордию, фалончини ўғлига тегсанг, бир ойдан кейин адаси ишдан кетса, аммаларинг бориб ажратиб олишармикан?

– Э, нафасинг курсин, совуқ!

Институт ҳовлисида чикқан учала қиз кулишиб сартарошхонага қараб кетишди.

4. ЁМҒИРДА ҚОЛГАН ЙГИТ

– Эртага вақтлироқ кела оласанми, қизим? – сўради ойиси Нигорадан чала пишириб олинган карам баргига гуручли қийма ўраркан.

Тиззасида жиянини ўйнатиб ўтирган Нигора гап тагидаги нимкосани дарров сизди.

– Ойи, эртага дарсларим кўп! – дея баҳона қилди ноилож.

Гапга келинойиси аралашди:

– Уч марта келишди, учаласидаям расмингизни кўрсатвордик. Ҳадеб бировни овора қилиш яхшимас, Нигорхон! Кечроқ келинглар деёлмасак, улар келиб кетаверади, ойижоним хижолат бўлаверадилар, энди бир амалланг.

Нигора жиянини кўтариб ўрнидан турди:

– Овқатгача озгина айлантририб келаман.

Уй ичидан ойисининг бир оз тушқунлик билан:

– Ношукурчилик бўлмасину, совчи кутиш ҳам жонга тегди. Гоҳида ваҳм босиб кетади одамни! – деган овози баралла эшитилди.

– Нега унақа дейсиз, ойижон! – тилёғламалик қилди келинойиси. – Холаларим: «Қайнсинглингга совчи кўп келадими?», деб сўрашганда, қайнсинглимга совчи келмайди, ёғилади дедим! Насиб қилган кун, албатта, узатамиз бу эркатойни, ойижон!

– Ўғилларимдан кўнглим тўқ, ҳаммаси тенгини топиб, ўзидан тинчиб ўтиришибди – ойиси чуқур хўрсинди – қизимни ўйласам юрагим шув этиб кетади. Ишқилиб бахтини берсин.

Овқатдан сўнг жиянини келинойисига бериб, Нигора: «Дарсларим кўп!», дея хонасига кириб кетди. Лекин дарс тайёрлаш қаёқда?! Қани энди миясига бир нима кирса. Олдида китоб-дафтарини очиб қўйиб хаёл сурганча анча ўтирди, адаси билан акаси ҳалиям келишмади. Келинойиси ошхонада эртанги совчиларга пишир-куйдир қилиш билан овора. Совчиларнинг кети узилмайди, келинойиси столдаги пишириқ ейилмаса ҳам алмаштиришдан эринмайди. Ўзиям ажойиб янгаси бор-да, ҳеч ким айтмаса ҳам ҳамма ишни бажонидил бажаради. Меҳмон кутишни яхши кўради, совчиларни-ку бош устига қўяди. Гоҳида хижолат тортиб: «Тағин, келинойим мендан тезроқ қутулмоқчи экан, деб

ўйламанг, берсак-бермасак бизни мақтаб кетишларини яхши кўраман», дейди содда, салимий оҳангда. Нигора куёвликка номзод билан учрашадиган бўлса дейди: «Хуснингизга ишонманг, муомала яхши бўлмаса қолгани бир тийин, айнаб кетмасин! Тўнг-тўнг қилманг, кулиб бориб, кулиб келинг! Сизга ёқмаса, биз йўқ деймиз, лекин ёқшингиз шарт, бир умр армонда ўтмайсиз!». Бу гап Нигорага ёқмайди, бировнинг кўнгли билан ҳазиллашиб бўладими?

Нигора бошқа тоифа қизлардан: бировга заррача озор беришни истамайди. Қалб дегани – ойна, унга дарз етказиб, нимага эришиш мумкин?! Келинойиси тинмай жаврайди, унинг кўз олдида эса ёмғирда қолган одамдек дилдираб турган Ибрат жонланади. Шу йигитнинг ўрнида бўлганида, жон деб тегарди. Нега у бошқа йигитлардек шилқимлик қилмайди? Ҳечам ёқмасмиканман унга? Курсдошларининг ярмидан кўпи уни яхши кўради, нечтаси совчи юборди, лекин Ибрат жим. Сабаби нима? Ё бошқаси бормикан? Сўролмасам! Қанийди гапирсам, гапира олсам! Сездариб қўймай деб, қўрқанимдан бемалол гаплаша олмайман, унга тегишли гапларни фақат Зебодан эшитаман. Улар нимагадир бир-бирларига ўхшайди. Ибрат Зебони ҳурмат қилади. Умуман, курсдош қизларга ҳурмат билан қарайди. Секин гапиради. Уч йилдан бери бирор марта овози қаттиқ чиққанини эшитган эмас. Бошқа болаларга ўхшаб сўкинмайди ҳам. Зебонинг айтишича, адаси жуда қаттиққўл экан, болаларига маҳкам тураркан, оиласида қиз йўқ, фақат ўғил болалар эмиш. Шунинг учун онасига жуда меҳрибон экан.

Ўшандан бери Нигора беором. Жавобсиз севгисини нима қилади? Бир умр қалбида сақлаб юрадимми? Севгиси унга жавоб бермаса ҳам, бир умр содиқ қолиб, қалбида пинҳон асрашга, унга гард юқтирмасликка, ҳаммасига астойдил рози эди. Аммо, ана шу аммо сўнгги пайтлар Нигорани қийнаб юборди. Кетма-кет келаётган совчилар... кунда «бахтинг очилсин» деб дуо қиладиган бувисига, онасига дардини айтолмайди! Нима деб ҳам айтади? Курсдошимни яхши кўраман дейдимми? Турган гапки, танлагани бўлса совчи юборишсин дейишади. Танлагани эса сукутдан бўлак нарсани билмайди. Ибрат, Ибратим нега гапирмайсан? Бир мартагина гапирсанг-чи! У гапирмайди, чиройли қошларини чимириб, узун киприklarини қоқиб, қараб тураверади, зўр келса мийиғида кулиб кўяди. Яқинимдан ўтса, оппоқ юзи қизариб кетади, буни сезганман, қизиқ уни кўрганда мен ҳам қизариб кетармиканман? Адам унга берармиканлар? Сўраса берадилар! Тағинам, кўнглимга қараб турибдилар, лекин бу узоққа чўзилмайди. Буни биламан. Балки унга бир амаллаб билдириш керакмикан? Кейин-чи? Бордию, хоҳлагани бўлса, ё мени ёқтирмаса, ана кейин томоша бўладими?! Лекин бу воқеаларнинг нима билан тугаши номаълум. Ютқазимизга бир фоиз гумон бўлса ҳам ўйнамайман! Яхшиси умрбод ичимга ютиб яшайман. Туғилган кунимга ўғил болаларни ҳам қақирсаммикан? Уйимдагилар Ибратни ёқтириб қолишарди, бу аниқ. Ўзи уни ҳамма ёқтириб қолади. Тарбияли, оғир, босиқ, яна чиройли. Бўйи ҳам баланд. Айниқса, оқ халатини кийса, жуда очилиб кетади. Ким куёв қилгиси келмайди бундай йигитни? Дадамгаям ёқиб қолгандами? Барибир охири бориб ҳамма нарса Ибратни ўзига тақалади. Эҳ...

Нигора дилидаги туйғуларини гоҳ шодлик дарёсига отди, гоҳ иложсизлик жарига улоқтирди ва охири толиқиб, ухлаб қолди.

5. ОСТОНА СОЯСИ

Кузнинг дилгир оқшоми.

Бугун Нигоралар ҳовлисига тумонат одам йиғилди. Ҳа, серуруғ оила, ҳеч ким келмайди, деганда ҳам фақат яқинларининг ўзидан йигирма-ўттиз киши йиғилади. Бугун қариндош-уруғ танишлардан ташқари, курсдошлари ҳам келишди. Талаба бўлгандан бери дугоналарини илк бора уйига чақирди. Кўча тарафдаги икки қаватли иморат, ҳашаматли дарвозани кўриб, «Вой-бўй!», деган ҳайрат билан ичкари киришди. Ҳовлининг пастки тарафи – уч қават, мрамардан ишланган чиройли айланма зинаполяр, тўртта бурчақда сув пуркаб турган жимжимали фавворалар, лекин биттаям мевали дарахт йўқ, ҳаммаси тропик мамлакатларда ўсадиган манзарали дарахтлар. Дугоналари: «Ўзимиздаям ўстирса

бўлар экан-да», дея мармар пиллипоярларга тўшалган гиламларни босиб, меҳмонхонага киришди. Ўртада катта стол, нозу неъматга тўла дастурхон. Лазиза дугоналарига кўзи билан имлади: роса ҳаракат қилишибдими!

Деразаларга замонавий пардалар тутилган, деворда зарҳал рамкаларда қимматбаҳо суратлар, оёқ остидаги чўғдек гиламлар кўзни олади. Булар уй эгасининг серҳафсала, дидли эканини кўрсатади.

Нигоранинг ойиси, бувилари фотиҳа ўқиб, чиқиб кетишгач, Лазиза минғирлаб ёнидаги Зебога гапирди:

– Нигорани шунақа данғиллама ҳовлида туради, деб ўйламовдим! Писмиқ, индамай юришини қара!

– Сенга мақтаниши керакмиди?! Бойнинг қизиман деб эълон беришини кутганминдиг? Биттаси сал мақтанса, дарҳол тишлаб, узиб оласан!

– Тўғри айтасан: манманларни жиним суймайди, биров сал мақтанса, попугини пайсайтириб қўйгим келади, Нигорага бўлса, қойилман, жуда камтар экан, энди билдим, янаям яхши кўриб кетдим. Шу туришда индамай автобусга чикиб кетаверади. Анави, димоғига қурт тушган ўртоқларинг карилламасаям бўларкан, – Лазиза тўрға чикиб, шумшайиб ўтирган Нафисани имлади. – Ўқишга машина ҳайдаб келаман деб, жа осмондайди, Нигорани уйини кўриб, сувга тушган мушукдек бўлди-қолди.

Зебо Лазизанинг оёғига туртиб қўйиб:

– Жим, эшитиб қолади, – деди.

Шаддод Лазиза кўярмиди:

– Жуда яхши бўлди-да, эртадан оғзини очирмайман, ўзи анчадан бери жиғимга тегиб юривди.

– Менга қара, Нигорани ўзларига ўхшаган жойга беришармикан? Бунақасини қаердан топишади?

Адрасдан калта қўйлак-шим кийиб олган Нигора чойнак кўтариб кирганда, уларнинг суҳбати узилди. У зарҳал ҳошиялари нафис пиёлаларга чой қўйиб узатгач, «олинглар еб ўтиринглар!» дея қисталанг қилиб, хил-хил пишган, ўтқир зира ва қази ҳиди уфуриб турган норинни алоҳида-алоҳида тақсимчаларда солиб, уларнинг олдига қўйди, сўнг стол четида териб қўйилган ёғли патирдан биттасини бўлакдади, қизлар чуғурлашиб: «Синдирманг!» деса ҳам кўнмади, кулиб, жилмайиб: “ – Олсанглар-чи!” деди яна ва: «Менга узр!» дея орти билан чиқиб кетди.

Лазиза нафис лабини хунук бурди, гуё нозиккина бурни остида майда-майда чувалчанглар липиллади :

– Эсингдами, Нафисанинг уйига бориб итдай бўлиб келувдик!

Зебо ён-верига қараб қўйди-да:

– Яна меҳмондорчиликка чақирмоқчи! – деди пичирлаб.

– Борманглар! Масалан, мен қайтиб унинг уйига қадам босмайман, деб келганман. Тўйи бўлса, тўйигаям бормамайман. Меҳмонниям феъли кенг одам кутсин. Бунга ким қўйибди. Чақирса ҳам борманглар! Мани айтди дерсизлар: хор қилиб кутади. Танноз, уйдагилари ўзидан баттар. Қариндошларини кўрдингми, Чиғатойдаги норинчиларга ўхшайди. Лаби-лабига тегмайди. Нигораникиларни қара: ҳаммаси – аристократка!

Оёқ товушлари эшитилиб, қизлар сергаклик билан эшик томонга тикилишди. Нигора калта соч, оқ қўйлак, оқ туфли кийган, кулча юзи бежирим қизни бошлаб кирди-да, уни қўшнимиз, мактабда бирга ўқиганмиз деб, таништирди.

Одатда кўнгил яқин кишилар ўтирган даврага бегона келиб қўшилса, ошга пашша тушгандек, дил ғашланади. Қизлар нафасларини ичларига ютиб, жим қолишди. Нигора икки-уч марта: «Олинглар, еб ўтиринглар!» деса ҳам миқ этишмади, гуё оғизларига талқон солиб олишгандек эди. Қўшни қиз ҳам бу ерда ортиқчалигини билдими, кўп ўтирмади, бир пиёла чой ичгач: «Ойим сенга совға бериб юбордилар» – деди-да, ялтироқ қутичани Нигоранинг қўлига тутқазганча чиқиб кетди, Нигора ханг-манг бўлганча қолаверди.

– Нега довдирайсан, очиб кўр! – дея шанғиллади Лазиза ва бу ҳам етмагандай қутичани тортиб олиб очди: бир жуфт зирак билан узук ярқираб кўзини олди. – Вой бу-у-у! Зўр-у! Бриллиантми? Ҳа, ҳа, бриллиант!

Дугоналари унинг қўлига ёпишишди:

– Берчи, бизларам бир кўрайлик!

Лазиза пичинг аралаш яна чийиллади:

– Қўшнилари кучайган кўринади! Топганларини нима қилишни билмайдиган бўлиб қолишганми, нима бало! Қўшни бриллиант совға қилса-я?!.. Ё сенда илинжлари борми?!

Бу гапдан ўсал бўлган Нигора бўғзидагини зўрға ютиб, Лазизага қаради. Балою офат бу қиз. Ҳеч нарсани яшириб бўлмайди ундан. Бошқаларнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак, бу-чи, дарров билди. Бу ғалва қаёқдан чиқди? Қўшниси анчадан буён совчи бўлиб келади, адаси йўқ деган, бўлди-да! Ўғли ғирт такасалтанг. Ҳалигача бирор ишнинг бошини тутмаган. Бугун ўйлаб топганини қаранг, ҳаммининг олдида. Ойисига айтиш керак. Энди нима қилади?

Нигора дугоналарини ҳам унутиб, аёллар ўтирган хонага югурди. Зинапоядан тушаётиб, патнис кўтариб чиқаётган келинойисини кўриб, кўнгли жойига тушди. Ўзи бопплайди, жуда яхши келинойиси бор-да! Унга вазиятни тушунтириб, кўлига қутичани тутқазди-да, сўнг дарҳол ортга қайтди.

Базм ярим тунгача давом этди.

Отасининг ҳайдовчиси дугоналарини уй-уйларига обориб қўйди. Қариндошларини кузатиб қайтган дадаси Нигорага ҳовлида тўқнаш келиб, уни қайта табриклади.

– Ўртоқларинг яхши ўтиришдимми? – сўради оталарча меҳрибончилик билан бағрига босиб. – Хурсандмисан, қизим?! Тўйингда бундан ҳам яхши кутиб оламиз.

– Раҳмат, дадажон, раҳмат! – деди Нигора ва кўнгли кўтарилган ҳолда ошхонага йўл олди. Идиш-товоқларни ювиб, барча юмушларни бажариб бўлгач, хонасига кириб, маза қилиб ухлашни хаёлга тугди, аммо ҳаммиша ҳам ўйлаганинг бўлмайди, унинг ҳам айтгани ўнгидан келмади: гарчи анча толиққан бўлса-да, ҳадеганда уйқуси келмади. Хаёлида бугунги воқеалар бирма-бир такрорланар, уларни таҳлилдан ўтказиб, ўзича мулоҳаза қиларди. Узук воқеасини айтмаганда, ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида, фақат дадасидан уялиб, йигитларни чақиролмади, табиийки, Ибрат ҳам келмади, кўнгли ҳувиллаб турибди, лекин бугунги меҳмондорчиликдан мамнун.

6. БЕГОНА БАХТ

Осмону фалақда қанот қоқиб парвоз қилаётган қуш каби ширин орзулари оғушида маст юрган Нигора жиддийгина муаммога дуч келди. Бу унга аталган илк синов эди.

– Зебо сен билан жуда қизиқиб қолди! – деди Лазиза дарсдан сўнг уйга қайтаётганларида. – Уйингга бориб келгандан буён, сен тўғрингда кўп гапирадиган бўлиб қолди. Бир балони бошламоқчи шекилли! Билишимча, сенга совчи оборати-ёв!. Акаси йўқ-ку, қариндошларигами? Қайси бирига экан? Бугун бекорга биздан олдин кетмади, балки у аллақачон уйингдадир!

Нигоранинг юраги тез урди. Ибратгами?!

Лазизанинг қолган гаплари қулоғига кирмади. Ўз ўйи билан бўлиб, ҳатто дугонаси билан қачон қаерда хайрлашганини, уйига не алфозда етиб келганини ҳам билмай қолди. Дарвозаларидан нарироқда турган машинага кўзи тушиб, баданига титроқ югурди. Назарида, эшикдан кириши билан деворлару томгача тарақлаб устига қулайдигандай, авайлаб қадам босди. Ҳовлига кириши билан айланма зинапоядан тушиб келаётган аёлларни кўриб жойида тўхтади. Совчиларни кузатиб чиқаётган ойиси кулиб:

– Келиб кўришавер, қизим, бегоналар эмас экан, уялма, – деди. Аёллар ҳам минг йиллик қадрдондек қуюқ сўрашишди.

Онаси аёлларни кузатгани кўчага чиқиб кетди. Ушатишган нонларни патнисга солиб, меҳмонхонадан чиқаётган келинойисини, кўриб, салом берди-ю, енгил тортди. Келинойисининг одатини яхши билади, бунақа пайтларда ичидагини яшириб ўтирмай, дарҳол суюнчи олишга ошиқади.

Келинойиси унинг қўлтиғига кирди:

– Менга айтмаган экансиз, Нигорхон!

– Нимани айтмаган эканман! – деди у таажжубланиб.

– Зебони аммалари экан-ку, курсдош дугонангизнинг! Иккаласиям аммаси бўлар экан. Ўғли бор экан, дўхтир!

– ...А !!!

Нигора ер билан осмоннинг фарқига бормай қолди: уяптим, юряптим? Ер пахта-дек юмшоқми ёки булутларда сузиб юрибдими? Бахтга етиш шунчалар осонми, ё бу орзу-сига етишганими? Тилаги ижобат бўлди? Худо унга шунчалар хурсандчилик тайёрлаб қўйган экан-у, бесабрлик қилиб юрибдими? Наҳотки, шу кунга етди. Бахтли қиз эканман! Лазиза тўғри айтган экан: ростданам Зебо бало қиз. Лекин у Ибратни яхши кўришимни билмаган, Ибрат-чи? У ҳам уялганидан совчи юбораяпман, деб айтмаган. Лекин Лазиза, уйингга бориб келиб, Зебо сен билан қизиқиб қолди деди-ку! Демак, бу Зебонинг иши. Ростданам уйимга келиб... Эй, фарқи нима, муҳими келишди. Ибрат хоҳламаса келишармиди? Энди-чи, энди нима бўлади? Дадам хўп дермиканлар? Десалар керак! Ишқилиб кўнсинлар-да. Тўй бўлади.

Ховлига чиқса кулиб юбориб, хурсандчилигини ошкор қилиб қўйишидан чўчиган Нигора «овқат егим келмаяпти» деди-ю, дарсини баҳона қилиб, хонасига қамалиб олди. Ортидан янгаси ҳовлиқиб кирди:

– Вой, сизга сўнги ахборот олиб келдим. Айвонда нима гаплар бўлаётганидан бе-хабар ўтирибсиз.

Нигора жон қулоғи билан эшитаётган бўлса-да, ўзини бефарқ кўрсатишга уриниб, дафтарларини титкилашга тушди.

– Дарс ҳам ўлсин, бирпас қўйиб туриг. Адажон билан ойижон бугун келган совчилар тўғрисида гаплашишди. Куёвнинг ўқимишли, яна дўхтир, нуфузли оиладан бўлгани адажонга маъқул тушди. Онаси ҳам баъмани хотин экан. Ойижон шунақа дедилар, менга ҳам ёққандай бўлувди. Менимча, куёв бўлмиш сизни кўрган бўлса керак, бояги хотинларнинг гапидан шуни пайқадим.

Нигора «вой содда кеннойима, албатта кўради-да!» деб дилидан ўтказганича жилмайди.

Келинойиси гапида давом этди:

– Яна бир марта келишса, кейин яхшилаб суриштириб, адажон куёв билан кўришар эканлар. Ойижон айтдиларки, адажонга маъқул келса, сиз йигит билан кўришсангиз бўлар экан, агар куёв сизга ёқса, молу давлатига қарамай, зиёли оила бўлгани учун розилик берарканмиз.

«Нега ёқмас экан?» Нигора қалб сирини ташқарига чиқиб кетаётгандай лабини тишлаб олди.

Янгаси ўз дарди билан овора эди.

– Учрашувга олиб чиқарканмиз сизни! Қайси кўйлагимни кийсам экан? – Янгаси ҳозир учрашувга кетаётгандай ойна олдига бориб, сочларига қараб қўйди. – Эртага қирқтириб келсам бўлар экан.

Шодлиги ичига сиғмай турган Нигора баҳона топилганидан суюниб, кулиб юборди:

– Куёв мен қолиб, сизни танласа-я?

– Ҳазилингиз қурсин! – деди янгаси унинг елкасига оҳиста шапатилаб. – Хуллас, ҳамма бир-бирига ёқса, баҳорга чиқиб тўй қиларканмиз!

Шу кеча Нигора ҳамманинг бир-бирига ёқишини истаб, яратгандан ёлвориб сўради. Фақат... фақат куёвни ўзига ёқишини сўраш негадир хаёлига келмади.

Баҳорни тезроқ келишини истади... Ўзини хаёлан оппоқ қўйлақда, келинлик либосида кўраётган Нигора, хурсандлиги ичига сиғмай, аллақандай куйни хиргойи қилиб хонада айланиб, рақс тушди.

Келин бўлади... «У» эса куёв.

« – Энг бахтли келин бўлман, – ўйлади у. – Оқ қўйлакни қаердан олсам экан? Узун фата тақаман!»

Кимдир уни яширин томоша қилаётгандай туюлиб, қилиғидан уялиб, ўзини каравотга ташлади-да, юзини ёстиқ билан беркитиб олди. Кўзлари қувончга, қалби илиқ ҳисларга, юраги бахтга лиммо-лим эди...

7. ЗАРЪ ВА ТАСКИН

Куз тонги. Ҳаво бир оз изғирин. Қуёш нурлари ҳароратсиз, аммо истараси иссиқ киздай ёқимли жилмайиб турибди.

Нигора уйқудан тетик уйғонди, назарида қалбига ўзи кутган бахт қуши тезда кириб келадигандек эди.

Ундаги жўшқинликни янгаси ҳам сезди. «Жайрон! Жайроннинг нақ ўзи!» деб ўйлади ташқарида уни кузата туриб ва қайнонасига унинг бугун бошқача эканлигини, кеча суҳбатлашганида ҳам кулиб ўтирганини, эрталаб ойна олдида бир соат ўтирганини ва буни биринчи марта кўрганлигини, неча хил кийимларни саралаб ўзига танлаганини ҳам айтиб, суюнчи ола қолди.

Совчиларни кутишга астойдил киришган онаси: « – Илоё бахтининг очилгани рост бўлсин» дея юзига фотиҳа тортди.

Қуёшнинг кулгани рост, Нигоранинг назарида, ҳаттоки, кечаси ёғиб ўтган ёмғирдан кейин асфальтга ёпишиб ётган хазонлар, лой сачраган тахта ўриндиқлар, катта йўлда тизиллатиб сув сачратиб ўтаётган, ювилмаган, кир машиналар ҳам – ҳамма-ҳаммаси кўзига файзли кўринди. Оҳудек тез илдамлаб бораркан, қоровул амакига кўзи тушиб, «бугун сочини тараб келибди, соқолиям олинган, Лазиза кўрганмикан?» деб хаёлидан ўтказди. Ўзидан-ўзи жилмаётганини билиб, ғалати бўлиб кетди. «Лаб-лунжимни йиғштириб олмасам, шарманда бўламан», дея ўйлаб, ўзини босишга ҳаракат қилди. Қадамлари ўзиникимас гуё. Худди булутлар устида рақс тушаётгандай енгил юриб, аудиторияга кирди. Кириши билан кўзи аллакларни қидирди. Бир хўрсиндию, шалвираб тушди. Йўқ, келмабди. «Бир ҳисобда кўринмагани ҳам яхши бўлди, қочишга жой тополмай қолардим».

– Ҳа, фариштам, кўзинг олма-кесак теряпти, кимни қидиряпсан?

Дунёда Лазизадай сезгир қиз бўлмаса керак. Нигора ҳар ер-ҳар ерда тўдалашиб ўтирган курсдошлари билан сўрашиб, унинг ёнига чўқди.

– Кимни қидирардим, сени-да, – деди кейин чўзиб.

– Мени кўрмай қолдингми? – Лазизанинг овози дўриллади. – М-ен-и-я!

Нигора ёлғондан ҳорғин эснади:

– Зебо қани, келмадимми?

– Тушинга кирдимми? Бир челак сув билан кетди. Домла йўқ, ухлаб қопти, уйига уйғотгани юбордим.

Нигора кулимсиради:

– Қўйсанг-чи шунақа ҳазилларингни!

– Ҳазили йўқ, домла уйғонмаса, дарсни мен ўтарканман, ҳозир декан айтиб кетди.

– Ҳазиллашганинг, ҳазиллашган. Сал жиддийроқ бўлгин, – Нигора чиройли кўзларини сузиб, дугонасига қаради.

– Қувноқ одам доимо хушчақчақ юради. Мен бўлмасам, зереклиб қоласизлар! Нотўғри деб кўр-чи?!

Нигора баъзи қизларга ўхшаб ички кайфиятини яширишга нўноқроқ. Нимани ўйласа шуни айтиб қўя қолади. Тўғриси бу жиҳати унга кўпинча панд беради. Ҳозир ҳам дугонамга айтишим керак, деб ўйлади. Зебодан эшитса, тумшуғи осилиб, мандан яширди, дея хафа бўлади. Айтаверса-чи? Нима деб айтади? Барибир, Зебо келгунча айтишим шарт, деган қарорга келди-да, кўзини эшикдан узмай секин шивирлади:

– Лази, бир нарса айтсам...

– Гапир, эрталабдан жиддийлик тўнини кийиб келибсан, ичингда қолмасин.

– Сен кеча тўғри айтибсан.

– Кеча деганинг нимаси, мен ҳар доим тўғри гапирман, тўғри сўз – қиличдан ўткир.

– Шу мақолларингни қўйиб тур!

– Мақол сўз кўрки.

– Зарур гап этмоқчиман.

– Қулоғим ўзимда, гапиравер! – Лазиза ихчам сумкасидан ойнача билан бир талай бўёқ олиб, лабини бўяй бошлади.

– Кеча уйга борсам, Зебо аммаларини юборибди.

Ойначадан кўзини узиб Нигора тарафга бурилган Лазиза қалам суртилган қовоқларини керганча бақрайиб қолди:

– Мана буни янгилик деса бўлади, кечадан бери ёрилмаганингни қара, нега телефон қилмадинг? Лекин Зебо келса, женсоветга масаласини кўямиз, биздан бемаслаҳат иш қилгани учун! Хўш, кимига оборибди?

Нигоранинг кўзлари юлдуздек чақнади. Лаблари жавобга шайланганда, эшиқда сумкасини қучоқлаган Зебо кўринди.

Аудитория талабаларга тўлиб бўлган, ғала-ғовур авжида эди. Кимдир домла келгунча вақтни ғанимат билиб, ими-жимиди жуфтакни ростлади, кимдир бир ёқадан бош чиқариб қочишни таклиф қилди.

Дугоналари ёнига келиб саломлашган Зебони Лазиза очикдан-очик қақиб олди:

– Шунча ишни ясаб қўйиб, миқ этмаганинга қойилман! Юрагинг тош экан!

Худди шунақа гаплар бўлишини билиб, тайёрланиб келган Зебо дугонасининг захарли пичингидан хафа бўлмади, қайтанга кулиб:

– Ойинг мақол этиб туққанмилар сени!

– Ойим бақариб туққанлар, саволлар борми? – деди узун киприкларига туш суртаётган Лазиза, – лекин сени бу қилмишингни ҳеч қачон кечирмайман, нима, айтсанг мен бориб аммаларингни айнитиб келармидим?

Келгандан бери Нигорага вавотирланиб қараб-қараб кўяётган Зебо ундан сўради.

– Сен-чи ? Сен кечирасанми, хафа бўлмадингми?

Зебо дик ўрнидан турди:

– Уни номидан мен кечирмайман, жуда хафа, ўзи сенга айтолмаяпти, устингдан арз қиламиз.

– Хафа бўлманглар, шунақа бўлиб қолди. Олдинига нима гап, нима сўз дедим. Кеча тўсатдан борамиз деб қолишди. Уйдаги аҳволни биласан-ку, аммаларимни гапи-гап, қайтаролмаймиз, у-бу десам, ўзинг топиб, энди ўзинг оборгинг келмаяпти дейишди!

Дам-бадам эшикка қараб-қараб кўяётган Нигора ўзида бир куч, жасорат ҳосил қилиб, охири сўрашга ботинди:

– Ибрат келадими?

– Билмадим, гаплашганим йўқ, – Зебо негадир унинг саволига аҳамият бермай гапида давом этди. – Хуллас, кеча хурсанд бўлиб келишди. Аммам ҳойнаҳой кечаси билан ухламай чиққан бўлсалар керак. Мениям роса дуо қилдилар. Онаси ҳам қуданг борми деса бордек, онасини кўриб кизини ол, кеннойинг ҳам роса ёқибди, мулозаматни ўрнига қўяркан дейишди. Сенга-ку, ошиқ бўлиб келишди. Ўзинг ҳам роса кўзга яқинсан-да, ҳаммага ёқасан. Қара, ҳаммаси яхши ўтди, олдиндан айтганимда, нима бўларкин, деб ўйлаб юрардинг-ку, тўғрими? Рустам акамга ҳам ўзингга билдирмай туриб кўрсатдим, билсанг уялиб, хижолат бўлардинг. Уларга ҳам жуда ёқибсан!

Бутун вужуди қулоққа айланган Нигора талмовсираб қолди. Кўзларини пирпиратиб, бурнини ёлғондан тортиб қўйди.

– Ким дединг?

– Рустам акам! Исмлари – Рустам, энди кўрсанг керак. Қалай, яхши иш қипманми?

Нигоранинг томоғига бир нарса тикилди, нафаси етишмаган кишидек эсанкираб, боши айланди. «Нима деяпти?! Рустам? Қанақа Рустам?»

Шу аснода хонага домла кириб келиб, ҳамма ўз жойини эгаллади.

Нигора уч пара дарс қандай ўтганини билмади, қулоғига рахит, суяк системаси, кўкрак қафас, катта лиқилдоқ каби сўзлардан бошқа ҳеч нарса кирмади. Тиззасида қалтироқ туриб бўшашди. Ёнида ўтирган Зебо лаби-лабига тегмай нималарни гапирар эди, лекин ҳеч нимани эшитмади, ҳеч нимани англамади. Ё тавба, бу қанақаси бўлди, ўзи ким содда экан, онасимни, янгасимни ё ўзимни? Қулоғида келинойисининг кечаги гаплари айланаверди. «Агар куёв бўлмиш Нигорага ёқса, бас! Куёв бўлмиш уни зимдан қузатган экан». Гап бу ёқда экан-у, ҳаммани соддага чиқариб ўтибди-я! Энг ёмони, куёв дадасига ёқса, баҳорда ... баҳорда тўй бўлиши аниқ!»

Нигора илон чаққандек, қаттиқ чийралди. Рустам ким ўзи? Яна Зебо яхши қилибманми дейди-я, нима иш қилиб қўйганини билмаяпти. Энди нима бўлади? Ўзича сир сақлагани билан уйдагилари сезиб бўлишди. Кеча жиннига ўхшаб ашула айтиб ўйнаганимга ўлайми, энг биринчи келинойиси сезган, онаси ҳам лақма эмас, дадасига дарров етказган, Нигор хурсанд бўлди, кулиб юрибди деган. Адасига худди шу керак, тамом, қўлга тушдим, ўзимга ўзим қилдим, тўхтатиш керак, бир амаллаш керак. Ибрат қаерларда юрганикин? Ўзи келса бўлмасмиди? Хўп, келганда нима? Гапира олармидим, узоқдан кўрсам дудуқланаман-ку!

Эй худо, буёғи қандоқ бўлди? Ибрат эшитганмикан, наҳотки ҳеч нарса демаган, демак менга... бефарқ...

Нигора иссиғи чиқиб, асаблари толиққан кишидек, кўнгли чўккан ҳолда уйига жўнади. Йўл-йўлакай Зебонинг жағи тинмади: аммасининг ўзидан тортиб, ҳовлилари қанақа, нечта уйи бор, келинга нечта хонани беришгани, катта келинининг ёнидаги ҳовлига кўчиб чиққани-ю, Рустам акасининг ёшлиқда ўта шўх бўлиб, ҳамманинг ундан додга келгани, ҳозир эса анча қуйилиб, ҳаммага ёқадиган йигит бўлганлиги, тўрт йилдан бери қиз танлаб, онасини қийнаб юборганлигини ва, ниҳоят, Нигорани бир кўришда ёқтириб қолганлигини бирма-бир гапирди. Ва ўзи билмаган ҳолда Рустамни Ибратга ўхшашишини ҳам гап орасида қистириб ўтди, аммо шу гапи билан Нигоранинг юрагидаги ярасига туз сепганини сезмади. Яна нималар деди, лекин унинг кейинги гаплари қулоғига кирмади. Дугоналари билан хайрлашган Нигора юраги эзилиб, уйига боргиси келмай, вақтни ўтказиш учун хаёл суриб пиёда кетди. Оёқлари остидаги олтинранг хазонбарглар унга жуда совуқ туюлди. Буларнинг нимаси олтин?! Одамлар ўзларини алдаш учун шундай ўхшатишларни ўйлаб топишади. Мана бу дарахтлар-чи? Барглари бўлмаса, куруқ ходанинг ўзгинаси! Хазонбаргли йўлкаларга ҳам ғаш келиб қаради, нега ҳаммаёқ ифлос? Кузда ҳаммаёқ исқирт бўлиб кетаркан. Шуни энди англади шекилли!. Машиналарнинг шошилишини. Нарироққа бориб уриб олишса, кейин билишади тез ҳайдаш нималигини. Одамлар-чи, ҳамма бир-бири билан уришганми? Намунча жаҳл қилишмаса, ҳамма ер тепиб юрганга ўхшайди.

Уйга боришга юраги безиллаб турган Нигора, томчилаётган ёмғирга парво қилмай кетаверди. Ҳар бир қадам уни умидсизлик жарига яқинлаштираётгандек эди. «Ибрат, сенга меҳримни бергим келганди, юлдузларни тортиқ қилгим бор эди. Кўзларингга қалбимни жойламоқчи эдим, бир қарашингга дунёни алишмоқчи эдим. Сени бахт гуллари билан ўрамоқчи ният қилиб эдим. Бир оғизгина сўзингга боримни бағишлашим аниқ эди. Нега шугинани ҳам қизғондинг, қизғонган ким, сенми ё дунё?! Мендан юлиб, сени кимга тортиқ этмоқчи энди? Сенга мен керак бўлмадимми?! Энди мен...

Орадан бир ҳафта ўтди.

Куз ёмғири еру-кўкни тушгача аямай савалади, пешинга бориб эса қорга айланди. Деразадан қор учқунларини бепарво томоша қилиб ўтирган Нигоранинг бошида оғриқ туюриб, ўрнига чўзилди. Неча кунки, ўқишга бормади. Бу орада дадаси розилик берди. Ноилож, янгаси билан учрашувга борди. Рустам Ибратга ўхшар экан. Нималар бўлганини ўзи ҳам англолмай қолди. Туш кўраётганга ўхшарди. Совчилар келишди. Оҳ деди, воҳ деди. На дадаси, на ойиси ва на янгаси дардига қулоқ беришмади. Бунинг ўрнига номига, уялганидан ноз қиялпти, дея унга парво ҳам қилишмади. Энди нима бўлади? Бахтдан бахтсизликка бир қадамми бу? Худога оҳлари етмабдим, дунё шунчалар хасисми? Ёнимдаги, ёнгинамдаги бахтимни раво кўрмади. Ёнгинамда эди. Ҳар куни кўриб турардим, ёнгинасида нафас олардим. Овозини эшитардим, бир баҳона билан бўлса-да, кўзларига қараб олардим. Хаёлан суҳбатлашардим. Энди шундан ҳам маҳрум бўлдимми, энди у билан қандай юз кўришаман?

Юмшоқ ёстиқ унга тошдан ҳам қаттиқроқ туюлди. Бошини уриб-уриб олгиси келди. Ўзини ҳолсиз сезди. Юраги эриниб-эриниб зўрағина урди. Сўлгин кўзлари ёшга ташна эди: қуйилиб келаверди, келаверди, охири селга айланди.

Шомга яқин бувилари келишди. Фотиҳанинг дараги чиққандан бери кампирлар серқатнов бўлиб қолишган. Кўз ёшидан ёстиғи жиққа ҳўл, Нигора хонасига бувиси кириб келганини сезиб, ўрnidан турмоқчи бўлди. Аммо кампир «ётавер» дегандек уни ўрnidан қўзғатмай, юзларини, ҳўл сочларини, пешоналарини силади.

– Йиғла, кўнглингни бўшатиб ол, кейин бир нарсани айтиб бераман, – деди.

Шу кўйи узоқ ўтиришди.

– Болам, унашилган қизлар ҳар доимо йиғлашади, йиғламаса айб қиламиз, – секин гап бошлади бувиси. – Сеники бошқача йиғими, бунча эзилиб йиғладинг, ё бир дардинг борми?

Нигора лабини тишлади. Дилидагини бувисига тўкиб солгиси келди-ю, бўғзидагисини ичига ютди. Нимани айтади: жавобсиз севгисиними, ё адашганиними?! Билмай хурсанд бўлибман, зртаси аниқласам, бошқаси экан, мен севган йигит фалонча дейдими? Бировга айтадиган гапми шу?!

Нигора алам билан бошини ҳар ёнга ташлади.

Бувиси унинг кўнглини англади шекили:

– Бунчалик йиғиниям хосияти йўқ, болам, онанг эзилиб кетади, – деди насиҳатли оҳангда. – Не орзуда тўй бошлади, дилини хира қилиб қўйма. Ёлғизгина қизисан, энди бувингни эшит: худо хоҳласа бир куни сенам невараларингга айтиб берарсан... Аёл бўлиш оғир, биз аёллар бошён яралганмиз, ана шу бошёнлигимиз бахтимиз бўлади. Сабаби туғилганимизда – отамизнинг уйида, эрга тегсак – эримизнинг уйида, қариганимизда – болаларимизнинг уйида яшаймиз. Эътибор бергина бахт қаерда! Ошённи бор аёл – бахтсиз бўлади. Ё отаси йўқ, ё эри йўқ, ё фарзанди йўқ. Мен шу бошёнлигимга аллоҳга минглаб шукроналар айтаман. Отангнинг уйида туғилдинг, ундинг, ўсдинг, вақт келди, никоҳга кирасан, сени никоҳинг сулоламизга янги ҳалқа улайди. Никоҳ остонасининг у ёғидаги мураккаб дунё – оила. Шуниси эсингда турсинки, оилангдаги озгина қувонч ёки ташвиш ҳаммага баробар. Оила қуриб, фарзандли бўлишинг керак. Аёлларнинг бурчи – наслни давом эттириш. Фарзанд – оила умрининг давоми. Мен ҳаётга келдим, оила қурдим, бир умр Тошкандан четга чиқмадим, бир кун бир жойда ишламадим, ҳаётим беиз кетди дейсанми? Агар шундоқ фикр қилсанг бу нотўғри, мен жуда бахтли кампирман, саккизта фарзандни тарбияладим, уйладим, жойладим, ўзим ўқимаган бўлсам ҳам уларнинг ҳаммасини ўқитдим, йигирма иккита невара, ўн тўртта эвара кўрдим, насиб қилса чевара ҳам кўраман, ҳаётим мазмунли ўтди. Мазмуни – тоғаларинг, онанг, холаларинг. Умрим шуларда, мана сендек ажойиб неварамда давом этади. Қани энди айт-чи, назарингда, мен қанақа яшабман?

Нигора бувисига ҳайротомуз тикилиб қолди. Демак, ҳаётнинг мазмуни – фарзанд. У шунинг учун ҳам оила қуриши керак, наслни давом эттириш учун... Ниманидир тушунгандай эди у. Нотинч қалбига сокинлик ташриф буюрганидан ўзи ҳам лол бўлди.

Бувиси босиқ, аммо ширали оҳангда давом этди:

– Энг бахтли куним қайси, биласанми? Тоғаларинг бир уйга тўпланишган кун! Қачон хурсанд бўламан, биласанми? Ҳали у холанг, ҳали бу келинойинг олиб кетиб қолганда. Бирининг келини туғади, бирининг қизига совчи келади. Бир ишга ярамасам ҳам бош-қош бўлиб ўтирганим, болаларимга мадад бўлганим учун қувонаман. Қара, қанча қувончли дамларим бор. Кел, энди сен менга ваъда бер, ўзинг чиройлисан, невараларимнинг ичидан энг чиройлисан, тўйингда бунданам чиройли бўласан-у, мени шундоқ неварам бор деб, керилиб ўтираман. Қуда менга сарпо қўяди. Оилали бўласан – оилангдаги садоқат бахтнинг калити, эсингда турсин, уйингда яхшилик яшаса, ёмонлик кира олмайди. Сабрли бўлиб, иродани қўлга оласан, иродали одам ҳар қандай бахтсизликни енга олади. Қўша-қўша фарзанд кўрасан, ўқишингни ўйламай туғавергин, онанг боқишади, бошқа нима иш ҳам қиларди? Қариганингда бир этак невара-чевараларинг ардоғида яйраб-яшнаб ўтирасан. Худди ўзингга ўхшаган набиранг боши бойланганда ҳунар қилса, мени гапларимни худди ўзидай қилиб етказасан, кейин уйнинг тўрига осиб қўйилган суратининг олдига келиб, бувижон, ваъдамни бажардим дейсан. Сўз берасанми?

– Бувижон! – Нигора бувисини қаттиқ қучоқлаганча йиғлаб юборди.

– Йиғлама, иккаламиз бирга суратга тушсак бўларкан.

Нигора бувисини янаям қаттиқ қучоқлаб олди.

– Келишдикми, ваъда берасанми?

Нигора оҳиста бош ирғади.

– Ўзим ўргилай, бу йиғинг бошқача чиқди, энди хотиржамман. Никоҳим куни мен ҳам шунақа йиғлаган эдим. Бўлди энди, чехрангни очиб юр. Юр, мен билан қайнонанг қилган кийимликларни кўрамиз, бу ёғи тўй, болам, худо қувват берсин. Илойим борган жойингда туп қўйиб, палак ёз, омин.

Кампир юзига фотиҳа тортиб, ҳансираганча ўрнидан турди.

8. ТҲЙ

Оппоқ гуллаган сершоҳ бодом дарахтининг гулдор қўлчалари орасидан жилмайиб қараган она қуёш тўрт томони гир айлана иморатли ҳовли узра зар кокилларини тарайди, енгил шабада ям-яшил майсалар юзини силаб ўтади. Ойнаванд уй ёнидаги темир ўчоқнинг кули олинмаган, ярим ёнган ўтинларнинг учлари асаларининг қорнидек тарам-тарам оқ, қора айлана ҳолатда қолган. Ҳовлида куймаланиб юрган аёлларнинг

бири супуриш-сидириш, бошқа бирлари идиш-товоқларни ювиш, яна бирлари бугун ўтказиладиган келинсалом маросимининг кам-кўстларини тўлдириш, тўғрилаш билан овора.

Тўй-маросимларнинг об-ҳавосини яхши билган кўшни аёл – Раҳбар хола ўчоқбошига келиб, тайёргарлик ишларини бирма-бир кузатиб, ҳаммани саволга тутати:

– Тўққиз-тўққизга қўйиладиган нарсалар қани? Обчиқиб равонга териб қўяверинглар, айб бўлмайди! Қудаларнинг патнислари тайёрма? Дилорхон, қаймоққа одам жўнатдингизми?

– Қайнэгачим йўлдан биратўла олиб келаман дегандилар, ая!

– Ундоқ бўлса яхши, Дилорхон! Биттада яхши кутмасангиз, қиз берган жойи дастурхонли эмас экан, деб кетишади. Қайнэгачингизни эсидан чиқарадиган одати йўқми ишқилиб? Ўчоқбошини тахт қилиб, сарпо-суруғингизни бир қараб бераман, кимга нима қўясиз? Овсин-ажинга яхши нарса қўйинг, опа-сингил гап чиқармайди! Қайинбўйинининг иши қийин, қудасига шу айтган, овсинимга бўлаверади деган! Қуданинг юзини шувут қилиб қўймайлик, қудачилик минг йилчилик айланай!.. Сомсани қайноқ киргизамиз.

Ўчоқбошидан чиқиб тавонхонага йўл олган кампир бир нима эсига тушгандек ортига қайтиб, секингина қайнонадан сўради:

– Кўрманангизни тайёрлаб қўйганмисиз? Тагин шошганда югургилаб қолмайлик!

– Хавотир олманг, айланай, ҳаммаси тахт!

Қуёш қиз узатиб келган аёлларнинг олдида қўйилган таомларни оппоқ нурлари билан сийпалаб ўтиб, уларнинг кўнглига ҳовлини томоша қилиш завқини солди. Кеча югур-югур билан ҳовлини кўздан кечира олишмаган эди. Тўй ўтди, ҳаммаёқ тинчиди, қорин ҳам тўйди, энди қиз тушган жойни бир айланиб кўришмаса, аёл зотининг кўнгли тинчирмиди?!

Ҳовли унчалик катта эмас. Олтигагина поғонадан иборат цемент зинаподдан кўтарилиб, панжарали узун айвонга, ундан меҳмонхонага кирилади. Меҳмонхона деразаларига нафис нейлон пардалар тутилиб, тўрға анча-мунча қимматбаҳо мебель қўйилган. Улардан олдин келин тушган уйга кирган аёллар: «Буниси фалон пулли гарнитур экан, чиннию-идишлар, япон сервисларини, оёқ тагига солинган гилам ҳам ёмон эмас», деб ўзларича шивир-шивирлашиб юришарди.

Ён тарафдаги эшикдан ётоқхонага кирилади. Ўртача катталиқдаги хонага тўқ рангли ётоқхона мебели ўрнатилиб, деворларига палак, чойшаблар осилган, баланд ойнаванд жавон ёнига иккита сандиқ ёнма-ён қўйилган, устига духоба, атлас, кўрпа-кўрпачалар текис тахланиб, ёстиқлар қатор терилган.

Ўзини кузатаётган аёлларни катта тошойна орқали кўриб турган келинчак оқчил-текис юзига, бу яқин орада мунг нималигини билмаган оҳу кўзларига, чиройли табассум учун яралган нозик лабларига, нафис ним қизгиш бўёқ суртилган ёноқларига, узун қора киприкларига назар ташлаб, юзига номигагина упа суртди-да, қоматига мослаб тикилган адрас кўйлак устидан қуюқ зар бериб ишланган пешматини кийиб, елкасига тушган тим қора сочлари устидан дўпписини бостирди. Шу аснода беқарор кўзлари билан кўзгудаги аксига тикилиб, ўз ҳусни малоҳатидан мамнундек ширин жилмайиб қўйди. Қайси гўзалдан кам? Худога шукр, ойдек ҳусни, ўзига ярашган қадди-қомати, ҳамманинг ҳаваси келади-ган чиройи бор. Яхшики, бир оздан кейин юзига рўмол ёпиб олиб чиқишади, акс ҳолда, кўз, назар, кинна деган қора-қусурлар ўраб олиши, оёқдан йиқитиши тайин.

Ташқарида бошланган қўшиқ бир оз эриш туюлиб, кўнглига ҳаяжон солди.

*Келинчак-о, келинчак, бу дунё бир ҳалинчак,
Чимилдиққа киравер-о, куёв бағри беланчак!..*

Боядан бери гўзаллигидан мамнун, кўзгудан ўзини ололмаётган келинчагимиз кўзларини яширишга жой тополмай қолди: тундаги шивир-шивирлар...

Эшик очилиб, кўлида бир даста дастрўмол билан янгаси кирди:

– Бўп қолдингизми, қизпошша?

Келинчакнинг юраги дук-дук урди, қулоғи деворга, тили косовга айланди. Лов-лов ёнган юзини кўтарса, янгаси кўнглидагини билиб қоладигандай туюлиб, бошини қўйи эгди.

Янгаси уни секин туртди:

– Бўла қолинг, саломга чиқамиз!

Дўпписи тагидан дастрўмолларни қистириб, эшик олдига борганда, узун ялтироқ ёпинчигини ёпар экан, янгаси тайинлади:

– Салом манавунақа бўлади деб, жа-а эгилворманг! Ярим эгилсангиз, чиройли чиқади. Мен қанақа салом қилганим, эсиздадир-а?

Дастрўмол тагидан чинни жарангидек ёқимли кулги эшитилди.

Узоқ-яқин амма-холалар, кўни-кўшнилари, эгачи-сингиллар атаганларини кўлла-рида тутганларича навбат кутишяпти. Каттаю-кичик тартиб билан келиб, салом олиб қайтмоқда. Қуда тараф совға қайтариш билан овора. Кимдир мамнун, кимдир ҳаяжонда, кимнингдир эса энсаси қотган, кимдир шу ерда ҳам таниш-билишчилик дея норози тўнғиллайди.

Илк баҳор гулидек оппоқ очилган келинчак ўз бахтидан яйраб-яшнаб салом қиялпти.

*Тўққиз қизнинг харидори,
Йигитларнинг сардори
Қайноғаларига салом!
Маккатилло йўлида,
Жойнамози кўлида
Амма пошшаларига салом!
Ўғил туғиб керилган
Қайноналарига салом!*

«Қайнонам?» Келинчак бир дамгина бўшашди, титради. Қайнонадан хушбўй атир ҳиди таралиб, ширин ҳисни туйди. Қўллари иссиққина, мулойим экан. Узукни авайлаб тақиб, оппоқ ёпинчигини салгина очиб, юзидан ўпди.

*Қош-кўзлари пиликдек,
Ошга солган иликдек
Овсинларига салом!*

Овсини ҳаялламади, зув етиб келиб, кўрманани берди-ю, юзини шарт очди... бу хонадондаги биринчи чеҳра, чарақлаб кулиб турибди. Кўз-кўзга тушганда қувониб кетишди. Овсини кўришганда у ҳам юзидан ўпиб олди. Кўзида меҳр кўриб, юраги бирпас тин олгандай бўлди.

Юзочарга жажжи болачани кўтариб келишди. Унинг дўмбоқ кўлларига кўзи тушиб «вуй ширилигини, мениям шунақа...» дея ҳавас билан интиқди.

Келинсалом маросими ниҳоясига етгач, бувиси узундан узоқ дуо қилди: «Юзинг иболи, кўзинг ҳаёли бўлсин, қўша-қўша фарзанд кўриб, ували-жували бўлиб, ўзингдан кўпайгин, омин».

Баҳор оқшоми ташриф буюрганда, мўъжаз ҳовлида қадам товушлари сийраклашиб қолганди.

Онасини кузатган Нигора кўнгли бузилиб, кўз ёши қилди. Бегона жой кишига бир оз ёмон таъсир қилар экан.

Янгаси унинг қизарган кўзларига қараб, насиҳат қилишга ўтди:

– Қиз зотининг бўлгани шу! Ойижонимизнинг дилларини хуфтон қилиб жўнатдингиз. Ўзлари бир аҳволда эдилар. Овсинингиз кирса, нима дейишни билмасдан қолдим. Яхши жувонга ўхшайди, ишқилиб юлдузингларни иссиқ кўрсатсин! Бўлди энди, ҳадеб йиғласангиз бошингиз оғриб қолади. Келинг, ундан кўра нарсаларингизни жойлаб берман. Сиз қараб туринг! – Улар биргаликда совға-саруполарни тахлай бошладилар. – Менга қаранг, – деди янгаси. – Супургини ушлашингиздан билиб олишади қанақалигингизни. Ҳамма нарсага қушёр туринг, уй йиғсангиз, аввал қайнонангизникидан бошланг, кир ювсангиз ҳам қайнонангизникидан бошланг, ухлаб қолсангиз бир четда довдираб турмасдан, кечирасизлар деб, дарров ишга киришинг, оёқ кийимларни кечкурун тайёрлаб кўйинг, ҳим... яна нимади? Ҳа-я, мўлжални ҳали билмайсиз, гўшт-ёғни лўмба-лўмба ишлатиб юборманг, сўраб кейин солинг, ўзи нима қилсангиз ҳам ойижонингиздан сўраб, кейин бир ишга киришинг, тушундингизми? Ўшаниси тинч, ўзбошимча дейишмайди. Бир

жойга борадиган бўлиб қолсанглар, имилламай отланинг, лекин дарров эшикка чиқиб олманг, кўчага деса доим тайёр туради дейишмасин.

Оқшом шамоли ўз кўшиғини бошлади. Унда келинчакнинг қалб титроғи, ҳаяжонга тўла кўзлари, интикиб нафас олиши ва висол завқи ҳам бор эди.

9. ДҲСТМИ Ё ДУХТИР?

Баланд бўйли йигит анча вақтгача туғруқхона атрофини айланиб юрди. Қўлидаги сигаретни ёқишни хаёл билан ё унутди, ё хоҳламади, қўлида айлантира туриб, улоқтириб юборди, бир оз фурсат ўтиб эса бошқасини олди, сўнг дарахтлар панасига ўтди ва бир оздан сўнг жадал қадам ташлаб, бош бино тарафга кетди.

Ҳозиргина консилиумдан чиққан Рустам билан Хайрулло шифокорлар хонасига киришди. Ортдан қадам товушлари эшитилди. Эшик зарб билан очилди-ю, хонага ҳеч ким кирмади. Чамаси эшикни тортган одам фикридан қайтдим, жойида қотди.

– Киравер, Умид! – деди Хайрулло.

Барваста йигит кирди ва изтироб билан унга тикилди. Айтадиган гапи оғирлигидан, ичидагини сиртига чиқаролмади.

Хайрулло унга далда берди:

– Ука, сал қовоғингни очиб юр, кўрганлар нима дейди? Боя шунча гаплашдик, ҳозиргина профессор билан ҳам маслаҳатлашиб чиқдим. Ҳозир яна хотинингнинг олдига кирамиз. Сен ишинга боравер, тирикчиликдан қолма, бу ёғи яхши бўлади!

Йигит миқ этмай чиқиб кетди.

Хайрулло унинг ортидан ачиниб қараб қолди:

– Эрталабдан бери кетмайди. Носированинг эри. Хотини операцияга кўнмаяпти!

– Нима бўлади энди?

– Аслида операция билан туғдиришга қаршиман. Кўп кузатдим, табиий йўл билан туққан аёлларга қараганда, кесерево билан туққан аёллар, нисбатан боласига бемехроқ бўлишади. Аммо мана бунақа ҳолатларда... билмадим... бошқа иложи бўлмагандан кейин... Мен профессор билан олдига кириб чиқаман. Сен, ҳойнаҳой, кирмасанг керак?!

Рустам креслога суяниб, илжайганча бош чайқади. Хайрулло касаллик тарихини кўтариб чиқиб кетди.

– Носирова йигирма бир ёшда, биринчи ҳомиладорлик, биринчи туғруқ, нефропатия, қирқ биринчи ҳафта....,

Профессорга эринмай баён қилган Хайрулло, аёлни кўздан кечирди, «шишган, анчагина шишган, қовоқлари осилиб турибди, кўзлари кичкиналашиб кетган, бир пайтлар жуда ҳусндор бўлган кўринади. Беозоргина, мулойим. Худди айб иш қилиб қўйгандек, хижолат тортиб, ҳар бир саволга жавоб беришдан олдин, узун-узун киприкларини пирпиратиб олиб, кейин кўзларини бир нуқтага қадаб, оҳиста гапиради. Дардга оғир экан».

Профессор кўзойнагини тақиб, Хайруллонинг қўлидан касаллик тарихини олди. Бир бошдан, шовилмай варақлаб, қайтадан ўқиб чиқди.

– Отангиз ё онангизнинг қон босимлари ошармиди?

– Адам... қон босимидан вафот этганлар.

– Ҳомиладор бўлмагунча ошмаганмиди?

– Йўқ.

Кекса профессор қуюқ қошларини чимириб хаёлга толди. Умр бўйи илм билан машғул бўлган одамлар ҳиссиётга берилишмайди. Балки шунинг учунми, одамнинг кўнглидагини сеза олиш қобилятидан маҳрум улар. Баъзилари гапга нўноқ. Аслида биров гапни ёглаб гапиради, биров тиканак боғлаб гапиради. Бутун ҳаёти давомида инсон саломатлиги ва ҳаётини ҳамма нарсадан устун қўйиб яшаган, буни шогирдларига ҳам сингдиришга ҳаракат қилган профессор ҳам гапга гул ўраб гапира олиш хислатидан йироқ эди. Шунинг учун ҳам, тўсатдан:

– Нега операцияга розилик бермаяпсиз? – деб сўради.

Аёл аввалига жим қолди, кейин одамнинг юрагини эзар даражада оғир хўрсинди, шифтга қараб ётганча, икки кўзидан бир томчидан ёш сизиб чиқиб, сочлари орасига думалаб кетди. Профессор ҳам, Хайрулло ҳам савол берилган бўлса-да, жавоб қайтарилмаслигини билиб, уни ортиқ қисташмади. Хонада оғир сукунат чўқди.

– Қизим? – профессор гулдираран овозда меҳр билан салмоқлаб гап бошлади. – Келганинга бир ойдан ошибди, аҳволинг... қониқарли эмас. Қон босиминг баланд, камқонсан, буйрагинг анчадан бери касал экан, кўпинча қизларда буйрак касаллиги билдинтирмай кечади. Ё турмушга чиққач, ё ҳомиладор бўлгачгина ўзини билдиради. Сен ҳозир икки киши ҳаёти учун жавобгарсан. Она бўлиш арафасидасан, она бўлиш масъулият, буни ҳис қилмасликка ҳақинг йўқ! Бунақа ишда қайсарлик ярамайди. Энг муҳими, фарзандни соғлом дунёга келтириш. Гапларимни ўйлаб кўр. Рози бўлсанг, эртага операция қиламиз. Чўзишдан наф йўқ. Саломат бўл.

Профессор оғир кўзғалиб, эшикка қараб юрди, Хайрулло унга эргашди. Саида ўзини қийнаб юрган оғир хаёллар гирдобиди қолаверди.

Касалхонада кунларнинг ўтиши жуда қийин. Шифтга қараб ётиш ҳам, деразани кузатиш ҳам бир зумда жонингга тегади. Хаёлида яна ўша савол чарх урди: «Ҳеч иложи йўқмикан?» Қон босими кўтарилди шекилли, боши лўқиллаб оғриди. Ана, ҳозир ҳамшира дорисини кўтариб югуриб келиб, томирига улаб кўяди. Шу билан қимирламай икки соат ётади. Уйига кетса, яхши бўлиб қолармиди?!.. Эри қачон келаркин? У ҳам қийналиб кетди. Тўтидек битта гапни қайтарадилар: «Қаҳрамонлик қилмай операцияга розилик беравер!». Кўпроқ ўзидан хавотир оляпти. Хўп, ана, операция-ку бир зумда ўтар, лекин кейинчи? Тиғ теккан одам ярим жон бўлиб қоладими? Буни ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмайди. Кейин у ёғи дардисар, ҳисобли! Яна қачон фарзанд кўради, кўрадимми, йўқми, туғиши муаммо бўлиб қолмайдими?! Ўғиллари кўп бўлишини хоҳлайди. Операция қилдирса, тўрт-беш йилсиз туғмай юради.

Шу оғир ўйловлар исканжасида Саида кечгача ётди. Ҳар замонда боласи қимирлаб кўяди. Бечора ростдан ҳам ҳаво етмай қийналяптими?! Тезроқ ёруғ дунёга чиққиси келгандир. Худбинман шекилли! Ўз манфаатимни кўзлаб, болани ўйламаяпманми! Кесеревоси кўрсин. Ким ўйлаб топган экан...

Қайсар... Юлий Цезарь биринчи бўлиб она қорнидан ёриб олинган бола. Саркарда, давлат арбоби, яна ёзувчи ҳам бўлган. Унинг ҳам боласи шунақа ақлли бўлармикан? Ўзи ўғилмикан ё қизми? Қизиқ, ойим қизлигингни сезганман дердилар! У-чи? У ҳеч нарсани сезмаяпти.

Эшик очилиб, енгил шиппак товуши эшитилди, хонага кирган одам ичкаридан эшикни беркитди.

Саида кўзларини очди. Хона ним қоронғи эди.

– Нега қоронғида ётибсан? – Хайрулло чироқни ёққач, каравот тепасига келди. – Ие, йиғляяпсанми?

Саида ҳазин жилмайди.

Ажойиб одам! Гоҳ сизлайди, гоҳ минг йиллик қадрдондек сенсирашиб кетади. Муомаласи самимийлигидан Саида унчалик оғринмайди. Халати йўқ, ҳали кетмабдимми ё навбатчимми? Саида ўрнидан турмоқчи эди:

– Ётавер, қимирлама, фақат бошингни сал кўтариб ол! – деди. – Хўш, емай-ичмай, тарки дунё қилиб ётибсанми? Сени ўрнингда бўлсам бунақа қилмасдим.

Саида оғир нафас олди.

Хайрулло уни саволга тутди:

– Эринг билан баравармисизлар?

Саида «ҳа» ишорасини қилди.

– Ўхшаб ҳам кетасизлар, қариндош эмасмисизлар?

– Йўқ, бирга ўқиганмиз.

– Муҳаббатми?!

Саида уялиб, кулимсиради.

– Энди сенга жиддий савол!

Саида нима савол бераркин дея, кўзларини катта-катта очиб ҳайратланди.

Хайрулло унинг кўнглини сезгандек:

– Сен ҳайрон бўлма, саволларимни туғишинга алоқаси йўқ. Шунчаки сен билан бир дардлашиб ўтиргим келди, бугун навбатчиман, тўйингга қанча бўлди? – деб сўради.

– Икки йил.

– Яхши яшайсанми?

Саида елкасини қисди.

Хайрулло:

– Бировдан олдин, бировдан кейин дегин, – деди ва ўзи жавоб бериб қўя қолди: – Шу икки йил ичида эрингга текканингдан ҳеч афсусландингми, йўқми?

Саида бу қанақа беъмани савол, дегандек энсаси қотди. Хайрулло буни писанд қилмай саволига жавоб кутди. Саида жавоб қайтаришни хоҳламаса-да:

– Йўқ, – деди.

– Эрингни яхши кўрасан, кўриниб турибди, биласанми, Ибн Сино касалларига нима деркан? Биз уч кишимиз, мен – табиб, сен – касал, у – касаллик. Агар сен, мен тарафга ўтсанг, у энгилади. Бордию, у тарафга ўтиб олсанг, иккалангни энгишим қийин. Мен ҳам шундоқ буюк одамларнинг усулини давом эттириб, сени ўз тарафимга таклиф қиламан, нима дейсан?

Саида ёйилиб кулди, бош оғриғи сал ёзилди.

Хайрулло унга жиддий қаради:

– Хўш, сенга айтсам, кўнглим алдамайди. Нималарни ўйлаётганингни айтиб берайми? Гапларимга эътироз билдириб, овора бўлма, чунки ҳақ бўлиб чиқаман. Ҳозир эринг учун фидойилик қилиб ётибсан, сен кўрқоқ эмассан, кўрқоқлар туғишдан кўра, операцияга осонгина рози бўлиб қўя қолишади. Сен эрингни ўйлаб, операция қилдирмаяпсан, тўғри топдимми? Энди, Саида, ўзингдан қолар гап йўқ, мендан ўн ёш кичик экансан, сендан кўра кўпроқ кўйлақ йиртганман, мени гапларимга кир, кам бўлмайсан: биринчидан, эринг бунақа фидойиликни барибир билмайди, эркаклар табиатан шунақа яралган, буни ўзгартириш қийин. Мен сенга шифокор сифатида эмас, эркак бўлганим учун айтяпман, иккинчидан, қон босиминг ошган сари бола қийналади, кундан-кунга аҳволи оғирлашиб боради, ўзинг камқонсан, бу биласанми, нима дегани, бола қорнингдалигидаёқ бир нечта касалга йўлиқади дегани.

Саида ғалати аҳволга тушди. Ҳеч қачон бунақа гапларни эшитмаган эди. Ажойиб дўхтир экан! Худди ичимга кириб чиққандай, ё тавба, нима ўйлаётган бўлсам, шуни айтиб турибди. Гипнозчими? Гапларини... ҳаммаси тўғри, изоҳга ҳожат йўқ. Биринчи марта бунақа одам билан гаплашишим. Ҳеч ҳам бунақа суҳбатдошни учратмагандим.

Саида йўқотиб қўйган қадрдонини топиб олган одамдай яйраб кетди. «Ҳаётга реал қараб яшашни ўрган. Хўп, ҳозир сени айтганингни қилдик дейлик, кейин нима бўлишини биласанми? Ўзинг бир амаллаб туғарсан, ҳай-ҳайлашиб туғдириб олишар, бола-чи? Туғилиш осон жараён эмас, қанча-қанча болалар туғруқ пайтида касаллик орттиради. Кейин-чи, касал бола боқишдан ортиқ азоб йўқ! Ўзингни кечира олмайсан, бошқаларни соғлом фарзандига қараб ўзингни еб юрасан, сал каттароқ бўлганда, нега палончини боласи яхши ўқийди, меники бунақамас, палончиники унақа, меники бунақа деб юрасан. Операция билан туғсам, кейин нима бўлади деб, ўйлаяпсанми? Лекин билиб қўй, биринчи боланг касалвон туғилса, қолганидан ўзинг воз кечасан, чунки адоий тамом бўлган бўласан, гапларимни тушуняпсанми? Касал бола ғурбатнинг ўзи!»

Саида энгил тортиб, бўшашди. Юрагини сиқиб, чангаллаб ётган сим тўрлар битта-битта ечилиб қўйворди. Кейин хотиржам тортиди. Яхши одам экан! Хайруллонинг кўзларига чуқур меҳр билан тикилиб, нигоҳи билан жавоб қайтарди.

Хайрулло унинг рози бўлганини сизди ва сўради:

– Эртага чоршанба, яхши кун! Нима дейсан?

– Шунақа қилсам, тўғри бўлади дейсизми?

– Аввало ҳар бир ишни худога тавакал қилиш керак, ундан кейин, сенга боя айтдим, гапимга кирсанг, кам бўлмайсан, менга ишонсанг ишон, сени зўрлаш йўқ.

– Эримдан...

– Эринг икки соатдан бери хонамда ўтирибди.

Саида бутунлай хотиржам тортиди.

– Кечаси ухлай оласанми ё...

– Керакмас, – Саида кескин бош чайқади.

– Унда эрталаб кўришамиз, яхши ётиб тур.

Бугун куёш тонгни барвақт уйғотди.

Тонг Саидага қизалоқ ҳадя қилди. Худди эрига ўхшайди. Ингалаётган чақалоқни хира ёруғлик ортидан кўрди-ю, елкасидан тоғ ағдарилгандек, хотиржам ҳолда уйкуга кетди.

10. СИРТИ ТИНЧ, ТУБИДА ҒАЛАЁН

«Шафтолини гули тўкилганда ҳам чиройли, тупроққа беланса ҳам ранги ўзгармайди».

Узун, жимжимадор энгли оппоқ қўйлак, лозим устидан тим кўк пешмат кийган Нигора ҳовли супураётиб дарахтларни кўздан кечирди. Олма, гилос бор, лекин анор экишмаган экан, унинг гули жуда чиройли, ҳиди ҳам бошқача!

Айвондаги телефон жиринглаб хаёли бўлинди.

– Лаббай!

– Саломалайкум, Рустам акани чақириб беринг.

Нигора эрини зўрға уйғотди. Ҳовлига чиқиб супуришда давом этаркан, кийимларини тезда эгнига илиб, кўчага отилган эрининг орқасидан боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай ҳайрон қолди. «Чой ичмадилар!»

Машинасини кўчага олиб чиққан Рустам ойнасини тушираётиб:

– Ишга чақиришди, оғир касал бор экан. Мен кечроқ қайтсам керак, – дея кўз қисиб қўйди. Унга жавобан жилмайган Нигора «яхшиям қаерга деб сўрамаганим» деб хаёлидан ўтказди-ю, чиройли табассуми билан эрини кузатди. Келинлик бахтининг беғубор осмонида парвоз қилаётган келинчак айни дамда нега аёл киши тонг сахарда эримни чақиртирди, деб ўйлаб ҳам кўрмади.

Аср вақти бўлди. Қуёш эрталабдан бери булутлар орқасига беркиниб, аразлагандай юзини кўрсатмайди. Ҳаводан ёмғир ҳиди келади. Нигора ўқишга бориб қайтди-ю, ҳар кунгидек ошхона, уй юмушлари билан машғул бўлиб, кун ўтганини сезмай қолди. Кечқурунги овқатни қозонга димлаб, кўчани супуриб қайтгач, бекор турмай деб, ғимирлаганча ҳовлида иш қидириб юрди. Қайнонаси ичкарида телевизор кўраётган эди.

Гулга кирган дарахтлар эътиборини тортди. Бунчаям чиройли-а!

Олма дарахтининг тўп-тўп бўлиб гуллаган шохларига қанча тикилса ҳам кўзи тўймади. Кичкинагина шохчани синдириб олиб, гулларини юзига қўйиб, силагиси келди. Бекорга увол қилмай, деб синдиргани кўзи қиймай, пастроқдаги шохчани салгина эгиб тўйиб-тўйиб ҳидлаб, кейин қўйиб юборди. Уй ичидан қайнонаси чиқиб келаётганига кўзи тушиб, ошхонага кириб овқат сузишга тутинди.

Ёмғир томчилаб бошлади. Овқатдан кейин кийим-бошини алмаштириб, пардоз қилгач, қайнонасининг ёнига кириб бирпас ўтирди. Қайнонаси индамай телевизордан кўзини узмай ўтиравергач, ийманиб, уй ичида иш қидиргандек бўлиб, секингина яна ҳовлига чиқди. Ёмғирнинг шивир-шивирига қулоқ тутди. Қоронғи туннинг садолари ҳам ғалати: гоҳ юрагинга қувонч солади, гоҳ ваҳима!

Рустамдан ҳалигача дарак йўқ, кеч келаман деганди. Келиб қолар. Унга ўрганиб ҳам қолди. Аввалига ёмон кўргани рост. Кейинроқ ҳайиқиб ҳам юрди. Унақа ёмонга ўхшамайди. Озгина ўтиб илиқлик туйди. Ҳозир кўнглида меҳрми, соғинишми, аллани-малар айланиб юрибди. Ишдан қайтадиган пайт бўлди, дегунча, юраги бетоқат уради. Гоҳида... уйда ёлғиз қолишса, қафасдаги қуш ўзини у ёқдан-бу ёққа ургандай, қочиб чиқишга уринади. Қачон келаркин?

Нигора ёғаётган ёмғирга эркаланиб, ҳовлида узоқ қолиб кетди. Бошини осмонга қаратиб, кўзларини юмди. Юзига битта-битта келиб урилаётган томчилар, худди Рустамнинг нафаси келиб урилаётгандай баданини жимирлатди...

Энтикиб нафас олди...

Бир замон Рустамнинг қайноқ нафаси кучлироқ урилгандек бўлди. Қўллари белидан кучиб, лаблари бўйнидан қулоғигача секин кўтарилди. Шивирлаган овоз:

– Нега ёмғирда турибсан? – деб сўради.

– Вой?! – чўчиб тушган Нигора эрининг кучли қўлларидан чиқишга уринди. Юраги дукиллаб кетди. «Шарманда бўлдим, келиб қолганларини!»

Рустам қўйвормади, шивирлашда давом этди.

– Соғиндим, мени ўйлаб турганмидинг?

Нигоранинг лавлагидан фарқи қолмади.

– Қўйворинг! – ялинди у.

– Уйга юр, қўйлагинг ҳўл бўлиб кетибди, алмаштирасан.

– Ойижон кўриб қоладилар, қўйворсангиз-чи!

Рустам бехос кўлларини бўшатди, хуркак Нигора охудек бир сакраб, жилмайган кўйи уй тарафга юрди.

Туни билан шивалаб ёмғир ёғди. Азонда жиринглаган телефон Рустамни яна ишга шоширди.

Хайрулло уни ҳажв билан кутиб олди:

– Ҳа, куёв бола, бугун кеч қолдинг, келин кўйвормадими? Келинга тушунтириб кўй. Сени касалларинг бошқача: пойлаб ўтиришолмайди. Хоҳлаган пайт дарди тутиб, хоҳлаган пайт туғаверади.

Рустам пинак бузмади:

– Навбатчилик қанақа ўтди?

– 6-палатадаги туғди, 11-палата мени туғдирди.

– Яхши, эсон-омон қутулибсан.

– Эри ғирт аҳмоқ экан, боласи димиқиб, хотини ўлай деб ётибди. Операция қилмайсан, хотиним жуда бақувват, деб онасини бошлаб келибди. Кечаси билан талашиб, азонда барибир операция қилдик, тўнка, икки ўртада хотини билан боласини қийнагани қолди. Ҳали родзалдан чиқмади, боласи тепада, аҳволи яхшимас – асфиксия. Ҳозир хабар олиб тушдим. Главрачдан касал келди. 6-бўшаган, ўша ерга ётқиздим. Пуф десанг, туғадиган. Қараб турарсан. Мен кетдим, хотиним пойлаб ўтиргандир. Уч кундан бери кўрмадим.

– Сенга қийин бўпти.

– Нимасини айтасан, жуда жавр бўлди. Сен уйланганиндан бери уйимга боришим катта муаммо бўлиб қолди, чилланг чиқдимми ўзи? Бўпти, шундоқ уйимга ўтиб келаман.

Хайрулло полни, ҳатто эшик-деразаларни ҳам зириллатиб хонадан чиқиб кетди. Эшик ёпилиши билан телефон жиринглади. Халатини энди кийиб бўлган Рустам гўшақни кўтарди. Нигора кўнғироқ қилмаслигини билса-да, ўзича тусмоллади, аммо гўшақдан Умиданинг нозли овози эшитилди:

– Рустам ака, соғиндим Сизни-и-и!

– Бирпасда-я, ҳозиргина олдиндан келдим-ку!

– Нима қилай, ростданам шунақа бўлса?

– Нима қилишингни айттайми? Кечга қолмасдан ишга бор. Кечроқ кўришамиз, хайр.

У тарафдан қисқа-қисқа гудок эшитилди.

Рустам Умидага қандай илакишиб қолганини эслади. Қизнинг ота-онаси бу дунёда кун ҳам кўришмади. Акаси бевақт қазо қилиб, юрак олдириб кўйишди, шу боис ҳам бор эътибор ва диққатларини ёлғиз қизларига қаратиб, худодан унга фақат узоқ умр сўрадилар. Бу орада автоҳалокат рўй бериб, улар ҳам оламдан ўтишди.

Умида энди қариб-қартайиб қолган кампир кўлида қолди. Кампир бу ғамни кўтара олмайман деб ўйлаганди. Умри бор экан, фарзанд доғида бир куйса, ўша фалокатда набирасининг оёғи қаттиқ жароҳатланиб, нуқсонли бўлиб қолганига яна кўйиб яшади. Ўғли билан келинини маъракаларини ўтказиб, бор-будуни белига тугиб, набирасини катта дўхтирларга кўрсата бошлади. «Қиз бола ахир, боламдан қолган омонатни ногирон қилиб кўйсам, киёматда ўғлим билан келинимнинг кўзига қандай қарайман», деб эридан қолган билагузук, келинининг тилла асбоблари – барини сотди.

Лекин Умида тузалмади. Охири ҳақиқатни ўзи ҳам тан олиб, шу муштипаргинани жони соғ қолганига шуқр қилиб, яшай бошлади. Худо бир тарафдан сиқса, иккинчи тарафдан мўл-кўл қилиб беради, деган илинжда яшади. Тунлари ухламай, эгасига ўз кўлим билан топширай, жонимни олмай тур деб, худога нолалар қилди. Аммо набирасини ўқишдан қайтишини пойлаб ўтириб, омонатини топширди.

Умида ҳайҳотдек ҳовлида яшаб, тиббиёт билим юртини битирди, сўнг Рустам яшайдиган касалхонага ишга келди.

Рустам оқсоқланиб юрадиган бу қорача қизга дастлаб кўпам аҳамият бермади. Кейинроқ бу қиз унга бошқалардан кўра, ўзгачароқ қарашини билиб қолди. Бу севгимухаббат эмас, уни муомалаларида қанақадир самимият, ўзига яқин олиш, жигаридай инсонга меҳр кўрсатиш каби ҳаракатлар бор эди. Буни Рустам орадан жуда кўп фурсат ўтиб ҳис қилди. У бошқа қизларга ўхшаб, шарақлаб кулмайди, бирон нарсадан қаттиқ таъсирланганда мийиғида кулиб қўя қолади. Ҳеч қачон ўз фикрини талашиб-тортишиб, исбот қилишга ёки бировларга сингдиришга ҳаракат қилмайди. У қанақадир ўзга оламда яшайди.

Эсида, ўшанда шаррос ёмғир ёғаётган кун эди. Ёмғирдан ўзини пана қилиб зўрға машинасига ўтириб олган Рустам, касалхона дарвозасидан чиқаётиб узоқда оқсоқланиб кетаётган Умидага кўзи тушиб, ҳайрон бўлди. Ё тавба, ўзи соғмикан бу қиз? Қўлида зонтиги йўқ, ўзини панагаям олмаяпти, на автобус бекатида туради, на қўл кўтариб машина тўхтади. Худди устидан аямай савалаётган ёмғирга қасд қилгандай қаддини тик тутиб тўхтамай кетяпти. Астафидулло дея, Рустам машинасини тўхтади қараб турди. Бу кетишда чақирса чиқмайдиганга ўхшайди. Рустам озгина юриб, яна тўхтади. Қиз тагин ўша алфозда кетаверди. Бир-икки қаттиқ-қаттиқ сигнал берди. Жала товушидан Умида ҳеч нимани эшитмади. Рустам машинасини айлантеририб, уст-боши шалаббо бўлиб кетган қиз қаршисига кўндаланг қилиб қўйди. «Ўтирсангиз-чи, ивиб кетибсиз», деди қатъий оҳангда. Хижолатдан ёрилай деган Умида машинага ўтириб: «Ёмғирда юришни яхши кўраман», деб қўйди.

Рустам қайси тарафга юришни сўраб олди. Манзилга етиб боргунча иккаласи ҳам чурқ этмади. Кўча бошига етганда Умида Рустамнинг йўқ дейишига қарамай, машинадан тушиб қолди. Эшикни ёпа туриб: «Ёмғирни яхши кўраман», деб қайта кистириб ўтди. Ёмғир товушидан Рустам ҳеч нимани эшитмас-да, ростанам ғалати қиз экан деб, машинасини ҳайдаб кетди.

Унинг нимасидир Рустамни ўзига тортарди. Қизларнинг ҳеч бирида ундаги фазилатлар йўқ, уларнинг ҳеч бири унингдек садоқатли бўлмади. Мағрур ва фидойи, вазмин ва босиқ. Худди сокин дарё. Рустам айнан ўхшатган эди. Тинч оққан сувнинг туби шунақанги ғалвали эдики... Умиданинг кўнгил тубидаги ҳислар бош кўтаргандагина – қисмат унга нималарни раво кўрганини кейинроқ англади.

11. МЕҲР НИМА ЎЗИ?

Рост айтишаркан, боланинг кўзига қарасанг – меҳр қуйилиб келади. Болани эмизиш роҳат, кучоғига олиш ҳузур-ҳаловат. Дунёдаги ҳеч бир юмушни, ё ҳеч бир хурсандчиликни болани эмизишга тенглаб бўлмас.

Ҳузур билан қизини эмизаётган Саида, эрини кутиб, келавермаганидан хавотирланаётган эди, онаси келди. Унга қараб, Саиданинг доим юраги ачишади. Қизларига дадасининг ўрнини билинтирмасликка тиришиб, ўзини ўтгаям-чўққаям уради, бечора. Ҳозир ҳам санитар хотиндан лиқ тўла сумкани бериб юборибдилар: битта идишда қатиқ, биттасида сут, озгина печенье, иккита чиройли патир, олма, банан; қават-қават ўралган банкани очиб қаради, атала! Совимабди. Қайноққина кепти. Шакар билан қаймоқ қўшиб, аралаштириб тайёр қилинган творог, сумканинг тагидан устига ликопча тўнкарилган коса чиқди. Дўмпайган тугунни ечиб ликопчани ўгирди: ток! Онаси доимгидай яхши кўрган овқатини обкепти. Жуда яхши онаси борда. Саидага ҳали овқат мумкинмас. Инқиллаб ток тугаётган онаси кўз олдида келиб, овқатни қайтариб бергиси келмади. Не ҳасратда олиб келганлар дея дилидан ўтказиб, идишларни бўшатиб, авайлаб ўраб сумкага жойлади. Ҳаллослаган санитар қора хотин сумкани олиб чиқиб кетар пайти, ойнадан онаси чақирди:

– Са-а-ида!

Дераза ёнига югургудек бўлиб борган Саида ойнани очмоқчи эди, онаси бақирди.

– Очма, кўкрагингга шамол теккизасан.

– Тузукмисан. Бола яхшими?

Саида кўзларини ғилтиллаб бош ирғади.

– Дарров туриб, юриб кетмагин болам, ҳали мўртсан, белингни иссиқ қилиб юр. Пайпоғинг борми?

Бўғзига йиғи тигилиб гапиролмади. Деразадан қараганча боши билан фақат «ҳа», «йўқ» ишорасини қилиб турди.

– Кўп-кўп сут чой қилиб, иссиқ-иссиқ ичгин, аталани совутмасдан дарров ич, қайноғида симирвогин, қувват бўлади. Сутинг кўпаяди, болам! Чақалоғинг йиғлоқмасми, кечаси ухляяптими?

Орқасига ўгирилиб пиш-пиш ухлаётган қизига қаради. Беозор-ку! Эмизмасаям миқ этмай ухлайверади. Саида кулиб бошини қимирлатди. Онасининг туриши ғарибгина бўлсаям, бахтиёр кўринарди. Набира кўриш бахт! Набира боқиш – ҳузурланиш! Онаси

Саидадан ҳам кўпроқ хурсанд бўлса керак. Энг кенжа қизининг боласини кўрди. Бу кунларга ким етдию, ким етмади. Боши тепага қарайверганидан орқасига сирғалиб тушаётган рўмолини тузатиб:

– Ҳали опаларинг келишади, мен эрталаб нима обкелай? – деб сўради.

Онаси хайрлашиб кетгач, Саида атала мумкинмаслигини билса ҳам, мазза қилиб ичди. Идишнинг тагида қолган қиймаларни қошиқ билан еб қўйди. Шу пайт кўкрагига куйилиб сут келганини сезиб, эмизгиси келди. Онаси уйга етиб олганмикан? Қайнонаси ҳали бир мартаям келгани йўқ. Онаси доим йўқ бўлсаям бордай, қайнонаси тескариси, ошиб-тошиб ётсаям томизмайди. Онаси эри ўлиб болаларига бирор марта нолиган эмас. Болаларининг кўнглини ўқитгиси келмайди. Қайнонаси эса нолигани-нолиган.

Қизини жойига ётқизиб, яна эрини кута бошлади. Нега келмаяптикан? Доимо тескариси бўлади: кутганинг келмайди.

Хонага юзидан мамнунлиги билиниб турган Хайрулло бамайлихотир кириб келди.

– Хўш, Ойбарчиндай қиз туғдим деб керилиб, келганларга хоҳлаганингни буюриб ўтирибсанми? Ҳазиллашдим. Тузукмисан? Қизинг қалай? Оналик ҳиссиётларинг билан ўртоқлашмайсанми, она бўлиш яхши эканми, айниқса кечаси ухламаганда?

Саида чақнаб жавоб берди:

– Кечаси яхши ухляпти!

– Ие, зўр-ку! Ўзинг ҳам омадли экансан, чилладан кейин кунингни кўрсатмаса бўлди. Киндиги тушдими?

– Киндиги тушса кетаманми?

Хайрулло жаҳли чиққанини яширмай терс жавоб қайтарди:

– Мунча шошасан, уйингда нима бор? Қийналасан. Озгина ўзингга келиб ол, қувватга кир. Яхшиман деб, уйингга шошилаверма. Ипини олиш керак. Қийналаётган бўлсанг айт, болага қараб беришади. Дориларингни вақтида оляпсанми, у-бу каминг бўлса айтавер, тортинма.

Саида рўпарасидаги шифокорга чексиз меҳр билан тикилди:

Бунчаям меҳрибон! Шундай меҳрибон эркаклар ҳам бўлар экан-да. Томоғига бир нарса келиб тикилди. Зўрғагина «ҳа, бор» дея олди, холос. Дилининг туб-тубидан бир нималар қайнаб чиқа бошлади. Бир оғиз ширин сўз билан одамнинг дилини қанчалик кўтариш мумкин-а!

Хайрулло секин бориб чақалоқни авайлаб кўтариб, «Сендай беғам бўлиб юрайлик», деб жойига қўйди.

– Уйингга борволиб, полвонлик қилма, ўзингни аягин, хўпми? Овсининг борми? Яхши гапириб алдасанг, қарашиб юборади.

Саида бош ирғиб:

– Мен алоҳида тураман – деди.

– Оббо, бу яхши-ку, лекин манавинақа пайтларда жуда ёмон қийналасан-да. Майли, эплаб кетасан. Бўлар-бўлмасга сиқилма! Болага яхши қара. Кўп-кўп эмиз, яхши кўриб эмизсанг, сутинг кўпаяди. Тагин эрингни қизғанавериб, бор сутингням қочириб юборма.

– Э, боринг-е ! – Саида қип-қизариб тескари қаради.

– Тўғрисиам-да: хотин зоти борки, эрини қизганиб умри ўтади, икки орада бола сутсиз қолади. Майли, қизингни авайла, сал каттароқ бўлса, хўл мева билан кўп-кўп оқлик бергин, эсингда турсин, кўп оқлик еган бола, яхши одам бўлади. Чиройли нарсаларга қараб ўзингни хурсанд қилиб юр. Сен билан худо насиб қилса, тўрт-беш йилдан кейин кўришамиз. Тагин бир йилда югургилаб келмагин, уришиб бераман. Буйрагингни яхшилаб даволаш керак. Гапларим қулоғингда қолсин. Соғ бўл. Муаммо чиқса, беҳижолат келавер. Ёрдამим тегса, мен хурсандман.

Хайрулло чиқиб кетар чоғи, Саида унга чуқур ҳурмат, чексиз миннатдорчилик туйғуси билан қараб қолди. «Қандоқ яхши одам-а!» Чин дилидан унга қандайдир меҳр кўрсатгиси келди. Эшик очилиб, йўлакка қадам ташлаши билан ортидан овоз эшитилди:

– Хайрул... – бу ёғи жуда паст чиқди – ...ло ака...

Орқасига ўгирилган Хайрулло нима эсингдан чиқди, дегандай қаради. Саиданинг индамай қотиб турганини кўриб, эшикни ёпиб, қайтиб кирди:

– Нима гап?

– Бир нарса...

– Сўрамоқчимисан? Сўрайвер.

– ...

– Гапир, гапир ичингда қолмасин.

– Сизга, сиз...

Хайрулло хахолаб кулиб, кейин чақалоқни чўчитиб юборишдан чўчиб, уйғотдимми, йўқми деб, унга қараб қўйгач:

– Ҳаяжонланяпанми? Бемалол гапиравер, дардинг борга ўхшайди! – деди паст овозда.

Боя Хайрулло чиқиб кетаётганида Саиданинг юрагида тўлиб-тошиб сўзлар қуйилиб келаётгани. Миннатдорлигини аллақанча гаплар билан изҳор қилмоқчи эди. Айтар маҳали келганда, тили айланмай қолди.

– Тавба, битта туғиб тилдан қолдингми? Ўзи битта туғишли ҳолинг бор экан, яна операция қилсангиз, кўп туға олмайман деб дод соласан! – Халатининг чўнтагига иккала қўлини солиб яқин келди.

Саида Хайруллони биринчи бор кўрганда жуда кўпол кўринганди. Ундан кейин у пайтда ўз дарди, хаёллари билан бўлиб, бировнинг феълени ўрганадиган аҳволда ҳам эмасди.

Ҳаётнинг ҳамма қонунлари тескари. Унча ёқтирмаган одами унга ҳамдард бўлди. Хайруллони катта очилиб турган кўзларига қараб, ўзини тутиб олиб, секин гап бошлади:

– Яхши одамлигингизни кўнглим сезганди.

Хайрулло кулди:

– Мен яхши одамман ўзи!

– Мен сиздан жудаям... қанақа қилиб раҳмат айтишни...

Хайрулло унинг сўзини шарт бўлди:

– Менга қара, миннатдор она! Ҳаётда шунақа нарсалар борки, одамларни бир-бирига бўлган муносабати, айтадиган раҳмати, ё берадиган нарсаси билан ўлчанмайди. Одамлар орасида бунданам баландроқ турадиган нарсалар бор. Сен соғ бўлгин, қизинг катта бўлсин, эринг билан қўша қари. Менга шу керак. Саломат бўл.

Саида юрагида тўлиб ётган ҳурмат, меҳр, миннатдорчилик туйғуларига яна бир қанчасини қўшиб орқасидан қараб қолди. Суюкли эри тутган ҳашамдор гулдастандан, ҳашамдор машина, яқин қариндош-уруғларнинг давраси бир томон-у, кўз олдида кулиб турган Хайрулло бир томон эди.

12. ҚАРИ ҚИЗНИНГ ҚИСМАТИ

Танҳоликка маҳкум қилинган қизнинг еган оши – заҳар, кундузлари қоронғи; одамлар орасида кулиб юрса-да – бари ёлғон. Дил тубини ёлғизликнинг харсанг тошлари эгаллаб ётаверади. Ногирон бўлиб қолганида, ота-онасидан, кейинроқ бувисидан ажралганида умид қилган эди. Ҳамма нарса ташлаб кетса ҳам, орзу ва умид кетмади. Ўша харсанг тошлар устида орзу-умид гуллари илдиз отди. Уни ўша мудҳиш кунлардан умиди олиб ўтди. Ширин болачали бўлишни дилига тугиб яшади. Жанда кўнгилнинг ҳам умиди кимхоб, ахир!

Унга ҳеч ким росмана харидор ҳам бўлмади. Ёши ўтиб қолди. Бу орада Рустамни қаттиқ севиб қолишга улгурди. Тоғ-тоғ билан учрашмас, лекин Умида ...Рустам билан қовушди. Тақдирнинг ҳукмига тан бермай иложи йўқ экан. «Дилозорларнинг барчаси дўзахга маҳкумдир». Бу ҳадисда ҳикмат кўп. Озор топган дил гоҳида аламга чидай олмай шунақанги гуноҳга ботадики, айниқса, мадда олган қалб ундан қутулиш учун малҳам излашга мажбур бўлади.

У яқшанбани ёмон кўради. Бир кун уйда қолса, эрта қачон келаркин деб, тарс ёрилар ҳолатга келади. Борадиган жойи, келадиган одами бўлмаса. Ҳафтасига етти кун ишласа ҳам майли, ишхонада одамлар орасида юрса бўлди.

Эрталаб вақтли уйғонган бўлса ҳам, тургиси келмай ётаверди. Қуёш нури деразадан ўйноқлаб кириб, турсанг-чи деб қисталанг қилди. Аввал пешонасини, кейин юзини қиздириб, елкаларига тушганда, беихтиёр туриб кетди. Оқсоқланиб ҳовлида айланиб юрди. Қақраб ётган ҳовлига қараб сув сепиш керак деб ўйлади-ю, эриниб ошхонага

кирди. Бир нарса эсига тушдими, қайтиб чиқди. Битта-битта юриб, кўча эшикни очиб келди. Ўзини у ёққа ташлаб, бу ёққа ташлаб, охири чой қўйди. «Бирон нима пиширсам-микан, хўш... қуймоқ!» Жовондан ун, музлатгичдан тухум олиб, стол устига қўйди. Дераза табаларини очди. Кимнингдир ҳовлисида товуғи тинмай қақағляпти. Ойналарга кўзи тушиб, кир бўлиб кетганини пайқади. Қачон артганини эслай олмади. «Бугун артиб олсам бўларкан», деб ўйлади. Қуймоқ пишириш фикридан қайтиб, тайёрлаган нарсаларини жойига қайтариб қўйди. «Қаердадир эски-туски латталар бор эди». Ойна ювишга тутинган Умида, ҳовлида боласини етаклаб кириб келаётган ён кўшнисини кўриб, юзига хурсандчилик югурди.

– Келинлар! – Умида оқсоқланишига қарамай, зинадан югургудек тушиб, болачани кўтариб олди. Пўмпиллаган юзларидан чўлп-чўлп ўпиб: – Мени кўришга чиқдингми? – деди хурсанд оҳангда, сўнг аёлга юзланди. – Яхши юрибсизларми, кўринмайсизларам?.

– Юрибмиз, – Умида билан биргалашиб ошхонага кираркан аёл: – Ойижоним, ад-миз билан бозорга тушиб кетишди. Каттам ҳам эргашиб кетди. Шу баҳонада озгина ўтирайлик деб чиқиб келавердик! – деди.

– Яхши қилибсиз, зерикиб ўтирган эдим, – болачани стулга авайлаб ўтқазиб сўради: – Нима ейсан? Ҳозир сенга зўр нарса пишириб бераман, ейсанми?

Умида боя жойига қайтариб қўйган нарсаларини қайтадан олиб, қуймоқ пиширишга киришиб кетди.

– Вой нима қиласиз, зарилми? – деди кўшни аёл ва стулнинг оёғига туртиниб, бола-сининг олдига келди, овқат қилаётганида ёғ сачрайвериб, қорни доғ бўлиб кетган штапел кўйлагининг этаги билан ўғлининг бурнини артиб қўйди.

Умида столга чойнак-пиёла, печенье, сариёғ, қотганроқ бўлсаям нон кўяркан:

– Хадичангизни йўтали қолдимми? – сўради.

– Қолди опаси, қўлингиз жуда енгил-да, бирпасда тузатасиз.

– Олинг, Дилфуза, чой ичиб туринлар, мен ҳозир! – деди ва товадаги ёғни қиздириб, жазиллатиб қуймоқ пишира бошлади.

Шу аёл Умиданинг бувиси ўлган йили келин бўлиб тушган эди. Мактабни битираётганида фотиҳа қилинган қиз, турмушга чиқиб кетма-кетига бир қиз, бир ўғил кўриб, рўзгорга керакли буюмдек, уй ичидан чиқолмай, тўрт деворнинг маликаси бўлиб ўтириб қолган эди. Лекин ахборот йиғишда ундан ўтадигани йўқ, қобилияти зўр: кимнинг ҳовлисида нима бўлганидан доим воқиф. Кимнинг келини нимага кетиб қолди, кимнинг эри ким билан юради, муҳими, кимга қандай хабар кераклигини билиб, вақтида етказди. Гоҳида курақда турмайдиган ғийбатларидан Умиданинг энсаси қотса ҳам, ёлғизликдан қутқаргани учун эшитаверади. Нима деяпти, аҳамияти йўқ, жавраб турса бўлди. Ош-овқатни ҳам эпполмаганидан болалари очин-тўқин ғингиб юради. Қайнона уйда бўлмаса, болаларининг шўри қуриydi. Яхши қаралмаганидан гўдақларнинг боши касалдан чиқмайди. Иккала боласига қишин-ёзин Умида тинмай укол қилади.

– Уйга бормаганимга ҳам анча бўлибди! – деди Дилфуза пиёладаги ивигилган печеньеи боласига едира туриб. – Ойимга этсам ёқмагандайроқ бўлди. Бирпасда бозорга тушадиган бўлиб қолишди. Мен ҳам индамай кўя қолдим.

– Ўзи қайнонани миннатдор бўладигани йўқ экан, айтгандай, – Дилфуза гап орасига кўпинча «айтгандай» сўзини қўшиб гапирди. Эрига нон керак демоқчи бўлсаям, «айтгандай, нон ола келинг» дейди. Умида шу одатини билганидан, ҳар галгидек, бўлар бўлмас гапидир деб аҳамият бермай ишини давом эттираверди.

– Кеча опоқиникига чиқувдик. Ҳовлига жой қилиб беришибди. Олдиларида оз-моз ўтирдик. Хадича йиқилиб тушди. Рўмолларидан берувдилар, тиззасини бойлаб қўйдим. Шунини устига катта қизлари келиб қолди. Ош дамлашаётган экан, сузишгунча ўтирдик. Гапдан-гап чиқиб, анави ўлган овсинларининг эри бор-ку, шунини уйлантиришар экан. Шунга сизни мўлжаллаб келишибди. Опоқим этдилар, олса барака топадиган қиз, бахти очилса, арвоҳлар ҳам хурсанд бўлади деятувдилар, қизлариям қайноғамга кўрсатаверамиз деб тургандилар. Лоп этиб келинлари: «Бўлмайди, ўзиники бор», деб қолсамми?!

Суюқ хамир юқи тоғорачани юваётган Умида елкаси оша ўгирилиб:

– Нима ўзиники бор? – деб ҳайрон бўлиб сўради.

– Менам этдим, бўлмаган гап десам, келинлари: «Вой, Аҳмад акам этганлар, шу чўлоқ бўлсаям юради, деганлар», ўзимам мошинадан тушаётганини кўрганман деб турволди. Унга Мавжуда опам: «Зотинга қирғин келгур эркак зотига фарқи йўқ, қинғирми-

қийшиқми, нафас олса бўлди, юраверади» дедилар. Энди улар ҳар замонда машинадан тушириб кетадиган бўйи баланд йигитни айтишвотти-да! – Дилфуза шу гаплари билан Умиданинг сирларини билиб оладигандай бит кўзларини унга қадади. Қуймоқнинг охир-гиларини товадан олиб, лаганга солаётган Умида ўзини йўқотиб қўйди. Нималар деб валдираяпти бу? Тўқмоқ тушгандек боши айланиб, кўз олди тинди. Унинг учун бу яхши гап эмасди. Заҳар ичган одамдек кўнгли ўқчиб, жойида депсинди: юзи қорайиб, бояги меҳрдан асар ҳам қолмади. Йил-ўн икки ой ёлғизлик азобини тортиб, бахтсизлигидан ўкиниб юрадиган «қиз бола»... бу бало юкини қандоқ кўтарсин?!

Умида қарахт бўлиб қолди. Унинг аҳволини сезган кўшниси: «Зойиржонга пиширув-диз, кўнглиз қолмасин», дея ликопчадаги қуймоқларни лаганга солди-да, боласини етаклаб чиқиб кетди.

Умида бир зумда шилиниб тушди. Деразадан ташқари қараркан, куёшнинг булутлар орасига беркиниб, куннинг хира тортганини кўриб, дилини қоронғилик қоплади. Ўрнидан турмоқчи эди, ногирон оёғи азоб берди. Ихраб-сихраб бир амаллади. Бу нима деган гап? Опоқининг олдида ҳам шарманда бўлибман-ку! Опоқи юролмайдди, кўчага чиқмаса, қизи, келинларининг гапига ишониб қўя қолган-да. Анави телба ҳар куни ҳар хил машинада келади дегандир. Шарманда. Қўни-кўшнилари мени шунақа ёмон бўлиб кетган дейишарканда. Нега? Айбим нима? Ёмон иш қилганим йўқ-ку! Одамлар нега бунақа гапиришади? Нотавонлигим рост-ку! Даҳшат. Эй худо, нега? Ишга тўғри бориб, тўғри келсам, уйимга биров остона ҳатлаб кирмаса, ортиқча у ёқ-бу ёққа бормасам. Қаердан чиқди ўзи бу гап? Биров ёлғондан кўнглимни олай демаса, байрам ўтади, туғилган кунларим. Бирон марта биров номига бўлса ҳам табрикламаган. Ўзинг учун ўл етим, ўз кунимни ўзим кўрсам, биров оғиримни енгил қилмаса. Нега? Нега бунақа гап чиқди, қаердадир хато қилдимми? Рустам бир-икки марта обкелиб қўйгани учун шунча гапми? Яхшики, дарвозанинг тагигача обкириб қўймагани, бўлмаса... балки кўчани бошида тушганим учун шунақа гап қилишгандир.

Дод деб бақиргиси келди, аммо бақиролмади, ҳатто шу иш ҳам қўлидан келмади. Аламзада дил устига ғазаб ўти тўкилиб баттар ёна бошлади. Юраги куйди. Юмшоқ ёстиқнинг бағри ўтли кўз ёшларидан ҳўл бўлди. Ўксиниб-ўксиниб, охири ухлаб қолди. Эрталаб ойнага зўр-базўр қаради. Ўҳ-ҳў! Бир йил ётиб йиғлаган одамдай юз-кўзлари шишиб кетибди. Бу аҳволда ишга бориб бўладими? Ноиллож кийинди.

Юрагини қанчалик дард кемирмасин, маҳалладан бемалол бошини кўтариб чиқиб кетаверди. Алам билан қўшилиб ёниб ётган бўлса ҳам, ҳеч кимдан уялмади, ёмон иш қилгани йўқ ахир!

Касалхона дарвозасидан кираётиб Рустамнинг машинасига кўзи тушди. Ичкари кирса, тўқнаш келишини ўйлаб, юрагини бир нима ғижимлади.

Рустам акаси қадрдон бўлиб қолган. Ҳаммасини бўлмаса ҳам, гоҳо юз дардининг ярмини айта олади. Энди-чи? Ҳамширалар хонасидан чиқаётиб, йўлакнинг бошида бамайлихотир келаётган Рустамни кўрди-ю, индамай ўтиб кетди. Бундан ажабланган Рустам: «Кайфияти йўқроғми?» деб ўйлади. Умида унга яқинлашишдан чўчиди. Негадир биринчи марта шунақа бўлди. Қўшниларининг иғвосида Рустамнинг айби йўқ! Лекин гап-сўзларга қолмаслиги учун ундан айриладими энди?! Айрилиқ ёмон. Бир пайтлар дунёда энг ёмон нарса айрилиқ деб эшитган эди. Умида ёш бўлса ҳам, заҳарли аламини кўп тортган. Аммо ота-онаси вафот этганда жуда ёш, бувисидан ажралганда эса, йиғлаб-йиғлаб тақдирга тан берган эди. Ҳозир бир нарсани чуқур ҳис қилди. Ўлиб айрилиш осон экан, аммо тирик одамдан айрилиш – ўлимдан ёмон. Айниқса, заррача суянч унга тоғдек мадад бериб турган бир пайтда Рустам билан яқинлашиб, омонатгина бўлса ҳам унга суяниб юрди. Энди ўз хоҳиши билан ажраладими?! Азоб-ку! Бунга чидай олмайди!

Ҳар кунгидек ишини тугатганлар кун қайтиши билан уйига ошиқади. Умида ҳеч қачон уйига шошмаган, ким ҳам кутарди уни уйда?! Рустам бугун навбатчи эмас эди. Негадир кетмаяпти. Реанимация хонасидаги аёлни эмлаб чиққан Умида:

– Бугун навбатчимидингиз? – деб сўраб қолди.

– Хайруллони хотини касал экан, болаларимга қарамасам бўлмайди деб кетди. Мен қолдим, сиз ҳам қолинг, – Рустам кулиб ҳазил қилган бўлди.

Номига ҳазил қилиб айтилган гап, саҳрога сув келгандек, Умиданинг қалбини жунбишга келтирди. Орқасига қайтиб, катта ҳамширадан:

– Шоҳида опа, бугун ўрнингизга мен қолайми?! – деб сўради.

Яқиндагина тез ёрдам олиб келган аёлнинг қон босимини ўлчаётган Шоҳида опа кўзойнагини тушириб қаради:

– Уйингдан илон чиққанми? Ишхонага пропискага ўтиб қўя қол, овора бўлиб уйингга бориб келиб юрасанми!

– Ҳазиллашмаяпман.

– Бугун зарил ишим йўқ, мени ғамимни емай қўя қол.

– Мен қарзга туриб беринг демаяпман. Рост!

Шоҳида опа ўрнидан турди:

– Майли, сазанг ерда қолмасин!

Умида гарчи бу пичинг оғир ботса-да, иши юришганидан хурсанд бўлиб, аччиғи ҳам чиқмади. Опани уйига жўнатиб юбориб, қоронғи тушгунча Рустамнинг кўзига кўринишдан қочиб, беркинмачоқ ўйнаб юрди. Ҳамширани қидириб Рустамнинг жаҳли чиқди. Боя тез ёрдамда келган аёлнинг аҳволини билишга кирди-ю, бир зумдан сўнг бошида қаққайиб турган Умидага кўзи тушиб:

– Сиз навбатчи экансиз-у, билмабман, қаерда юрибсиз? – Рустам жаҳли чиққанини яширмади, лунжи пир-пир учди.

Ботир бир марта ўлади, кўрқоқ – минг марта. Ўзида жасорат пайдо бўлганини сезган Умида:

– Ўзингиз қолинг дедингиз-ку! – дея кўз қисди. Умидадан бундай ҳаракат кўрмаган, ҳазил эшитмаган Рустам беихтиёр жилмайди.

Тун оламни тобора ўз оғушига тортмоқда.

Ёзув-чизувини тугатган Умида Рустамни чойга чақирди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Рустамнинг тикка-тикка сочларига, чиройли кўзларига, текис елкаларига назар соларкан: «Қандоқ яхши йигит-а!» дея унга ҳавас билан тикилди.

Пиёладаги совиб қолган чойдан ҳўплаган Рустам рўпарасидаги мулоим кулиб турган Умидага қараб, унинг бугун “бошқачароқ” эканлигини сизди. Қарашлари ҳам ғалати! Тавба, шунча пайтдан бери гаплашиб, ўзгарганини сезмаган экан. Ўзи қиз боламикин?! Ҳар нечук, шайтон Рустамга ҳам таъсирини ўтказиб, шаҳват оловини ёқиб қўйди.

Вақт алламаҳал бўлди.

Бугун тинч, оғир касал йўқ, тез ёрдам ҳозирча ҳеч кимни олиб келмади. Реанимациядаги касаллардан хабар олиб қайтган Рустам хонасидаги диванга ёнбошлади. Ҳа-я, Умидага айтиб қўйиш керак эди. Бугун келган касалга координатор чақиртириш лозим. Шуни ҳозир айтмасам, эсимдан чиқиб кетади деб, оёғига шиппагини илиб, йўлакка чиқди. Умида навбатчиликда қолса, баъзи ҳамшираларга ўхшаб ҳечам ухламайди. Кечаси билан йўлакда “Ҳамширалар пости” деб ёзиб қўйилган столда ёзув-чизувини қилиб жимгина ўтиради. Касаллардан тинмай хабар олиб туради.

Аммо бугун стол бўм-бўш. Бирортасини мазаси қочганми? Реанимация тарафга юриб кетаётган Рустам ҳамширалар хонасининг қия очиқ эшиқдан ўтиб тўхтади. Орқасига қайтиб, қоп-қоронғи хонада деворга тақаб қўйилган кушеткада ғалатиноқ ўтирган Умида-ни кўриб, ичкари кирди.

– Тузукмисиз? – шивирлаб сўради Рустам. Умида бошини ён тарафга буриб, индамай унга ғалати қаради.

– Нега чироқни ёқмай ўтирибсиз?

Умидадан садо чиқмагач, меҳрибончилик билан сўради:

– Ҳеч қаерингиз оғримаяптими?

Умида хўрсинди. Ўрнидан туриб эшикни беркитиб келди. Қоп-қоронғи хонада энтикиб унга яқинлашди. Рустам нима бўлаётганини англамай уни бағрига босди. Сўзсиз узоқ кучоқлади...

Қиз Рустамнинг сочларини силаб, янаям унинг бағрига киришга интилди.

Тун сокин. Жимликни фақат энтикиб-энтикиб олинган нафас бузади. Онангни... қиз бола экан.

Рустамнинг кайфи учиб, асаблари таранглашди, уни уриб юборгиси келиб, ўзини зўрға қўлга олди. Боягина кўзига беозор, муштипар кўринган қиз, энди илондек кўриниб сесканди. Жаҳл қилиб кўнглини оғритиб қўймай деб номига эркалаб қўйди. Бўлар иш бўлди. Энди...шунга ўйланадими? Ўша қуни ҳақиқатан ҳам унга қийин бўлди. Чўлоқ қизга ўйланишга онаси икки дунёда ҳам рози бўлмайди. Гулдай фарзандини шу қорача қизга

раво кўрадиган онаси йўқ. Отасининг ўлиmidан сўнг оила деб яшаган Рустам тиббиёт институтини битириб, ишга кирди, кимсан фалончи дўхтир деган ном олди. Энди келиб-келиб, онасининг етти ухлаб тушига кирмаган қизга ўйланса, одамлар, маҳалла-кўй нима дейди. То Нигорага уйлангунча унга ана шу тиканли ўйлар азоб берди, жуда ҳам азоб берди. Олдига уйланиш муаммоси қўйилганда таранг қилиб вақтни чўзгани шундан эди. Кейин қараса, онаси кечгача ёлғиз, келинойиси вақти-вақти билан қарашса-да, асосий юмушлар волидасининг бўйнида эди. Уйланиш керак эди. Турган гапки, Умидага уйла-нолмасди. Охири, онасига: «Билганингизни қилинг!» дейишга мажбур бўлди. Онаси ҳар куни совчиликка бориб келди. Лекин она танлаган қизларнинг бирортаси унга ёқмади. Тақдирга ёзгани учрамагунча орадан анча вақт ўтиб кетди.

Бу орада Умида унга норасмий хотин бўлди.

Ўша тун Рустам виждонан қийналди. Нега бунақа қилди? Энди оласан деб туриб олса, бошини қайси деворга уради? Қаердан ҳам олдига кирди? Э, онасини, нима бўлса бўлар, мен зўрладимми, ўзи ёпишди.

Кунда Умидани кузатади, ўзини тутишига, қилаётган ишларига назар солади. Йўқ, хатти-ҳаракатида ўзига нисбатан зарда ё жаҳл сезилмайди. Нима ўйлаган ўзи бу қиз?

* * *

Кунлар ўтаверди, шайтон қизни яна ўз исканжасига торта бошлади. Бошида ўзини ўзи қийнаб юрган Умида, худди оддий ҳолдек бунга кўникиб кетди.

Энди у ёлғизмас. Гулга ҳам сув қуйса очилади. У ҳам ўзгариб, кўзлари чарақлайдиган бўлди. Худо энди бахтимни берди, атагани бор экан: мана, ҳомиладор. Хаёлан болачани чўмилтиради, эмизади. Ҳовлисида айлантириб юради, ўйинчоқлар олиб беради. Энди қоронғи кечалари шифтга термулиб ётишдан қутулади. Боласи йиғлайди. Кўтарасан дейди.

Рустам унинг аҳволини пайқаб қолиб, муаммони ҳал этиш учун зудлик билан чора излади.

Умида бўғриқди:

– Нега ахир? Нимага?

– Гапни кўпайтирма, хўп, шунақа бўпти, нега ҳаракат қилмай ўтирибсан, нимани кутяпсан? – Лунжи пир-пир учаётган Рустам Умиданинг тепасига келди. Яна нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, фикридан қайтди шекилли индамай қўя қолди. Икки қўлини чўнтагига солиб, стол атрофини айланди.

– Нега? – Бу сафар Умиданинг овози жудаям паст чиқди, стол устидаги қошиқни олиб, тесқари ушлаб столга чиза бошлади.

– Нима қиласан ҳаммани баробар қийнаб, шусиз ҳам яхши юривдик-ку!

– Сиз яхши юрибсиз, мен эмас! – Умида қўлидаги қошиқни тарақ этиб столга ташлади. Бир нуқтадан кўзини узмай, паст овозда гапирди. – Рустам ака, сиз уйингизга кетасиз, болаларингиз бўлмаса, жиянларингиз бор, жуда ҳеч ким бўлмаса, онангиз бор, сиз ҳеч қачон ёлғиз қолмагансиз. Буни нималигини ҳис қилиш у ёқда турсин, тушуна олмайсиз, мен доим ёлғизман. Энди шунақа ўтмайман-ку, мен ҳам ўзимни аёлдай ҳис қилгим келади. Бир кун мен ҳам қариб қоламан. Ким билан қоламан, менга ким қарайди? Нега бунақа томонларини ўйлагингиз келмайди.

– Одамлар нима дейди? Ўзи эсинг жойидами? Сен нега бу тарафини ўйламайсан?

– Одамлар билан ишим йўқ, ким нима деса десин. Одамлар дейсиз. Қани ўша одамлар? Кундузи ҳаммаси ғийбатимни қилади, кечаси ёлғизликдан сиқилиб, ё қоронғида кўрқиб ўтирганимда биттаси жонимга оро кирадимми? Касал бўлсам, тепамда биттаси келиб қарайдими? Улиб қолсам сув томизишга одам топилмайди. Қачон ўлганимни биров билмай ҳам қолади. Одамлар дейсиз. Тинчгина, туппа-тузук юрганимда, биттаси йўқ бу яхши қиз, қадамни тўғри босади дедими? Қайтанга ўшалар...

Умида кафти билан юзини тўсди.

Рустам унга ачинди. Ростданам унга қийин, жуда қийин. Лекин уям нима қилсин, бошқа иложи йўқ. Келин қилиб уйига оборолмаса, кўча-кўйда бирга олиб юролмаса, Рустам хоҳлаганда ҳам бунинг иложи йўқ.

– Умида, ҳаммасини биламан, сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, эсингда турсин. Лекин шуниям билгинки, мен никоҳсиз туғилган болани ёмон кўраман. Энг ёмон кўрганим – никоҳсиз бола. Энди ўзингга қара, мени десанг боладан воз кеч, йўқ десанг, ўзинг била-

сан, бошқа сенга айтадиган гапим йўқ. Вақт кам. Икки кунда менга жавобини айт. Қаерга боришингни айтаман. Ўзинг танла.

Кўз ёшлари шашқатор Умида бош силкиди. Икки кунни кутгандан нима фойда? Ни-мадир ўзгариб қолармиди? Рустамдан ажралса, кейин нима қилади? Ўттизга чиқиб, шу ўғри бахтга етишди. Шунданам ажраса, яна биров унга қарармиди? Тагин Рустамдақаси? Униям иложи йўқ. Узини ўйлаяпти. Боласи бор, онаси чўлоқ, деган гап чиқиб қолса, биров қизини бермайди. Мени деб уям бахтсиз бўлмасин. Майли, кейин деяпти-ку. Бир берган худо яна бериб қолар. Барибир, шунча яхшилик қилди, ҳар ҳолда кўнглимни олиб туради. Йиғласам, елкасига бош қўядиган одам бор-ку!

Аёл қалбининг чеки-чегараси йўқ. Уни ҳеч қанақа шаклга келтириб бўлмайди.

Адоқсиз, қолипсиз у!

Унда-мунда ҳаммадан беркитиб бош қўядиган елка учун... боладан воз кечди.

Шунга ҳам икки-уч йил бўлиб қолди.

13. УЧИНЧИ Ё ТЎРТИНЧИ ХОТИНИНГИЗ ЧАҚИРЯПТИ

– Зиё, битта кофе ичмайсанми?

Бир даста касаллик тарихини қучоқлаб кирган Зиёда Хайруллонинг ҳазилини тушу-ниб қаҳва дамлади.

– Ўзинг чаққон, оёғинг чаққон, тилинг чаққон. Сени кўрсам, тилимга тегирмонтош боғланади.

Қаҳва тайёрлаб, мақтов эшитишиш умидида турган Зиёдининг қовоғи осилди. Хўмрайиб Рустамга қараркан:

– Шу ўртоғингиз жуда қитмир, бир кун уришиб қоламасак деб қўрқаман! – деди аччиқланиб.

Хайрулло паст тушмади:

– Рустамга нима қиласан дардингни айтиб, бечора янги уйланган. Лекин мен сенга қарасам, нега ўн тўққиз ёшимда уйланган эканман, дея афсус қиламан!

Зиёда гап келганда отасини ҳам аямайди. Бир бопламайманми деб ўйлади-ю:

– Шуниям борди-келдиси борми? Мусулмончиликда тўрттагача мумкин-ку! – деди кесатиб, «яна бошқасига уйлана қолинг» деган маънода.

Хайрулло гапни ҳазилга бурди:

– Тўртталасигаям уйланиб бўлганман, Зиё!

Хонада қаҳқаҳа янгради.

Ҳазили бошига бало бўлган Зиёда қип-қизариб: «Боринг-э!» – дея хонадан чиқиб кетди.

Рустам мириқиб куларкан:

– Шуни нуқул ғашига тегасан, – деди қоғоздан кўзини узмай ва кўнглига қўл солиб кўрди. – Шу қизнинг сенга кўнгли бор. Сени кўрса қизариб кетади.

– Бехуда гапирма, у – қиз бола !

– Айтдим-қўйдим-да. Лекин нимадан сиқилаётганини билмасак ҳам айб бўлади. Бе-чорага қийин. Уйлангунингча роса оғзингни пойлади.

– Нега пойлайди, у билан ҳеч қанақа боғлиқлик жойим йўқ. Эрга тегиб кетаверсин!

Зиёда югуриб хонага кирди.

– Гапингиз тўғрига ўхшайди. Учинчи ё тўртинчи хотинингиз сизни чақиряпти.

Хайрулло безовталаниб, Зиёдага қаради:

– Эсинг жойидами? Учинчи, тўртинчинг нимаси? Ким чақирди?

Хайруллонинг гапларидан Зиёда, энди мени галим дегандек, бемалол яйраб кулди.

– Қўрқоқ экансиз-ку, рангингиз оқариб кетдими? Эрталаб тез ёрдам обкелган аёлчи, – Зиёда Рустамга қараб изоҳ берди – ҳозир реанимацияга кирсам, сизни чақириб бери-шимни сўради.

– Шунақа демайсанми?! – деди Рустамга қараб. – Сен кўрганмидинг?

– Қон босими билан келган. Ўн тўрт ҳафталик, бачадон чандиғи бор.

– Бориб кўрай-чи! – Хайрулло ойна-эшиқларни зириллатиб чиқиб кетди.

Бурнига кислород найчаси, билагига узун резина ичақдан дори улаб қўйилган. Осма укол томчилаб турибди. Ҳаворанг экранда рақамлар қон босимини кўрсатмоқда: муво-

занат бузилган. Ўҳ-хў, ишлар чатоқ-ку! Бемор ким бўлдийкин? Каравотга яқин борган Хайрулло дабдурустандан аёлни танимади. Касал бир нуқтадан кўзини узмай ётарди. Хайрулло уни таниди:

– Ие, Саида! Ўзингмисан?!

Саида ҳазин жилмайди.

Хайрулло ўпқалангандай бўлиб:

– Нега дарров чақиртирмадинг?! “Тез ёрдам” обкелганини эшитувдим, сенлигингни билмабман!

Саида гапира оларди, лекин истамади, сукутни ихтиёр этиб, маъносиз кўзларини бир нуқтага тикиб ётаверди.

Зиёда кириб устма-уст бир неча дорини томиридан юбораётганида, Хайрулло “ётиб тур, мен ҳозир келаман” деб чиқиб кетди.

Шифокорлар хонасига кириб, Рустамдан: “Носирова экан-ку, танимадингми?” – деб сўради. Рустам йўқ маъносида бош чайқади.

Хайрулло безовта эди.

– Ўн тўрт ҳафталик эканми? – деди хавотирланиб. – Беш ой бўлди операция қилганимга, туғиши мумкинмас, нега аборт қилдирмабди?

Рустам норозироқ бўлиб дўстига қаради:

– Касални дарров абортга тушириб бўларканми?! Ётқиши керак, текшириш керак, даволаш керак, кейин ҳомила олиб ташланади!

– Текшириб овора бўлишнинг кераги йўқ. Ҳомилани тўхтатиш керак. Барибир бўлмайди.

Рустам бош ирғаб тасдиқлаб қўйди.

Кучли уйқу дори таъсирида бир ухлаб турган Саида кўзини очганида бошида Хайрулло ғамгин турарди.

– Қаҳрамон она бўлгинг келиб қолдимми?!

Саида миқ этмади. Экрандаги рақамлар ўзгариб, қон босими кўтарилаётганини кўрсатди. Хайрулло ҳамширани чақириб укол буюрди-да, ўзи ташқарига чиқди. Ҳазил биллаптим бу жувон! Ростданам туғмоқчи шекилли! Буйрак билан ҳазиллашиб бўлмайди. Операцияга кўндиргунча эси кетувди, аборт қилдиргунча онасини кўради шекилли. Аҳволини билиб турибди, балога ақли етади. Лекин... гапира олмаяпти, бир нималарни ўйлаб сиқилган, шунинг учун мени сўраган, дарди бор, ёрилгиси келяпти-ю, ёрила олмаяпти. Гаплашиш керак.

Хайрулло уйга кетар чоғи ундан яна хабар олди. Қон босими бир оз баланд эди. «Яхши ётиб тур, эртага кўришамиз» деб чиқиб кетди. Уйга етиб келгач, «Дадам келди-ла!» деб оёғига ёпишган ўғли билан қизини нари-бери овулган бўлди-да, ичкарига кириб кетди. Орқасидан кўрқа-писа кирган хотинига индамай, юзини ёстиқ билан беркитиб ётиб олди. «Қайфияти ёмон, бир бало бўлганмикан, қайнонамникига кирган бўлсалар, ғиди-биди қилгандир», деган хаёлга борган Ғўзал ҳадиксираганча болаларини овозини чиқартирмай ошхонада олиб ўтирди. Озгина ётиб ўзига келган Хайрулло болаларини соғиниб, ошхонага чиқди. Лекин овқатланаётганида ҳам кечқурун болалари билан ўйнаётганида ҳам, хаёли фақат Саидада бўлди. «Туғиш ҳазилми унга?!»

14. ҚАЙСАР ОНАНИНГ ТАШВИШИ

Рустам Носировага тегишли анализ натижаларини, текширув қоғозларини жамлаб, унинг аҳволи билан қизиқди. Ўзгариш деярли йўқ. Қон босими дориларнинг кучи билан пасайиб, яна кўтарилапти. Бу аҳволда узоққа боролмайди. Ҳомила ривожланиши жуда суст. Гемоглобини паст. Хайрулло ҳақ – ҳомиладорликни тўхтатиш керак. Дарҳол. Орқага суриб бўлмайди. Тушдан кейин Хайруллога касаллик тарихини бериб, нима қиламиз дегандай қаради.

Носирова туғаман деб туриб олиши кутилмаган ҳол бўлиб, ҳаммани саросимага солиб қўйди.

– Ўзинг яна бир гаплашиб кўр, ҳар ҳолда эски қадрдонсан! – деди Рустам.

– Тўғри айтасан, гаплашиш керак! Касалнинг қорнини ёриб даволагандан кўра, дилини ёрсанг, тузатишинг осон кечади. Бу мени таълимотим, қалай, фикримга қўшилсанми, Гиппократ?.

– Шу таълимотингни амалда исботлаб берсанг, янаям қўллаб-қувватлардим. Дардисар касаллар билан осон чиқишасан!

Хайрулло кўпинча ички сезгисига ишониб, бемалол қарор қабул қиларди. Олдинги сафар Саидани операцияга кўндирганда ҳам ўзига ишонганидан бемалол гап бошлаганди. Бу сафар кўнишига ўзининг ҳам кўзи етмай бир оз қийналди. Кечки пайт кўндириш илинжи билан яна унинг олдига кирди. Бу сафар навбатчи эмас эди.

– Қизингни соғинаётгандирсан? Уйингдагиларга айт, обкелишсин, айтиб қўяман. Яна соғинтириб касал қилиб ўтирма. Эринг кўринмайди? Туғишга ётганинда кетказиб бўлмасди. Ё мен кўрмайманми?

Саида бу одамни жуда ҳурмат қилади. Аввалги сафар қизи туғилганидан кейин уйига чиққунича жуда кўп ғамхўрлик қилди. Худди олдиндан қадрдон бўлгандек, жуда меҳрибон. «Шунчаки яхшилик қиладиган одам ҳам бўларкан-да: дилдош-суҳбатдош».

Аввалги сафар Саиданинг кўнглидагини топиб, мушкулини осон қилганди. Бу сафарчи?! Бу сафар ҳам кўндираладими?! Саиданинг илтижолари қарашлари Хайруллонинг кўнглини ўртади.

– Шу одатинг қачон қолади, а? – деди унга астойдил ачиниб. – Ўзингни ўзинг қийнайверасанми? Ён-атрофинга қара, ҳамма яшаяпти. Эринг бор, оиланг бор, боланг бор. Яна нимага сиқилаверасан?! Ўзингни қўлга олсанг-чи?!

Саида охири тилга кириб:

– Хайрулло ака, туғмасам бўлмайди! – деди кўз ёши қилиб.

– Сабаб?! – Хайрулло ҳар галгидек масалани кўндаланг қўйди.

– ...

– Сабаб яна эринг, тўғрими?

Саида ютиниб, гапирмоққа чоғланган эди, Хайрулло қўймади.

– Саида, сен синглимдайсан, қаттиқроқ гапирсам кўнглинга олма, энг аввало юракни кенг қилиш керак. Ҳамма нарсагаям сал юракни ёйиб назар сол. Юраги тор одам яшади нимаю, яшамади нима? Унақаларни доим кўнгли тўлмайди, нимадандир норози бўлиб юради. Сен нега доим икки оёғингни бир этикка тикиб юрасан? Дунёга бошқача кўз билан қарагин. Сен нима деб ўйлайсан: ҳаёт бировга ширин, бировга аччиқми? Ё кимгадир пул тутиб, кимгадир мушт туширадими? Йўқ, ҳаёт ҳаммага баробар, бир хил нарсагани – яшашни инъом қилади. Фақат ҳамма ҳар хил нарсагани олади. Агар билсанг, ақлли одамлар яхши нарсаларни ўзлари ҳаётдан юлиб оладилар. Бошқа иложи йўқ. Шалвираб ўтирсанг, ўтираверасан. Билиб қўй, ҳаётга қанақа кўз билан қарасанг, худди шунақа туюлади. Бахтсизлиқданам бахт топиш мумкин, фақат каллани ишлатиш керак. Ҳозирги аҳволингни қара, туққанинга ярим йил бўлгани йўқ, кўлингга гулдек қизни олдинг, соппасоғ. Хўп, худо яна берибди, сен қийналмагин деб, ҳомиладорликни тўхтатишмоқчи. Бошингда тупа-тузук эринг бор, бировдан кам жойинг йўқ, қийшиқмассан, чўлоқмассан, айбинг йўқ. Лекин сенга қараган одам, катта айб иш қилиб қўйибди дейди. Афт-ангорингни тузатиб ол.

Хайруллонинг чапани гаплари Саиданинг юзига табассум ҳадя этди.

– Хайрулло ака, гапларингиз ҳар доимгидек тўғри. Фақат биласизми, ён-атрофим тўла одам, лекин кўнглимни ҳеч кимга очолмайман. Бунданам баттар ёлғизлик бўлмас экан.

– Тўппа-тўғри, бу – даҳшат, сиқилган пайтинг бемалол юрагингни очиб-сочавер, бе-хихолат.

Саида қулди.

– Қизим туғилгандан бери умуман бегона одам билан яшаётгандекман. Унга сездирмасликка ҳаракат қиламан, лекин бу ҳолат борган сари мени қийнаяпти.

– Сабаб?

– Чунки, ҳаммаси ясама, ҳамма нарса омонатга ўхшайди. Ё мен ўзгариб қолганман, ё эрим олдингидаймас. Ҳаттоки қизим, уйим ҳам бировнинг омонатига ўхшайди...

Депрессия... операциядан кейинги ҳолат, руҳий жараёнлар секинлашуви, кайфи-ятнинг бузилиши. Шунинг учун ҳеч очилмайди. Сиқилгани-сиқилган. Доим ёмон нарсаларни ўйлаб юради, кўнгли ғаш. Юрагига қил сиғмайди. Назарида, дунёдаги энг бахтсиз,

омадсиз одам. Туғруқдан кейин кўп аёллар шу дардга учрайди. Афсуски, кам, жудаям кам фоизи мутахассисга муружаат қилади. Ўз аҳволини тушунмаслигидан оиласида ҳар хил можаролар келиб чиқади. Қўйди-чиқдиларнинг асосини ҳам шу ҳолатга тушганлар ташкил қилар балки?

Хайрулло Саиданинг аҳволига қараб туриб, ўзини эркак қилиб яратганга тангрига шукрона айтди. Невропатоолог, психотерапевт маслаҳати керак. Эртага, йўқ бугуннинг ўзида чақиртириш керак. Операция асаб тизимига қаттиқ таъсир кўрсатган.

– Кел, очикчасига сенга айтиб қўя қолай, ҳозир дод десанг ҳам, вой десанг ҳам туға олмайсан.

– Нега энди?

– Биринчидан, ҳали вақтли, бачадоннинг чандиғи битмаган, иккинчидан, яна қон босиминг, учинчидан буйрагинг ёмон, ҳатто жуда ёмон, тўртинчидан яна камқонлигинг, бешинчидан, бу аҳволда бола соғлом ривожлана олмайди, ундан кейин қанақа онасан, қизингни ўйлагин, бечора қийналиб кетди!

– Хайрулло ака, бир илтимосим бор.

– Бемалол.

– Олдинги сафар, операциядан кўркувдим, ҳечам хохламагандим, тўғриси... сиз менга анчагина далда бўлувдингиз, энди, энди... яна бир марта... шу болани туғиб олишим керак.

– Оиланг тинчми ўзи?

Саида бирдан ҳўнгради. Хайрулло ҳам бемалол йиғлаб олсин, деб қўйиб бериб, экрандаги қон босим кўрсаткичларини кузатиб ўтирди.

– Шу болани туғмасам... эримдан... ажрайдиганга ўхшайман!

– Аниқ сабаб борми?

– Билмадим, лекин шунақа деб ўйлаяпман.

– Ҳеч қанақа асосинг йўқ. Ўзинг мияннга қўйиб олгансан. Бу – руҳий ҳолат, кўп аёлларда туғруқдан кейин шунақа бўлади. Кўряпсанми, руҳиятинг, асабинг чарчаган, бу аҳволда қанақа қилиб туғмоқчисан, ҳечам иложи йўқ. Ке, ҳомиладорликни тўхтатиб, асабларингни даволаймиз. Мана кўрасан: умуман бошқа одамга айланасан. Ҳаммаси изга тушиб кетади. Бояги гапни миянндан чиқариб ташла, эринг туғасан деб мажбур қилмаяпти-ку! Сенга ҳеч нима деб даъво қилмаяпти... бошқа бировни топиб олмаганими?

– ...

– Агар топиб олган бўлса, сенга айтиб қўя қолай, бола туғиб ушлаб қоламан деб ўйлама. Хоҳласа, ўнта бола билан ҳам ташлаб кетади.

Бу гапларни эшитиш Саида учун оғир эди.

– Мен сизга ишонаман... шу болани туғишим шарт! – деди у ялинган оҳангда.

– Бунақа нарсани илтимос қилма, бунга ҳаққим йўқ.

– Сиз мени ҳаммадан яхши тушунасиз.

Саида Хайруллонинг кўзларига шунақанги термулдики, дийдаси қаттиқ Хайрулло дош беролмай уҳ тортиб, чиқиб кетди.

Бўлим мудирини Заҳро Пўлатовна Хайрулло, Рустам билан бошлашиб, профессорнинг олдига кирди. Вазият жиддийлигини ҳамма яхши билади. Оппоқ сочли, қовоғи солиқ профессор қуюқ қошларини кериб, шунақа бўлишини билардим, дегандек уларга қаради ва:

– Баъзида аёлларга тан бераман, баъзида улардан жаҳлим чиқади. Гоҳида ўйланиб қоламан, биз бўлажак оналарни – қизларни тўғри тарбиялаяпмизми, йўқми?

Рустам профессорга ажабланиб қаради. «Нега энди аёлларни эмас, қизларни?»

Хонадагилар профессорни гапидан чалғитиб қўйишдан кўрққандай, қимир этмай ўтиришарди. Гулдираган овозда, профессор худди ўзига ўзи гапириб, қаттиқ таъсирланаётган одамдай бир нуқтага тикилиб давом этди.

– Аёл бўлдинг дегани, орқа-ўнгинга қарамай йилига туғ дегани эмас! Носировани биздан кетганига ярим йил ҳам тўлгани йўқ. Аввалига операцияга рози бўлмовди. Кесар кесиш усулини бизда кўпинча қоралашади. Табиий туғиш ҳеч қанақанги муаммо туғдирмаса-ку, бу энг яхши йўл. Аммо она ва бола, иккисидан бирининг, ё иккаласининг ҳам ҳаёти ҳавф остида қолса-чи? Айнан шу кесар кесиш усули билан бир неча миллионлаб она-болаларнинг ҳаётига қайтгани маълум! Ёинки аборт! Бировга қарасанг, йилига ўнта аборт қилади, бировга қарасанг, ўн йилда битта туғади. Наҳотки, шунча

харакатларимиз эвазига аёлларимизни туғишдаги, оиладаги савиясини ошира олмасак. Аборт бу туғилмаган болани ўлдириш дегани. Динда бу нарса қаттиқ қораланиши бежиз эмас. Аммо аёл ҳаёти ҳавф остида қолганда, қаршилик қилиш ўзига зулм қилиш эмасмикан? Аёлларимиз бунинг меъёрини белгилай оладиган даражага етиб олишармикан? Ҳамма нарсани, шу жумладан, боланиям берадиган худо. Носированинг хомиладорлигини тўхтатишимиз керак эди. Қаттиқ қаршилик кўрсатгандан кейин мажбур қилишга ҳаққимиз йўқ. Энди олдимиздаги муҳим вазифа туғишигача сидқидилдан даволаб, эсон-омон боласини қўлига олиб бериш. Доимий назоратда қон босимини бир меъёрда ушлаб туришимиз керак. Қўшимча анализлар олиб, бўйрагини даволаш учун дори-дармонларни кўпайтириш керак бўлади. Ҳозир ўн олтинчи ҳафтада бўлса, худо хоҳласа, ўттиз тўртинчи ҳафталарга бориб, операцияга оламиз. Боласи жудаям кичкина, агар кетаман деб тихирлик килса, йигирма ҳафталардан кейин уйига жавоб берсак бўлади. Лекин назоратни кучайтириш керак. Ўшанда ҳам вақтида қатнаб туриш шарти билан жавоб берамиз.

Захро Пўлатовна назарида профессор ҳозирнинг ўзида Носировога жавоб бериб юбораётгандай туюлди. Эътироз билдиргиси келди-ю, «шунча гапидан кейин гапирганим билан инobatга олармиди» деб индамади. Хонадан чиқар пайти барибир чидаб туролмай:

– Шунча одам битта жиблажибондай қизга гапимизни ўтказма олмасак, – деб мингфирлаб қўйди.

15. ҚАЙНОНА – ҚИЙИН ОНАМИ?!

Қайнонасининг дарғазаб овози ҳовлига баралла эшитилмоқда эди.

– Келин қилсам, ҳузурини кўраман дегандим, йўқ, келин қилдим нима-ю, қилмадим нима? Қайтанга мен унга хизматкор. Кечгача уйга кирволиб, билмайман нима қилади, онаси уйда туққанми, нима бало?

«Нима айб қилибман» дея хомуш тортган Нигора эрини кузатгани чиқишини ҳам, чиқмаслигини ҳам билмай беихтиёр дераза раҳига беҳол суянди: юраги тез-тез уриб, ичида нимадир зириллади. Титроғи босилгач, оғир хўрсинди-ю, ҳовлига югуриб чиқиб, дарвоза олдини супуришга тутинди. Қайнонасига кўзи тушиб қолишидан чўчиб, жонжаҳд билан ишини тугатиб, тушлик учун овқат бошлади. Хаёлида «қайнонамнинг кўнгли тўлмапти, ҳали эри келса, нима деркин, биринчи тўқнашув бўладими?» деган гап чарх уриб, бутун аъзойи бадани қақшар эди.

Дастурхон бошида қайнонаси ҳеч нима бўлмагандай очилиб-сочибли овқатланди. Нигора эса яна гап эшитиб қолмай, дея ҳовлида ғимирсиб юрди. Бошқа не иложи бор?

– Ишинг тугадими? – деди Рустам унга ва: – Ўзи соғинасанми ҳеч? – дея уни бағрига тортди. Кутилмаган муомаладан эсанкираб қолган Нигора суюнишини ҳам, суюнмасликни ҳам билмай анграйиб қолди.

Кунлар бир-бирини шитоб билан қувади. Аллақачон жазирама саратон кунлари бошланиб, ҳамма салқин жой қидиради. Қоқ пешинда ҳовлида қилар ишнинг ўзи йўқ. Нигора муздек уйга киришга қайнонасидан чўчийди. Эрталабдан бери ҳовлига олти марта сув сепди. Азонда ювилган кирлари аллақачон қуриди, ҳатто уларни дазмоллашга ҳам улгурди. Ланг очиқ эшикдан кўчага кўзи тушиб, юраги бир хаприкди: қанийди хоҳлаганда кўчага чиқа олса? Уйини, онасини қўмсади. Кўнгли очиқ эшикдан бир ҳатласанг бас, ҳаммасидан қутулиб, енгил бўласан дейди. Кўзини чирт юмиб, чиқиб кетгиси келди-ю, ўзини тутди.

Ҳар куни аҳвол шу. Қайнонаси овсиникига чиққан эди. Ҳалигача дараги йўқ. Эри ишда. Овсини уйи яқин бўлсаям қайнонасидан қўрқадими, кўп чиқмайди. Чиқсаям боласини баҳона қилиб, дарров орқага қайтади.

Нигора нима иш қилишини топгандай суюниб, ошхонага кирди, эрталаб пиширилган сомсасидан идишга солиб, дарвозахонага борганда тўхтаб қолди. Бир оз туриб, орқасига қайтди. Кейин ўзича, чиққаним сабабини сўраб қолсалар, кечқурунга нима овқатлигини сўрашга дейман, дея ўйлади. Эшикни ёпиб кўчага шошди. Баланд сўрили, атрофи панжара билан ўралиб, ичига игна баргли дарахтлар экилган дарвоза ёнига бориб, эшикни тақиллатмоқчи эди, ичкаридан қулфланмаган экан, қўл теккизган ҳамона бир тавақаси

очириб кетди. Кенг йўлақдан ўтиб бораркан, ҳовлидаги сўрида ўтиришган шекилли, қайнонасининг шанғиллаган товуши келди.

– Узиб-узиб гапираман дейман, кел, қўй дейман, мулла Мисрнинг тиними йўқ, қилган ишини унуми йўқ! Келин деганни товонидан ўт чақнаса, бу уяққа ўтади, буяққа ўтади, нима қилганини билмайман, тиржайишни биламан деб, тиржайгани тиржайган. Қилган овқатини егим келмайди, ювган кирини кийгим келмайди. Қайнингизга шунча гапирдим, талқон ютган. Миқ этмайди. Бу бўшашгани бошида маълум эди. Хотин эпполмайди. Қўлига латта тутмаган, онаси иш ўргатмаган, яхшики, шу кунларда ўқиши йўқ, бўлмаса бу кунларам ҳолва бўлиб қоларди.

Сомса кўтарган Нигора, бирпас калтак еган боладай жовдираб туриб, кейин орқасига қайтди. Кўзига аллақандай хунук кўриниб қолган ҳовлига кириб туриб қолди. Юраги эзилди. Хўрлиги келди. Ўзига ўзини раҳми келди. Дили пораланди. Айби нима? Узоқ ўйлаб барибир тополмади. Нажот қидирди. Оғир хўрсинишдан бошқаси унга юпанч бўла олмади. Мадад кутди. Йиғи ёрдамга келмади. Ҳовлининг деворлари тўрт тарафдан сиқиб кела бошлади.

Иш қилиш керак!

Шундан бошқаси миясига келмади. Ҳамма хоналарни кўздан кечириб иш қидирди. Юраги бесаранжом урди, қўли ишда-ю, хаёли қайнонасида: «Ҳали чиқса нима деркин?»

Ичида қалт-қалт титроқ турган Нигора кечгача қайнонасига кўзи тушиб қолишидан кўрқиб, чекка-чеккада беркиниб кунни ўтказди.

Унинг кунлари, бошқанинг эмас, айнан унинг кунлари шу тарзда ғариб қариди.

Бахтга нима билан етишилади – фақат сабр билан. Ҳар қанақанги ташвишлардан узоқ, умуман хотиржам ўсган Нигора сабр улашилганда мўл-кўл қилиб берилган десак бўлади. Бора-бора қайнонасининг иғвосига кўникиб, ҳаттоки ҳайрон ҳам қолмайдиган бўлди. Кўникишга кўниқди-ю, лекин кўнгли хотиржам эмас. Доим ниманидир кутиб, хавотирланиб яшайди. Худди қадам босса портлайдигандек. Оғзидан гап чиқиши амри-маҳол, юраги питирлагани-питирлаган. Тўйдан кейин ўтган фурсат ичида эри унга бирор марта на қўполлик қилди, на ортиқча меҳр кўрсатди. Муомаласини ўзгартирмайди. Доим бир хил. Ундан кўра бақириб ургани, сўккани минг марта яхши эди. Ярим йилдан ошса-да, ота-онасига бирор марта гап кўтариб бормади. Ҳар сафар худди ҳаммадан бахтли келиндай кўринишга ҳаракат қилди. Сиртдан қаралса-ку шундай, лекин ичида доим нимадир ғалаён қилиб, юрагини сиқувга олади.

Кечгача дунёнинг ишини қилиб чарчаган Нигора уйга кириб кийимини алмаштирмоқчи эди. Негадир ҳолсизланди. Хонадаги жиҳозлар кўзига бефайз кўриниб, аллақандай қийматсиз нарсига ўхшаб туюлди. Жавондаги қимматбаҳо сервислар, биллур идишларнинг ҳаммасини онаси билан не орзуда саралаб олишганди. Қўйилган жойида қимирламай турибди. Бу ҳовлига меҳмон ҳам келмайди. Унда доим жимлик ҳукмрон.

Кўзига кўринган ҳамма нарсани олиб отгиси, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди. Анчадан бери йиғи ундан юз ўгирган. Оғир руҳий ҳолатда одам йиғлаш қобилиятини йўқотади. Шу даражага етиб қолдимиз?!

Нигора чуқур хўрсиниб, ётоқхонасига кириб, жавонни очди. Нима кийса экан? Эри барибир аҳамият бермаса керак. Кийими билан иши йўқ. Нима билан иши бор ўзи? Келгандан кетгунча онаси Нигорани ёмонлайди. У бўлса миқ этмайди. Биттаси ёмонлашини қўймайди, биттаси оғзини очолмай эшитишини қўймайди. Соғи борми ўзи буларнинг? Келин бўлгандан бери бу уйга нимага кераклигини билполмайди. Бу уйда унинг ўрни борми ўзи? Овқатни қайнонаси ўзи ҳам эплайди. Йиғиб-терарни кунда бўлмаса ҳам, кунора қилиб олаверади. Фақат шунинг учун Нигора шу уйда туриши шартми? Нигора бўлмаса Рустамнинг ҳаёти бояги-боягидай ўз йўлида давом этади.

Ўзига жуда ярашадиган калта халатини лозими билан олиб кийиб кўрди. Тошойна қаршисига борди. Доимо қадди-қоматига ҳавас билан қарайдиган Нигора бу сафар негадир маъюс қаради. Пардозга ҳам ҳуши келмай турганди, кўча тараф деразасидан қўшнисининг овози келди:

– Келинингизга яна нима керак экан ўзи, уй-жойи тайин, қорни тўқ, усти бут бўлса, бир хиллага ўхшаб қайноналик қилавермасангиз, эри ҳадеб тергамаса, аслида келин зотини бўш қўйиб бўлмайди.

Қайнонаси Нигорани ҳали ҳам ошхонада деб ўйлаган бўлса керак, бемалол иғвосини давом эттирди:

– Бир умр шу болаларни деб, йиғиб-териб яшаган эдим. Инсофни ўзига бермаса қийин экан.

Нигоранинг оёқлари қақшаб оғриди. Бу хотин соғми ё жинними?! Камчилигим бўлса, бетга айтсин. Бировларнинг олдида ҳеч нима бўлмагандай гаплашади. Нима керак ўзи бунга? Қариндош-уруғ, маҳалла-кўйда ёмонламаган одами қолмади. Жинни деса жиннига, соғ деса соғга ўхшамайди. Одамнинг айбини ўзига айтмай орқасидан иғво қилади.

Дод деб югуриб чиқиб, қайнонасининг сочини юлгиси келди. Телбалардек ўтирган жойида атрофга олазарақ қаради. Ўзи адашди, бошқача бўлиши мумкин эмас!

Қоронғи тушса-да, Рустамдан ҳамон дарак йўқ. Нигора ҳар кунгидек яна ёлғиз. Қайнонаси ўзининг хонасида, ё аллақачон ухлаб бўлган, ё телевизор кўряпти. Кутиб-кутиб чарчаган Нигора, уйқусирашига қарамай кўчадан машина товуши келиши билан, дик этиб ўрнидан туриб, деразадан қарайди. Машина тўхтамай ўтиб кетса, яна жойига келиб ётади.

Қанийди, биттагина китоб бўлса. Ўзи билан фақат дарсликларни олиб келган, яхши кўриб ўқийдиган китобларини йиғаетганида, келинойиси «келин нарса китобга бало борми, ишдан қўяди» деб китобларини бердирмаганди. Каравот ёнбошига қўйилган тумбочка тортмасини очиб, «Болалар касалликлари» китобини варақлади, турли жадваллар кўнглига тегиб, китобни ёпиб қўя қолди. Шу топда маҳмадона келинойисидан ранжиди.

Вақт алламаҳал бўлди.

Ҳали Рустам келса нима деб айтади? Нигоранинг кўнглида гоҳ қувонч уйғонади, гоҳ унинг ўрнини хўрсиниш эгаллайди.

Кўз олдида болача пайдо бўлди, ўғил бўлармикан, ё қиз? Қиз отани бой қилади, дейишади. Яна баракаям дейишади.

Шунақа хаёллар билан ухлаб қолди. Бир маҳал кўнгли беҳузур уйғонди. Дарҳол турмаса, ўрнига қайт қилиб юборишини билиб, ҳовлига югурди: томоғи, бурни, қулоғигача ачишди. Тоза ҳаво олиб, бир оз енгил тортиб, қаддини ростлагач, орқасида турган Рустамни кўрди. Қачон келган экан? Иккаласи бир-бирига тикилганча, жим қолишди. Уялиб ерга қараган Нигора ёлғондан бурнини тортиб қўйди.

Рустамнинг кўнглига илиқлик югурди. Яқин келиб хотинининг елкасидан қучиб, «ўзингни эҳтиёт қил» деди. Бўлди. Бор-йўғи шу. Нигора бундан бошқасини кутмаган ҳам эди-ю, лекин барибир ноумид шайтон, кўнгли тубида нимадир йилтиллаб турувди. Шу йилт этиб турган нарса Рустамнинг бир оғиз гапи билан лоп этиб ўчиб-қолди.

16. АЁЛНИ ЁЛҒИЗ ТАШЛАМАНГ!

Туни билан мижжа қоқмаган Саида, азонга яқин бир оз мизғиган бўлди-ю, яна чўчиб уйғонди. Кўнгли алғов-далғов, безовталигини қорнидаги боласи ҳам сездимиз, ғамирлаб тепа бошлади. Саида меҳр билан қорнини силаб қўйди. Она қўли тафтини сезган ҳомила ором топди. Ёнида беозоргина пишиллаб ухлаётган қизчасига тикилганча суюнди ва уни уйғотиб юбормаслик учун авайлаб, меҳр билан бағрига олди. Унга ука келтирса, бағри янада тўлишади.

Оппоқ тонг жилмайиб кириб келди.

Қорни катта Саида, оғирлик қилсада, қизини жойига ётқизгиси келмади, қўлида кўтарганча туни билан ёқувли қолган чироқларни ўчириб чиқди. Кеча эри уйига келмади, кута-кута тунни бедор ўтказиб, интиқлик билан эшик пойлади. Қизини кўтариб, балконида чиқди, деразадан кўчага тикилди, соатга қаради, яна кўчага қаради, яна соатга қаради. Юраги сиқилиб, қизини жойига ётқизди. Уйғонса бирон нима едираман, деб ўйлади. Ошхонага чиқиб, бўм-бўш музлатгични очиб, худди шунақа қилса, бир нарса топилиб қоладигандек узоқ тикилиб турди. Сўнг беҳол секингина ёпиб қўйди. Ҳар доим шунақа, ҳеч нима йўқлигини билса ҳам очади, ёпади. Идишда охири кўриниб қолган картошқадан икки дона олиб сувда қайнатди. Қизи уйғонгунча пишган картошқани эзиб, туз қўшиб аралаштирди. Ёғсиз, сутсиз картошка қизига бемаза туюлдимиз, инжиқланиб егиси келмади, сут ичадиган шишасида илиқ чой тайёрлаб берди. Юраги эзилиб кетиб, қизини эркалаб, ширин гапиришга ҳам ҳоли келмади, бағрига маҳкам босиб хона ичида айланиб юрди.

Эшик жим. Телефон жим.

«Қаерда экан, соғмикан ўзи, нимага бунақа қилади, қаерда бўлса ҳам кўнғироқ қилиб, бир оғиз гап билан хотиржам қилиб қўйиш мумкин-ку! Тинчлик бўлсинда ишқилиб. Онаси-дан эшитган гапи ёдига тушди: «Ёмон хабар тез тарқалади. Тинчдир!» Ўзини-ўзи алдашга ҳаракат қилса ҳам, бу гап барибир кўнглини тинчита олмади. Меҳмонхонага киравериш-дан тўғрига чиройли рамкада осилган, иккаласи тўйида бошини-бошига қапиштириб туш-ган суратига қараб дили ёмон эзилди. Қандоқ яхши кунлар эди. Бирпасда ўтиб кетибди. Энди яна қайтармикан? Ҳозирги бўлаётган воқеалар ўткинчимикан? Ўтмиши ширин туш-ни ёдига солгандек бир лаҳзагина бўлса-да, хаёлини ярқиратиб ўтди. Кейин яна одамни эзиб қийнагучи хаёллари оғушида қолаверди. Эмаклар хонада айланиб юрган қизига қараб раҳми келди. Бошқа болаларга ўхшаб тўполонниям билмайди. Кўча эшикни биров тутқичидан тортгандек туюлиб югуриб борди. Ҳеч ким йўқ. Орқасидан эмаклар келаётган қизини полдан кўтариб олиши билан телефон жиринглаб юрагини ўйнатди, ҳам ҳадик, ҳам умид билан трубкани кўтарган Саида онасини товушини эшитиши билан ҳафсаласи пир бўлди. Онаси худди эри кечаси келмаганини билиб қоладигандай, қисқа-қисқа жавоб қайтариб, гўшакни қўя қолди. Хаёли эрида бўлгани учун онаси билан тузукроқ гаплаша олмагандек туюлди. Онасини дили оғридимми? Ўзи қачон нотинч бўлса, онаси ё дарров телефон қилади, ё югуриб келади. Эри келмаганини билиб қолса, юраги қисилиб юрма-син деб, уни аяган бўлди. Аяйман дейди-ю, ўзи билмаган ҳолда нуқул ранжитиб қўяди. Оналар ҳамма нарсани сезиб туришади.

Онаси кетгач, юрагининг саҳрога айланганини ва унда аччиқланиш изғиринлари кўтарилганини сезди. Пешинга бориб, асаблари таранглашган Саида «шунақаям масъу-лиятсиз одам бўладими!» деган ўйда қаттиқ тутқиб, чаккалари сирқираб оғриди. «Да-дам қанилар?» деб сўрайвериб, юзлари сўлиган қизнинг кўзларига қараб, баттар эзилди. Бугунги кун шу зайлда ўтиб, шомга яқин Умид кириб келди. Бир кеча-кундуз давомида алам ва хавотир ўтида ёнган Саида эрига аҳволини билдиришга ҳам кучи етмади. Ка-ловланиб юрди. Ҳеч нима бўлмагандай кириб келиб, тунни осойишта ўтказган эри яна ҳеч нима бўлмагандай эрталаб чиқиб кетди. Ўз ёғига ўзи қовурилиб, бир оғиз гап ҳам ай-толмай қолган Саида яна тўрт девор ичида изтироб ўтида ёнди. Нималар бўляпти ўзи? Нега бунақа қилдилар? Ёқмай қолдимми, нима бало?! На мени соғлигим билан иши бор, на қизига меҳри бор, ҳеч нарсага қизиқмайди, уйга фақат ётишга келади. Умид акам учун оила нима дегани ўзи, кўчага чиқиб кетганидан кейин қизиними, меними эслармикан? Эр-как киши уйдан чиқиб, етти қадам юрса, бўйдоқ дейишади. Умид акам ... йўқ, саёқ юриши мумкинмас, мени яхши кўрарди-ку. Бир қарасанг бинойидек, бир қарасанг, мана бунақа хунарлари одамни эзиб ташлайди. Эрталаб чой ҳам ичмай чиқиб кетди. Кечқурун овқат бермаганига индамади, овқат сўраса, ҳеч нарса йўқлигини айтармиди... Кечаси билан оғиз жуфтлаб, барибир айтолмади, ўзи ҳам ўлгудек ношуд аёл, битта нонга пул сўролмаса, бо-лага озгина сутга пул сўролмаса! Уф-ф! Хувиллаган уйнинг деворлари-да юрагини қисди.

Шу ўтиришда зимистондан нур қидирди. Меҳр нури эди бу.

Умид чексиз...

Ҳатто хазоннинг ҳам умиди майса. Жимгина ухлаб ётган қизига қараб, қорнидаги беозоргина қимирлаётган болани ушлаб қўйдию, излаганини, зимистондаги шуълани топгандек бўлди. Боласини эсон-омон туғволса яхши бўлади! Кўпайиб қолишади. Бола-лари кўпайса, эри ҳам оталигини ҳис қила бошлайди. Шу ўйи унга бир оз яхши кайфият, қувват бергандай бўлди-ю, сал енгил тортди.

17. АНАКОНДАМИ ЁКИ ЗУЛУК?

Кенг аудиторияда домланинг овози жаранглаб эшитилар, ора-орада талабалар-нинг пичир-пичирлари ҳам қулоққа чалинади.

Лазиза домланинг ялтираган бошига, миттигина оқ кўзойнагига тикилганча қолди.

Домла бир текис вазмин оҳангда давом этди:

– Талваса синдроми кўпроқ гўдакларда учрайди. Талвасалар, яъни мускулларнинг тортишиб, тиришиб қолиши чекланган ва умумий, бир марта тутадиган ва қайталаниб ту-радиган, табиати хижатидан клоник, тоник бўлиши мумкин. Ҳар хил сабабларга алоқадор энцефалопатияларда, пневмониялар, сепсисда, бактериал, вирусли, паразитар касал-ликлар, аллергик реакцияларда марказий нерв системаси зарарланганда талвасалар кўп учрайди. Талваса синдроми...

Лазиза Нигорани секин турди:

– Сени қайнонандаям талваса учрайдими?

Нигора ўз дарди билан овора эди.

Лазиза жавоб кутмай, яна бидирлай кетди:

– Уф, исиб кетдим, тезроқ тугаса бўларди. Уйга вақтли бормасам қайнонамнинг талвасаси тутади. Эрталабдан асаб торларимни чертиб қўйган. Бу қайнонам яқинда мениям талваса тутадиган қилиб қўяди. Жуда мингир-сингир, сеники унақамасми? Нега ҳеч ёмонламайсан? Зебога айтиб қўяди деб қўрқасанда, а?

Нигора кулиб қўя қолди.

– Кеча ўқишдан бориб тоғорасини пишириб бердим, – Лазиза пичирлаб ҳасратини давом эттирди. – Кечқурунга овқат қилдим, қайнсингилларим тўнқани ўзи, уларни кирини ювиб бердим. Ҳовлини супурдим. Кечқурун тўйдан келиб ёпишди. Нима иш қилдингиз дейди, кўзини лўқ қилиб, анаконда! Тилинг танглайингда қотгур. Кечаси эрим билан уришиб чиқдим.

– Аламингни эрингдан олдингми?

– Бошқа кимдан оламан?

Нигора индамади. Лазиза билан гап талашиб барака топмайди. Ютқазини аниқ. Лекин шу туришда Лазизага ҳаваси ҳам келди. Ҳечам ўзини ҳафа қилдириб қўймайди. Бирон нарсадан кўнгли тўлмаса дарров айтади – қўяди. Дилини оғритган одам билан жойида ҳисоб-китоб қилиб олади. У нега шунақа экан?

– Талваса синдромида қилинадиган даво, уни келтириб чиқарган сабабнинг қанақалигидан қатъий назар, умумий чора-тадбирдан бошланади.

Хаёли бўлинган Нигоранинг қўлоғига дарс кирмади.

Анаконда. Лазизанинг қайнонаси анаконда экан. Меники ким? Зулукни ўзи. Бошқа нарса эмас. Фақат қон сўради. Лазизанинг қайнонаси нима қилдингиз деркан, меники шуниям айтмайди. Фақат орқамдан ёмонлайди. Ёзи билан эзилиб кетди. Яхшиям ўқиш бошланиб қолди. Ўқишдан чиқиб қизлик уйига кирсамикан, билиб қолишса яхшимас. Тинчгина уйга кетаверади. Эрига бор-йўқлиги билинамикан ўзи? Шунчалигам совуққон одам бўладими? Бу оилага керакми ўзи? У бўлмаса, нимадир ўзгариб қолармиди? Ўзи борган сари қайнонаси ё эрини кўрса, Нигоранинг юраги безиллайдиган бўлиб қоляпти.

18. ИЙМОНЛИ БИР ЙИГИТ

Доимо ташвишларга кўмилиб юрадиган Хайрулло, хотини билан қизини мактабга, ўғлини боғчага ташлаб, онасидан бирров хабар олди. У ердан ажойиб янгилик эшитиб чиқди. Катта опаси қизини фотиҳа қиладиган бўпти. Фотиҳа ошининг дастурхони унинг зиммасига тушди Хайрулло онасидан хотинининг ажойиб хислатларга эга эканлигини яна бир бор эшитиб, эрталабдан кайфияти кучли бўронга учраб, ишга кетди.

Яна Гўзалдан беркитиб бозор қилиб бериш керак.

Мактабда бирга ўқишганди. Гўзал бош қиз бўлганидан, ота-онаси мактабни битириши билан узатиш тараддудига тушиб қолишди. Институтни энди иккинчи курсига ўтган Хайрулло ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб, ахийри онасини кўндирди. Онаси, бир бало қилиб, бўлмасга келтираман, деган хаёлда совчиликка бориб, Гўзалнинг хуснига ўзи ҳам маҳлиё бўлиб келди.

Тақдирни қарангки, бир ойда тўй бўлди. Лекин бир ой ўтар-ўтмас орада машмаша кўзгаб, гулдек келинчак Гўзал қайнонасининг зугумига учради. Ўзи хоҳлаб олгани ҳам Хайруллонинг бошига бало бўлди. Ҳаётида ҳаловат қолмади. Бу орада бирин-кетин болалар туғилиб, вазият янада таранглашди. Не кунларни кўришмади. Ахийри Хайрулло ўзини ўтга урди, чўққа урди, қарзга ботсада, икки хонали уй олиб, ота уйидан чиқиб кетди. Икки ўтни орасида сихни ҳам, кабогни ҳам куйдирмасликка ҳаракат қилиб яшайдиган Хайрулло баъзида дод деб ҳаммасидан воз кечиб юборгиси келади. Лекин уйи остонасида Гўзалнинг кулиб чиқишини кўриши, болалари баравар қучоғига отилишини кўриб, шаштидан қайтади ва барча ташвишларни унутди. Баъзан бир йигитга бундан бошқа яна нима керак, дея ўзига тасалли ҳам беради.

Онасининг уйидан кайфияти бузилиб чиққан Хайрулло ишхонага келиб яна нохушликка учради.

Сайдани яна “тез ёрдам” олиб келибди. Ҳуши ўзидамас. Уйида даволанишни да-

вом эттирмаган. Йўқса бунақа бўлмасди. Саиданинг аҳволини билган Хайрулло ўзидан ғижинди. Шу тинчмаслигини билардим, нега хабар олмадим, қийинмиди? Биттаям до-рини ичмагандир. Ўлармидим, бердирворсам!

Ҳамма йиғилди. Аҳволи оғир. Буйрак фаолияти умуман ишдан чиққан.

Вазият жиддий. Шошилиш операция қилинмаса бўлмайди.

Операцияга олиб кириб кетилаётганда Саида кўзларини очди. Қуюқ туман орасида Хайруллони кўриб, тилига чиқаролмасида, «Хайрият» деб дилидан ўтказди.

Хайрулло жонҳолатда:

– Ҳаммаси яхши бўлади. Эшитяпсан-а? – деди унга тасалли ва мадад бериш учун.

Саида ўзига кела бошлади. Ҳамма нарсани аниқ-таниқ кўряпти. Уни операция залига олиб киришди. Операция столига ётқизишди. Ҳамшира билагига дори улаб қўйди. Қовоғи солиқ профессор юзига ниқобини тақиб кириб келди. Демак, у опрецияга тайёр.

Энг асосийси-чи?!

Ана, Хайрулло ҳам кириб келди. Жудаям асабийлашяпти. Қошигача титраб кетяпти. Нега? Ҳозиргина айтди-ку, хавотир олма деб. Яхши бўлади ҳаммаси. Қизини кўшниси олиб қолувди. Онаси тезроқ бориб у ердан олса яхши бўларди, қорни оч. Уйга олиб бор-салар, албатта, қорнини тўйдирадилар. Худого шукр. Шу билан тугайди ҳаммаси. Кейин яхши бўлади.

Буниси ўғил.

Тунда озгина ухлаб туш кўрувди.

Жингалак сочлари қоп-қора, ўзиям қорача болажон. Олдига югуриб келди. Саида энди қўлга олмоқчи эди, эмаклаб нарироқда турган одамга қараб талпинди. Ким экан у? Саида таниб-таниёлмай қолди. Эримас. Ким бўлди? Шу пайт отаси чақирди. Чала битган иморат ичида турибди. Саида хурсанд бўлиб кетди. Жуда соғинган эди. Ўғли билан қизи турган тарафга бир қараб олиб дадасини ёнига кетди. Қучоқлашиб кўришишди.

Наркоз беришдан олдин Хайрулло Саиданинг боши устига эгилди.

– Баравар ҳаракат қиламизда, қаҳрамон она! – Хайрулло титраганини билдириб қўйишдан кўрқиб, ютиниб олди, – эсон-омон қутулсан, ухла. Ухлаб турганингдан кейин кўришамиз.

Саида охиригича кучини йиғиб қонсиз лабларини кимирлатди. «Албатта кўришамиз».

Хайрулло ҳар галгидек кўнглидагини топди:

– Бир нима демоқчимисан?

Кўзи билан «ҳа» ишорасини қилган Саида зўр-базўр ютинди. Жудаям паст, фақатгина Хайрулло эшитадиган овозда деди:

– Бо-ла... ларим!..

Қолганига кучи етмади.

Наркоз берилди.

Болани бирпасда олишди. Жингалак сочлари қоп-қора, ўзиям қорача болажон.

Киндигини Хайрулло кесди.

Инга-ингаси оламни бузди.

Тўполончи бўлади чамаси...

Операция тўрт соат давом этди.

Профессор тақдирга тан берди. Ичида ўзини айблади. Шунақа бўлиши мумкин деб ўйлаганди.

Шифокорларлар умид узишди.

Фақат Хайруллогина бундан тан олмади. Йўқ. Бунақа бўлиши мумкинмас. Ахир болалари бор. Аввал битта эди, энди иккита бўлди. Қизи бор, ўғли бор. Эри ташлаб кетган. Уларга ким қарайди?! Онаси қариб қолган. Йўқ. Бу мумкинмас. Саида яшаши керак. Йи-гирма иккигаям кирмади ҳали. Эри учун туғмоқчи эди. Туғиб эрини қайтармоқчи эди. Нега энди ўзи кетаркан. Йўқ!

Саида комадан чиқмади.

Хайрулло қалби кўтараётган ғалаёнга чидаш беролмай, юрагини суғуриб ташлагиси келди. Нажот қидириб, аввал тепага, кейин мурданинг рангсиз юзига тикилди. Бир пайт-лар ҳусндор бўлгани билиниб турибди. Кўзлари ... билолмади, юмуқ экан. Боши устига аста эгилиб, ўйга толди.

– Болаларинг?! – бир томчи ёш мурданинг қулоғига томди, бу сафар титроғини билинтиришдан кўрқмади, бемалол гапираверди, – Менга омонат, хабар олиб тураман, хавотир олма.

19. ХАВОТИР

Бу йил қиш эрта келди.

Боғларга қор эрта тушди. Қорни дўппайиб қолган Нигора иссиққина уй ичидан оппоқ қорнинг ёғишини кузатганча хаёлга берилган. Ҳозиргина ўқишдан келди. Ҳаво тоза, лекин жуда совуқлигидан ҳовлига чиққиси келмайди. Ошхонага бориб овқат тайёрлаши керак. Қайнонаси ошхонага кирди. «Юзимни қизаргани ҳали кетмабди, бурним ҳам исимаган, бирпасгина исиниб олай», Нигора ўзини оқлаган бўлди. Қайнонаси ошхонада тарақ-туруқни бошлади. «Атайлабдан қияпти, ўзим ҳам анчагина без бўлиб қопман. «Безни иши беш!» Қайнонасидан ўрганган иборани ичида такрорлади. «Олдинги пайт бўлса, оёқ-қўлим акашак бўлиб қолсаям югуриб чиқиб иш қилардим».

Чинданам охирги пайтлар Нигора анча ўзгарган. Анчагина бепарво ва лоқайд. Қайнонасининг игвосига ҳам, пичинг кесатикларига ҳам, қайнэгачилари келганда уйга кирволиб пичирлашишига ҳам, унда-мунда зўрға чиқадиған овсинига, «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида узиб-узиб гапиришига ҳам, ҳаттоки эри...

Бир неча ой олдин Рустамни ўйласа юраги питирлайдиган бўлиб қолган эди. Ўзича эримни севиб қолдим шекилли деб ўйлади. Уялса ҳам Рустам унга яқинлашишини жуда хоҳларди. Энтикиб кетарди. Кейинроқ Рустамнинг хоҳиши фақатгина нимадан иборатлигини тушуниб қолди. Негадир бундан хурсанд бўлмади. Қайтага шуни тушунгандан кейин ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Ҳозир у... буларнинг ҳеч бирини хоҳламайди. Фақат боласини ўйлайди, эсон-омон қутилиб олса бўлди. Беихтиёр тилига қўшиқ куйилиб келди.

*Алла болам, аллаларга хумор, болам
Тақиб қўяй бешигинга тумор, болам,
Алла айтсам, кундай ёруғ юз бўласан
Алпомишлар орзу қилган қиз бўласан.*

«Қанийди қиз туғсам, чинданам алпомишлар орзу қилган қиз қилиб ўстирардим, лекин... ўғил бўлса керак, кўнглим сезяпти». Нигора кўкрагига сут келганини сезиб роҳатланди. Хаёлан чақалоқни бағрига олиб алла айтди. Ошхонадаги тарақ-туруқ авжига чиққач, иссиқ кийиниб ичида бояги куйни такрорлаганча ошхонага борди. Қайнонаси бор аламини сабзи тахтадан олиб жон-жаҳди билан пиёз тўғраётган эди. Нигора кўрққан олдин мушт кўтарар қабилида, қайнонаси бирон нима деб қолмасидан совуқ қотиб келганини билдириб қўйиш мақсадида ух-ухулаб қўйди.

Қайнона-келин бир-бирини сўзсиз тушунишади. Энсаси қотган қайнонаси:

– Доим ҳаракатда бўладиганлар умуман совуқ қотишмас экан, ўқишга яхши бориб келдингизми? – деди.

Маъноли гаплардан товонигача титраб кетган Нигора бурнини ёлғондан тортиб қўйди.

«Зулук, шунгаям гап топди. Мени ўрнимда Лазиза бўлганида ҳозир бопларди. Менам ўлармидим индамай кирсам». Ичида алласини қайтариб, сабзи артишга тутинди. «Алла болам, аллаларга хумор болам, тақиб қўяй бешигинга тумор болам».

Ҳаворанг безак берилган чиройли хона. Ҳаворанг парда тутилган. Ҳаво рангдаги ширингина болалар каравоти кўйилган. Каравот ичида дўмбоқ бола оёқ қўлини типирлатиб ўйнаб ётибди. Ё тавба, каравотни тўшаги йўқ, ёстиқ-кўрпаси йўқ. Ким болани бунақа ётқизади? Болача гу-гулаб онасини чақира бошлади шекилли. Ҳеч ким ёнига келмади. Онаси қараса бўлмайдим, қанақа одам экан. Нигора қараб туриб, мени болам-ку, деганча каравот ёнига югурди. Тавба, кичкинагина хонада югуриб етолмас. Бола чириллаб йиғлашга тушди. Ҳозир бораман. Бола баттар чириллади. Нега ҳеч ким қарамайди? Нега боламни ҳеч ким кўтармаяпти. Кўз ёшлари сел бўлган Нигора югураётиб йиқилдим, чўчиб тушди.

Юраги уриб, нафаси тезлашиб кетди. Кўрпаси зил туюлиб устини очиб ташлади. Қоп-қоронғи хона устига бостириб тушаётгандай бўлиб ёнбошидаги тунчирокни ёқди. Ёнида ётган эрини уйғотиб тушини айтиб бергиси келди-ю, лекин уйғотмай қўя қолди.

Нимага бунақа туш кўрди? Нигорани ваҳм босди. Юраги дуқиллаб, тушини беҳосият ҳисобласа-да, болани яна кўргиси келиб, кўзларини юмди. Анча пайт ўтса-да, уйқуси қайтмади. Ёстиғини баланд кўтариб, суюниб ўтирди. Пишиллаб ухлаб ётган Рустамга қараб ухлашига ҳаваси келди.

Қорни катта Нигора эри тепасида ўтириб сочларини, юзларини силагиси, кулоқларига яхши гапларни пичирлаб айтгиси келди-ю, ийманиб ботинмади. Худди қимирласа эрини жаҳли чиқадигандай, хўрсинишга ҳам кўрқиб, шу ўтирганча тонг оттирди.

*Алла айтсам, кундай ёруғ юз бўласан,
Алломишлар орзу қилган қиз бўласан!*

Дарвозахонадан ўтиб, овоз чиқармай битта-битта қадам босиб келаётган Нигора баланд айвоннинг ойнасидан ўзига қараб турган бувисини кўриб юзига табассум югурди. Эшикни очиб қараган бувиси, кўзойнагини пешонасидан кўзига тушириб, ҳали Нигора салом бермасидан аввал:

– Нега келдинг? – деди.

Нигора кулиб:

– Келдим-да! – деди.

– Қаердан келдинг?

– Уйимдан келдим.

– Қаерга келдинг?

– Уйимга келдим.

– Нега келдинг?

– Сизни соғиндим.

– Бу ердалигимни қаердан билдинг?

– Билдим-да.

– Кимдан сўраб келдинг?

– ...

Нигора кулиб келиб, кўпдан соғинган бувисини болаларча кучоқлади.

– Ассалому алайкум, бувижон, нега хавотирланасиз?

– Эсон-омон келдингми? Уйингдагилар яхшими?

Ичкари уйга ўтиб, фақатгина бувилари келганда ўтириладиган хонтахта атрофига чўккалашди. Хона бетартиб, чала битган бешик анжомлари сочилиб ётарди.

– Илоҳи омин, хонадонимизга тинчлик, барака, сиҳат-саломатлик ато этсин, қўша қариб, юзга кириб бола-чақаларингни роҳатини кўргин. Этагингдан тушгандай, эсон-омон қутулиб, бағринга босиб олиб келгин. Ўзинг яхши юрибсанми, қайнонанг, қайнибўйнилари яхшими, куёвим яхши юрибдимми?

Бир амаллаб оёқларини узатиб олган Нигора жилмайганча жавоб қайтариб ўтирарди.

– Онанг сен келишингни билмовди, бўлмаса уйда ўтирарди. Тинчликми? Ҳеч беод-дих келмасдинг-ку?

– Бугун руҳсат беришди-да, буви.

– Онанг билан янганг бозорга тушиб кетишувди. Келиб қолишади. Унганча иккаламиз ўтира турамыз. Мана, эварамни кўрпачаларини тикиб ўтирибман. Ўзинг оғиргина бўлмай юрибсанми? Анчагина пишиб қопсан.

Нигора секин овозда:

– Буви, баъзида кўрқиб кетаман – деди бир оз ташвишли оҳангда.

– Нега кўрқасан? Нимадан кўрқасан?

– Туғишдан!

– Туғмаган хотин борми? Тишинг оғриганми? Бўлди. Тиш оғриғини билганга туғиш ҳеч гап эмас. Билдингми?

– Бувижон, сизга ҳаммаси шунақанги осон кўринадики!

– Нега осон бўлсин болам, сенларни шунақа қилиб юпатмаса бўларканми? Ҳа-ҳа қилиб, узатворамиз, ҳа-ҳа қилиб болали бўласан, бирпасда катта қилиб оласан, қарабсанки ўзинг ҳам кап-катта хотин бўлиб қоласан.

- Шу билан умрим ҳам ўтиб кетади.
- Ўтади-да болам, шунақа ўтгани яхши. Одамзод болам катта бўляпти деб кун санаб, хурсанд бўлади-ю, ўзи қариб қолганини билмай қолади.
- Одамлар шунинг учун келишадими дунёга?
- Келган одамнинг кетиши аниқ бўлгандан кейин сендан қоладиган нарса фақат болаларинг.

Буви билан неваря пешингача гаплашиб ўтиришди. Онаси билан янгаси бозордан қайтиши билан, Нигора уйини қўмсаб қолди. Негадир бетоқат, жойини тополмасди. Эрини уйда юрганида онасиникига кетгиси келарди. Энди онасининг уйдан эрининг уйига боргиси келиб қолди. Безовта бўлавергач, онаси ҳам борақол энди, деб рухсат берди. Оналар ҳамма нарсани сезишади. Нигора ўзини қанчалик бахтли кўрсатишга уринмасин, онанинг нотинч қалби ҳақиқатни билиб турарди. Қизининг кўзлари аввалгидай эмас, кулиб турибди-ю, кулгиси ҳам бошқа. Оиласи бир тарафдан қараганда тинчга ўхшайди. Аммо қизи нега бахтиёр эмас? Ё жойини билиб бермадикми? Ён қўшнилари бир эмас, бир неча маротаба сўраган эди. Ё шуларни дили оғриганмиди? Худо билсин, кўзи текканми? Кўзинг қурсин! Қизи шу аҳволда юриб, дардини ичига ютавериб касал бўлиб қолса-я? Дилида айланиб юрган хавотирни қувиб чиқара олмаган она, охири эрига ёрилди.

Эри уни жеркиб ташлади:

- Нега подадан олдин чанг чиқарасан, қизинг ҳамма қатори юрибди-ку!
 - Шунинг узатганимиздан бери, кўнглим алғов-далғов, дадаси.
 - Сенга бир нарса дедими?
 - Йўқ!
 - Унда нега ваҳима қиласан? Қорнида боласи билан қайтариб олиб келмоқчимисан?
 - Вой, нафасингиз қурсин! Нега унақа дейсиз?
 - Бўлмаса нима қил дейсан? Ҳар хил хаёлларга берилиб, гап чиқариб, икки орага совуқчилик туширма. Бирон нимадан қийналадиган бўлса, ўзи айтади.
- «Айтади эмиш, қизининг феълини биладику!» Хавотирлик ўтида ёнаётган онанинг кўнглига бу гаплар таскин бера олмади. Қайтага эрининг кўнглига ҳам ғулғула солиб, ташвиши ортди.

20. ҚОРА ҚАРОП

Аёлга хоҳлаганини беринг – бўлмаса уни ўзи олади.

Умида бу иборани қачондир, қаердадир ўқиган эди. Тушунса ҳам кулиб қўя қолган экан. Кейин буни биратўла ҳис қилди. Тушуниш бошқа экан. Яна ҳам аниқроғи нима хоҳлашини энди ўзи тушуниб етди.

Рустам уники бўлиши керак! Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Қайтариб олади. Нималар қилиб бўлса ҳам. Энди орқага йўл йўқ. Бошқача яшолмайди. Қанчалар қимматга тушмасин, қанчалар гуноҳга ботмасин, қанчалар маломатга қолмасин Рустамни қайтариб олади.

Бир неча кундан бери кўнгли музлаб қолди. Алам, алам ёмон эзиб ташлади.

... Умида Нигоранинг ҳомиладорлигини билиб қолди...

Рустам уйланган кезлари бир икки ой, жуда қаттиқ хавотирда юрди. Гоҳида одам ўзини ўзи алдаб ҳам бирор нимага эришади. Умида ҳам бўйида бўлмапти-ку, балки шу баҳона ажрашиб кетишар деб хаёл қилди. Бунга ўзи ҳам ишонмаса-да, чиқмаган жондан умид, шу хаёл унга қанот бериб турди. Рустам хотинининг ҳомиладорлигини беркитиши мумкинлигини Умида ўйлаб ҳам кўрмаган экан.

Алам ўтида ёнди.

Бир тарафдан рашк-алам, бир тарафдан – ғазаб, бир тарафдан – уни ҳеч қачон тарк этмайдиган, ахир бир кун Рустамдан ажралиб, яна ёлғиз қолиш ҳадиги уни ҳаддан зиёд ғажиб ташлади!

Ҳамма, ҳаммадан ҳафсаласи пир бўлди. Демак, ҳамма бир хил экан. Ростданам одамзодни яхшиси йўқ экан. Яхши бўлсанг биров билмас экан. Нега? Нега Рустам бунақа

қилди? Меникини... олдириб, хотинини... аблаҳ!

У худбинлик қилди. Мен уни ўйлаган эдим, оиласига аралашмаган эдим, обрўсини тўқмовдим. Шунақаям разил бўладими? Энди ўзидан кўрсин! Кўргуликларимни икки ба-робар қилиб қайтариб олмасам, отимни бошқа қўяман. Кейин нима бўлса бўлар! Шусиз ҳам куним яйраб-яшнаб ўтаётгани йўқ!

Ўзи шусиз ҳам ҳасрат ўтида ёниб юрган Умида бир неча кундан бери ўзига келолмай-ди. Хаёлида фақат бир нарса – Рустам! Туни билан дағ-дағ титраб, азонда бир қарорга келди. Шу бугун! Ҳаммаси ҳал бўлади!

21. ИЛОН ИНИДАН ЧИҚДИ

Нигора бу тушни аввал ҳам кўрган эди. Аниқ эсида: айнан ўша туш. Тавба шунақаси ҳам бўлар экан-да. Худди кинони қайта кўргандек. Лекин ҳозир тушини қайта кўргани эмас, тушининг таъбири кўпроқ қизиқтирди уни. Тушни қайси тарафга йўйсанг, шу бўлади дейишади. Аввал кўрганимда нимани ўйлаган эдим. Маълум эди. Ўшанда ҳам маълум эди. Бугун-чи, бугун эрталаб кўрган тушини эслади-ю, эти жимирлаб, ўрнидан турди. Охирги пайтлар туш кўришдан кўрқиб ухлагиси ҳам келмай қолган. Баъзида кундузи кўрганларидан уйкуда кўрганлари оғирлик қилиб чарчатиб юборяпти. Нима қилиш керак.

Қайнонасини азонда кузатди. Кечаси билан норин тўғради. Шуни тинчгина бировга буюртирса бўларди. Қайнонасининг феъли маълум, «ит аразлади эгаси билмади» дегандек, ўзича аразлаган киши бўлган Нигора, дами ичида, тўй юборарга етадиган норини бир ўзи тўғрапти.

Азонга яқин ўрнига кириб ётиб кўзи озгина илинди-ю, туш кўрди.

Қоп-қоронғи бўшлиқ... Ҳавода муаллақ турганмиш... Қорнига қараб ҳайрон бўлди. Нега теп-текис? Қорним қани? Ҳомиладор бўлса... қорнини пайпаслаётиб бармоқларига қаради. Ўзи яхши кўрадиган катта кўк кўзли узуги... ўзидан-ўзи тушиб кетди. Нигора пайпаслай бошлади, оёғи ерда эмас, кўли ерга тегмаса ҳам пайпаслайверди: бир, икки, уч... қидириб, қидириб қоронғиликка кириб кетди. Кейин нима бўлди денг. Кейин бирдан атроф ёришди ва институт дарвозаси ёнидаги тешиқдан кулранг илон чиқиб келди ва у бир думалаб қорача аёлга айланди.

Алғов-далғов тушидан фикри чувалашиб, уйқудан туриб, карахт ҳолда ҳовлига чиққанда ясан-тусан қилиб олган қайнонаси тоғора тугиш билан овора эди. Уни сезмади шекилли, Рустамга:

– Бир кун минг кун эмас! Хотининг бир марта ўзи қолса қолаяпти? Онамникига бориб ётаман деб бошингни айлантирса, кўниб ўтирма, қизни онаси бузади, қанча кам кўрса шунча яхши. Ҳавони баҳона қилиб қўя қол, ўзиям роса куяди шекилли! – Орқасига ўгирилган Дилорхон ўзига қараб турган келинини кўриб, авзойин ўзгартирди.

– Бунақа пайтда кўз тегиши осон, кўпчиликни ичига бормаганингиз маъқул – деди ўлганнинг кунидан ясама тиржайиб.

Нигора эри билан қайнонасини кузатгач, ўқишга отланди.

Бугун бормаса ҳам бўларди. Ҳеч оёғи тортмай зўрға кетди. Бугун тўй. Ибрат қанақа куёв бўларкин. Ибрат. Мени Ибратим, қачонлардир шу сўзлар дилида айланиб юрарди. Афсуски, тилига чиқмади. Бахтданми, бахтсизликданми? Муҳаббатнинг кўнглингни тўлдириб яшаши бахт экан. Мени муҳаббатим-чи? Ўлик туғилган болага ўхшади. Туғилдиям – кўмилдиям. Муҳаббатни майиб қилган оғриғини ўзи тортади дейишади. Мен муҳаббатимни майиб қилдимми? Бошқа нима иложим бор эди. Қиз бола бошим билан ундан муҳаббат талаб қилармидим.

Оғир, одамни эзиб ташлайдиган хаёллар билан Нигора аудиторияга кириб келди. Курсдош йигитларнинг ярми йўқ. Ибратга яқинлари эрталабдан кетишган шекилли.

Лазиза негадир келмабди. Зебо тўйга боришга юраги тошиб охирги пара бўлмасин, деб худога нола қилиб ўтирганди, илтижолари инobatга ўтмади. Нигора беҳаловат уч пара дарснинг қанақа ўтганини сезмай қолди. Охирги дарс тугаса ҳам кўнгил ғашлиги тарқамаган Нигора, шишган оёқларини судрагудай бўлиб зинадан пастга тушди. Орқасидан пўмпиллаб тушиб келган Зебо ҳансираганча Нигорани қўлтиқлаб олди.

– Тўйга бормаслигинг ёмон бўлди. Борсанг бирга ўтирардик. Рустам акамдан сўраб

берайми?

– Нигора керакмас, деб бош чайқади.

– Бу қорним билан бемалол ўтирармидим. Ўзи ҳеч нарса кўнглимга сиғмаяпти. Тезроқ туғиб олганимда эди! ... – Рўпарасидаги аёлга кўзи тушиб, гапи бўлинди. Уни қаердадир кўрганди. Яхшилаб қаради. Йўқ кўрмаган. Лекин танийди. Аёл улар тарафга қараб кела бошлади. «Оқсоқланаркан».

Умида Нигора билан Зебо қаршисига келиб тўхтади.

– Яхшимисизлар.

– ...

Нигора бир нарсадан ҳадиксирагандай саломи тилига чиқмади. Зебо бировни сўрамоқчидир деб савол кутиб қараб турди.

– Сиз... сен Нигора бўлсанг керак?!

Аввал сизлаб, сўнг сенсирашга ўтган бу аёлнинг муддаосини тушунмаган Нигора бир фурсат карахт ҳолда қолди, юрагини нимадир ғижимлай бошлади.

Аёл унга ўқрайиб қаради.

– Мен Умидаман! Сизда гапим бор! – У Зебога юзланди. – Нарироққа бориб тура-санми?

Нигора Зебонинг қўлтиғига қаттиқроқ ёпишди.

Зебо унга ғоз қараш қилди:

– Бизда ишингиз бормиди?

Унинг кеккайиши Умидага ёқмади:

– Сендамас, ўртоғингда гапим бор! Четроқ турсанг-чи!

– Ўртоғиммас, кеннойим бўлади.

Умида унинг гапини назарига ҳам илмади.

– Жуда яхши, унда бирга эшит!

– Гапираверинг, эшитамиз.

Умида уларга ғуддайиб менсинмай қаради:

– Мен Рустам акамни биринчи хотиниман!

Боядан бери Нигоранинг юрак уришини бутун олам эшитаётгандек эди. Энди гўё тўхтаб қолди. Йўқ, қулоғига бир бало бўлди шекилли. Рўпарадаги аёл гапиряпти, оғзи қимирляпти, лекин нега эшитмаяпти? Анграйиб Зебога қаради. У ҳам гапираётган экан. Уришишяпти...

– Мен ҳамма нарсани биламан, ўзингдан ўзинг валдирайверма! Рустам акамнинг бошқа хотини бўлса, биринчи мен билардим!

– Нечук шуни билмай қолган экансан, яхшиси бизга халақит берма. Нигора билан гаплашиб олишим керак.

– Шунақаям безбет одаммисан, бор, йўлингдан қолма, турқинг қурсин, шалава! – деди Зебо важоҳат билан.

Нигора бежон қолди. Боши ғувиллаб, қулоқлари тагида биров шишаларни қарсиллатиб синдираётгандай туюлиб, томоғи бўғилди, минг гапираман деб уринди, бўлмади, тили калимага келмади. Базўр куч тўплаб, Зебога уришма, деб имлади холос. Зебога бу таъсир қилмади, жағи-жағига тегмай бидиллаб уришаверди.

– Бу номерингни бошқа жойга бориб кўрсатасан, бизга ўтмайди, бошқароқ лақмани топ, туппа-тузук оилани бузмоқчимисан? Сендақалар кўпайиб кетган ҳозир. Афтингни қара, ойнага қараганмисан ўзинг, шундоқ чиройли хотини туриб, сени бошига урадим Рустам акам, ўзинг чўлоғакансан.

Умида важоҳат билан пишқирди!

– Менга қара, мохов, тилингни тиймасанг еб қоласан, Нигорада ишим бор, гаплашиб олишимга қўй!

– Кеннойимни сенда иши йўқ, коптоқдек тепилмасингдан жўнаб қол, иккинчи йўлимизни тўсма, башарангни ёриб қўямиз!

Нигора ўтган-кетган талабалар, домлаларга қараркан, икки бети лов-лов ёнди. Бу-ниси ҳам бормиди ҳали? Орқа тарафга ўгирилиб, чиқиб келаётган курсдошларини кўрди. Энди ҳамма билади. Эй худо, шарманда қилма, қочиш керак, тезроқ кетмаса ҳаммага гап бўлади. Зебога «ҳеч кимга гапирма» дегандек бошини лиқиллатди, шу аҳволида табиий-

ки, тили айланмади.

Нигора йўлақдан машина йўлига чиқмоқчи бўлди. Унинг кетаётганини сезган Умида кўлидан ушлаб тортди.

– Тўхта сен билан гаплашиб олишим керак.

Зебо орага суқилди.

– Қўлингни торт, чўлоқ!

Умида шу пайтгача эсини йўқотаёзган эди, энди бутунлай ақлдан озди.

Кутилмаганда юзига тушган тарсаки зарбидан Зебо гангиб кетди. Нима бўлганини идрок қилгунича Умиданинг оғзидан боди кириб, шоди чиқди. Довдираб қолган Зебо алаמידан Умиданинг сочини чангаллаб олди. Бу манзарадан Нигора дод дегиси келди. Жонҳолатда катта йўлга чиқиб, машиналарга қўл кўтарди.

Курсдошлари етиб келиб, Зебони ундан ажратиб олишди.

Ваҳший ҳайвондек қутуриб кетган Умида алам билан ортга қайтди. Шу кетишда анча-мунча йўл юриб кўйди. Аллақандай нотаниш кўчада, икки қаватли бино ёнида тўхтаб атрофга аланглади, мажолсиз ерга ўтириб қолди. Қилиб қўйган иши бефойда эди. Чўккалаб ўтириб, аччиқ йиғлади.

Ўзига келиб йиғига тушган Зебо дугоналарининг «нима бўлди ўзи» деган саволига жавоб бермай, у ҳам югуриб катта йўлга чиқди. «Нигор энди кетиб қолади. Тўхтатиш керак». Тўйхонага бориб аммаларимга айтаман, олиб қолишади, ўзи қаёққа кетдийкин, биратўла ойисиникигами? Тўхтаган машинага: « – Уста Ширинга!», деди-ю, кабинага отилиб кирди. Ранг-рўйини кўрган ҳайдовчи катта тезликда машинани ҳайдаб кетди. «Наҳотки? Ростми ўзи? Нима деб кетди? Исботла десам бўларкан. Нима бўлганикин ўзи? Алдадимми? Алдагандан нима фойда? Нигор уни танимаса, ўзи Рустам акам танирмикан уни? Ҳа-я, Рустам акам, нималигини фақат Рустам акам билиши керак. Тўйхонада нима бор, Рустам акамга айтиш керак». Зебо титраб-қақшаб ҳайдовчига йўлни бошқа ёққа буришни айтди. Энсаси қотса ҳам, бир аҳвол бўлиб ўтирганини кўриб турган ҳайдовчи индамай йўлни касалхона томон бурди. Касалхонадан Рустамни топа олмаган Зебо, кўчага қайтиб чиқиб, катта йўлда озгина меровсираб турди-ю, сўнг Нигораларникига қараб кетди.

22. ҲИЖРОННИНГ УЙИДА ДОИМО ҚИШ

Нигора хаёл билан эшикни очиқ қолдириб уйга кирди. Энди ҳаммаси уни тарк этди. Боши устида тинмай айланаётган қовоғарилар, қулоғи тагида шанғиллаб бақиршаётганлар, шишаларни синдираётганлар, оёғидан тортиб йиқитмоқчи бўлаётганлар бари бир зумда қаёққадир ғойиб бўлишди. Фақатгина юрагини ғижимлаётганлар маҳкам чангаллаб олганча қўйворишмади.

Абгор аҳволда уйига кириб, каравотга чўзилди. У энди бор-йўғидан ажралганди. Қалт-қалт титраб ёта олмади. Ўрнидан туриб, хона айланди. Тошойна қаршисига келиб тўхтади. Онги уни тарк қилгандек ҳеч нимани илғамай аксига тикилиб кичкина стулчага ўтириб олди.

Қанча турди, билмайди.

Хира туман тарқалиб, тошойнадаги акси ёнида Рустамнинг кўринди. «Ё тавба, кўзимга нималар кўриняпти».

– Ҳуснингга тўймай қолдингми?

Нигора меровсираб ёнига ўгирилди. Кўзларини катта-катта очиб бақрайиб қаради. «Ростдан келган экан, кўзимга кўринмапти».

– Эринг келди турмайсанми? – Илжайиб қараётган Рустамни кўрган Нигора биров бўйнидан бойлаб тортгандай ўрнидан турди. Жонсиз оёқларини судрағудай бўлиб уйдан чиқди. Ошхонага йўналганини кўриб, Рустам овоз берди:

– Овқатланмайман, Нигор, кийимларимни тайёрлаб берсанг бўлди. Индамай орқасига қайтган Нигора Рустам ҳаммомдан чиққунича кийимларини тахт қилиб қўйди-ю, жавонга суяниб тураверди. Сочикқа артиниб кирган Рустамнинг кўзига хотини ғалатироқ кўринди.

– Тузукмисан? – деб сўради, Нигора индамагач: –Ўтирсанг-чи, – деди.

Кийиниб бўлган Рустам Нигоранинг олдига келиб елкаларидан тутди. Ўзича рухсат тегмаганига хафа бўлдимикан дея ўйлаб:

– Тўйга борасанми? – деб сўради.

Нигора бош чайқади.

Эри унга ҳайрон боқди.

– Соқов бўлиб қолдингми? Келганимдан бери бир оғиз гапирмадинг. Бугун навбатчиман. Хавотир олма! Тўйга бирров кириб ўтаман. Ҳавони қара: роса жала қуяди шекилли. Эҳтиёт бўл, эрталаб келаман! – Эри уни қаттиқроқ кучиб, лабини титроқ лабига босди. Ғазабдан титраётган лаблар гўё илон чаққандек зириллаб оғриди. Кучли қўллардан юлқиниб чиққиси келса-да, иложини тополмади.

Рустам яна унга қаради.

– Боя эшикни очиқ қолдирибсан, қулфлаб ўтир!

Бу гап Нигоранинг баттар нафратини оширди. «Бевафога йўлиққан қиз ёки йигитнинг қисмати аччиқ». Нигора бу иборани мағзини чақиб кўрмаган эди. Қисматим аччиқми? Ё бу фожиами? Нега бунақа бўлди? Сабаби нимада? У алдамади. Зебо унга ишонмади, лекин ўша аёл алдамади!

Қаттиқ шамол эсди.

Нигора Рустам чиқиб кетганидан кейин ҳам турган жойида бир нуқтага тикилиб тураверди. Тушини эслаб, таъбирини англади. Наҳотки энди эридан ажралади? Боласи отасиз ўсадими? Худонинг қаҳри келдими? Қачондан бери танир экан. Рустам уни севармикан? У аёл ўзига жуда ишонган кўринади. Нимаси билан? Нимасига? Эрим мени севмаган, бу аниқ! Чиройимга шайдо бўлган. Лекин ўша аёлда на ҳусн бор, на муомала, камига чўлоқ экан. Ўзи ўрталарида нима бор? Ростданам хотиними ё ... Дидли одам янтоқнинг гулида ҳам гўзаллик кўради дейишади. Рустам ўта дидлими? Подшоҳнинг ишқи қурбақага тушган экан.

Нигора хаёлан ўзини камситиб, у аёлни кўкка кўтара бошлади. Лекин қанча ўйласа ҳам ўзидан ортиқ жойини тополмади.

Бошида қаттиқ оғриқ турган Нигора жойига етиб олмаса йиқилиб тушишини билиб қўзғалмоқчи бўлди, аксига оёқлари ерга михлангандай юришга қўймади. Белида пайдо бўлган кучли санчиқдан оғир инграганча бор гавдаси билан гиламга ағанаб тушди. Боши ерга тегиб, оғриқ тўхтадики, пар ёстиққа бош қўйгандай роҳатланди.

Югургилаб келган Зебо, ҳовлида ҳеч кимни кўрмагач, тўппа-тўғри ётоқхонага отилиб кирди-ю, гиламда чўзилиб ётган Нигорани кўриб, эсини йўқотаёзди. Жонҳолатда телефонга ёпишиб тез ёрдам чақирди.

23. ЁМҒИРЛИ КУН ФОЖИАСИ

Жала тинмай қуяр, шамол худди жаҳл қилгандай ўкириб йўлида учраган нимаики бўлса, ҳаммасини аямай суриб кетмоқда эди. Момақалдиरोқ ваҳшат билан чор-атрофга сурон солди. Тунука томга тушган ёмғир томчилари тарақлаб, тарновдаги сув шариллаб оққанидан телефоннинг тўхтовсиз жиринглагани ҳам эшитилмади. Бир қўлини белига тираб, иккинчисини эшик кесакисига қўйиб олган Умида кўзларини чақчайтирганча Рустамга аламли тикилиб турарди. Шу туришда у кўзойнакли илоннинг ўзгинаси эди.

Жони халқумига келган Рустам, лунжи пир-пир учиб, алаmidан бор бисотидаги бор сўзлар билан ер тепиниб сўкинди.

Рустам беихтиёр қўл кўтарди.

– Ё ҳозир ўтказворасан, ё ...

– Ё нима қиласиз? Қўлингиздан келганини қилинг, агар ҳозир чиқиб кетсангиз бир умр пушаймон бўлиб юрасиз, овора бўлманг. Ерга кирсангиз қулоғингиздан, осмонга чиқсангиз оёғингиздан тортиб оламан.

– Ким сени ташлаб кетяпти, уйгамас, ишга боришим керак, ғалча, мендан бошқа ҳеч ким йўқ, бугун навбатчиман.

– Биламан қанақа навбатчисиз, хотинингизни кучоқлагингиз келиб қолган. Бир кун олдида ётмасангиз, ўлиб қолмайсиз. Қайтанга яхши бўлди. Энди сизни пойламайди, ёстиғини кучоқлаб ётаверади, балки уйигаям кетиб қолгандир.

Рустам шунақа бўлиши мумкинлигини ҳозир аниқ ҳис этиб, аламини Умидага сочди.

– Қанжиқ, мараз, нега жим юролмайсан, нима етмайди ўзи сенга?

– Менгами? Сиз!

– Ўзи сен ҳеч қачон миннатдор бўлмайсан, уйланиб кейин кетворсам қўлингдан нима келарди, нима қилардинг, сенга биров кўзи учиб турибдими?

– Ҳали... юзимга соладиган бўлиб қолдингизми?

– Ҳа, хотинимни аралаштиришга ҳаққинг йўқ эди.

– Балки яхши кўриб ҳам қолгандирсиз? Сиз ҳали шошмай тулинг, у энди умуман юра олмайдиган бўлиб қолади.

Момақалдироқ қаттиқ гумбурлади. Рустам урмади. Бор кучи билан кўтариб, отиб юборди. Ёнбоши билан столга бориб урилган Умида икки букилиб, увиллаб йиғлашга тушди.

Ёмғир шаҳарни обдон ювиб шалаббо қилган, кучли шамол баъзи дарахтларни йиқитиб улгурган. Ярим тунда жуда катта тезликда кетаётган Рустам ҳеч қайси чорраҳада тўхтамади. «Аҳмоққа ўхшаб, тез етиб келинг деса, нега келдим ўзи, ҳамма нарса чалкашиб кетди, эртага нима бўларкин, тезроқ бориш керак, ишхона тинчмикан ўзи?! Ишхона тинч бўлса, Нигордан хабар олиш керак, нима қилдйкин, ишқилиб уйда бўлсин». Машинани худди биров бошқараётгандай ҳеч нимани идрок қилмасди. Касалхона ҳовлисида машинадан шошиб тушаркан, йўлакда югуриб келаётган Зиёдани ойнадан кўриб, унга томон шошилди.

– Нима гап Зиё?..

– Рустам ака, нимага телефонни олмадингиз? “Тез ёрдам” биттасини обкелди. Аҳволи ёмон. Келавермаганингиздан кейин Хайрулло акани чақирдим.

– Келдимми?

– Олиб кириб кетдилар. Бошлашганига анча бўлди.

Рустам операция залига югурди. Жонҳолатда ювиниб, операция хонасига кириши билан Хайрулло уни сўкиб берди:

– Қисиб ишласанг ўласанми?

– ...

– Бўлақол. Болага кечикиб бўлди шекилли. Ўзига улгуришимиз керак. Қон босими тушиб кетяпти. Сув анча олдин кетиб бўлган. Ҳушсиз қолганми, бу ёққа келгунчяам анча вақт ўтиб кетган. Мен келганимда боласи қимирламаётувди. Рустам, эплломаймизми?

– Ўзингни бос, эплаймиз.

– Неонатолог келганми?

– Чақирдим, шу ерда! – Ранги оппоқ Зиёда телба-тескари жавоб берди.

Хайрулло адашмаган эди. Жисми яралиб, ҳаёт бахш этилмаган гўдакни жони билан бирга йиғи ҳам тарк этибди. Хасис дунё миттигина юракчадан инга-ингани ҳам қизганибди.

– Ўғил экан.

Болани кўтарган Рустам киндиги кесилаётганда, қип-қизил қонга беланиб, аллақачон мурда қиёфасига кирган аёлнинг рангсиз юзига...

Нима бу?

Нима?

Ким бу?

– К-и-и-м?

Ваҳшат ичида болага қаради. Кўзлари юмуқ. Кўм-кўк чақалоқ. Ўғил сочлари қоп-қора, нафас олмайди. Ўғлим-ку! Меники, нега нафас олмайди? У жон ҳолатда болани силкита бошлади.

Ҳамма унга ҳайрон боқди.

Зиёда қўлидаги асбобларни ерга тушириб юборди. «Нима бўляпти ўзи?»

– Қўй!!!

Хайруллонинг товушидан ўзига келган Рустам шундагина жонсиз вужудга озор бераётганини тушунди. Онги уни тарк этди, вужуди бўм-бўш қолди. Қўллари титраганча гўдакни авайлаб неонатолог қўлига топширди.

– Нега доводираяпсан?! – Хайрулло тирик мурданинг қонсиз юзи, рангсиз лабига, юмуқ кўзларига қараб кимнидир эслади. Ким эди? Кўз олдида таниш қиёфа жонланди. Жуда таниш. Бурнини ёлғондан тортиб қўядиган келин!

– А!

– Эҳ!
Энди...

– Ҳе оналарингни... қимирлаларинг тезроқ. Профессорни чақиртиринглар, қон тўхтамаяпти.

– Қон куйиш керак!
– Қон группаси неччи?
– ...
– Неччи қони?
Рустамнинг жим туришидан қони қайнаган Хайрулло бор овозда бақирди.
Қарахт аҳволдаги Рустамнинг тили жавоб берди:
– Тўртинчи!
Хайрулло ер тепинди. Қўлидаги асбобларни ташқарига отгиси, кетидан ўзи ҳам отилгиси келди. Кейин ўзини қўлга олди. Бир аҳволда турган Рустамга:
– Рустам, ўзингни тут! Хотинга улгуришимиз керак! – дея олди холос.
Ҳалитдан бери пастки лабини тинмай тишлаётган неонотолог, довдираётган Зиёда, акушерлар, нима гаплагини тушунишди-ю, дардларини ичларига ютишди.
Қон босими тушиб кетди.
Қон тўхтамаяпти.
Ҳаммаси бир неча сонияда бўлиб ўтди.
Бутун бор маҳоратини ишга солган Хайрулло охири чекинди. Қарор, бир қарорга келиш керак.
Қарорни Рустам қабул қилиши керак эди.
Бунақа пайтда ҳеч сўзсиз ишга киришган Хайрулло, ўзинг танла дегандек, Рустамга тикилди.
Вақт оз. Бунақа пайтда вақт деганлари юракни қиймаламайди, қайтанга томирингда оқаётган қондан олдин югуриб, маррага етказиб қўяди. Шусиз ҳам жамики изтироблар оловида ёнаётган Рустам, минг азоб билан Нигоранинг юзларига энди биринчи марта ўзгача меҳр билан тикилди. Хотинининг қанчалик мунис, беозорлиги, меҳрибонлигини, доимо нимадандир чўчиб, ҳадиксириб яшаганини ҳис қилди. Қидиргани кўнглидаги туйғулари, Умида эмас, Нигорада яшаганлигини тан олди. Нигораси турмуш қургандан бери ҳеч кимдан меҳр кўрмаган эди, меҳрга ташна эди. Қалбидаги илиқ туйғулар, ардоқлаб ўстирган муҳаббатини улашишга одам тополмай ҳаммасини фарзандига атаб қўйган эди. Тўққиз ой меҳр билан кутган гўдаги билан ҳаттоки юз ҳам кўришишмади.
Ташқарида ёмғир ёғади. Кечга томон бошлаган ёмғир бор аламини тўкиб солаётгандай челақлаб қуярди. Рустамнинг кўз ёшлар сели юзидаги ниқобини жиққа ҳўл қилиб юборди. Шошилиш керак. Бошқа иложи йўқ. Кўз ёшлари шашқатор оқди. Бошқа иложи йўқ, хотинини қутқариш керак эди. У ... ҳа, у ўз қўллари билан Нигоранинг бачадонини олиб ташлади.

ХОТИМА ЎРНИДА

Кунлар исиб кетди.
Гулини тўккан дарахтлар аллақачон мевага кирган. Баҳор ўз ўрнини саратонга бўшатишга шошилади.
Нигора ўзига келиб қолди. Қушларни чуғур-чуғури қулоғига ёқмаганидан деразани очтирмайди. Қушлар буни билиб жаҳл қилгандай баттар авжига чиқариб чаҳ-чаҳлашади. Деразадан тиниқ осмондаги паға-паға булутларга тикилиб ётади. Онасини эрталаб келган янгасига қўшиб зўрға уйига жўнатди. Волидаси туни билан мижжа қоқмай чиқишди. Дам олишсин.
Охири пайтда ҳамма бир-бирдан кўзини олиб қочади. Ҳақиқатдан беркинган барча кўзларнинг нигоҳида бир савол: «Энди нима бўлади?»
Кўзлари ич-ичига ботиб кетган, халатининг елкалари осилиб қолган Рустам титраб-қақшаб палатага кирганда Нигора ҳар галгидек ойнадан ташқарига тикилиб ётарди. Нима дейишни билмай ғўлдиради. Ҳароратини ҳозиргина ўлчаб чиққан ҳамширадан билган, қон босими ошмаган, тузукмисан дегани билан нима жавоб берарди. Ўз кўнглида хотинининг пешонасини ушлаган бўлди-ю, тилидан барибир шу савол учди:
– Тузукмисан?

Нигора ташқаридан кўз узмай, жавоб қайтармади.
 Рустам меҳрибон товушда:
 – Эртага чиқамиз, Нигор! – деди-ю, кўнгли бузилди.
 Рустам буни айтмаса ҳам бўларди.
 Эртагача ўртада яна бир тун бор.

Машина дарвоза ёнида тўхтаганда Нигор киприклари нам эди. Ҳовлида қайнонаси билан саломлашди, кичик қайнэгачиси билан овсини ошхонадан чиқишмади.

Нигора бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмади.

Меҳмонхонасига овоз чиқармай кирган Нигора чинчилари кутиларга жойланган, бўм-бўш қолган мебелларга кўзи тушиб, ётоқхонага кирди. Каравот устига тахлаб қўйилган бўжчаларга қараб индамай ерга ўтирди.

Ҳовлига кириши билан қайнонасининг совуқ қарашидан ҳаммасини сезган эди.

Шу аҳволда ҳаракатсиз ўтираверди.

Ўзига келганда уй ичи анча қоронғилашиб қолганди. Уйига қандоқ кирган бўлса, худди шу алфозда ҳовлига чиқди. Ўзини таъқиб қилаётган нигоҳларни ҳайратда қолдириб, гап-сўзсиз битта-битта босиб ҳовлини тарк этди.

Кўчага чиққанда қуёш ботиб қолганди.

Нигора қуёшга етиб олишга шошилгандай уфқ сари юриб кетди.



Бахтиёрлик бахтсизлик йўқ дегани эмас.

Қози Шамс

*Аччиқ кўз ёши томгани боис ҳам ҳаёт
ширин туюлади.*

Пифагор



Абду НАБИ

«Бешнаво»лар

Туркумдан



* * *

Қутлуг
Қадам
Етса,
Остона
Азиз.

* * *

Тогларнинг
Ҳаволарига
Ҳаволаниб
Тогларни
Унутдик.

* * *

Шаршара
Бўл,
Шароратингда
Шарор
Кўрингай.

* * *

Одамоҳунман,
Деб,
Одамни
Хун
Қиларди.

* * *

Катта
Ошиқ

Бўлди,
Ушиоқ
Бўлмади.

* * *

Ўнг
Юзларида
Анжирдайгина
Холлари
Бор.

* * *

Оҳиста
Оҳ
Устасига
Ҳам
Айландик.

* * *

Ишқ
Йўлларида
Хатто
Йўллар
Адашгай.

* * *

Астойдил
Йиғладим,
Соқов
Сўзлар
Бўзлади.

* * *

Очиқ
Юзлар
Қунларини
Ўтказиши
Керак.
* * *
Ўзидан
Ўзлик
Изларди.
Шўрлик,
Топдимикин?

* * *

Ангишларда
Яширин
Саратондан
Қиш
Яхши.

* * *

Чиқиб
Кетгач,
Остонани
Супуриб
Қўйдилар.

* * *

Узоқни
Ўйласанг,
Узоқ
Тикилма...
...да!

* * *

Офтобрўяда
Ўлтириб
Офтобга
Қия
Қарайди.

* * *

Тасаввурга
Сизмаган
Тасаввурларим
Тасаввурники...
...микин?

* * *

Тасодифлар
Қувиб
Юрар...
Қувлар
Изидан.

* * *

Оққушининг
Ҳам
Пати
Қаро
Бўлади.

* * *

Теша
Тегмаган
Гапларгаям
Теша
Теккиздик.

* * *

Саҳнанинг
Ортида
Ҳам
Томошабин
Бор.

* * *

Ўзимдана
Олдин
Онам
Билди,
Оғриқларимни.

* * *

Шип-
Шийдом
Новда-ю...
Булбул
Согинар.

* * *

Излаб,
Излаб
Топмаганларим
Изларидан
Тепдим.

* * *

Кўнглимнинг
Бир
Сири...
Кўнгил
Асири.

* * *

Ҳар
Қандай
Табассум
Эҳтиромга
Лойиқ.

* * *

Ўйнаб
Туриб
Согиндим
Дейиш,
Масхарабозлик

* * *

Капалакни
Ҳашорат
Дейишга
Тил
Бормайди.

* * *

Ари
Қўймаланарди,
Очилаётган
Ғунча
Бағрида.

* * *

Ҳавонинг
Қовоғи
Осилса,
Булутлар
Ҳаволанар.

* * *

Сабр
Қилсанг,
Ғуродин
Халво...
Битмасо...

* * *

Қузатдим,
Изтироб
Чеккан
Қунларимдагина
Яшабман.

* * *

Кўнгилдан
Кетди
Ва
Кўнгилга
Етди.





ШЕЪРИЯТ



Озод ХУШНАЗАРЗОДА

Йиллар ўтди...

* * *

*Асов дарё янглиз шовуллар ўрмон,
Қарсақ чалар чинорларнинг барглари.
Хазонлар устига ёгилар ҳамон,
Ухлаб қолган хотир – дардларим.*

*Асов дарё янглиз шовуллар ўрмон,
Оҳ уриб кексайган чинорлар қулар.
Ажаб, давом этар минг йиллик мезон,
Кимлардир гам чекар, кимлардир кулар.*

*Асов дарё янглиз шовуллар ўрмон,
Шовуллайди ҳамон йил ўтган сари.
Яна баҳор келди, шаксиз, бегумон,
Кулди янги чинорларнинг барглари.*

* * *

*Жоним, сендан кўнгул узишим қийин,
Бу йўлни танладик иккимиз, ахир.
Висол они яқинлашгани сайин
Имиллайди мунча ...кун ўтиш оғир?!*

*Согиниб-согиниб биз учрашганда,
Муҳаббатдан диллар қонаверади.
Бу юрак қурмагур яна қайтадан,
Воажаб, сенга талпинаверади.*

* * *

*Тунда уйқум қочди, боғимга чиқдим,
Ўтирибман маъюс курсида ёлғиз.
Нақадар сокин тун – ой тўлин лим-лим,
Хаёлимда атлас кўйлак кийган қиз.*

*Новдалар шивирлар, жилмаяр куртак,
Уйғонади борлиқ, уйғонар ҳаргиз.
Севгимиз ўйлайман, севгимиз эртак,
Хаёлимда атлас кўйлак кийган қиз.*

*Мана, ўтди қанча баҳор, қанча қиш,
Ўтди қанча йиллар, мен эса ёлғиз.
Ҳамон юрагимда ўша ўртаниш,
Хаёлимда атлас кўйлак кийган қиз...*

* * *

Тут қишлоққа агар бориб қолсангиз,
Йўл икки томони, боғлар, узумзор.
Шундоқ ўнг тарафга назар солсангиз,
Хизр бува оёгининг изи бор...

Оппоқ тошга ботган муборак излар,
Кимдир обод этиб олибди савоб...
Марҳабо, азизлар, кўп келинг сизлар,
Муқаддас масканни айлангиз тавоф.

* * *

Мен сени севаман, сени рашк этгум,
Ишвалангин, фақат менга ноз қилгин.
Рашк – бу муҳаббат дегани, билким,
Севган одамгина рашк қилар, билгин.

Майли, айтаверсин, мен ишонмайман,
Гўёки рашк бу ҳеч севгидан эмас,
Лекин, мен рашкимдан асло тонмайман.
Севмаганлар, ахир, рашкни ҳам билмас...

* * *

Илон изи каби қишлоқ йўллари
Тиззадан келади кўпчиган тупроқ.
Болакай югурар ёйиб қўлларин,
Чангитар кўчани ҳаммадан кўпроқ...

... Ва боқар дунёга ҳайрон кўз билан,
Бу галат дунёни билмайди ҳали.
Агар билса эди, бу ҳаёт ҳарчанд,
Уни не кўйларга солмайди ҳали.

Барибир, бу ҳаёт – ҳаёт экан-да,
Ҳаёт чигириқдан элаб ўтказар,
Баъзан текис йўлдан, баъзан тикандан,
Турфа синовлардан силаб ўтказар.

Йиллар ўтди, энди ҳаёт саришта,
Чарчамади имконига жавобдан.
Бироқ, у ҳам инсон, эмас фаришта,
Баъзан хатолари кўпроқ савобдан.

Ҳозирча болакай тинмай югурар,
Орқасидан кўкка ўрлар уюм-уюм чанг.
Бу чанглар ортидан уфқ юз очар,
Сўқмоқларда уни кутар ҳаёт – жанг.

Болакай кўзида ҳайрат, шуур, онг,
Эй, қайга шошасан бунчалик, дедим.
Мана, йиллар ўтди эслайман ҳамон,
Югураётган бўзбола – мен эдим.

Оҳангарон



ЁДНОМА

Фарида ҲУСАИНОВА,

*Қўқон Давлат педагогика
институтини ўқитувчиси*

“ЧАРХИЙДЕК БИР ДЎСТИНГИЗ ОЛАМГА КАМДАН-КАМ КЕЛУР”

Қўқон шаҳрида яшаб, ижод қилган Ўзбекистон халқ шоири Чархий ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: “Ота касбим тўқувчи бўлганлиги туфайли, мен ўзимга Чархий тахаллусини лозим топган эдим».

Шунинг учун ҳам ижодқорнинг қайси асарини ўқимайлик, унда ўзи каби содда, самимий, халқ руҳига яқинликни ҳис қилиш мумкин. Негаки, шоир мавзуларни узоқдан қидириб ўтирмайди, балки оддий халқ ҳаётидан, ўз теварак-атрофидан оларди. Маҳалладошлари эрта тонгда Чархийни кўчанинг у бошидан-бу бошига сайр қилиб юришганини кўришарди. Чунки у киши ҳар бир шеърни, ҳар бир фикрни Қодирий айтганидек: “Хумдонда обдон пишқариб, кейин ташқарига чиқарар”, эдилар. Шоирнинг “Қиёлаб ўтди” ғазали шундай тонгларнинг бирида яратилган бўлса, ажаб эмас:

*Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди,
Тушгач кўзи кўзимга таъзим бажолаб ўтди.*

*Сунбулни бўйи тарқаб олам муаттар ўлди,
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.*

Шоирнинг шахсияти ҳақида гап борганда, шуни айтиш мумкинки, Чархий камтарин, камсуқум киши бўлганлар. Устознинг шогирдларидан бири Ҳабибулло Саидғани шундай бир воқеани айтиб берган эдилар:

“Устознинг юбилейини нишонлашга катта тайёргарлик кўрдик. Пойтахтдан, вилоятлардан таниқли, мўътабар меҳмонлар ташриф буюришди. Катта зал шоирнинг дўстлари, ихлосмандлари билан лиқ тўла. Театр актёрлари, санъаткорлар, талаба-ўқувчилар бу тантанага катта тайёргарлик кўришди. Лекин, негадир, юбилеярнинг ўзидан дарак йўқ. Йиғилганлар бетоқатлана бошлашди. Бир вақт устоз терлаб-пишиб, ҳижолатпазлик билан кириб келишди. У кишидан нега кеч қолганликларини сўрасак, автобус кутиб кеч қолганликларини айтишди. Барча шогирдлар, шоирнинг ихлосмандлари хизматга бел боғлаб, камарбаста бўлиб туришибди-ю, у киши бўлса, камтарликлари боис, бирор кишига: “Мени театрга олиб бориб кўйинг”, – деб илтимос қилгани ҳижолат бўлишибди”.

Куйидаги сатрларни Чархий ўз бошидан ўтказган кечинмалари асосида ёзгани, шубҳасиз:

*Баъзи бир андишали одамга юз ғам кўндалане,
Юз ҳижолат, минг машаққатга гирифтор илтимос.
Илтимосингни қабул этгувчига осон эмас,
Куйдириб кул айлар эмиш, баъзи айёр илтимос.*

Маълумки, Чархий кўп йиллар “Миён ҳазрат” мадрасасида жойлашган Муқимий уй-музейида ходим бўлиб ишлаганлар. Вақти келиб, шу музейга телефон тушириб беришибди. Бир куни телефон жиринглаб, Чархий гўшакни кўтаришса, бир рус аёли бир нималар дермиш. Чархий рус тилини билмасликлари сабабли, унинг гапларига жавоб бера олмабдилар. Тошкентдан меҳмонлар келишганда, у кишидан нима учун марказ кўнғироқларига жавоб бермаётганликларини сўрашибди. Шундан кейин Чархий: “Гўшакни олмаганимни сезиб қолишмасин”, – деб телефон жирингласа, бошқа хонага чиқиб кетадиган бўлибдилар. Лекин шунда ҳам хижолат бўлганларидан кўнғироқ тингунича эшикни қия очиб, мўралаб туришар экан.

Мен Чархийни кўрганман, лекин у киши билан ҳамсуҳбат бўлиш насиб қилмаган. Тақдир тақозоси билан у киши яшайдиган Исфара гузари маҳалласига келин бўлиб тушдим. Қайнотам – Усмонжон аканинг деҳқон бозорида Найманча ширкатлар уюшмасига қарашли дўконлари бор эди. Турмуш ўртоғимнинг ҳикоя қилишича, дам олиш кунлари дўконга Чархий, Турдали қори Собиров, Ибодулло Раҳматуллаев, маҳалламизда яшовчи тошкентлик қори номи билан машҳур ёру дўстлар йиғилиб, суҳбат қуришар экан. Қайнонам Ражаб-бибининг пиширган сомса, манти, патирлари маҳалламизда жуда таърифли эди. У киши дўстларнинг дастурхонига сомса, мантилар пишириб беришар, ўша пайтларда ўн уч-ўн тўрт ёшларда бўлган турмуш ўртоғим уларга чой дамлаб хизмат қилиб туришар, бу шоиру санъаткорларга ҳаваслари келар экан. Бундан аён бўладики, Чархий ёр-дўстларига меҳроқибатли, қадрли инсон бўлган эканлар. “Собир Абдулла мактубига мактуб” шеърисида Чархий дўстлари, устозлари ҳақида шундай дейди:

*Ҳамма дўст-ошино бир кўзи қошлар,
Қарилар учун суянчиқ ёшлар...
Яна Чарх уриб тилагим камол,
Бири Завқию, бири Нисбатим,
Бири Фурқатим, садағанг кетай.*

Шоирнинг юмористик ва ҳажвий шеърларининг мавзуси ранг-барангдир. “Айниқса, ёш-ликдан ноҳақликка мурасасиз бўлганим важдан ўзимда ҳажвияга кўпроқ майл сезаман”, – деган шоир, халқ мулкига ёмон кўз билан қараган олғир, шаҳар ободончилигига безътибор бўлган раҳбар, ичкиликка, пулга ружу қўйган инсонларни, катталарни ҳурмат қилмаган беодоб, андишасизларни инсофу диёнатга чорлайди.

Шоирнинг ҳажвий асарлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Маълумки, теварак-атрофингиз покиза бўлса, таъбингиз ҳам равшан бўлади. Ҳар бир тарбияли, маданиятли киши эрта тонгда ишни ўзини, теварак-атрофини покиза қилишдан бошлаши даркор. Чархий ўз атрофига, эшиги тагига, кўчасининг раволигига эътибор бермайдиган кишиларни “Кўнглимга бир қаранг, деди” шеърисида танқид қилади:

*Баъзи маҳалла кўчаси бечангу беғубор,
Баъзи маҳалла аҳли нечук бермас эътибор,
Бир қўшни гар супурса, бири ахлатин тўкар,
Озодалик табиат учун қанчалик мадор,
Кўкка боқшдан илғари, йўлга қаранг, деди.*

Чархий асарларидаги шеърий санъатлар уларнинг бадиийлигини таъминлаш қаторида кишини завқлантиради. Шу билан бирга, ўқувчи Фарғона вилоятидаги туманлар, шаҳар ва қишлоқлар, ундаги зоонимлар (ҳайвонот олами), фитонимлар (дарахт ва ўсимликлар), у ернинг машҳур кишилари ҳақида маълумот беради. Масалан, шоирнинг “Фарғона” номли мухаммасидан мазкур тасарруфдаги шаҳар ва қишлоқлар: Марғилон, Қува, Водил, Элаш, Тўлаш; у ердаги таърифи кетган ҳусайни, ҳасаки, кишмиш, тағоби, чилги, чарос, соҳиби каби узум навлари; умрбоқи, гулоби, файзимирини, ноки, калҳасан, чипор, бекзод, кўкча, бешакар, пирсилдоқ, жўрақанд, амири, гурскетди сингари қовун номлари тўғрисида ҳам маълумотлар олиш мумкин.

Шунингдек, Чархий асарларида уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, мато, озиқ-овқат, касб-кор, фасл ва вақт, тана аъзолари, табиат ҳодисалари, урф-одат, ранг-тус номлари ҳам кўплаб учрайди. Бу лингвистик ҳодисаларнинг барчаси шоир асарларини тушунарли бўлишини таъминлаш билан бирга, уларнинг тилига халқона руҳ бағишлайди. “Мен халқ

ичидан чиққаним, халқ орзу-истакларини билганим учун, қолаверса, косиб бўлганим учун ҳам халққа яқин асарлар ёзишга доим ҳаракат қилиб келдим”, – деб таъкидлаган эди шоир ўз таржимаи ҳолида.

Назаримизда Чархий ижодинининг халқчиллигини таъминловчи омиллар қуйидагилардир:

1. Оғзаки услубга хос бўлган: *ўрғилай, тасанно, тасаддуқ* каби таҳсин ва тасаддуқликни билдирадиган сўз ва иборалардан ўз ўрнида унумли фойдаланиш:

*Мушку анбар ҳидли сочи сунбулингдан ўрғилай,
Ҳусни гулзорингда сайрар булбулингдан ўрғилай.*

2. Халқ мақолларини бадиий мақсадни амалга ошириш учун шеърий мисраларга сингдириб юбориш, яъни, ирсоли масалдан фойдаланиш.

Мақол шакли: Беш қўл баробар эмас:

*Ҳама баробар эрур, деб ёмонга бўлма яқин,
Баробар бўлмади инсон қўлида беш бармоқ.*

3. Халқ тилида ишлатиладиган ибора (фразеологизм)лар, идеомаларни қўллаш орқали шеър тилининг содда, ўқувчига тушунарли бўлишига эришади.

Бошидан сув ўгуриб ич, ибораси асосида яратилган мисралар:

*Эй, Чархий вафо гулшанидан сув ўгуриб ич,
Бу нашъу намо ҳар қайси маънода топилмас.*

4. Шеърда жумлаларнинг арузий ифода тарзидан кўра, оғзаки нутқ шаклига, монанд қўлланиши, гўё ўқувчига шоир билан ёнма-ён ўтириб суҳбатлашгандай ҳис пайло эади:

*Урса, ноҳақ ким йиқилгонни яна,
Чархийё, сен йиқилгонни суя.*

5. Шеър банди, бандларининг сўзлашув нутқи бўлмиш бармоқ вазнига яқин шаклланиши, сўз бошидаги биринчи товушнинг ўзгариб такрорланиши шеърий ифодани яна ҳам оғзаки нутққа яқинлаширади. Масалан, тош-пош ош-нон каби:

*Тоза ўтказ ғалвирингдин дону дунни яхшилаб,
Чиқмагай ошингда тишни синдирар бир тош-пош.*

Баъзи мисралар охиридаги *-микан, -муюк* ламаси шубҳа-гумонни ва билиб-билмасликка олиш (Тажаҳули орифона) маъноларини ифодалайди:

*Ифқатли дилинг-ла шарм тутғил,
Чимматли ҳаё-ҳаё бўлурму?*

Чархийнинг байтлари шеърий санъатга бойлиги ва бадиий жиҳатдан пухталиги билан ажралиб туради. Шоир қуйидаги мисраларда тазоддан фойдаланиб гўзал ғазал яратади:

*Босма бефарқ одам эрсанг, ҳар нечук остонани,
Зоғ бўлак, булбул бўлакдир, кун бўлак, кундуз бўлак.*

“Классик адабиётимизга ҳурмат билан қараганимдан, аруз вазнининг ўйноқи, киши қалбига тез етиб борувчи турларидан ижодий фойдаландим ва уни ривожлантиришга интилдим” – деган Чархий, ҳақиқатда ҳам ўз ижодида бунга амал қилиб келди.

Чархийнинг “Кўнглим яқин”, “Гул даста-даста”, “Қиёлаб ўтди”, “Дерман”, “Топилмас” каби кўплаб ғазаллари диллардан жой олган.

Чархий бир шеърда шундай дейди:

*Дўстлик расмидаги ихлосу хосим бу турур,
Ҳимматим назмим сиза кимхобу тосим бу турур,
Бир тўқувчи ўғлидирман, ихтисосим бу турур,
Чархийдек бир дўстингиз оламга камдан-кам келур.*

Ҳақиқатдан ҳам, Чархий қадрдон дўст, хокисор инсон, серқирра ижодкор бўлган. Буни, энг аввало, ёзувларининг ўзи айтиб турибди.

болалар дунёси



Захро ҲАСАНОВА

*Оймомо, ёнимга
туш...*

Бувижоним

*Бағри иссиқ бувим бор,
Меҳрлари кўп бисёр.
Пазандалар жуда ҳам,
Ҳавас қилгудек бирам,
Бўлса-чи, ҳайит байрам,
Дастурхонимиз чунон
Кетади чирой очиб,
Хушбўй ҳидлар таратиб.
Бўғирсоғу қуштили,
Ширин нонлар хилма-хил.
Кўзимиз қувонтирар,
Иштаҳамиз уйғотар.
Ширин ҳолвайтарни-чи,
Пиширадилар тез-тез,
Чунки яхши кўрамиз,
Мен ва укам – иккимиз.
Кўп ажойиб бувим бор,
Хўп гаройиб бувим бор.
Ҳаммага ҳам меҳрибон,
Сўзлари асал бирам.
Пешонам силайдилар,
Камолим тилайдилар.*

Оймомо

Оймоможон, оймомо,
 Ерга тушгин бир зумга,
 Яқиндан бир кўраман,
 Сен-ла ўртоқ бўламан.
 Ҳар оқшом кўкдан боқиб,
 Юлдуздан маржон тақиб,
 Зулматни ёритасан,
 Мени мафтун этасан.
 Сенга ошиқ ҳамма жой,
 Дарёю кўл, тошқин сой,
 Осмонўпар тоғлар ҳам,
 Кенг далаю боғлар ҳам,
 Англолмай синоатинг,
 Бардошу қаноатинг,
 Ҳамиша лолман, ҳайрон,
 Қалбда нуринг чарогон.
 Оймоможон, оймомо,
 Ёнимга туш бир зумга,
 Яқиндан бир кўройин,
 Чиройингга тўёйин.

Қўшни бола

Қўшни бола Иброҳим,
 Ўзи шўх, сўзи ширин.
 Бир галва бошлар доим,
 Сира билмайди тиним.

Тунов куни кўчада
 Бир ҳолда кўриб қолдим,
 Пешонасида гурра,
 Қизиқиб гапга солдим:

– Ҳа, тойчоқ, нима бўлди,
 Ё йиқилиб тушдингми?
 Қогоздан кема ясаб,
 Ё осмонга учдингми?

Иброҳим дер: – Акамга
 Ўйнайлик, деб турволдим.
 Қувлаётиб бошимни
 Иситкичга урволдим.

Ўғлимнинг саволлари

Жажжжи ўғлим Бунёднинг
 Саволлари жуда кўп.
 Қўйиб берсангиз бир зум
 Қатор қилади тўп-тўп:

– Ойи, айтинг қайда дер,
 Юлдузларнинг отаси?
 Қайда экан уларнинг
 Меҳрибони – онаси?

– Қўшни бола Ботирнинг
 Сочлари нега сариқ?
 Хол аканинг эчкиси
 Кўп ўт еса ҳам ориқ.

– Нега боғча опамиз
 Кўп ухлатиб қўяди?
 – Ўйинчоқлар ўйнатмай,
 Тек ўтқазиб қўяди?

Ўғлим бошин силайман,
 Узоқ умр тилайман.
 Саволларга бир-бир
 Жавобларим улайман.



адабиётшунослик



Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ

*филология фанлари доктори,
профессор*

ЖАҲОН АДАБИЁТИДА УМУМИНСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАР

Жаҳон халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг миқёсда ривожлана бошлаган. Бу жараён бир-бирдан узоқ бўлган минтақалардаги адабиётларнинг ўзаро алоқалари, бадиий жиҳатдан бир-бирига таъсирининг кучайишига сабаб бўлди ҳамда жаҳон маданиятининг сифат ва мазмун сирасида янги босқичга кўтарилишини таъминлади, қайсидир бир маънода янги шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу янгиланиш, замонга қараб ўзгариш адабий жараёнда тўлиқ англаб олинди ва бу борада машҳур немис шоири Гёте ўз ижобий фикрини билдириб, илк дафъа “жаҳон адабиёти” атамасини истеъмолга киритди.

XIX асрда шаклланган “жаҳон адабиёти” тушунчаси, уни англаш тамойили кейинчалик барча миллий ва минтақавий адабиётларни бир-бирига яқинлаштирди. XX аср сўнггида ушбу яқинлик янги хусусият касб этиб, “жаҳон адабиёти” тушунчасидан “умуминсоний адабиёт” тушунчаси сари ўзгара борди. Тўғриси, ушбу янги жараённинг юзага келаётганлиги назарий жиҳатдан ўз вақтида илғаб олинмади. Бир-бирдан узоқ, турли минтақаларда жойлашган мамлакат ва халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари фаоллашуви ва жадал суратда тараққий этиши жаҳон адабиётидан умуминсоний адабиётга ўтишнинг рағбатлантирувчи омили сифатида хизмат қилди ҳамда мантиқий равишда ҳар хил миллий адабиётларнинг бир-бирини бойитиши, бир-бирига сингиб кетиши, ўзаро таъсир этиш жараёнларида акс этмасдан қолмади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сифатли таржималарнинг ортиб бориши, хорижий тилларни кенг қўламда ўрганиш, янги методологияларга бой адабиётшунослик илмининг юзага келиши умуминсоний адабиётнинг шаклланишида рағбатлантирувчи омилга айланди. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 60-70 йилларида Фарб мамлакатларида вужудга келган “янги адабиётшунослик” (Р.Барт, Ц.Тодоров, Ю.Кристева ва бошқалар) тилларни бадиий матн таҳлили ва талқини орқали чуқурроқ тушуниш ҳамда ўзлаштиришда асосий тамойил сифатида қабул қилди. Ушбу жараёнда Шарҳ ва Фарб, Осиё ва Европа, Лотин Америкаси ва Европа каби жуғрофий ва тарихий жиҳатдан бир-бирдан йироқ бўлган минтақалардаги адабиётларнинг ўзаро таъсири, шунингдек, замонавий адабиётнинг қадим адабиёт билан узвий боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этди. Маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, ҳамкорлик алоқалари, телевидение ва интернет тармоғи каби янги коммуникация воситаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Хуллас, XX асрнинг сўнги чорагида адабиётларнинг сифат ва мазмун жиҳатдан бойиб бориши, ўзаро алоқалар ва таъсирнинг юксалганлиги умуминсоний адабиётнинг вужудга келиш жараёнига асосий туртки бўлди десак, муболаға бўлмайди. Таъкидлаш керакки, мазкур жараён XX аср билан тарихда қолиб кетмади, балки XXI аср бўсағасида бошланган “адабий глобаллашув”га ҳам кенг йўл очиб берди. Янги йигирма биринчи юз йиллик ўзининг илк қадамини электрон алоқа воситалари билан қуролланган, исталган тилда ёзилган матн билан танишишга имкон берувчи дастурларга эга интернет воситаси ёрдамида ташлади. Эндиликда, бу жараён эстетик интеграциялашув ва адабий глобаллашув жараёнларини жадаллаштираётганда. Бу эса, ўз навбатида, тубдан янги – умуминсонийлик ва глобаллашув

жараёнига эга бўлиш, уни амалга ошириш ва ниҳоясига етказишга имкон яратаяпти. “Маданиятда, худди иқтисодда бўлгани каби, глобаллашувнинг икки, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи шакли кузатилмоқда”, деб ёзади таниқли рус адабиётшуноси Ю.Борев. Биринчи шакли – бу америкача глобаллашув. Барқарор молиявий-иқтисодий қудратига таянган АҚШ ўзининг “оммавий маданият”ини жаҳон маданий маконига сингдиришга ҳаракат қилаяпти. Бу ҳол америка адабиётининг дурдона асарлари (У.Фолкнер, Э.Хемингуэй, Ж.Стейнбек ва бошқалар), ёки фильмлари (масалан, “Вестсайд тарихи”, “Титаник” каби) билан жаҳонни танитса, айни пайтда, зўравонлик саҳналари билан китобхон ва томошабин қалбини оғритувчи, улар дунёқарашини заҳарловчи, дидларини заифлаштирувчи юзлаб бетайин асарларни ҳам тарғиб этмоқда. Иккинчи шакли – бу умумбашарий, яқдил, турли халқларнинг маънавий ва маърифий қиёфаларини бирлаштирувчи, миллий маданиятлар ва қадриятлар билан жаҳон адабиётини бойитишда намоён бўлғувчи глобаллашувдир. Бу шаклдаги адабиёт миллий маданиятлар мустақиллигини, ўзига хослигини ва бетакрорлигини сақлаган ҳолда, ўз таркибига бошқа миллат ва халқлар адабиёти ютуқларини сингдириб олганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётшунослар таърифича, умуминсоний адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари асосан куйидаги парадигма¹лар замирида ёритилади:

- миллий ўзига хосликни сақлаган ҳолда барқарор умумий хусусиятларга эга бўлиш;
- ўз миллий анъаналарига, шунингдек, ўзга макон ва замон муносабатларида бирига боғланмаган адабиётларга таяниш;
- жамият онгида ҳамда бадий анъаналар замирида умуминсоний қадриятларни қарор топтириш;
- адабиётни миллий руҳ негизда тушуниладиган умуминсоний қадриятларга қаратиш ва йўналтириш. Бу ерда умуминсоний қадриятларни миллий ўзига хослик замирида тушуниш, айни пайтда, умумий сифат ва хусусиятларга эга бўлиш асосий мезон ҳисобланади;
- китобхонда турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти жиҳатидан биридан фарқ қилувчи халқлар адабиёти билан танишиш ва тушуниш имкони шаклланади;
- муайян миллий адабиётга ўзга адабиётларнинг бадий маҳорат ва услубий қирралари интеграцияллаша боради;
- Шарқий-Ғарбий (Осиё-Европа), Шимолий-Жанубий (Африка-Европа) ва Атлантика-Аро (Европа-Америка) адабиётларида бадий синтез шаклланади.

Дарҳақиқат, глобаллашув асрининг энг характерли жиҳати – бу XXI аср “маданиятшунослик харита”сининг тузилишидир, у бир бадий яхлитликда “умуминсоний адабиёт” тушунчасидаги замонавий тасаввурнинг туб моҳиятини акс эттириш хусусиятига эга бўлади.

Масалан, асли келиб чиқиши ливанлик бўлган француз ёзувчиси Амин Маалуф (*Amin Maalouf*, 1949) қаламига мансуб “Левант дарвозаси” романида “маданиятшунослик романи”нинг ёки аниқроқ қилиб айтганда, “умуминсоний адабиёт”нинг бир кўриниши мужассамлашганини кузатамиз. Байрутга яқин тоғ ёнбағридаги қишлоқда туғилиб улғайиш, “Кун” номли газетадаги фаолият, олтмишга яқин давлатларга қилинган зиёрат, Ливанда рўй берган хунрезлик уруши, Францияга ноилж эмиграция қилиниш ва, ниҳоят, 1993 йилда нуфузли Гонкур мукофотига сазовор бўлиш, умуминсоний қадриятлар билан “бирлашиш”, уларга “қўшилиш” билан боғлиқ бир қатор романларни яратиш, “беватанлик” деган ягона тушунчада бирлашиб кетган Шарқ ва Ғарб мавзуси – буларнинг ҳаммаси Амин Маалуф таржимаи ҳолининг асосий мазмунини ташкил этади. Муаллиф шахсий ҳаётининг реаллиги, замонасидаги ижтимоий ҳаётнинг реаллиги ва романга доир тасавури Амин Маалуф асарларида гоҳо бадий, гоҳо фожиали контекста ҳаракатланади.

Асли Фаластинда туғилиб ўсган америкалик мунаққид Эдвард Вади Саид (*Edward Wadie Said*, 1935-2003) таърифича, Амин Маалуф асарларида “оламшумуллик” тамойили, яъни, реаллик ва матннинг бир-бирига ўзаро таъсири, ўзаро ҳаракати ва ўзаро алмашинувининг ўзига хос жиҳати яққол намоён бўлган. Уларда матнлар (шу жумладан олам ҳам) “чатиштирилиш”и натижасида ягона матн ҳосил бўлади, яъни, мафтункор ва афсонавий “шарқий бозор” (“*bazarre orientale*”) га, умуммаданий яхлитликни ҳосил қилувчи мозаикага, ўзига хос “жаҳон миқёсидаги умумийлик”ка айланиб боради.

Романнинг марказга интилувчан тенденцияси унинг қурилмасида, ҳикоя қилиш услубида, қолаверса, қаҳрамон рефлексиясида ҳам намоён бўлади. Бу фикр асоссиз бўлмаслиги учун романдан бир парчани таржимада келтираамиз: “Ҳа, айнан шундай, у бир

¹ **Парадигма** (юнон. *paradeigma* – намуна, андаза, қолип) – илмий амалиётнинг муайян босқичида муҳим бўлувчи, аниқ илмий тадқиқотни белгилаб берувчи назарий ва методологик асослар мажмуи. Шунингдек, парадигма муаммоларни танлаб олиш учун асос ҳамда тадқиқот масалаларини ечиш учун намуна ҳам бўлаолади.

муслима ва яҳудий аёл! <...> Ҳа, бир вақтнинг ўзида у яна кўп бошқа хислатларга ҳам эга. У ўзининг ўтмишда Марказий Осиё, Турк Анатолийси, Арабистон, Украина, Бессарабия, Арманистон, Баварида яшаган забткор ва қочқин аждодлари билан фахрланарди. <...> Унда ҳеч вақт ўз қонидаги ирқий заррачалар, қалбининг парчалари ўртасида танлов ўтказиш иштиғи бўлмаган”.

Амин Маалуф қаҳрамони – ҳақиқий “умумбашар одами”, глобаллашув давридаги маданиятлар саргардони ҳисобланади. У усмонли турк сулоласидан бўлган зоти улуг оилада туғилган, отаси турк, онаси армани аёли. У ҳақда куйидаги таъриф келтирилади: “Ўша машъум ва манхус йилда (1915) армани аёлга ўз қорнида усмоний туркдан бўлган болани кўтариб юриш нималарни англаганини ким бугунги кунда тушунишга қодир, билмайман...”, “... у яҳудий аёлга уйланган, француз қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати қатнашчиси, арманилар зич яшайдиган даҳаларни кўчириш дастурларини ишлаб чиқишда қатнашган, уруш, очлик, оммавий қирғин, эпидемия ва эмиграцияни, ота-онасининг вафотини, араб-исроил урушини, ақли заифлар учун клиникада йигирма йил мобайнида мияни айнитувчи даволаш муолижаларини бошидан кечирган, навбатдаги уруш пайтида клиника нейтрал ҳудудда қолиб кетганда, қаҳрамон отаси унга Оссиан исмини кўйгани бежиз эмас. “Исён!” – қамқондан қочиб кетади. У ўзининг жуссаси кичкина бўлиб қолган, сочлари оқариб кетган аёлини, ўз хотинини, ўз Кларасини ахтариб топади...”

Роман хотимаси реаллик ва матн ўртасидаги ўзига хос ўзаро алоқадорликни, ўзаро ҳаракатни яна бир қарра таъкидлайди. Бутун бошли асарда кўп қиёфали ва нимага қодирлигини олдиндан пайқаб бўлмайдиган реаллик қатъий қоидалардан холи, очиқдан-очиқ романий шаклда гавдаланади, бу шакл бир тахлитда, бир маъноли тушунишни истисно қилади, талқинларнинг кўплигини тақозо этади. Жумладан, дунё миқёсидаги ўзгаришлар, дунёни ларзага келтирувчи кулфат, ҳалокат ва фожиаларни бошдан кечириётган даврда бутун борлик, реал воқелик, қолаверса, инсон ҳаётининг дудмаллиги ва маъносизлигини ўзида мужжасам этади.

Бирдамлик ва оламшумуллик ғояси, ўзига хос янги универсал ғоя бўлиб, бу “Европа ягона уй” дегувчи ғояни рад этиш, бутун диққат-эътиборни “учинчи дунё” маданиятларига қаратиш, “маргинал маданият”, “катта” ва “кичик” адабиёт тушунчасидан воз кечиш машъур француз ёзувчиси Жан-Мари Гюстав Ле Клезю (*Jean-Marie Gustave Le Clézio*, 1940) нинг қатор асарларида ўз аксини топди ва у 2008 йил Нобель мукофотига сазовор бўлди.

“Сарсон юлдуз” (“*Etoile errante*”, 1992) романида ушбу бирдамлик асарнинг бадиий тўқимаси, поэтикасида ажойиб тарзда гавдалантирилади, унда қадим мифологиянинг анъанавий рамзлари Инжилнинг икки, яъни, “Қадимги аҳд” ва “Янги аҳд” илохий китоблари ўзга шаклга киритилган мифологик сюжетларга чамбарчас боғланган бўлиб, уларни христиан ва ислом динидаги мифологик сюжетлар, турли мамлакатлар миллий фольклоридан ажратиб бўлмайди; француз, яҳудий, италян, араб каби қаҳрамон образлари ҳам бегона азоб-уқубат, жабр-жафосиз курраи замин маконига тарқалиб, “ўсиб” кетади.

Глобаллашувнинг замонавий тенденцияларини ўзида мужжасам этувчи ва “умуминсоний адабиёт”нинг туғилиши замонавий жараёнининг турли модулларини яратувчи янгиланган универсализм, муқобил вариантлар асосида янги синтез, беҳад кўп маданий айнан ўхшашлик ғоялари “тотал (оммавий) роман”нинг кўпгина турларида ёрқин намоён бўлаяпти. “Тотал (оммавий) роман” – бу XX асрнинг ўзига хос универсал синтези, аниқроқ қилаб айтганда, бир бадиий яхлитликда синтез, симбиоз, мозаика, структуравий бирликнинг ҳар хил кўринишлари орқали авваллари турли жанрга оид тизимларда ҳаракатланган жанрлар, миллий анъаналар, динлар, инсоний билимлар, психологик тажрибалар ранг-баранглиги жамланганлигидир. Бундан ташқари унда адабиёт хотираси, инсониятнинг маънавий тажрибаси жамланган, бироқ, эндиликда, улар битта асарда бутунлигича қамраб олина олмайди, негаки улар кўп қиррали универсал диалогик рефлексия билан тўйинтирилган, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, асар дунё ва инсон ҳақидаги СЎЗга айланади ва “умуминсоний адабиёт” тушунчасининг ўзига хос замонавий кичик бир модули бўлиб қолади.

Бошқа бир француз ёзувчиси Мишел Батайнинг (*Michel Bataille*, 1926) “Рождество арчаси” (*L’Arbre de Noël*, 1967) асари “умуминсоний адабиёт” модулининг намунаси сифатида намоён бўлғувчи универсал роман вариантидек гавдаланади. Монологик тавба-тазаррунинг миллий анъанасига содиқ қолган ҳолда, уни “хитобнома роман” кўринишига ўзгартирар экан, муаллиф ушбу ўзгарган француз анъанасини “умуминсоний” бирдамлик асосида диалог тарзида қуришга ҳаракат қилади. “Хитобнома роман”ида биринчи шахс номидан олиб борилаётган ҳикоя учинчи шахс томонидан олиб борилувчи ҳикоядан асло ажралмайди, балки ўзига хос яхлитликни ҳосил қилганлигини таъкидлаб ўтмоқ, айна муддаодир.

Фожиали шахс, инсоният тарихини, инсон тафаккури ва дарду азобини (“Қадим аҳд” ва “Янги аҳд”дан олинган парафразалар, Инжилда келтирилган исм ва номлар, Полинезия маъбудаларию Миср худолари, католик ва православ байрам ҳамда эътиқодлари, буюқ француз мутафаккири Блез Паскалнинг “Фикрлари”, хитой ва немис донишмандлари, француз натурализи тариқдорлари ғоялари, бадиий адабиёт қажрамонлари ва ҳоказо) ўзида акс эттириб, театр, мусиқа, кино, шеърят, мумтоз психологик роман ва замонавий санъат каби ҳар хил санъатларнинг бадиий тажрибасини ўз таркибига сингдириб, полилог жараёнга киришишга ҳаракат қилади, ўзаро келишувга, мурсага бормоқчи бўлади, жумлаи оламдаги мавжуд умумбашарий, теран бирликнинг бирдамликка эришишига ҳаракат қилади.

Ранг-баранг “камалак”, “чиройли мозаика” модули “умуминсоний адабиёти”нинг шаклланиши, қарор топиши йўлларини олдиндан белгилаб берувчи беҳад кўп, ўзаро чатишиб кетган маданий айнан ўхшашликларнинг вариантдек намоён бўлмоқда. Бу ҳолат М. Фермин (*Maxence Fermin*) қаламига мансуб “Қор” (“*Neige*”, 1999) номли романда ўз аксини топган; айтиш керакки, бу романда мумтоз япон ва замонавий европача адабиётнинг ўзаро чатишиб кетган яхлитлиги ажойиб тарзда мужассамлантирилгандир. Романнинг бутун қурилмаси ва поэтикасида чатишиб кетган ушбу яхлитлик хокку анъанавий япон шеърятини ва символизм руҳининг уйғун бирикмаси ҳосиласидир. “Нарсаларнинг ғамгин сеҳри ва маънос таровати” япон эстетикаси ва шозистларга хос бўлган нарсалар дунёсини четдан туриб қайд этиш ва одамларни “моддийлаштириш” хусусияти, диалогга киришиб, таққослана олмайдиган тушунчаларнинг бирлигида, бирдамлигида дунёга келган янги маънони англашга олиб келади. Ҳаёт фалсафасидек, ҳақиқий билишдек намоён бўлувчи мушоҳада поэзияси, “қараш”нинг янги роман назарияси ва европача символизм анъаналари, бир-бирини яққол ифодалаб, бўрттириб тасвирлаб, қолаверса, таъкидлаб, ўзида янги романий яхлитликни туғдиради.

Инглиз адаби Қадзуо Исигуро (*Kazuo Ishiguro*) қаламига мансуб “Биз етим бўлганимизда” (2002) романи бугунги кун “маданиятшунослик романи”нинг ёрқин намунасидек хизмат қилиши мумкин. Қадзуо Исигуро 1954 йилда Японияда туғилган, тўрт ёшдан Англияда истиқомат қилиб келади. Эндиликда, таниқли инглиз ёзувчиси, асарлари дунёнинг йигирма саккиз тилига таржима қилинган, нуфузли халқаро мукофотлар соҳибидир.

“Биз етим бўлганимизда” романида мумтоз ҳикоя қилишнинг барча анъанавий қирралари бордек, яъни, тарих, қажрамон, сюжет, конфликт ва ҳоказо. Лекин кўпгина узук-юлуқ саҳифалар, алоҳида парчалардан иборатлилик, сабаб ва оқибат алоқадорлигининг йўқлиги, мавҳумлик, реаллик ва хаёлийлик чегараларининг аниқ эмаслиги романи, классик ҳикоя қилиш услубининг барча анъанавий унсурларини тубдан ўзгартириб юборади, уларни ўзгарувчан, мустаҳкам эмас, мавҳум кўринишга олиб келади. Асосий урғу маданий онг муаммосига, маданий ғайришуурийликка қаратилади. Ушбу замонавий жанрлараро насрда детектив жанри, “қора проза” шакли, қолаверса, қиёфаси ўзгартирилган ижтимоий-тарихий роман ва “тарбиявий роман” синтез орқали бирлаштирилгандан кўра, кўпроқ қандайдир бир симбиозда ўзаро тахмин қилинади, бир-бирини тақозо этади. Роман қажрамони – Шанхайда туғилиб ўсган ёш Кристофер учун Англия ҳеч қачон “ўз уйи”га айланмайди; унинг дўсти – ёш Акиро ҳам Шанхайда катта бўлган, болалик шўхликлари учун ота-онасининг дўқ-пўписаси, яъни, “уй”ига – Японияга жўнатиб юбориш унинг учун энг даҳшатли жазога айланади, негаки, у бир марта Японияда бўлган ва ўзини у ерда умрбод бегонадек ҳис қилиб улгурган эди.

Хитой, япон, инглиз анъаналарини таққослаб кўриш, қарама-қарши қўйиш, ўзаро ҳаракат, ўзаро таъсир, ўзаро алоқада кўриш, уларнинг муносабатдошлиги, бир-бирини инкор этиши, ўзаро рад қилиши ва бир-бирига сингиб кетиши ҳамда бири-бирини тўлдириши, бойитиши жараёнлари, шунингдек, бу жараёнларда кечаётган таълим-тарбия тизими, тафаккур, дунёқараш, борлиқни ҳис қилиш, қолаверса, психологик тамойилларнинг уйғунлиги, яъни, шарқона мушоҳада, ўз ўй-хаёлларига чўммоқ, ички ҳис-туйғуларга таяниш – буларнинг ҳаммаси романда, айниқса, Акиро фикр-мулоҳазаларида, Кристофер рефлексиясида тез-тез учраб туради. Бошқа тариқдан, рационализм, яъни, европача мантиқ кундалик ҳаётда, маиший, психологик, фалсафий даражада аслидай тикланиб, рамзий маъно касб этади. Юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун романдан олинган ушбу парчани келтириб ўтиш кифоя: “Уйнинг ташқи, ғарб тариқидаги эшиклари – одатда эман дарахтидан ясалган, уларнинг мисдан ясалган тутқичлари ярқирагунча тозалаб қўйилган; ички – япон тариқифи билан пардозланган ялтироқ ромлар бўлиб, юққа қоғоз тортиб қўйилган, қоғозларга нафис ва бежирим нақш ҳамда расмлар чизилган”. Рамзий ишора, рамзий маъно кўпинча экзистенциализм руҳи билан суғорилганлигини ҳам кузатамиз: “Ўлим тўшагида ётган, жон бераётган японлар, хитойлар, французлар, инглизлар қайси тилларда фарёд чекмасинлар,

улар нақадар ўхшаш жаранглайди! Ўлим олди юракни эзгучи фарёдлар ҳам, ҳозиргина туғилган чақалоқникидай ягона оҳангдадир”.

Қаҳрамонлар болалиги пайтида Шанхайда бўлиб ўтган халқаро анжуман турли маданиятларнинг ранг-баранг ва хилма-хиллиги, айна пайтда эса, маънодош ҳамда бирдамлигининг рамзий маъноси, намунаси тарзида хизмат қилади; унда иштирок этган хитой, япон, инглиз, француз, араб, рус ва америкалик болалар ўзларини ягона оиладек ҳис қилишади, бир-бирини сўзсиз тушунишади. Шанхай улар тасаввурида “ягона умумий уй”га айланади. Аслида, душманлик ва адоват руҳига тўла дунёнинг ташвишлари бу уйда яшаётган етим болаларда ҳам шаклланган; ўз маданиятидан узоқлаштирилган, “етти ёт бегона” маданиятларни ўзлаштириб олган ва ўзиники деб ҳисобловчи бу болалар ўз “ота-онаси”, “қадрдон уй”нинг аста-секин йўқолиб бораётган соялари ортидан бутун умри изма-из таъбиб қилишга маҳкум этилгандир. Ота-она, уй, қурраи заминдаги ҳар бир жой архетипи фалсафий, психологик ҳамда ҳаётий жиҳатдан мазмунсиз, маъносиз бўлиб қолади. Болалар “жаннат”дан, ўзига тегишли бўлган уйдан, аслида, ҳайдаб чиқарилган, қардошлик ва ҳамжиҳатлик ришталари уруш томонидан барбод қилинган. Англияда таҳсил олиб, машҳур детективга айланган Кристофер бу юртда “ўзиники” бўлаолмай, Шанхайга қайтади. Ота юртга келиб, у қачонлардир ўғирлаб кетилган ота-онасининг аниқланмаган “жиноят”ини очишга, ҳеч бўлмаганда, уларнинг изини топишга ҳаракат қилади. Унинг ўтмишга қилган “саёҳат”и бугунги куннинг ақлбовар қилмайдиган реал воқелигига айланиб кетади. Хронологик жиҳатдан воқеалар тафсилоти XX асрнинг 30 йилларида то 60 йилларигача давом этади. “Саёҳат” чоғида у болалик давридаги дўсти Акирони кутқаради ва бемаврид йўқотади. Япон аскарига айланган Акиро болалиги кечган ўз “уй”ига ўқ отишга мажбур бўлади, энг даҳшатлиси, бу “уй” – унинг ягона уйдир, бошқаси унда йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. Кристофер охири жирканч ва қўрқинчли жиннихонадан таҳқир ҳамда калтаклардан бутунлай ақлдан озган, эс-хушини йўқотган ўз онасини топади.

Асарда XVIII аср “қора роман”и аънаналари ҳам кўзга ташланади. Романда урушнинг даҳшатли манзаралари, япон бомбалари харобага айлантирган, остин-устун қилиб юборган “қашшоқлик ини” – Шанхай даҳаларини тасвирлаш асосий мўлжалга қўйилган. Бу манзаралар тикланган хотиралар, ҳис-туйғулар эвазига, фактларнинг ноаниқлиги, узуқ-юлуқ парчалардан иборатлиги, эҳтимоллиги хаёлан мантиққа зид равишда матнда уйғунлаша боради, бир-бирига мос тушади.

Мазкур маданиятшунослик романини “умуминсоний адабиёт” андозасида, замонавий фикр-мулоҳазалар контекстида назардан кечирсак, унда файласуф Г.Альтшулер атамаси билан айтганда, “пўлат эритиш қозон”и деб аталувчи модул мужассамлантирилган, яъни, маданиятда глобаллашув тенденциялари муқаррарлиги фараз қилинган, дейиш мумкин. Айна пайтда, миллий айнан ўхшашликлар, яъни, миллий аънаналар бир қадар хаспўшлангандек кўринади. Ҳа, бугунги кун ва яқинлашиб келаётган интеграциялашув жараёнлари модулларини тарғиб қилувчи асарларда турли миллатлар, миллий аънаналар ва маданиятлар уруш туфайли сургун қилинган, беватан қолган, фожиавий ҳолатга тушган миллатга ўхшаб кўринса-да, аслида, у ўз маданияти ва ўзига хослигини сақлаб қолади. Аҳамиятли томони шундаки, асосий урғу аста-секин вужудга келаётган беҳад кўп маданий яхлитликнинг синкретизм²и, бир-бирига чатишиб, уйғунлашганлигига қаратилади.

Нафсиламр, француз ва испанзабон ёзувчи Фернандо Аррабаль (*Fernando Arrabal*), асли ливанлик, бироқ, француз тилида ёзадиган Амин Маалуф, япониялик, бироқ, инглиз тилида қалам тебратаётган Кадзуо Исигуро романларида миллий менталитет, миллий аънаана эмас, балки бугунги кунда дунё миқёсидаги кечаётган туб ўзгаришлар, ҳалокат ва кулфатлар олдида уларни йўқотиш асосий ибтидога айланиб бораяпти. Дунё миқёсидаги туб ўзгаришлар, ҳалокат ва кулфатлар деганда, биз, энг аввало, урушлар, терроризм, муҳожирлик, ирқий камситиш, беватанлик каби тарихий ва психологик зарбаларни назарда тутаямиз. Кадзуо Исигуронинг “Биз етим бўлганимизда” номли романидан фикримизни тасдиғи учун ушбу парчани келтириб ўтайлик: “Кристофер, сен етарлича инглиз эмассан, – деди ёш Акиро ўз дўстига қараб, – мен эса етарлича япон эмасман”.

Ўзида муайян бадий яхлитликдаги глобаллашув тенденциясини мужассам этувчи “умумбашарий адабиёт”нинг намунаси бўлмиш замонавий маданиятшунослик романларининг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириб, адабиётнинг бугунги кунда “олдинга қаровчи”, “олға интилувчи” азалий вазифасига эга бўлаётганини кузатарканмиз, уни тан олишдан бошқа чорамиз йўққа ўхшайди. Чунки бу каби асарлар келгуси умумжамятнинг хусусиятларини, шакллари, қолаверса, қиёфасини кашф этади, олдиндан пайқаб, турли-

² Синкретизм – нарсанинг дастлабки, бир-бирдан ажралмаган, қоришиқ ҳолати.

туман, ранг-баранг шакллар орасидан энг муносибини, тўғри келувчи модулини танлаб, бизга тақдим этади, деган хулосани чиқариш мумкин. Бироқ, бундай асарларда интеграциялашув жараёнини бир хиллаштирилиши, уни бир шаклга келтирилишига асло йўл қўйиш мумкин эмас, ҳар хил цивилизациялар, миллий анъаналар ва қадриятлар ўртасидаги ўзаро келишув орқали имкониятлар даражасида амалга ошириш даркор. Бундай асарлар инсониятнинг ягона маънавий борлиғини ҳамда кўп маъноли, полифоник дунёқарашини ўзида мужассам этиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “умумбашарий адабиёт” мазмунида қуйидаги асосий тамойиллар мужассам бўлади:

– жаҳон миқёсида, оламшумуллик касб этаётган “шарқона бозор” модули кўринишида намоён бўлаётган “умумбашарий адабиёт” (Ле Клезие, Амин Маалуф каби адиблар асарлари);

– “ранг-баранг камалак”, “қуроқ кўрпа”, “чиройли мозаика” модули кўринишида намоён бўлаётган “умумбашарий адабиёт”. Бу ерда уйғунлашиб кетган, маданий айнан ўхшашлик муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим (М.Фермин асарлари);

– ўзаро уйғунлашиб кетган умуммуштараклик замиридаги диалогда акс этиб, миллий анъана тусини олаётган “умумбашарий адабиёт” (М.Батай асарлари);

– “пўлат эритиш қозони” кўринишида намоён бўлғувчи “умумбашарий адабиёт”, бу ерда синкретизм тамойиллари ошқора миллий айнан ўхшашликни сақлаш билан уйғунлашади, мужассамлашиб боради (К.Исигуро асарлари).

Табиийки, адабиётда, биз ҳали англаб улгурмаган, тушуниб етмаган турли адабий шакллар етилиб, тадрижий равишда ривожланиб боради, айнан ноёб маданият, маърифат, маънавият шакллари куртак отади, миллий адабиётларнинг универсал бирлиги замирида турфа ранг бадиий асарлар пайдо бўлади. Бундан қарийб икки юз йил муқаддам “жаҳон адабиёти” атамасини илмга татбиқ этган буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте башоратини инобатга олгудек бўлсак, ҳақиқатга бирмунча яқинлигимиз равшанлашади.

*Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори*

АДИБ ДРАМАТУРГИЯСИ Ўткир Ҳошимов ижодига назар

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов нафақат насрда, балки драматургия йўналишида ҳам ўзига хос қирраларни намоён этган ижодкорлардан биридир.

Ижодкорнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида барча қаламкашларга намуна бўладиган шундай фикр бор: “Худо кўнглига солмагунча, ҳақиқий ёзувчи қўлига қалам олмайди”. Ўткир Ҳошимовнинг қарийб ярим асрлик ижодини кузатган ихлосманд бир нарсани пайқайди. Ижодкор деярли барча асарларида, аввало, одамзоднинг буюклиги ва ожизлиги, муҳаббати ва нафрати, садоқати ва хиёнати, хуллас, инсонни диққат марказида тутди.

Ўткир Ҳошимовнинг “Инсон садоқати” руҳий драмасида бир қарашда кескин ташқи динамика, ҳаракатлар, елиб-югуришлар, йўқ. Воқеа бир жойда, касалхонанинг торгина палатасида бўлиб ўтади. Аммо, бу асарда драматизм йўқ, дегани эмас. Ундаги ички теранлик, икки қутбнинг муросасиз зиддияти томошабинни (енгил-елпи эмас, эсли-ношули томошабинни) муттасил ҳаяжонда ушлаб туради. Асардаги поклик ва нопоклик, фидоийлик ва худбинлик ўртасидаги кураш ниҳоятда жиддий ва кескин.

Ижодкор асарларига хос бўлган теран фалсафа, таъсирчан тил мазкур драмада ҳам кўринади. Асарнинг бош қаҳрамони, болалик чоғида ҳам отадан, ҳам онадан тирик етим бўлиб қолган, аммо худбинлик эмас, фидоийлик йўлини танлаган ёш олим Элёрнинг онаси билан аламли суҳбатдаги бир гапини эсланг. Гўдак болани ташлаб кетиб, “эркин муҳаббат” гаштини сурган ва ўғли элга таниқли олим бўлгач, “она” экани эсига тушиб қолган аёлга Элёр кўзида ёш билан му-

рожаат қилади: “Онажон, айтингчи, мабодо, мен туғилишимдан олдин сиз тошга бошқоронғи бўлмаганмидингиз? ... Мен чиндан ҳам тош бўлдим. Отам олиб сизга отади. Сизга тегиб, сизга озор бераман, ўзим озор чекаман. Сиз олиб, отамга отасиз. Отамга тегиб, отамга озор бераман, ўзим озор чекаман!” Дилдан отилиб чиққан бу фарёдни ҳис этган ўқувчи ларзага тушмай қолмайди.

Ўткир Ҳошимовнинг “Сиздан угина” (“Виждон дориси”) сатирик комедиясида жиддий мавзу ва яхши топилма мавжуд. Ёш олим фармацевтика соҳасида янгилик бўлган виждон дорисини кашф этади. Уни ичган одам ўзи билмаган ҳолда дилида борини тўкиб солади. Олим ўз дорисини синаб кўрганида “ғалати”, айтиш мумкинки, даҳшатли манзарага дуч келади. Ўзига яқин олган, ўзи ишонган одамлар сирасида нақадар ғаразгўй, тили бошқа, дили бошқа кимсалар бор экан. Ва, аксинча, ўзи унчалик ёқтирмаганлар орасида қанчадан-қанча софдил, самимий одамлар бор экан.

Одатда, ёзувчи ва драматург ижод йўналишига қараб маълум “тоифа”га бўлиниши мумкин. Биров нуқул жиддий асарлар ёзади, бошқа адиб ёки драматург ҳажвга мойил. Бир йўла ўқувчи ёки томошабинни “ийғлатиш”га ҳам, “кулдириш”га ҳам қодир қаламкашлар кўп эмас. Адабиёт тарихига назар ташласак шундай кўпқиррали ижодкорларни кўриш мумкин. Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов асарларида, айнан, шу хусусиятларни кўраимиз.

Ўткир Ҳошимов ҳам шу сирасига мансуб ижодкорлардан. Унинг “Баҳор қайтмайди”, “Қалбинга қулоқ сол”, “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби қиссалари ва романлари, шунингдек, қатор ҳикояларида жиддий фожиали ҳолатлар тасвирини кўрасиз.

Ижодкорнинг яна бир асари – “Қатағон” трагедияси ҳақида бир қадар батафсилроқ тўхталашга тўғри келади.

Шўро адабиётида трагедия ёзиш мумкин эмас, деган тушунча, аниқроғи, “ички буйруқ” бор эди. Майли, хоҳлаган одам хоҳлаган трагедиясини ёзаверсин, аммо, бу жанрдаги асар ўтган замон ёки бошқа мамлакатлар ҳақида бўлиши шарт эди.

“Қатағон” трагедияси шўро замони ҳақидаги биринчи ўзбек трагедияси дейиш мумкин. Трагедия марказига ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ўзбек халқи бошига тушган оғир кулфат – олисдаги марказ томонидан уюштирилган ва мингларча бегуноҳ инсонларнинг қисматини қора қилган “ўзбек иши”, “пахта иши” компанияси, мустабид тузумнинг сўнгги жиноий ҳамласи асос қилиб олинган.

Ўз вақтида “Қатағон” трагедияси ҳақида матбуотда айрим мақолалар эълон қилинган. Бироқ, уларда асар чуқур таҳлил этилган дейиш қийин. Асарда шундай тағмаёноли, “яширин” нуқталар борки, уларни англаш учун ўйлайдиган томошабин керак. Масалан, асар бошидан саҳнага Лўли чиқиб келади ва ўз одатига биноан, “уйингда амал боо-о-р”, деб бош қаҳрамон Панжи Жумановнинг хотини Ҳанифага “фол оча бошлайди”. Бир қарашда жиддий трагедияда атиги бир неча дақиқа кўринадиган Лўлининг нима кераги бор? Гап шундаки, драматург мана шу “кераксиз” образга ҳам катта “юмуш” юклаган. Лўлини терговчи Мясников эрмак қилиб, “Лўли бўлсанг, бир фол очиб кўр-чи”, деб кафтини тутди. Шунда Лўли унга қараб. “Қўлингдан қон ҳиди келопти, сен ёмон одамсан!” дейди ва бу гапи билан томошабинни асарда рўй берадиган фожиалардан огоҳ қилгандек бўлади. Ҳанифага “буларни нега уйинга киритдинг, булар ёмон одам, уйингда амал бор”, деб тағин бир бор таъкидлайди. У айтган “амал” нима эканлиги сўнгги пардаларда аён бўлади. Мясников бу хонадоннинг ҳожатхонасига наркотик модда яшириб кетади ва шу баҳонада биринчидан, Панжи Жумановнинг тилини қисик қилмоқчи, иккинчидан, Ҳанифани ҳам ҳибсга олмақчи бўлади.

Трагедияда яна бир саҳна бор. Мясников Ҳанифага эринг яширган пулни топасан, деб зуғум қилавергач, аёл шўрлик дод устига дод солиб, қўшнилари ёрдамга чақиради. Афсуски, биронта қўшниси холинг нима кечди, деб ёнига яқин келмайди. Бу билан драматург олисдаги марказ қатағон учун бошқа халқни эмас, айнан, ўзбекларни танлагани бежиз эмаслиги, бизнинг одамлар ҳарчанд меҳнаткаш, бағри кенг бўлмасин, вақтини қовушиш, бир-бирини ҳимоя қилиш масаласида лоқайд эканига ишора қилади.

Шундай оғир паллада фақат бир киши Панжи Жумановнинг акаси Валентин Жумановгина келинини ҳимоя қилади, Мясников билан унинг маҳаллий гумаштаси Бердиевни ҳайдаб чиқаради. Валентиннинг миллати рус. Уни Жумановлар

оиласи гўдаклигида Ленинград қамалидан чиқиб келганида асраб олган. Валентин каллакесар терговчи Мясников билан дангал олишади. Мясников навбатдаги ҳийлани ишга солиб, Валентинни “миллатдош” сифатида ўзига ёрдам қилишга, яъни, укаси Панжи Жуманов устидан ёлғон гувоҳлик беришга ундаганида, Валентин ғоят мантиқли жавоб қилади: “Вой, ифлослар-ей! Энди, менинг бошимни ахлатпақирига тикмоқчимисан? Ленинград блокадасидан чиқиб келганимда, сен онангни қорнида ҳам йўқ эдинг! Шу одамлар мени бағрига олди. Очиқдан силлам қуриб ўлим тўшагига ётганимда, шулар менинг жонимга оро кирди. Шулар менинг бошимни силади. Энди, мен шу халққа нонкўрлик қилайми, номард?!”

Мясников Панжи Жумановни “синдира олмагач”, “бутун халқинг қўй, эшак”, деб ҳақорат қилди. “Хотинингни учта рецидивистга баравар зўрлатаман”, дейди. Охири, Панжи Жуманов унинг бошига терговчининг ўзи ичиб ўтирган арақ шишаси билан уриб, ўлдиради. Панжи Жумановни эса отиб ташлайдилар.

Қизиғи шундаки, Валентин Жуманов виждонли инсон бўлса, шу юртнинг ўзидан чиққан “маҳаллий ҳуқуқшунос” Бердиев гдлянчиларнинг югурдаги. Ҳанифанинг унга қарата айтган сўзларида аччиқ ҳақиқат бор: “Булар-ку, қай гўрдан келган! Сенчи? Сен шу қишлоқнинг сувини ичиб катта бўлгансан-ку! Уз хешларингга тухмат қилгани уялмайсанми, юзсиз? Панжи аканг кимлигини билардинг-ку, виждонсиз?! Булар қилғилиқни қилиб, журтига жўнаб кетади, сен қандоқ бош кўтариб юрасан, бу юрда, имонсиз!” Қуруқ тухматга учраган аёлнинг фарёдида чексиз алам бор.

Терговчиларнинг бошлиғи Мясниковнинг гапини эшитайлик: “Минг кишини чақириб тўй қилишга пул керакми? ... Хотини каламушга ўхшаб ҳар йили бола-лайдими? ... Шунча болани боқишга пул керакми? Қаердан олади шунча пулни? ... Қўшиб ёзади! Пора олади! Ўғирлик қилади...”

Асардаги Мясниковнинг жирканч фаолиятини кузатсак, Гдлян билан Ивановлар кўз олдимизга келади.

Трагедияда шунчаки кези келганда, айтилгандек, бир луқма бор. Терговчи Мясников Ҳанифанинг уйига бостириб кириб, уни сўроқ қиялпти. Аввало, бировнинг уйига махсус рухсатнома – ордерсиз бостириб кириш мумкин эмас. Қолаверса, “тергов” терговчи хоҳлаган тилда эмас, сўроқ берувчи хоҳлаган тилда олиб борилиши шарт. Бу халқаро меъёр. Бироқ, гдлянчиларга “чекланмаган ҳуқуқ” берилган. Мясников Ҳанифага: “Одам тушунадиган тилда гапир!” деб дағдаға қилади. Ҳанифа эса: “Сенинг тилинг одам тили бўлганда, меники ҳайвон тилими? Мен сенинг уйингга бостириб борганим йўқ, сен менинг уйимга бостириб келдинг. Керак бўлса, сен менинг тилимда гаплаш”, дейди. Бу ҳолат бир қараганда, оддий тортишувдек туюлиши мумкин. Бироқ, унинг замирида катта маъно бор. Шўро замонида ўзбек тили кўп йиллар камситиб келинди.

Ўткир Ҳошимов асарга Ҳанифа тилидан бу оғриқли хитобни бежиз киритган эмас. Ҳанифа оддий уй бекаси. Бироқ, у тухмат ва ҳўрликлар кўравериб, жонидан тўйиб кетган. Эри, фарзандларининг отаси мутлақо ноҳақ қамалганини билди. Олисдан келган зўравонлар тухмат қилаётгани етмагандек, она тилини ҳам камситаётганига чидолмайди. Нима бўлганда ҳам бу луқмалар тағида чуқур маъно ётибди.

Трагедияни диққат билан кўрган томошабин драматург бирон жумла ёки детални бежиз ишлатмаганини англайди. Терговчиларнинг каттаси Мясников ўтакетган мараз кимса. У ўзбек ҳаётини мутлақо билмайди. Булар ҳаммаси текинхўр, боқиманда, деб ўйлайди. Панжи Жумановнинг чала қолган, хом ғишдан қурилган иморати унинг кўзига қаср бўлиб кўринади. Бу эса, бир гал унинг ўзига панд беради. У Панжи Жумановга фалончидан олган фалон минг сўм порани полингни тағига яширгансан, деганда ғирт тухмат қилаётгани аниқ бўлади. “Пол дейсанми, – дейди Панжи кулиб, – менинг уйимда полнинг ўзи йўқ ва бўлган ҳам эмас”. Мясников Бердиевга ўхшаш “ўзимиздан чиққан балолар”ни югурдақ қилиб, халқнинг бошига минг хил кулфат ёғдиради. Аввал, оила бошлиғини ҳибсга олади. Сўнг, Бердиевни ишга солиб, унинг уйига “элчи” қилиб юборади. “Фалон минг берсанг, эрингни (акангни ёки уқангни) чиқариб юборамиз”, дейди-да, мол-ҳолини, ҳатто бувисидан мерос бўлиб қолган тилла билакузуккача тортиб олади. Валентин Жуманов: “Бўрига эргашиб юрган шоқол”, деб таърифлаган бердиевлар ҳам бир нималик бўлиб қолади.

Панжи Жумановнинг қанд касали борлигини билиб, уни атайлаб бир неча кунлаб сувсиз қолдиради. “Фалончига қарши ҳужжатга қўл қўйсанг қизингни касалхонага ётқизамиз”, деб (Жумановнинг қизи пахтада ишлаб сариқ касалига йўлиққан)

алдайди. Панжи Жуманов бу “қамоққа” илинмагач, Мясниковнинг ҳақиқий башараси очилади. “Менга деса, қизингни жигарлари эзилиб кетсин. Қизинг ўлган! Улар чоғи сени чақирган”, деб “тантана” қилади.

Панжи Жуманов – тажрибали деҳқон. Катта хўжаликка раҳбарлик қилган. Бироқ, у оддий хизматчигина эмас, иқтисодчи олим ҳам. Бу жиҳатдан ҳам у рўй бераётган фожиаларнинг туб моҳиятини теран англайди. Ундан бирон “керакли” маълумот (яъни, бошқаларга туҳмат) ундиролмаган Мясников ғазабга миниб ўзбекларни “фош қилади”. “Сен ҳаромхўрлар туфайли нималар бўлганини биласанми? Марказий туманларга тола ўрнига хашак борган, ха-шак! Кейин эса, ўша хашак ҳам бормай қолган! Вагонларда ҳаво борган! Самолётларда эса дипломат тўла пул борган! Пора борган!” Панжи Жуманов бундай пўписаларга афсусланиб эмас, изтеҳзоли кулиб жавоб беради: “Буёқдан тола ўрнига вагонларда ҳаво, самолётда пул борган экан, у ёқдагилар нега индамабди? Нега бизга пул керакмас, толанинг ўзини беринглар, демабди?!”

Асар қаҳрамонининг бу гапида жиддий ҳақиқат бор. Панжи Жуманов порахўрликни сенларнинг ўзинг бошлагансан, “қўшиб ёзишга сенларнинг ўзинг мажбур қилгансан”, демоқчи!

Панжи Жуманов билан Ҳанифанинг хаёлий учрашув манзараси жуда таъсирли. Ҳанифа гўдагининг бешигини кучоқлаб ўтирибди. Панжи Жуманов пайдо бўлиб, унинг ёнига келиб ўтиради. Аҳволи ҳарчанд оғир бўлмасин, аёлига тасалли беради. Улар сурурли кунларни эслайдилар. Эр-хотин орасида шундай диалог бўлиб ўтади.

“Ҳанифа: – Одамларгаям ҳайронман. Бошимизга қора кун тушдию ҳаммаси юз ўгириб кетди. Муллакамдан бошқа ҳеч ким қолмади! (Валентинни айтмоқчи). Ахир, сиз шунча одамга яхшилик қилдингиз.

Жуманов: – Менам шунга ҳайронман. Юртимизни вабо босди. Қамоқхоналар бегуноҳларга тўлиб кетган. Одамлар нега бунча лоқайд?!”

Ҳанифа: – Анавиларнинг нияти нима ўзи?

Жуманов: – Ниятими? Нияти – халқни пароканда қилиш. Қулга айлантириш!”

Ўткир Ҳошимов драматургияси ҳақида гап кетганда, “Қатағон” трагедияси хусусида кўпроқ тўхталганим бежиз эмас. Ижодкорнинг қатор романлари ва қиссалари, саҳна асарлари қатори бу фожида ҳам тирик инсонлар қисмати қаламга олинган. Ҳарчанд, аччиқ бўлмасин, бор ҳақиқат ёзилган. Муҳими шундаки, онгги мустақиллик йилларида шаклланган авлод истиқлол биз учун осон келмаганини, бу йўлда қандай курашлар бўлганини, қанча қурбонлар берилганини яхши билмаслиги мумкин. Ҳолбуки, адиб ёзганидек, кечани унутмаган бугунни қадрлайди.

Сўзимизнинг бошидаги фикрга қайтадиган бўлсак, Ўткир Ҳошимовнинг ижодида драматик асарлар салмоқли ўрин тутади.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,

филология фанлари доктори

ОЛИМ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Кучинг етса – олим бўл. Агар олим бўлолмасанг, олим одамга шогирд бўл. Бунга ҳам эпполмасанг, чин олимларни ҳурмат қил. Бу ҳам қўлингдан келмаса, олимларнинг жаҳлини чиқарадиган иш қилма.

Ҳадисдан.

Умарали Норматов деганда, кўз ўнгимда ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг **энг сермахсул, энг фаол, энг куйинчак, энг меҳнатсевар**, шу билан бирга, **энг имон-эътиқотли** инсон гавдаланади. Умарали Норматов қарийб олтимиш йилга яқин даврдан буён адабиёт аталмиш мўъжизалар хазинасининг фидойиси бўлиб, унинг покизалиги, келажаги, доимий ривожланиши ва бойиб туриши учун масъулиятини онгли равишда чуқур

англаган ҳолда беминнат хизмат қилиб келаётир. Мен юқорида Умарали Норматов феноменига хос бўлган фазилатларни бежиз таъкидламадим. Булар мендан олдин бошқа адабиётшунослар томонидан ҳам қайд этилган.

Авалло, шуни айтиш лозимки, Умарали Норматовнинг сермахсуллиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу фикримизни қуйидаги рақамлар исботлаб беради. 2006 йилда нашр қилинган “Умарали Норматов (Библиографик кўрсаткичлар)” рисоласида адабиётшунос олимнинг 45 та китоби, дарслик ва қўлланмалари, 515 та мақолалари рўйхатга олинган. 2010 йилда нашр этилган “Нафосат гурунглари” номли янги китобида устознинг ўзлари “ҳозирга қадар 500дан ортиқ адабий-танқидий мақолам, 50га яқин китоб, дарслик, ўқув қўлланмаларим чиқди”, деб ёздилар. Аслида, булар ҳам тўла эмас. Менинг ҳисобимга кўра, шу пайтгача Умарали Норматовнинг 550га яқин мақоласи, 55та китоб, дарслик ва ўқув қўлланмалари босилиб чиқибди. Нашрга тайёрлаш ва муҳаррирлик ишлари бу ҳисобга кирмайди.

Келинг, бу сермахсулликнинг қадрига етиш учун математика фанига мурожаат этайлик. Умарали Норматовнинг: “Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари”, деб аталган илк мақоласи “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасида босилганига бу йил 54 йил бўлди. Шу 54 йилни бир йил ҳисобида 365 кунга кўпайтирсак, 19710 кунга тўғри келади. Аммо бу рақам бир сутка, яъни, 24 соатнинг натижаси. Ахир, одам узлуксиз 24 соат ишлай олмайди-ку, тўғрими? У ҳам ухлайди, дам олади, оила аъзолари, дўст-биродарлари билан суҳбатлашади, тўй-ҳашамларда қатнашади (бунақа хайрли ишларга эса домланинг “суяги йўқ”, ҳар доим “вақт” топадилар) ва ҳақозо. Бунинг устига Умарали Норматов маъруза ўқиш, шогирдлари билан ишлаш, уларнинг диссертациясини ўқиб, таҳрир қилиш, илмий кенгашларда қатнашиш, расмий ёки норасмий оппонент сифатида тайёргарлик кўриш, яна 26 йиллик кафедра мудирини сифатидаги тинимсиз меҳнат билан банд эди. Булар одамнинг ҳазилакам вақтини олмайди. Бу ишлар учун куннинг ярмини олиб ташлаганимизда ҳам Умарали Норматовнинг ихтиёрида 9855 кун қоларкан (аслида, бу ҳам кўп, чунки одам 12 соат муқим ўтириб ишлай олмайди). Ана энди ҳар бирини камида 5 бетдан ҳисоблаб, 550 та мақолани (2750 бет), ҳар бири ўртача 180-200 бетдан бўлса, 55 та китоб (11000 бет)ни бу рақамга кўпайтирсак, устознинг нақадар сермахсуллигига, куйинчаклигига, меҳнатсеварлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Умарали Норматовнинг ёзганлари шунчаки қўлдан чиққан нарсалар эмас. Ишончим комилки, домла ҳар бир саҳифа, ибора, ҳатто сўз устида соатлаб ўйлайди, уларни қайта-қайта таҳрир қилади. Ўзи тўла қониқиш ҳосил қилгандан кейингина нашрга беради. Мақолаларининг ҳар бирида адабиётнинг муҳим мавзу-муаммоларини кўтаради, уни даврнинг долзарб масалалари билан боғлайди. Бу мақолаларда муаллиф тилга олган илмий ва бадий асарларнинг рўйхатини кўриб, яна бир бор тан берамиз: шунча китобни қачон ўқиб улгурди экан?

Булар устознинг фаоллигини исботловчи далиллар ҳамдир. Айни чоғда, у киши ўзи мансуб бўлган олий таълим мутахассислиги доираси билангина чекланиб қолмаган. Умарали Норматов умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус таълим тизими учун дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар тайёрлаш, уларни тубдан янгилаш борасида ҳам тинимсиз фаолият олиб боради. Таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган биронта анжуман, фан олимпиадалари ҳам устозсиз ўтмайди.

Умарали Норматов ҳар бир ишга ўта куйинчаклик ва масъулият билан ёндашади, тинимсиз мутолаа қилади. Шу боисдан ҳам устоз фикр доираси ниҳоятда кенг, умумий адабий жараённи чуқур биладиган олимлардан бири ҳисобланади. Шахсан ўзим устоз билан суҳбатлашиб, бир дунё сабоқ оламан, бир неча кунгача ўзимни босолмайман. Ҳали кўп нарсаларни билмаслигимга, янада, кўпроқ ўқиш-ўрганишим зарурлигига амин бўламан. Аммо, шуниси ҳайратга соладикки, устознинг ўзлари ҳеч қачон билганларидан қониқиш ҳосил қилмайди. Бу қониқмаслик ҳисси устозни янада кўпроқ мутолаа қилишга ундайди. Масалан, устознинг «Ижодқорнинг дахлсиз дунёси» китобига кирган «Ҳамкасблар билан суҳбатлар»ини, «Ижод сеҳри» китобидаги «Романнинг янги умри», «Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи» номли суҳбатларини эсга олайлик. Уларда Умарали Норматов ҳозирги дунё адабиётшунослигидаги янгича назарий маълумотларни шу қадар кўп билиши аён бўлади.

Адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён масалаларига бағишланган бу суҳбатларда илгари сурилган илмий-назарий мулоҳазалар Умарали Норматовнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётган, жаҳон адабиёти мезонлари билан бўйлашаётган ўзбек адабиётининг сир-асрорини тунтасил ўрганаётгани, ундан орқада қолмаслик учун тинмай изланаётгани (устоз адабий танқид бадий адабиётдан олдинда юриши керак деган қоидага қатъий амал

қиладилар-да)дан далолат берадики, устознинг бу фазилати нафақат ёш тадқиқотчилар ёки шогирдлари учун, балки тенгқур адабиётшуносларга ҳам ўрناк бўларлидир.

Ўтган 2010 йилнинг ўзида Умарали Норматовнинг бир-биридан сифатли иккита китоби босилиб чиқди. Бири олти бўлимдан иборат адабий-танқидий мақолалар, эсселар, хотиралар, қайд ва суҳбатларни ўз ичига олган “Нафосат гурунглари” деб аталган бўлиб, ундаги жуда кўп мақолалар ўқувчилар ҳукмига илк бора ҳавола этилмоқда. Ҳайрон қолдимки, устознинг ижод сандиғида ҳали эълон қилинмаган ишлар ҳам кўп экан. Китобнинг “Устозлар ибрати” ва “Сафдошлар даврасида” деб аталган дастлабки бўлимларидаги мақолаларни ўқиб, Умарали Норматовнинг қиёфасига хос яна бир белгини сезиш мумкин. Бу устознинг юксак маънавиятли, қатъий имон-этиқодга эга бўлган шогирдлик ва дўстлик туйғусидир. Ўзининг тан олишича, университетда ўқиб, ишлаб топган энг катта бойлиги, бахти Озод Шарафиддиновдек буюк устозга шогирд бўлганлигидир. Озод Шарафиддинов туфайли Абдулла Қаҳҳор билан ҳамсуҳбат бўлиш бахтига эришди. Айни чоғда, домла шогирд сифатида “Устози аввал”и Фулом Каримов, ажойиб “Одамохун сиймо” Субутой Долимов, “Шарқу Фарб тадқиқотчиси” Фозила Сулаймонова, “Олим, таржимон, мураббий” Шоислом Шомуҳамедов каби устозлари, ҳамкасб дўстлари Нуриддин Шукуров, Беғали Қосимов, Норбой Худойбергенов, Абдуғафур Расуловлар тўғрисида ҳам самимият ва меҳр билан ҳикоя қиладилар. Шу боисдан ҳам қандай мартабага, обрў-этиборга эришган бўлса, бунинг учун Умарали Норматов энг аввал, ана шу устозларига таъзим қилади. Эҳтимол, шунинг учундир Умарали Норматовнинг ўзи ҳам шогирдларининг юксак меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб келаётир.

Яна бир китоби Умарали Норматовнинг қирқ йилдан ортиқроқ давр мобайнида ўрганиб келган Абдулла Қодирий ижодига бағишланган бўлиб, “Қодирий мўъжизаси” номли монографиядир. Чиндан ҳам Абдулла Қодирий миллий адабиётимиздагина эмас, балки жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчанса арзийдиган мўъжизалар яратган. Устоз китобга ўзбек адабининг ана шу жаҳоншумул ижодий портретига мос келадиган ном топа олганлар.

Адабиётшунос Умарали Норматовнинг ўзи ўрганаётган, фикр билдираётган ҳар бир ижодкор шахсига, унинг меросига, маҳорати даражасига улкан муҳаббат ва ўта масъулият билан ёндашиши мана шу монографияда, айниқса, яққол намоён бўлади. Китоб муқаддимасида Абдулла Қодирийни даҳо санъаткор деб билган ва буни илмий жиҳатдан исботлаб бера олган муаллиф ёзувчи яратган мўъжизаларни ўқувчи олдида очилдастурхондек ёзиб қўйибдилар-у, тағин камтарлик қилиб, бу: “Айтганларим, ёзганларим мўътабар қалам соҳиби шаънига, у қолдирган мўъжизакор мерос даражасига мос келармикан? Қодирийдек сўз заргари “қаламим ожиздир” деб турганида, камина каби бир **ғариб мунаққид** (таъкид бизники – И.С.) бу ишни қойиллатдим дейишга йўл бўлсин!” деб ўқувчидан узор сўрайди.

Ёзувчилар ва ҳамкасблар билан бўлган суҳбатларда эса мунаққиднинг қулфи-дили янада очилиб кетади. Эътибор берилса, бу суҳбатлар ҳозирги адабий жараёнда назария масаласининг ўрганилиши, тадқиқ этилиши ва бадиий асарга тадбиқ қилиниши муаммоларига бағишланган. Уларда илгари сурилган назарий фикрлар адабиётшунос Умарали Норматовнинг тез суръатлар билан янгиланаётган, жаҳон тамаддуни билан бўйлашаётган бадиий адабиётнинг сир-асрорини ўрганиш, ундан орқада қолмаслик учун тинмай изланаётганидан далолат беради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўзбек адабий танқидчилигида адабий суҳбат жанрининг вужудга келиши Умарали Норматов номи билан бевосита боғлиқдир.

Умарали Норматов ҳозирги адабий жараёнда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиланаётган назарий тамойиллар тўғрисида шу қадар тўлиб-тошиб, ҳис-ҳаяжонга берилиб кетадики, агар суҳбатдоши устозни вақти-вақти билан тўхтатиб, муҳокама қилинаётган мавзу ва муаммо ўзанига солиб турмаса, бир неча кун бўлса ҳам гапирaveraди. Буни тиниб-тинчимас изланувчан мунаққид Умарали Норматов ҳозирги адабий жараённинг ҳам бадиий, ҳам илмий-назарий ривожидан қониқиш ҳосил қилмаётганидан, куюнчаклигидан келиб чиқадиган фазилат деб баҳолаш ўринлидир. Устознинг ана шу фазилатини таъкидлар эканман, ўйлиниб қоламан, ахир, ижодкорга хос бу дахлсиз дунё бадиий ижод билан шуғулланаётган санъаткоргагина эмас, балки, шу жараёнга ундан кам бўлмаган вақт, ҳис-ҳаяжон, тафаккур, билим сарфлаётган, шу соҳага чексиз меҳр қўйган мунаққидга ҳам бевосита дахлдор эмасми?! Шу маънода, олимнинг ўзига хос қарашлари, муносабати, куюнчаклиги, янгилекларнинг рўёбга чиқишини тезроқ кўриш истаги Умарали Норматовгагина дахлдор тафаккур дунёсининг яшовчанлиги ҳамда камолотидан далолат беради. Ҳа, Умарали Норматов адабиёт аталмиш мўъжиза ичида яшаб, ажойиб мўъжизалар яратмоқда.

Адабиётшунос сифатида устознинг қиёфасини тўлдирадиган яна бир чизги тўғрисида тўхталиб ўтишни хоҳлайман. У кишининг қачон бўлмасин, билдирган фикрлари шаклан ҳам, мазмунан ҳам эскирмайди. Масалан, шахсан ўзим кўпроқ ўзбек насри, хусусан, роман жан-

ри муаммолари билан шуғулланганим учун Умарали Норматовнинг етмишинчи йилларда эълон қилган “Роман ва замон” масаласидаги ўз-ўзи билан олиб борган адабий-танқидий баҳси билан орадан ўттиз йил ўтиб, мустақиллик даврида яратилган “Романнинг янги умри”ни аниқлашга бағишланган суҳбатини (суҳбатдош Дилмурод Куронов) қайта-қайта ўқийман ва ҳар гал улардан оламжаҳон билим оламан. Чиндан ҳам бундан ўттиз-қириқ йиллар олдин роман жанрининг шакли ва мазмунини тубдан янгилаш зарурлиги тўғрисидаги мулоҳазалари мустақиллик даврида амалга ошганлигига ишонч ҳосил қиламан.

Устоз Умарали Норматов адабий анжуманларда, учрашувларда сўзга чиқиб, биринчи каломини: **“Азизларим, қадрдонларим, дўстларим”**, каби, меҳр уфуриб турган сўзлар билан бошлайдилар. Ҳа, устозимиз учун ёшидан, миллатидан, ирқидан қатъий назар, ҳамма одамлар азиз ва қадрлидир. Эҳтимол, шунинг учундир, Умарали Норматовнинг ўзи ҳам ҳамма учун **азизу мукаррам ва қадрдон** бўлиб қолаётир.

*Қўнақбай ТУРДИБАЕВ,
филология фанлари номзоди*

ЛИРИКАДА РУҲИЙ ИФОДАНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Лирика мудом руҳий кечинма ва онг яхлитлигига интилади. Туйғу ҳамда тафаккурда намён оний кайфият тасвири лириканинг устувор хусусияти. Бинобарин, ижтимоий воқелик ва ҳаёт фалсафасидан сизиб чиқадиган ҳиссий илғам психологик ифодани марказлаштиради. Аниқроғи, кучли маънавий-интеллектуал қамров шеърий ақида табиатини далолатлайди. Бадий идрок сирасида яхлитлашадиган ҳолат манзараси – ижод мағзи. Унда инсон аҳволи-руҳияси эътирофи, истифори, муҳокамаси ва таҳлили етакчилик қилади. Ҳис қилиш, туйиш, англаш ва идрок унинг таянч нуқталари. Кўнгил сарҳадларида кечаётган туғёнлар замзама-си шеър бутунлигини ижод товланишлари силсиласини эса ифода даражаси тайин этади.

Шу жиҳатлар нуқтаи назаридан қараганда, Набийра Торешова ижоди қорақалпоқ назми жорий босқичида ўзига хос ўрин тутади. Давр ижтимоий руҳияти кўндалан кўйган муаммолар залворини англаш, инсон руҳий оламини тўқис ифода этишга мойиллик, одамзод ибтидоси ҳамда интиҳоси ҳақидаги ўй-мушоҳада теранлиги, тасвир миқёслари ўзгарувчанлиги ва ижтимоий-фалсафий-эстетик таҳлил руҳияси экспрессияси шоира шеъриятининг етакчи тамойилларидир. Бу борада, қатор адабиётшунослар ва ижодкорларнинг кузатув ҳамда мулоҳазалари мавжуд.

Аслида, янги давр қорақалпоқ лирикаси муайян бўғини – хотин-қизлар поэзияси тараққиёт даражаси ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида М.Қасимова, Г.Шамуратова; саксонинчи йилларида Н.Торешова, П.Мирзабоева; тўқсонинчи йилларида М.Жуманазарова, Б.Нурназарова, Г.Нурлепесова, Г.Даўлетова, А.Отениязова, Н.Тилеёва сингари ижодкорларни инкишоф этганди. Ўзига хос ифода йўсини, ғоявий-мавзуий йўналиши ҳамда жанрий-услубий хосланганлик даражаси билан бир-биридан кескин тафовутланадиган авлод бадий изланишлари истиқлол маърифати ва маънавияти эстетик тадрижида муҳим ҳалқани юзага келтирди.

Набийра Торешова шу вақтга қадар «Ёшлигим менинг» (1978), «Ҳақиқат сўзи» (1981), «Савр шамоли» (1988), «Паризод» (1990), «Ўзингдан» (1994), «Азизим» (2009) каби шеърий тўпламларини эълон қилди. Ўз сўзи, ўз оҳангига эга ижодкор, айниқса, мустақиллик йилларида ёзган туркум шеърлари ва бир қатор поэмалари ҳамда дostonлари билан китобхон кўнгил дунёсини забт этди. Ҳаётининг тафсилотлар ёрқинлиги, сўз маданияти нафосати ва бадий мушоҳада теранлиги билан ажралиб турадиган ижодкор солномаси давр ижтимоий-руҳий асосларини белгилашда муайян аҳамиятга эга. Йигирманчи аср адоғи эстетик тафаккур тараққиёти шоира маънавий тадқиқотлари мағзини таъминлайди. Унда объектив олам бўҳронлари шахс манфаатлари ўзаро тўқнашади ҳамда поэтик мушоҳада

алоқалантирилган моҳият яхлитлик қатида марказлашади. Унинг шеърояти туғилиб ўсган минтақа жуғрофияси, ҳаёт манзаралари ва қорақалпоқ миллати тийнати, инсон психологияси мураккабликлари билан тўйинтирилган. Шунингдек, шоира лирикаси теран публицистик талқин реалистик сувратини жилвалантиради. Набийра Торешованинг поэзияси бевосита муурожаат, фалсафий даъват тарзида умуминсоний қадриятларга туташади:

*Бир умр иқболимнинг ярашигин топдим, дедим,
Қани, энди, боқар бўлса кўзларимга ул кўзларинг.
Гулзордан чўғдай порлаб, гурлаб турган гуллар тердим,
Муяссар кўрса агар муҳаббатинг ул кўзларинг.
Розиман, мен, минг-минг йиллик азобларга, соғинчларга.
Агар бир кун боқар бўлса жамолимга ул кўзларинг.*

Шеър аниқ тасвир ифодаси билан тавсифланади. Лирик қаҳрамон ошиқ кўнгил ошуфтаси. Кўзлар сеҳрига боғланган қалб «минг-минг йиллик азобларга, соғинчларга» ҳам рози, «гулзордан чўғдай порлаб, гурлаб турган гуллар териш» эса табиатдан олинган муқояса. Аналогия йигит руҳий кечинмаларини тўлдириш учун хизмат қилади. Аспида, ишқ азалии ва абадий мавзулардан бири, у ҳар бир юрак минтақасида ўз моҳиятини янгилайди. Ҳаётнинг таянч нуқтаси саналадиган тушунчада мунаввар туйғулар туташиб кетади. Тўғрироғи, шахс эрки ва камолоти, одамзод эҳтиёжи ва манфаати, инсон истаги ва имконияти гўзаллик томирларига бориб тақалади. Шу маънода, муҳаббат «ҳаёт саодати беағи», дея эътироф этган шоира ўқувчи онгги-шуурига ёруғлик олиб киради, фикрий қувват-ҳофиза юксак оптимистик кайфият ҳосил қилади. Жамол васфига қурилган сатрларда ёниқ тафт ҳарорати муҷассамдек...

Шоира манзумалари бадиияти ўзига хослиги шундаки, у ҳаётий тафсилотларга муҳим ижтимоий, фалсафий ҳамда эстетик мазмун юклаш воситасида туйғун кечинмалар манзарасини ҳосил қилади. Теран мушоҳада ифодасининг нозик кечинмаларга йўғрилган лирик сажияси етакчи ўринга кўтарилади. Эътиборли жиҳати, қаҳрамон психологияси аксар ҳолатларда поэтик туртки ва унинг ҳосиласини яхлит жараёнга айлантиради. Таҳи бузилмаган ўй-хаёллар ижтимоий борлиқ ва ҳаёт манзаралари мантиқий изчиллигини таъминлайди. Ҳиссий идрокда мавжланадиган туйғулар силсиласи руҳий тасаввурларни интеллектуал тасассуротларга йўналтиради. Бадиий онг тадрижини маънавий-ахлоқий-маърифий-фалсафий-ижтимоий нуқтаи назардан баҳолашга мойиллик муаллиф ўзига хослигини белгилайди:

*Сен ҳийла саҳнасида, мен ҳаётнинг ўзиндаман,
Сен кимнингдир соясида, мен ўтарман ҳаққа йиғлаб.
Сен салтанат даргоҳида, мен гирдобнинг кўзиндаман,
Сен хазина дарёсида, мен ўтарман ҳаққа йиғлаб.
... Набийра дер: Эй дўстларим ҳаёт деган саҳна эмас,
Аслимизни яширмасдан яшайлик бир ҳаққа йиғлаб...*

Тазод асосига қурилган лавҳада ижтимоий-публицистик талқин теран моҳиятга эришади. «Сен» мантиқий таъкиди мушоҳадани кучайтиришга хизмат қилади. Муаллиф таассуротларни қаршилантириш воситасида тасаввурни янада кескинлаштиради. «Сен» ва лирик «мен» рақобати жузви ҳам шеър, ҳам ҳаёт ҳақиқатини далолатлайди. «Ҳийла саҳнасида» намоён у лирик қаҳрамон туйғуларига бегона. Муурожаат замирида ожизлик, аянчли ҳолат ва беадад умидсизлик ҳислари қуюқлашади. Бироқ ёруғ бир маъвога ишонч бор: ҳақ нури инсонни руҳий юксалишга йўналтиради. Тадқиқ саҳнига чиққан зиддият динамикаси реалистик тасвир тамойилларини тасдиқлайди ва ифода маданияти ижодий хосланганлик даражасини тафовутлайди.

Маълумки, ижодкор поэтик иқтидорини унинг ғоявий мундарижа, ана шу мазмуний бутунлик орқали реал ҳаётдан қамраб олинадиган ҳаётий материал ва талқин даражасига муносабат белгилайди. Набийра Торешова ижодида тафсилотлар ҳажми ҳамда узвий алоқадорлиги воқеликни бадиий тадқиқ этиш миқёси ва субъектив муносабатда қайта тикланадиган назарий концепцияни илгари суради. Бу концептуал қарашлар қўйилган масала ва унинг залворини бадиий чизгилар билан қамраб олишга замин ҳозирлайди. Аниқроғи, маъно тақомили шоира оламидан қаҳрамон характерига кўчади. Бунинг самараси ўлароқ, тасвир руҳияти ва ифода мустақиллиги ижодкор тамойилларини бошқарадиган шаклий-

услугий изланишлар кўламини тайин этадиган бош атрибут даражасига кўтарилади. Етакчи поэтик атрибут шоира ижодий нияти билан эркин бирикиб, руҳий таҳлил яхлитлигини изоҳлайди.

Унда давр долзарб муаммолари, одамзод шуурини банд этган масалалар ҳаётий қамрови қабариб кўринади. Шоира инсон қалбида доим «ақл билан жасорат ловуллаб ёниши»ни орзу қилади. Набийра Торешова бадий талқинларни бирлаштириб, умуминсоний қадриятлар мезонидан мушоҳада юритади.

Шоиранинг «Азизим» шеърий тўпламига кирган «Қорақалпоғистон», «Бобожон», «Жийен жиров монологи» манзумалари юксак ватанпарварлик ҳиссига йўғрилган нозик кечинмани тавсифлайди. Хусусан, ички туйғулар талқинига қурилган «Жийен жиров монологи» манзумасида Жийен жиров характери тўлақонли акс эттирилган. Жўшқин эътироф замирида буюк мутафаккир сиймоси қирралари бир-бирига мантиқан уланади. Давр руҳияти манзаралари муҳокамаси шоир қиёфасини ботинан ёритади. Айни пайтда, кўтарилаётган муаммо қамрови барча замонларга дахлдорлик касб этади. Эл-юрт манфаатлари учун елиб-югурган, халқ негиз ва асосларини ривожлантирган аллома фаолияти ибрат мактаби саналади. Кучли туғён қатида миллат изтироблари, уни саодатда кўришдек буюк истак, чорасизлик азоби, имконсизлик оғриғи намоён бўлади.

Ўтган асрнинг адоғи қорақалпоқ эпик лирикаси йўналишида Набийра Торешова поэмалари ҳамда дostonлари алоҳида халқани ташкил этади. Шоиранинг «Қизим-эй», «Асир» сингари поэмалари баробарида, «Ёлғончи» драматик дostonи миллий бадий тизимда жиддий ҳодиса бўлолди. «Қизим-эй» поэмаси сюжет – композицион йўналиши жиҳатидан ихчам ва шиддаткор бўлиб, унда ижтимоий-фалсафий мушоҳада ва маънавий-ахлоқий мезонлар уйғунлашади. Воқеалар отасидан айрилиб, ахлоқсиз она кўлида қолиб кетган қиз руҳий кечинмаларидан озиқланади. Ички ҳолатлар, психологик зиддиятлар поэма динамикасини белгилайди.

Моҳият сиқиклиги ҳам тасвир, ҳам таҳлил теранлигини тайин этади. Муаллиф туйғулар реализми воситасида одамзод табиати чигаллигини, маиший турмуш зиддиятларини яхлитлаштиради. Инсон ҳаёти мудом синов ва имтиҳонлардан иборатлигини мантиқан урғулаган шоира орзу-идеалларни тўла рўёбга чиқарадиган юксак маънавиятни тадқиқ саҳнига чиқаради.

Умуман олганда, шоира Набийра Торешова жанрий-услугий изланишлари рангбаранг, теран ва мукамал. Унинг бир ўзаги миллат руҳиятига туташ бўлса, бир ўзаги Ватан тақдирига туташ, яна бир ўзаги инсон қадр-қиммати ва ўзлигига туташ. Мазкур жиҳатлар шоира ижодини белгилайдиган асосий хусусиятлардир. Булар асносида, бадий талқинда ижтимоий-фалсафий-руҳий-ахлоқий қирралар ўзаро уйғунлашади. Натижада, бевосита ва билвосита умуминсоний қадриятлар истифодаси Набийра Торешова бадий тафаккури мағзини таъминлайди.

Сафарали ҚУРБОНОВ

аспирант

ИЗЛАНИШ СИРАЛАРИ

Олам ва одам муаммосини англаш, унинг турфа кўринишларини ҳис қилиш, инсон оламини ва замонавий олам инсонининг сирли дунёсини тушуниш, қалб туғёнлари ва руҳий изтироблар оғушида ўз меҳварини излаётган одам тасвири бугунги насримизнинг асосий объектидир. Аср одамлари, замондан нафас олаётган, биз билан елкадош инсон оламини тасвирлашда адибларимиз бадий изланиш сираларини намоён этишмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда, истеъдодли ёзувчи Собир Ўнарнинг “Бибисора” қиссаси ҳам ўзига хос услубда яратилгани билан ўқувчи назарини тортади. “Услугининг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Кучсиз ёзувчиларнинг услублари бир-бирига ўхшаб қолади. Улар оддий услубда, умумий тил услубида ёзади. Шоир-ёзувчи **санъаткорликда** (таъкид бизники – С.Қ.) кўтарилиб борган сойи ўзига махсус бир услуб ярата бошлай-

дир”, деган фикрни қайд этади Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” асарида. Шунингдек, Фитрат услуб ҳақидаги қарашларини давом эттирар экан, ижодкор ўй-хаёллари, тушуниш шакллари тугал ва комил бўлгандан кейингина, ўзига яраша бир услуби борлиққа чиқишини таъкидлайди. Биз тилга олаётганимиз Собир ўнарнинг “Бибисора” қиссаси ҳам гўзал услубда, ширали тил билан ёзилганки, беихтиёр қаҳрамоннинг изтиробларига шерик бўлиб, қувончу қайғуларини бирга баҳам кўра бошлайсиз. Асар воқеалари эндигина борлиқнинг сир-асрорини таниётган саккиз-тўққиз яшар бола – Жаҳонгирнинг дунёни англаши ва унга муносабати тарзида бериб борилади. Бола руҳиятидаги ўзгаришлар, содда ва самимий кишлоқ одамнинг болаларча беғубор, бировга зиёни тегмайдиган, фақатгина ўзининг кўнгил ройишлари учун айтган мақтанчоқликлари бола тилидан маромига етказиб тасвирланганки, бошқа ҳолатда бундай қиёмига етиши қийин: **“Қолганини ўзлари тўқиб-бичишади: ўғлимиз мана, мактабдаям дуруст ўқиган эди, лекин институтда домла-лар пул илинжида ёмон баҳо билан йиқитиб юборишувди, ана, ҳақиқат бор экан, ўрис камандир мактаб ёзибди, хизмати тугасаям юбормаймиз, бундай одам давлатга керак, зарур бўлса ўзимиз ўқитамиз, уй берамиз, энг чиройли қизга уйлантирамиз... полковник бўлгандан сўнг ўзи қайтиб боради кишлоғингизга. Ва яна кўп гаплар. Бир парча қоғоз бўлса, яна у ўрисча ёзилган бўлса, ким тушуниб, ким суриштириб ётибди қолган гапларни”**. Ота-онанинг соғиниб кутаётганини – мактабни ҳам қийналиб битирганлиги барчага маълум “аълочи” эркатойини еру кўкка қўймай, мақташини кўриб, халқимизга хос бўлган умидворлик, мағрурлик туйғусининг ижобий намунаси сезила бошлайди. Асар қаҳрамони бу бир олам мақтовларни яна “ўрисчалаб машинкаланган” бир парча қоғозга боғлайди. Аслида, у қоғозда нима битилганлигидан бахтиёр онанинг хабари борлиги ҳам сўроқ остида. Аммо ҳаммининг назарида турган ва тинимсиз мақталаётган ўша йигит сенга алоқадорлигининг ўзи катта гап.

Қиссада анъанавий усул воситасида қаҳрамонлар руҳиятидаги жўшқин ва тушкин кайфиятнинг бадиий талқини монологу диалоглар асосида тасвирланган. Айрим ишоравий ўринларни айтмаса, асарда китобхонни руҳий қийноқларга соладиган, Ғарбу Шарқ фалсафасини ҳижжалашга мажбур қиладиган ўринлар йўқ ҳисоби. Бир томондан шуниси ҳам тузук, чунки “паспортини тўлиқ ўқишга вақти йўқ замондошларимиз”нинг ўттиз-қирқ бетлик монологуларга қурилган асарларга вақт сарфлаши бир оз қийин. Қисса дostonдай ўқилади. Боланинг беғубор тилидан берилган Султон чавандоз ва Тўлғоной ўртасидаги самимий муҳаббатга муносабат ўқувчини ғуборлардан тозалайди: **“Акам уни севади. Хатлар ёзади, хатлар олади. Китоблардагидай севишиб ётади”**. Ортиқча таърифга ҳожат йўқ. Боланинг дастлаб, икки ёш ўртасидаги муҳаббатга нима сабабдан хайрихоҳ бўлганлиги сабабини яшириб ўтирмайди. Бу тасвир арзимаган манфаат йўлида қондошига ёлғон гапиршдан ҳам ор қилмаётган, мансаб курсисига муносиб ўрнашиб олмоқ учун минг хил товланаётган бугунги бозор одамини бир поғона юксалтиради, гуёки сизу бизга инсоний самимият қандай бўлишини кўрсатаётгандек туюлади: **“Мактубни амакимга обориб берсам суюнчисига уч сўм пул беради. Уч сўм катта пул. Ўртоқларимга мақтаниб Жўллийбой аканинг дўконидан бир ҳафта картошкали пирашка олиб ейман. Амакимнинг севгиси ҳам бор бўлсин”**.

Асарнинг сюжет чизиғи ва композицион қурилиши ҳам китобхонни ўз моҳиятига йўналтира оладиган даражада шакллантирилган. Қиссада адабиётимизга хос бўлган рамзий тимсоллар мавжуд бўлиб, улардан бири Чегачи чолдир. Ёвузликнинг тимсоли сифатида гавдалантирилган мазкур образ асар сюжетини чигаллаштириб юборган. Бир оз уйқусираб, ўқиган китобхон: **“...кўриниши алламбало. Телпакли узун қора плашини ҳечам ечмайди”**ган чол бутунлай гўзалликка бурканган, **“дунёдаги биргина чиройли аёл”**нинг дунёсида нима қилиб юрибди дейиши мумкин? Аммо кишлоқнинг эркаклари: “ўнг юзингга тарсаки туширса, чап юзингни тутиб бер”, қабилида иш тутиб, эрлик бурчларини бажармаса, мактаб директори қўл остидаги болалар келажигидан кўра, ўз мансабининг эртаси билан кўпроқ қизиқиб: “Марказдан келган домуллога бир нарса деб бўладими?” дея тинччини ўйласа, тоғалар ўзларини билмасликка олса: **“Дунёдаги биргина чиройли аёлнинг ҳам этагига ит тегиши ҳеч гап эмас”**. Чегачи чол образи зиммасига катта вазифа бириктирилган. У қора соқоли(одатда ёши улуғларимизнинг соқоли оқ бўлади) билан ғурури синдирилган оломоннинг устидан хоҳлаганича кулади. Халқимиз азалдан инсоний ғурур, шаън, кадр-қиммат, ор-номус масаласида ўзига хос қарашларга эга бўлган. Ўлимни осонлик билан тан олиши мумкин аммо ғурурининг оёқ ости бўлишига йўл қўймаган. Бу масалада кўплаб мақолу маталлар, дostonу афсоналар етиб келган. Жумладан, “Алпомиш” дostonи

бошдан-оёқ инсоний ғурур, кадр-қимматига бағишланган. Етти ёшга тўлиб тўлмаган Ёдгорнинг: **“Гул энамни Ултонтозга берган сўнг, Не бет билан Қўнғирот элда юраман?!”** деган ноласини бахши тилидан эшитар экансиз, беихтиёр дунёда еб-ичмоқ ва “битдай болаламоқ”дан каттароқ тутумлар ҳам борлигини ҳис этасиз. “Бибисора” қиссасида шундай буюк аждодларнинг авлодини марказдан келган “қора плашли”лар не қўйларга солганлиги ишонарли тарзда очиб берилган.

Қиссанинг якуни ҳам ажойиб, ўқувчига Жаҳонгир ва Бибисоранинг тақдири қандай кечганлигию кўккўз жиян кимга ўхшаб улғайганлиги айтилмайди. Фақатгина бир жумла орқали овулнинг кейинги тақдири ҳам у даражада ҳаловатли кечмаслигига ишора беради: **“Дарвоқе, бизнинг мактабгаям янги физкультура устози келибди. Унинг ҳам исми Фахриддин экан. Шаҳардан келган дейишди... қора плаш кийиб юрармиш...”** Албатта, ёвузликка қарши жиддий чоралар кўрилмаса, у беиз кетмайди. У ўн уч-ўн тўрт ёшли боланинг битта хати билан йўқ бўладиган даражада ожиз эмас. Қачонки, кўрқоқ тоға, беғам амаки, мансабдан бошқасини ўйламайдиган директор, қизининг қисматини сақлашга ҳам ярамайдиган оталар бирлашсагина, унинг уруғини қуритиш мумкин. Энг даҳшатлиси, Бибисоранинг келажаги ҳам тахликада қолаяпти.

Қиссани аънаввий услубда ёзилган дейишимизга қарамасдан, воқеликка муносабат масаласида янги аср одамнинг ҳиди, фрейдизмнинг айрим унсурлари сезилади. Бу ҳолат бир оз асарнинг бадиий қимматини туширган. Қўйидаги парчага диққат қиламиз: **“Негадир дилимдаги ғубор бирданига тарқади. Хайрият, дедим ичимда. Янгам амакимни эмас, мени яхши кўради деб, ўзимни-ўзим ишонтиргим келди”**. Ҳар бир ёш болада бўладиган ўзини биринчи ўринга қўйиш, энг эзгу нарсаларнинг ўзига алоқадорлигидан мақтаниши ишонарли тарзда ёритилган. Аммо: **“Янгам мени қитиқлар эди, мен унинг баданидан чимчилаб қочиб кетар эдим. Мени тутиб олиб қитиқлаётганда бир ажойиб атир ва бадан ҳиди димоғимга урилар эдики, тўсатдан энтикиб кетардим”**. Бу ўринда бир оз ҳадидан ошиш бор. Қанчалик эҳтирослар уммонига берилмасин, мусулмончи инсон ўз янгасига нисбатан эҳтиросини тизгинлай олади.

Бекон таъбири билан айтганда, ҳаддан ташқари ошкоралик яланғочлик сингари хунук кўриниш олади. Дарҳақиқат, ҳаддан ташқари ошкоралик санъатнинг чегарасини бузиб ташлайди. Чунки санъат деганда биз ижтимоий маданиятнинг жамият аъзоларига эстетик завқ берувчи яратилган ёки адабиётшунослик илмида бадиий асар поэтикасини таъминловчи воситани тушунамиз. Афсуски, асардан ўрин олган: **“Туйқус аёл кишининг сескангандай товуши чиқди...”**

Сўнг чўзиб “вой-й!” деди.

Одам баданинг нафас ва кўрпа товушига қўшилиб ишқалангани, нафасларнинг тезлашиши, дунёнинг энг бокира аёли бирданига ўзига қўтосдай ташланаётган эркакнинг қулоқлари тубига беихтиёр чўзиб “жони-им!” деб юбориши ақлга сиғмас ҳодиса эди. Тушуниб бўлмас эди. Кечириб ҳам бўлмас эди”, тарзидаги тасвирлар на унисига, на бунисига хизмат қилаяпти. Янгага бўлган шаҳвонияти очиқ-ошкор намоён бўлаяптики, бу ҳолат ўқувчини қай томонга етаклашини ўйлаб кўриш керак. Кимки билган нарсасининг барини айтса, улар орасида, албатта, билмаганларини ҳам гапириб юбориши ҳеч гап эмас. Еврипид айтганидек энг ёмони – тийилмаган тил.

Бизни бир оз ўйлантирган ушбу яланғочликини тасвирлаётган муаллифлар гўё мазкур жараёндан завқ-шавқ олиб, катта қониқиш ҳосил қилган ҳолда, ўша қаҳрамонга бўлган меҳрини яширмасдан муносабат билдиришмоқда. Янги насримиз вакилларининг баъзиларида, жумладан, Эркин Аъзамнинг сўнги йилларда яратган асарларида, Саломат Вафонинг романларида ҳам бу ҳолатлар кўзга очиқ ташланмоқда. Нима бўлганда ҳам адабиётнинг миллат камолотида катта ўрин тутишини, унинг оғриқларига даво бўлувчи малҳам эканлигини ёддан чиқармаслик лозим. Хулоса қилиб айтсак, истеъдодли ёзувчи Собир Ўнарнинг “Бибисора” қиссаси бугунги насрда бўлаётган изланишларга мансуб асарлардан биридир.



НОДИР САҲИФАЛАР



Султон ВАЛАД

МАЪРИФАТНОМА

БИРИНЧИ КИТОБ

Меҳрибон ва раҳмли Тангри номи билан бошлайман.

Набийлар ва валийларнинг ҳар бири бир мўъжиза ва каромат билан хос ва машҳур бўлдилар. Олимлар ва тўғри йўлни изловчилар (муҳаққиқлар): “Буюк Аллоҳ улардан ҳар бирига бир нарса бағишлади, бирига берганини бошқасига бермади” дейишади.

Султон Валад дейди: “Пайғамбарларнинг ҳар бири ҳар турли мўъжиза ва кароматларни тугал ва мукаммал кўрсатишга қодир. Бироқ уларнинг ҳар бири замонасининг эҳтиёжи ва у замонда яшаган инсонларнинг орзуларига мос даражада бир мўъжиза кўрсатди”.

Бу фикрга ойдинлик киритиш учун мисоллар келтирайлик. Масалан, заргарлик, пойабзал устачилиги, тикувчилик ва булардан бошқа ҳунарларни ҳам билган киши одамларга қўйлақ тикса: “Бу одам фақат қўйлақ тикишни билади” дейишмайди-ку. Ёхуд фикрни билган, ҳақимликдан воқиф бир олим бир касални даволаса, “Маълумоти фақат шундангина иборат”, деб бўлмайди. Чунки у эҳтиёжга кўра, билганларидан фақат биттасинигина кўрсатди, холос.

Масалан, тегирмонни айлантираётган сув ҳақида ақлли инсон: “Бу сув фақат шу тегирмонни айлантиришга яради” дейдими? Маълумки, бу сув кўп нарсага асқотади. Ҳам кирларни тозалайди, ҳам далалар ва боғларни яшнатади, ўт-ўлану гулларни ундиради. Ҳа, у бир жойда тегирмонни айлантормоқда. Агар уни боғ ё далаларга буриб юборсанг, худди шу сув у ерда яна бошқа ишларни ҳам амалга оширади.

Чунончи, бир пайғамбарга Аллоҳ барча мўъжиза ва кароматлар лаёқатини беради. Бироқ у замонаси ва қавмининг эҳтиёжи нисбатида мўъжиза ва кароматлар кўрсатади. Демак, ҳамма пайғамбарларда мавжуд бўлган мўъжизалар ва кароматларнинг ҳаммаси уларнинг ҳар бирида айри-айри ва батамом мавжуддир. Фақат ҳар бир пайғамбар барча мўъжизаларни кўрсатишга қодир бўлгани ҳолда, булардан фақат биттасини кўрсатган. Аслида у қолганларини ҳам Аллоҳ изни ила кўрсата оларди.

Пайғамбар Аллоҳнинг мазҳари ва ускунасидир. У Ҳақ таоло наздида фоний ва йўқ бўлгандир. Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зот. Ҳар ишни қилган (фоил) Аллоҳ таолодир. Пайғамбарлар котиб қўлидаги қалам кабидирлар. Қалам ёзган (чизган) ҳамма нарсани

Азиз ўқувчи! Эътиборингизга бир парчаси ҳавола этилаётган “Маърифатнома” (“Маориф”) асари муаллифи Султон Валад ҳақида Жалолиддин Румий бундай деган: “Баҳоуддин, менинг бу оламга келишим сенинг зухрунг учундир. Менинг сўйлаганларим фақат сўзлар бўлса, сен менинг ишим, асаримсан”.

“Маърифатнома”да инсон моҳияти, комиллик, маънавият ва маърифат сирлари тегаран талқин этилган.

Асар гўё машҳур “Маснавийи маънавий”нинг ўзига хос шарҳи, Мавлоно Румий фикрларининг мантиқий давомидир.

“Маърифатнома” бир ойдин кўзгудирки, унда кўнгилда кечаётган ажойиботлар акс этади. Унда ўзингизни, ўзлигингизни кўрасиз.

Таржимон

ҳақиқатда котиб ёзган (чизган). Пайғамбарларни инсон қўлидаги ўқ ва ёйга менгзашади. Ўқнинг учиши ёйдан эмас, инсондандир. Шу сабаб Аллоҳ таоло: “Эй Муҳаммад, у ўқларни сен отмаяпсан. Уни отган Бизмиз, – дея марҳамат қилади. – Бизки, Тангримиз, қилаётганинг ҳар нарса Бизнинг истак ва буйруғимиз биландир. Бунда сенинг не ўрнинг бўлиши мумкин? Чунки ишни биз юритмоқдамиз ва Бизнинг истагимиз амалга ошмоқда. У ҳолда кимки сен билан курашса, урушса, (аслида) Биз билан урушаётган бўлади ва кимки сенга эргашиб, буйруқларингни адо этса ва сен билан дўстона муносабатда бўлса, буни Биз билан қилаётган бўлади”¹.

БИРИНЧИ ФАСЛ

Кимдир биров: “Асосийси амалдир” деди. Бу хусусда айтилажак гап фақат шундан иборат эмас. Амални ҳаққи-рост тушунтира олиш учун, бир кимсанинг ўртага чиқиб, амални қандай кўриши ва билишини айтишини биз ҳам истаймиз.

Энди сўз аҳли (одами) бўлганинг учун сен билан гаплашиш лозим. Чунки сен амал аҳли (одами) эмассан. Хўш, амал деганда нимани тушунасан ўзи? Сен амал деганда намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳажга бориш, закот бериш ва зикр қилишни, тасбеҳ ўғиришни, кечалари ухламай нола қилиш ва парҳез тутишни тушунасан (тўғрими? – А.Т). Ҳолбуки, булардан ҳеч бири амал эмас. Булар бор-йўғи амалнинг сабабларидир. Буларни бажаришинг сенда ижобий таъсир ҳосил қилсагина, сен ибодат қилган ва ўзгача ҳолли инсонга айланган бўласан.

Қуръони каримда: “**Намоз сени гуноҳдан, жиноятдан, ёмонликдан, нуқсон ва қусурлардан ва исёндан қайтаради (ҳимоя қилади) ва тозалайди**”² дейилган. Ҳа, сенинг санаб ўтилган ёмон ишларни қилмаслигинг ва поклишинг амалдир. Шунинг учун Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) намоз ўқиб бўлган бир кимсага: “Намоз ўқимадинг, тур, намоз ўқи” дедилар. У одам туриб намоз ўқиди. Яна: “Тур, намоз ўқи, намоз ўқимадинг” дедилар. У одам яна турди ва намозини ўқиди. Пайғамбаримиз яна бир бор: “Намоз ўқимадинг...” дедилар ва: “Қалб ҳузури (хотиржамлиги)сиз намоз ўқиш тўғри (дуруст) эмас”, деб марҳамат қилдилар.

Бинобарин, руку, сажда ва қиёмни адо этган билан киши ҳақиқий амал қилган ҳисобланмайди. Яъни, дин буюрган бу зоҳирий хатти-ҳаракатларни бажариш намозни рисоладагидек ўринлатиш бўлмайди. Ҳақиқий амал ични (қалбни – А.Т.) ўзгартиришдир. Инчунин, инсон уруғи она раҳмида вақт ўтиши билан шаклдан-шаклга киради. Алақа ва музга бўлади. Ниҳоят, миттигина одамча шаклини олади, жонланади, дунёга келади, улғаяди ва инсон бўлади.

Ана шундай ўзгариш, қуйи даражадан юқори даражаларга кўтарила бориш амалдир. Меърож ҳам ана шу тарзда бўлади. Юқорида айтилганидек, одам жисми ҳолдан ҳолга ўтиб ривожланади. Бу жараёнда юзага келувчи иккинчи ҳол биринчи ҳолдан, учинчи ҳол эса иккинчи ҳолдан янада яхшидир. Бу жараён ана шу тарзда давом этаверади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Икки куни бир (хил) бўлган кимса алданибди”, дея марҳамат қилганлар.

Бошқа бир ҳадисда: “Дунё охиратнинг экинзоридир”, деб хабар берилганига кўра, охиратда савобини кўриш мақсадида бу дунё бозорида ишлаётган ҳар банданинг икки куни бир хил бўлса, яъни, ҳар куни маънан илгариланмас, бундай киши алданибди. Чунки инсон кундан-кунга, ҳатто ҳар он сайин маънан илгарилаши, юксалиши зарур. Ҳақиқий амал мана шудир. Бундай амални инсонлар кўра олишармиди? Буни фақат Аллоҳ кўрур ва билур.

Аллоҳ таоло: “Менинг дўстларим Менинг куббаларим остида яшириндилар” (қудсий ҳадис), дея марҳамат қилган.

Хуллас, илм намоз, рўза каби баданий ишлардан ва амалдан янада яқиндир. Илм амалдан айри ва фойдасиз бўлиши мумкинми? Ҳолбуки, бадан ҳаракатлари бажарилишда бир-биридан айри ва амалга фойдасиз бўлиши мумкин. Чунки қайсар, ғаразгўй, иккиюзламачи ва мунофиқ кимса зоҳиран баданий амаллар қилса ҳам, у асло диннинг асл ҳукмини бажарган, ҳақни исбот этган бўлмайди. Агар у буларни билганида ва амални ихлос билан бажарганида бундай “васфлар”га лойиқ кўрилмасди. Демак, халқ кўрган ибодатлар, маросимлар, мазҳаблар орқали курсатилаётган нарсаларнинг ҳамма-ҳаммаси амалнинг асли, ўзи эмас, балки унинг сабабларидир.

¹ “Отганингда ҳам сен отмадинг, Уни фақат Аллоҳ отди” (8-сура, 17-оят).

² 29-сура, 45-оят.

Барсисо чиндан ҳам йиллар давомида бирор зоҳид эплаёлмайдиган даражада (кўп – А.Т.) ибодат қилди. Яъни, зоҳирий амалларни бажарди. Аммо охири кофир бўлиб ўлди. Шу каби иблис ҳам минг йиллар осмонда ибодат билан машғул бўлди. Агар бу зоҳирий амаллар унга таъсир ўтказган бўлса эди, Аллоҳ таолодан: **“Одамга сажда қил!”** – амри келгач, сажда қиларди. Исо (алайҳиссалом) зоҳирий амалларни бажармаган эди, лекин у амал қилди. Чунки гўдақликдан бир онда етук инсон ҳолига ўтди. Яъни, Муҳаммад Мустафога қирқ ёшида берилган ваҳийни Аллоҳ таоло унга бешиқдалигидаёқ инъом этди.

Исо (алайҳиссалом): **“Мен Аллоҳнинг бир қулиман. Менга осмондан бир китоб туширилди. Аллоҳ мени Пайғамбар қилиб танлади ва мени карамли қилди”** (19-сура, 31-32-оятлар), дея марҳамат этди. Амалнинг ҳақиқати сенинг ҳозирги ҳолингдан ҳар он бошқа бир ҳолга ўтишинг ва маънан илгариллашингдир. Мисол қилсам, иксирни (маъданни олтинга айлантирувчи суюқлик – А.Т.) миснинг устига тўкканингда, миснинг олтинга айланиши амалдир. Агар олтин бўлмаса, минглаб болға зарби еса, юз марталаб қайнаса, кенгайиб чўзилса ҳам, барибир мис бўлиб қолаверади.

Олтинни танимайдиган (билмайдиган) – амалнинг фақат кўринишига боққанлар ва буни мақсад деб қабул қилганлар: “Ер юзида олтин деган бир нарса бўлса, демак, у аниқ мана шудир. Чунки болғадан шунчалар зарба еди, шунча кўп қайнади, чўзилди, кенгайди” дейишади. Ҳолбуки, олтинни билган киши бу ишларга эътибор бермай, соф олтинми ёки йўқ, билиш учун унга маҳак (тажриба тоши)ни уради, соф бўлса, қабул қилади. Соф олтин бўлмаса, уни бир пулга ҳам сотиб олмайди. Чунки Аллоҳ таоло: “Мен сизнинг на (ташқи) кўринишингизга, на ишингизга, на сўзингизга қарайман. Фақат кўнглингизда Менга бўлган севгингиз қандай ва нақадар, дея кўнглингизга қарайман”³ демоқда.

Ақлли инсонга бир ишорат етарли бўлади. Бир уйда одам бор-йўқлигини билиш учун биргина товуш кифоядир.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Валий зотлар Аллоҳнинг хос ва танланган бандалари, ҳатто Аллоҳ таолонинг сирларидир. Аллоҳни таниш ва билиш эса Унинг сирларини билишдан осонроқдир. Агар бундай зотни кўрмоқчи, танишмоқчи бўлсанг, озгина ғайрат билан бунга эришасан. Бироқ қанчалар ғайрат қилсанг ҳам, у зотнинг кўнглидаги яширин сирларни билмайсан ва тушунмайсан.

Бинобарин, бир инсоннинг зоҳири, суратини билиш унинг сийрати, яширин сирларини билишдан кўра жуда осондир. Бир киши бир олимни ундан рухсат сўраб, зиёрат қилмоқчи бўлса, бу орзу озгина ғайрат билан амалга ошади. Бироқ зиёратчи кимса у олимнинг илмини ўрганиши, у зотнинг илм хазинасидан бир парча сармояни қўлга киритиши учун йиллар давомида заҳмат-машаққат чекиш учун чидаши, жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтиши лозим.

Дейлик, бир шаҳарда юз минглаб халқ Аллоҳ таолога сиғинади ва эҳтиёжларини Ундан сўрайди. Улар Аллоҳ таолонинг ҳар нарсага қодирлигини, ҳамманинг ризқини беришини, ҳаммага йўл кўрсатувчи, бутун гуноҳларни афв этувчи, айна пайтда ҳамма нарсани йўқ қилувчи ҳам Аллоҳ таоло эканини билишади. Жону дилдан, садоқат билан Унга тоат-ибодат қилишади. Умуман олганда, ҳаммаси шундай. Аммо бу юз минглаб инсонлар орасидан жуда оз киши юзини бир комил шайх ва авлиёга қаратган. Булардан ҳам бор-йўғи бир-икки киши у валий зотни яхши таниб олган, холос. Бундан англашиладики, Аллоҳга топинмоқ кўринишда умумийдир. Бунда ҳар кимнинг бир ўрни ва бир йўли бор. Ҳатто кофирлар ҳам Аллоҳга сиғинишади.

Шеър:

У яғонадир, Унинг шериги йўқ, деб кофиру диндор, ҳамма-ҳамма Унинг йўлида югурар.

Етмиш икки миллатга қараса, ҳаммасининг Аллоҳга сиғинаётган ва турли шаклда, турли амаллар билан, бошқа-бошқа тилларда Унга ибодат қилаётганини кўрасан (Алишер Навоий “Ҳайратул аброр” достонида бу ҳолатни ҳайратланиб ифода этади – А.Т.). Фақат инсонлар эмас, тоғу тош, еру осмон, юлдузлар, тупроқ ва ҳаво, шамол, ҳаттоки олов ҳам Аллоҳга топинади ва барчаси сен билмайдиган, тушунмайдиган тилда Унга ҳамду сано айтади.

“Ҳар нарса Уни ҳамд ила тасбеҳ этади. Фақат сиз уларнинг тасбеҳларини англа-массиз” (1-сура, 44-оят).

³ “Аллоҳ бизнинг на суратларимизга, на амалларимизга боқар, фақат қалбларимизга қарар” (ҳадис).

Бутун борлиқлар (мавжудот) ва кейин пайдо бўлган нарсалар (маснуот) инсонларнинг Ҳақ таолога сифинишларига тўсқинлик қилувчи бир парда, сирлар қасрига кириш йўл бермайдиган эшик оғаларидир. Ширин овқатлар, чиройли кийимлар, бойлик, ишрат, Чин гўзаллари ҳам инсонларни ибодатдан чалғитади. Талабалар ва солиқларнинг йўлларини кесади. Бироқ инсонлардан баъзиси кечаю кундуз дуо-илтижо қилиб, зикрни кўпайтириб, “Ла ҳавла...”ни кўп такрорлаш орқали бу йўлтўсарлар кўлидан қутулади. Улар ибодат юкларини Аллоҳнинг ризо ва қабул манзилига етказишади. Аммо ҳеч ким улар билан алоқа ўрнатмаслиги, уларни танимаслиги, улар томон йўл тополмаслиги учун Аллоҳ таоло яқини – дўстини бошқалардан қўриқлайди, сир сақлайди.

Тангри таоло: “Менинг авлиё ва хос қулларим Менинг рашқ қуббаларим остида яшириндилар. Уларни Мендан бошқа ҳеч кимса кўрмайди ва билмайди” (*қудсий ҳадис*), деб марҳамат қилган.

Бу дунёда ҳам улуғ подшоҳлар адолат тахтига ўтириганида хусусий ва умумий табақага мансуб ҳар хил инсонларнинг ҳузурларига киришига рухсат беришади. Улар турган мавқе ва мартабага қараб, ҳар бирининг эҳтиёжини таъминлашади. Уларга яхши муомала қилиб, эҳсон этишади. Бироқ чиройли жорияларини ҳеч кимга кўрсатишмайди. Агар кимдир подшоҳдан уларга маҳрам, улар билан бирга бўлишни сўраса, подшоҳ шу заҳотиёқ унинг бошини танасидан жудо қилдиради. Бироқ истаса, ишончини қозонгани, феъл-атвори, тўғрилиги боис кимнидир яқинларига маҳрам қилиши ҳам мумкин.

Инсонни ибодатдан чалғитувчи шайтон, бошқа яратиларни “Ла ҳавла...” ва зикр билан даф этса бўлади. Бироқ тўсиқ Аллоҳ таоло бўлса, Уни қайси зикр ва “Ла ҳавла...” билан узоқлаштира олинсин? Шу жиҳатдан валий зотларни топиш, уларни таниб олиш Аллоҳни танишдан қийинроқ кечиши мумкин. Аллоҳга васийларни таниган бир инсон, албатта, Аллоҳни танийди ва билади. Бунинг акси бўлиши, яъни, Аллоҳни танимоқ ила авлиёни таниш мумкин эмас.

Кўп инсонлар бор, Аллоҳни танишади ва Унга бандалик қилишади. Бироқ Аллоҳнинг валийи – дўстини танимайди (тан олишмайди – А.Т.) ва билишмайди. Ҳатто бир валийни кўришса, унга душманлик қилишади, уни инкор этишади.

Мансур Халложни замонасининг Шиблий ва Жунайд каби олимлари, валийлари инкор қилишди. Уни ўлдиришга қарор бердилар. Ҳаммаси бирлашиб, уни осийга фатво чиқаришди. Ниҳоят, шундай улуғ, валий бир инсонни осийди. Дор оғочидан тушириб, жасадини оловга отишди. Оламда ундан бирор асар қолмаслиги учун алангада ёқишгач, қулларини сувга сочишди. Нима қилсалар ҳам, барибир оловда ҳам, сувда ҳам “Аналҳақ!” сўзи ёзилганини, кули Шатти Бағдод устида тўпланиб: “Аналҳақ!” сўзини нақш қилганини кўришди. Бу кароматни англаб, ҳаммалари қилган ишларига пушаймон бўлишди. Ўша замондан бери Унинг исми эсга олинмасдан ҳеч бир ваъз мажлиси равнақ топмас ва ҳароратланолмас. Уни қиёматга қадар мақтагайлар.

Мусонинг (алайҳиссалом) аҳволи ҳам шундай эди. Мусони Аллоҳ пайғамбар этиб халққа юборди. Улуғ Аллоҳ Мусони ваҳийнинг энг охириги мартабаси бўлган “калом” ила сийлади (*Қуръони карим, 4-сура, 164-оят*).

Мусо бутун буюклиги, билими, Аллоҳ яқинлигига қарамай, Хизрга (алайҳиссалом) шогирд бўлди. Ҳақ таолодан Хизр билан гаплашишни дуо қилиб сўради. Узоқ ялиниб-ёлворишлардан сўнг Аллоҳ таоло унинг истагига: “Сафарга чиқ ва Менинг у хос қулимни қидир ва топ”, хитоби ила жавоб берди. Мусо шунга биноан ҳаракат қилди. Бир денгиз қирғоғига келгач, у ерда Хизрни топди.⁴ Кўзи ва кўнгли унинг дийдоридан ёришди ва истаган кўп нарсаси у билан бир суҳбатдаёқ ҳосил бўлди. Бир боқиш билан кўп хилъатлар кийди ва ажиб неъматлар тотди. Уларни ҳалигача на бир кўз кўрган, на бир қулоқ эшитган, на бир инсон хаёлига келтирган эди. Ҳа, Мусо (алайҳиссалом) Хизрга ўртоқликни ва унинг суҳбатдоши бўлишни сўради. Ҳали кўрмасиданоқ унга қанчалар ошиқ эди! Буларни кўрганида ва тотганидаги ишқи не ҳол олганини тасаввур қилавер!

Байт:

Сени кўрмасиданоқ бундай ҳолдамиз,

Агар кўринсанг, ҳолимизга вой...

⁴ “Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат (яъни пайғамбарлик) ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик” (*18-сура, 65-оят*).

Хизр (алайҳиссалом) айтди: “Эй Мусо! Қўлга киритганинг шу неъматларга қаноат қил ва ортга қайт. Бизнинг суҳбатлашишимиз таҳликалидир. Аллоҳ асрасин! Бу (сафар)дан сенга бир зарар келиши мумкин”.

Мусо (алайҳиссалом) ишқи ва боғланиши баландлигидан яна ёлворди. Анча пайт бирга айланиб юришди. Денгиз қирғоғида чиройли бир кемани кўришди. Хизр (алайҳиссалом) бу гўзал кемани хароб этди – тешди. Кемани батамом яроқсиз ҳолга келтирди. Мусо (алайҳиссалом):

– Қилган бу ишинг тўғри эмас, чунки бу ҳикмат ва шариятга тескаридир. Адолат мезонига, фазилат, шарият тарозисига тортилмайдиган иш бу, – деди.

Хизр (алайҳиссалом):

– Сен мен билан сафар қилолмайсан демаганмидим, – дегач, Мусо (алайҳиссалом) ўзига келиб:

– Қасамимни ва аҳдимни унутдим. Бу илк гуноҳим, мени кечир, – деди. Хизрга кўп ёлворди, ниҳоят, у чидаёлмай, Мусонинг айбини кечирди.

Орадан анча вақт ўтди. Айланиб юришар экан, бир водийга келиб қолишди. Бу ерда ўйнаб юрганлар орасида ниҳоятда чиройли бир болакайни кўришди. Иккиси ҳам бирданига ҳайрат билан: “Яратувчи Аллоҳ таоло нақадар гўзалдир” (23-сура, 14-оят) дедилар.

Хизр бу болани бошқалардан ажратиб, бошини силаб, кўнглини хушлади, қўлидан тутиб, четга олиб чиқди. Мусо ҳайрон бўлиб, уларни узоқдан кузатиб турарди. “Хизр болакайни қаерга олиб бораётган экан?” – дея ўйлади у. Хизр уни овлоқ бир жойга олиб борди ва бирдан оёқлари остига олиб, уни ўлдирди. Мусо (алайҳиссалом) ғазаб билан:

– Шундай гуноҳсиз ва маъсум болани ўлдиришинг тўғрими?!⁵ – деб бақирди.

Хизр (алайҳиссалом):

– Сен менга йўлдош бўлолмайсан; қилган ишларимга чидаёлмайсан, ортингга қайт демаганмидим, – дегач, Мусо ўзига келиб айтди:

– Хато қилдим, паришонхотирлигим ғолиб келди.

– Ҳамиша ишларимни инкор қиляпсан, сўнг хато қилдим, дейсан.

Мусо (алайҳиссалом):

– Худо ҳақи, бу сафар ҳам кечир, суннатда (кечириш – А.Т.) уч борадир. Агар яна бир бор инкор қилсам, узримни қабул этма, – деди.

Шеър:

*Агар мендан яна бир бор хилоф иш кўрсанг,
ожизлигимга ҳеч марҳамат этма.*

Шундай қилиб, Хизр (алайҳиссалом) иккинчи хатони ҳам бошқа баҳона қабул қилмаслик шарти билан кечирди.

Шундан сўнг яна бир муддат бирга кезишди. Нима бўлди-ю, бу сафар етти-саккиз кун ҳеч бир егулик тополмадилар. Очликдан ўлаёздилар. Маълумки, шарият очдан ўлмаслик учун ўлакка гўштидан ҳам озгина ейишга рухсат беради. Шундай ҳолда бир водийга, катта ва гавжум шаҳарга келишди. Бу шаҳарда хазиналарга эга жуда бой етим болалар яшар, ҳовлиларининг деворлари хароба ҳолда, йиқилай деб қолган эди. Хизр бу деворни тиклади, йиқилган жойларини таъмирлади.⁶ Мусо унинг бу ишини кўриб, уй эгаларидан бир ҳақ, ҳеч курса, егуликлар келишига умид боғлади. Хизр Мусонинг қўлидан тутди ва бу жойдан кетиш кераклигини айтди. Мусонинг сабри тугаган эди. Чидаёлмай:

– Эй Хизр, очликдан силламиз қуриди, шу ҳолингга бошқа биров таъмирлаши мумкин бўлмаган бир деворни тиклаб қўйдинг. Уй эгалари жуда бой. Қилган ишинг эвазига бир неча кун уларниқанда қолиб, куч тўплашимизни, нафас ростлашимизни, ҳеч бўлмаса, бир бурда нон сўрасанг бўлмайдимми? Бу инсофдан эмас, буни ҳеч кимса маъқулламайди, – деди.

– Эй Мусо, мана, учинчи бор хато қилдинг. Энди узринг қабул қилинмайди. Бу ишинг ажралишимизга сабаб бўлди,⁷ – деди Хизр. – Инкор қилганинг уч ишнинг сирини айтсам, мени маъқуллашинг кераклигини англайсан.

Кемани тешганининг боиси бундай: у кема камбағал, мўминлар, яхши инсонларники эди; чиройли бўлгани учун кофирлар уни қўлга киритиб, мусулмонларнинг қалъаларига

⁵ “Бировни (ўлдирмаган) бир бегуноҳ жонни ноҳақ ўлдирдинг-а? Дарҳақиқат, (сен) бузук иш қилдинг!” (18 сура, 74-бем).

⁶ “Сўнг уша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди” (18-сура, 77-оят).

⁷ “У (Хизр) айтди: “Мана шу сен билан менинг ажралишимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (шарҳи)дан огоҳ қилурман” (18-сура, 78-оят).

бостириб бориб, уларни ўлдирмоқчи, асир этмоқчи эканини сир кўзи ила кўрдим. Шу боис кемани тешиб, яроқсиз ҳолга келтирдим.⁸

Болакайни ўлдиришимнинг сабаби эса бундай, болакайнинг ота-онаси мўмин, солиҳ кишилардир. Аммо боланинг жавҳари ёмонлигидан у қабиҳ ишларга қўл урар, ота-онасини дин йўлидан қайтарди.⁹ Ёмонлик ва динсизлик ер юзида камайсин, ота-онаси динсизликдан омонда бўлсин деб уни ўлдирдим. Ахир боғбон ҳам ҳосили кўп яхши шохлар кучайиши учун майда ва кераксизларини кесмайдими?

Етимларнинг йиқилай деб турган деворини таъмирлаганим, эвазига ҳақ сўрамаганимнинг боиси ҳам у боланинг ота-онаси Тангрининг хос ва солиҳ қулларидан бўлишгандир (*18-сура, 80-оят*).

Муфассирлар етимларнинг еттинчи аждодлари солиҳлардан бўлишган деган фикрни илгари суришади. Баъзи олимлар эса: “Уларнинг етмишинчи аждоди солиҳлардан бўлган” дейишади. Хизр каби улуғ зот етим болаларнинг еттинчи ёки етмишинчи аждодига ҳам ҳурмат ва таъзим бажо келтириши, уларнинг фарзандларига оғир ишларини адо этганидан сўнг, ўзи жуда муҳтож ҳолда бўлатуриб, хизмати учун ҳақ сўрамаслиги Аллоҳга яқин, солиҳ бандаларга, уларнинг зурриётларига нечоғлик ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш зарурлигидан бизга катта сабоқ бўлади.

Табриз бозорида бир киши ҳушидан кетган, юзи, соч-соқоли ва кийимлари тупроққа беланиб ётарди. Диндор, катта бир домла ёнидан ўтаркан, сўкиниб, ижирғаниб, юзига тупурди.

Шу куни кечаси Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) тушида кўрди. Пайғамбаримиз ғазаб билан:

– Менга умматлик иддао этасан ва шу туфайли жаннатга киришни умид этяпсан. Мени бозорда афтода бир ҳолда кўрдинг, нега уйингга олиб бормадинг, бошимни силамадинг ва соч-соқолим, юзимга ёпишган ифлосликларни тозаламадинг? Менинг юзимга тупуришга қандай кўнглинг борди? – деди.

Домла ажабланиб:

– Пайғамбаримизга қачон бундай одобсизлик қилдим? – деб сўради.

– Менинг болаларим аслида “мен” эканларини билмасмидинг? Бизнинг болаларимиз бизнинг жигарларимиздир. Агар шундай бўлмаса эди, отанинг мулки ўғлига мерос қолармиди? – деган жавобни олди.

Домла уйғонгач, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ҳайбатларидан титраб, у ҳалиги ҳушсиз ётган одамни қидириб топди. Ўз саройи, мол-мулкининг ярмини унга берди, умрининг охиригача унинг хизматида бўлди.

Шундай қилиб, Хизр (алайҳиссалом) бу уч сирнинг ҳикмати Мусога (алайҳиссалом) тушунтирди ва шу жойда улар хайрлашдилар.¹⁰ Ушбу маънони кучайтириш учун бундай ҳикоя қиладилар: сўфийлик даъво қилган бир кимса бир валийга:

– Улуғ Тангри менда ҳар кун етти марта тажаллий этмоқда, – деди.

Валий зот унга:

– Агар одамгарчилигинг бўлса, Абу Язидни бир бориб кўр, – деди.

Ораларидаги тортишув чўзилиб кетди. Содда сўфий:

– Мен Тангрини бир кунда етмиш марта кўряпман, – деган сайин, иккинчиси ҳам:

– Одамийлик қилиб, Абу Язидни зиёрат қил, – деяверди.

Ниҳоят, бу содда сўфий Абу Язид ҳузурига боришга қарор қилди.

Абу Язид бир ўрмонда эди. Сўфий унинг олдига келаётганини каромат ила билди ва кутиб олиш учун ўрмондан чиқди. Уларнинг мулоқоти ўрмон ёнида бўлиши керак эди. Бироқ сўфий Абу Язиднинг муборак юзини кўргач, чидай олмади. Унинг руҳи тан қолипани бўш ташлаб, бу дунёдан наригисига кўчди.

Энди асосий масалага келайлик: Бу ҳикояда ўрмон – Абу Язиднинг кўнгли ва ўрмондаги дарахтлари унинг ўй-фикрлари, илми ва мақоми эди. Содда сўфий Абу Язиднинг сирини бўлган ўрмонга қандай кира оларди? Шу боис Абу Язид ўрмондан ташқари чиқиб, сўфийга юзланди.

⁸ “Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган (**юрадиган**) мискин-бечораларники эди” (*18-сура, 79-оят*).

⁹ “Ҳалиги боланинг эса ота-оналари мўмин кишилар эдилар. Бас, биз у (**бола**) туғён ва куфр билан уларни қийнаб кўйишдан (**яъни, уларнинг ўз болаларини яхши кўрганлари сабабли диндан чиқиб кетишларидан**) кўрқдик” (*18-сура, 80-оят*).

¹⁰ “Энди бир-биримиздан айриладиган пайт келди” (*18-сура, 77-оят*).

Ақлли инсон болакай билан гаплашар экан, ўз билим ва ақл ўрмонидан чиқади, бола томонга яқин келади ва тушуна олиши учун боланинг ақлига мўлжаллаб гапиреди. Зеро, инсонларга уларнинг ақллари қабул қилишига мослаб сўзлаш лозим.

Содда сўфий Аллоҳ таолонинг тажаллийсини ўз ҳафсаласи ва кучи нисбатида кўрди. Аммо Аллоҳнинг нури ва тажаллийси Абу Язиднинг қабул этган қувват билан унга урилгач, бардош беролмади ва жон таслим қилди.

Жаброилда ҳам Аллоҳ таолонинг тажаллийси бор эди. Балки Жаброил илоҳий тажаллий ичида етишганди. У билан машғул, ундан бошқа иши йўқ эди. Денгиз ичидаги балиқ каби у доимо вуслат дарёси ичида эди. Жаброил (алайҳиссалом) Пайғамбаримизни Меърожга бошлаб борди. Аммо у ҳам ўз мақомига келганида тўхтади ва бир қадам ҳам илгари юролмади. Шунда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) унга:

– Кел! Нега тўхтадинг? – дегач, Жаброил:

– “Бу мақомдан илгарига кетиш сенгагина хосдир. Агар яна бир бармоқ энича олдинга юрсам, ёнаман”, – деб жавоб берди (37-сура, 164-оят).

Шундан сўнг Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) йўлида давом этди ва Қуръонда: “**Унинг кўзи тойилмади, айланмади**” (53-сура, 17-оят), деб марҳамат қилинганидек, Ҳақ таолонинг жамолини ҳеч хатосиз, “бош-кўзи” ила кўрди.

Аллоҳ таоло тажаллийсини ҳар кимса фақат ўз фикр-тушунчасининг қуввати нисбатида кўра олади. Чумолидан тортиб Сулаймонгача – ҳаммасига Аллоҳ таоло ризқ беради. Ҳаммасининг борлиги ва тириклиги тамоман Аллоҳнинг тажаллийси туфайлидир. Аммо бу икки тажаллий орасида фарқ бор. Сулаймонда бўлган тажаллий қаерда-ю, чумолида бўлгани қаерда!

Масалан, бир хўжайиннинг, бири ўн, бири йигирма, бири ўттиз, бири қирқ ва бири эллик ёшдаги беш хизматчиси бор. Булар ҳаммасининг ақли бошида, аммо ақл-тажриба жиҳатидан тенг эмас, албатта, бирида кўп, бирида оз, ёшига қараб, уларнинг кўринишлари ҳам ҳар хил. Хўжайин улардан ҳар бири билан ақли даражасига кўра гаплашади, муомала қилади. Булардан энг кичиги билан худди энг каттаси ва ақллиси билан кўришиб-гаплашганидай муомала қилса, кичиги бечора ҳеч нарса тушунмайди, бунга чидаёлмайди.

Масал:

Эй руҳини дам олдирган киши!

Кийимни инсон танасига ўлчаб бичишади.

Шунга ўхшаш, авлиё ва мўминларга Ҳақ тажаллийси ҳам уларнинг Аллоҳ наздидаги мартабалари нисбатида бўлади. Яъни Аллоҳ нури улар устига тоқат эта билганлари (кўтарганлари – А.Т.) қадарли тушади.

Бир инсон оловга тобланмоқчи ва ундан фойдаланмоқчи бўлса, ўт ёқиб ҳаммомни қиздиради. Ҳаммом воситасида оловнинг вуслатидан фойдаланади. Агар тўғридан-тўғри ўзини оловга отса, эти куйиши, чидамаслиги аниқ. Аллоҳнинг етишган, хос бандалари самандар каби оташ ичида ва балиқ каби сув тубида яшай олишади. Лекин бошқа мўминлар ва ҳақиқат толиблари ҳали бевосита оловдан фойдаланиш қувватига эга эмаслар.

Буни айтишдан мақсадимиз Аллоҳнинг камол касб этган хос бандалари юзини кўриш бевосита Аллоҳ тажаллийсини кўришдан қийин эканини тушунтиришдир. Фақат бу гап “Авлиё Аллоҳдан айри, ғайридир” дегани ҳам эмас. Бундай ўйлаш мутлақо хато ва куфрдир. Бу гап “Авлиёнинг Тангри тажаллийсини кўриш куч-қуввати авомда йўқ” деганидир.

Хуллас, Тангрининг камолга эришган хос бандасини топинг, унинг суҳбати воситаси ила сиз ҳам Тангри тажаллийсини кўра олгайсиз.

**Туркчадан Абдумурод ТИЛАВОВ
таржимаси**



Ақбар РУСТАМОВ

ҲАЖВИЯЛАР

РАДДИЯ

Ёхуд шоир Ёзиқ Ўйламаснинг “Оч биқинга” газетаси устидан раддия бериш ва товон ундириш хусусидаги аризаси

Жаноби прокурор! Сўнги вақтда танқидчилар ўзларига ёқинқирамаган ижодкорлар асарларига қора кўзойнак ортидан қарайдиган бўлиб қолишган. Афсусланарлиси, аниқ муддаоси бўлмаган, бировга атайин лой чаплаб, борлигини кўрсатиш мақсадида қилинган бу ҳаракат биз каби диди нозук, истеъдодли қаламкашларнинг руҳиётига таъсир этмай қолмайди.

Танқидчи Салмон Тераннинг бир қатор маддоҳлар, узр, танқидчилар ҳамда ёзувчилар томонидан ёш истеъдодли шоир сифатида тан олинган камина – Ёзиқ Ўйламас ижодига нисбатан билдирган фикрларини холис деб бўлмайди. Чунончи, у бизнинг “Йўқолган шиппак марсияси” шеъримизни ҳеч қандай юки бўлмаган, бачкана сўзлар жамланмаси, деб атабди. Ушбу хулосага ўзингиз баҳо беришингиз учун шеърдан бир банд ҳавола қиламиз:

*Шиппагимни ўғирлашди бу кун номард ўғрилар,
Ахмақ шиппак ким не деса, шунга қараб йўрғалар.
Худойим ҳам ҳамма ишни манга чаппа тўғрилар,
Ўзинг айтгил, эй шиппагим, энди қайдин топгум сани.*

Танқидчи ҳалигидай фикрга келиш олдидан шеъриётнинг моҳиётини тушунмаган кўринади. Йўқса, шеър грузовой машина эмаски, юк ортқилаб қийнасақ. Ин баъд, юк кўтаришдек оғир иш, латиф деб эътироф этилган нозук назмга тўғри келмаса керак.

Ўртоқ Тераннинг “бачкана сўзлар тизмаси” иборасига келсак, шахсан биз бу эҳод маҳсулимизда ҳеч қандай бачкана, бегона сўз учратмадик. Барчаси ўз тилимизда ишлатиладиган, содда (саёз бўлса-да...), самимий сўзлар. Қайтанга ушбу ашъори жавоҳиримизда йирик ижтимоий фикрни ифодалай олишга журъат этганмизки, бу ҳам – улуғларга хос хислат. Лирик қаҳрамонимиз ожиз, ёрдамга муҳтож, ҳатто йўқолган шиппаги ўрнида кийгулик кавуши ҳам йўқ. Бундай манзара, шахс фожиаси, иккинчи бандда ҳам моҳирона давом эттирилган:

*Нақ бир минг етти юзга олган эдим мен киртидан,
Резинага ўхшар эди кўрсангиз унинг сиртидан.
Бошмалдоғим чиқиб турар мудом майда йиртиғидан,
Ўзинг айтгил, эй шиппагим, энди қайдин топдим сани.*

Танқидчи эса бу ўринда ҳам тирноқ остидан кир қидириб, адабий тил меъёрларига риоя қилмаганимизни рўқач қилибди (“критий рынок” сўзи вазн ва қофия талабига кўра ишлатилганини у қаердан билсин, бозор-ўчарини хотини қилса...). Ва қўшимчасига “Кутилмаган учрашув” сарлавҳали шеъримиздан ҳам мисол келтирибди.

*Келар эдим райондан,
Кўриб лол қолдим бирдан.
Қаршимда бир гўзал қиз,
У турар эди ёлғиз.
Мен аста тўсдим йўлин,
Ва ушлаб олдим қўлин...*

Нима, қадимда адабий тил қондасига риоя қилишганми? Айримлар ҳар бир шеърда ўн-ўн бешталаб форсчаю арабча сўзлар ишлатган. Қолаверса, “район” сўзи ҳозирги муқобили “туман”дан фарқли ўлароқ маълум ҳудуд маркази маъносини ҳам ифодалаяптики, бу менинг сўзни ўз ўрнида қўллай олиш маҳоратимдан далолат! Лирик қаҳрамон ҳам танқидчи айтганидек, дуч келган қизнинг йўлини тўсадиган шилқим, беандиша йигит эмас. У – чин ошиқ. Шу боис ишқ жунбишида илк марта кўраётган қизнинг қўлидан ушласа ушлабди-да.

Энди масаланинг асосий қисмига ўтсак. Салмон Теран мақоласи хотимасида биз сингари истеъдодсиз шоир-ёзувчилар кўпаяётганлиги, ҳатто улар китоб нашр эттиришга жазм қилишаётгани-ю, бунда айрим акашонларнинг ёзган сўзбоши ва “оқ йўл”лари қўл келаётганини айтиб ўтибди. Бу – ғирт тухмат.

Биринчидан, камина ўзини адабиётдан у қадар йироқ деб ҳисобламайди. Негаки, шу чоққача кўпми, камми ҳартугул уч-тўртта китобим чиқди. Улар баланд оғайниларимизнинг шарофати билан мактабу корхоналарда ўз ўқувчисини топди. Газеталарда айрим танқидчи улфатларимизнинг ижобий тақризи босилди. Энди дўконларда қолиб кетаётган китобларимизга келсак, бу ўқувчилар савияси бизнинг асаримиз даражасида ривожланмаганлигига боғлиқ.

Хуллас, танқидчи Салмон Тераннинг фикрларида бир грамм ҳам объективлик йўқ. Мақсади бировни дўппослаш, юзига лой чаплаш бўлса, майли, ўзи ҳам бир кун китоб ёзар...

Муҳтарам, прокурор жаноблари!

Биз ичи қурум босган танқидчи Салмон Теран ва нуқул тухматдан иборат тақризни чоп этган газета устидан арз қиялпмиз. Адолат қарор топади, деган умиддамиз.

Алқисса, “Оч биқинга” таҳририётидан ўн миллиён сўм маънавий зарар ундириб беришингизни ва кечирим сўраб раддия эълон қилиши тўғрисида қарор чиқаришингизни сўраймиз. Боз устига жиноий иш қўзғатиб, Салмон Теранга ўн йил срок берасиз.

Токи, бундайлар ўйлаб қўлига қалам олсин. Акс ҳолда қўрқитпти, деб ўйламанг-у, машҳур адвокат Ишқамба Тўймасовични ёллаб, таҳририёт ва сизнинг ҳам устингиздан юқори органлар, халқаро ташкилотларгача мурожаат қиламан.

КЕЛИШУВ

Қобил гаи хуноб бўлди. Мана, соат ўн бирга қараб боряптики, бирорта ҳайдовчи қоида бузгани йўқ. Аксига олиб, бугун институтда ўқийдиган ўглининг имтиҳони бор. Пешинга комиссия учун “обед пули”ни олиб кетишга келишишганди. Қани энди бирор ҳайдовчи палакат босиб тезликни оширса ёки “перегруз” қилса-ю, шофёр: “Кечирасиз, акажон”, деб техпаспортнинг ичига ...

Оч қоринга овқат ҳақида ўйлаш ёқимли бўлганидек, Қобилвой ҳам шу ўйлар таъсирида тамшаниб қўйди. Кейин эса диққатликдан у ёқ-бу ёққа юриди, чекди, йўлга орқасини ўгириб, киши сезмайдиган қилиб бир қултум “анавин”дан ютди...

Ниҳоят, узоқдан машина қораси кўринди. Қобилвой қўлини соябон қилиб уловнинг маркасини аниқ кўрди-да, хотини ўғил туққандек, қувониб кетди: “Ест, “Запарожец”. Машина яқинлашгач, хуштак чалиб, таёғи билан йўл четини кўрсатди.

Назоратчи кўп йиллик тажрибасидан яхши билади: кўримли машинадан фойда йўқ. Унақаларнинг ё ўзи катта бўлади, ёки катталардан таниши бор. Агар билиб-билмай шулардан бирортасини тўхтатиб қўйса, куни бошлиқнинг хонасида ҳисоб бериш билан ўтади.

– Обл гаидан Қобил гаи, – назоратчи ҳайдовчига эҳтиром кўрсатди. – Хужжатларингиз!

Ғаладондан олиб берилган қоғозларни синчиклаб варақлаган назоратчи, ўзи “ахтарган” нарсани тополмади шекилли, хўмрайиб сўз қотди:

– Қоида буздингиз, ака, баённома тузамиз. Тезликни оширдингиз.

– Э-е, бошлиқ, ахир, минг уринганда ҳам бу машина олтмишдан ошмайди-ю, – деди ҳайдовчи ҳайрон бўлиб.

– Бошни қотирманг, барибир қоида бузгансиз. Ҳеч бўлмаса... Ҳа, дарвоқе, машинангиз эски “Запорожец” экан. Бунақаларнинг эколўгияни қанчалик заҳарлашини биласизми ўзи?

Қобил гаи билимдонлик қилгани сайин, суҳбатдошининг шамани тезда илғамаслиги-ю, бефаросатлигидан сиқилиб борарди.

“Ҳе, ўл-а, – деди ичида. – Одамни шунча гапиртиргандан кўра, киссага тўрт-беш сўм тиқиб кет. Нима қиласан, мени ҳам, ўзингни ҳам овора қилиб?”

Шунда ҳайдовчи бармоқлари билан чўнтагидан ниманидир излаётганини кўриб, қувониб кетди. Аммо чўнтақдан кутгани эмас, рўмолча чиққанини кўргач, ҳафсаласи пир бўлди.

“Иўқ, энди ростдан ҳам протокол тузишга тўғри келади, – ўзича аҳд қилди назоратчи, – лоақал бошлиқларга ҳалол ходим эканлигини шу орқали кўрсатади...”

Шу аҳд билан Қобил гаи қоғозни қоралай кетди ва қоғоғини солган кўйи варақни машина эгаси томон сурди:

– Ўқиб, қўл қўйинг!

– И-е, бошлиқ, саводдан ҳам бор экан-ку! Фамилиям Замбуров эмас, Зокиров!..

Ҳайдовчи пичингидан сесканиб кетди. Шундай бўлса-да, вазиятдан чиқишга уриниб, дўқ аралаш сўз қотди:

– Саводим билан нима ишингиз бор? Шошганда бўлади-да. Беринг, тузатай.

Назоратчи ҳайдовчи фамилиясини тузатгандек бўлди.

– Э-э, яшанг! – Баённомани кўлига оларкан “Запорожец” эгаси ўзини тўхтатолмай кулиб юборди. – Бир сўзнинг ичидаги ҳарфларни жойига қўёлмайсиз-у, кўчада тартибни қандай эплейсиз. Назоратчилик гувоҳномасини қандай олгансиз? Баённомани сиз менга эмас, мен сизга тўлдиришим керак экан. Ҳа, майли. Мана, айнан имзонгиз турибди. Шу ҳам етар. Бошлиқингиз олдида яхшигина далил бўлади. Сўрайлик-чи, саводсиз кишиларни масъул вазифага қўйиш тўғримиқан?!

Суҳбатдоши сўзларини ҳазилга йўйиб турган Қобил гаи аҳвол жиддийлигини тушунди. Қоғозни қайтариб олиш учун аввалига сиёсат қилиб кўрди. Бўлмади. Илтимосга ўтди. Фойдаси йўқ. Охири ялинишга ўтди.

– Илтимос, акажон. Бошлиққа борманг! Бола-чақамнинг ризқи қийилади-я. Ўзи яқинда бир хўкизимни сотиб, ишга қайта тиклангандим. Илтимос...

Ниҳоят, узоқ музокаралардан сўнг келишиб олишди. Унга кўра, акт қоғози ҳайдовчида турадиган, назоратчи эса бундан буён уни йўлда қай ҳолда кўрса ҳам, кўрмаганга оладиган ва ... имлони яхшилаб ўрганадиган бўлди.

